

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ

Ўқитувчилар учун қўлланма

unicef 

ҲУРМАТЛИ ПЕДАГОГЛАР!

Сизга тақдим этилаётган ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида амалга оширилаётган Глобал таълим лойиҳаси тадбиқ этилаётган таянч умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчиларига, қолаверса, барча педагог ходимларга мўлжалланган оммабоп қўлланмадир.

Мазкур китоб профессор Д. Селби бошчилигидаги Торонто Глобал таълим халқаро университети мутахассисларининг материаллари асосида яратилган.

Қўлланмада Глобал таълим дастурининг асосий гоялари ёритиб берилган ва янги педагогик технологиялар ёрдамида машғулотларни ташкил этишнинг турли усул ва йўналишлари тавсия этилган. Улар педагогик жараёни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, асосан ўқувчиларнинг шахсий қобилиятлари, имкониятлари ва эҳтиёжларининг инobatга олиниши ҳамда ўқитувчининг маънавий, маданий, илмий дунёқарашининг кенгайтирилиши билан амалга оширилади.


Қўлланмани тайёрлашда иштирок этганларга, жумладан, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонасига ва профессор Д. Селби бошчилигидаги гуруҳ мутахассисларига миннатдорчилик билдирамыз.

Ушбу қўлланма ўқув жараёнига инновацион технологияларни жорий қилишингизда, шу билан бирга республикамыз мактабларида таълим сифатини янада яхшилашингизда сизга амалий ёрдам беради деган умиддамыз.



Т.И. Джураев

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири



ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ: XXI АСР УЧУН МУНОСИБ ТАЪЛИМ

ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСИБЛИГИ ВА БОЛАГА НИСБАТАН ДЎСТОНАЛИКНИ ОШИРИШ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (UNICEF) ҳозирги кунда бир неча халқаро декларация ва конвенциялар, хусусан, 1989 йилги Бола Ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, 1990 йилги Болалар масалалари бўйича жаҳон саммити декларацияси, 1990 йилги Барча учун таълим Жомтъен декларацияси томонидан мустақамланиб кўйилган таълим олишни асосий ҳуқуқ сифатида эътироф этади. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири таълим олишни ҳуқуқ сифатида эътироф этади ва уларга қўл қўйган давлатлар барча болаларга бу ҳуқуқни таъминлаб беришлари шарт. UNICEFнинг Яқин Шарқ ва Шимолий Америка бўйича минтақавий бўлими (MENARO) барча болаларни мактабга жалб этиш, уларни мактабга доимий равишда боришларини таъминлаш, тобора мураккаблашиб бораётган ижтимоий муҳитда ўз имкониятларидан фойдалана олишлари учун болалар мактабда керакли билим ва кўникмаларни олишлари тарафдоридир. UNICEF таълим стратегиясининг асосий мақсади 2005-2010 йиллар ичида глобал бошланғич таълимга эришишдир. Яқин Шарқ ва Шимолий Америка (MENA) минтақасида таълим олиш имкониятини ривожлантириш, иштирок этишга кўмаклашиш, барча болалар, айниқса қиз болалар бошланғич таълим олиш сифатини (расмий ва норасмий) ошириш устувор йўналиш ҳисобланади.¹

1970-80 ва 1990 йиллар бошларида ўқувчиларнинг ўқишга киришлари мисли кўрилмаган даражада ошиб кетди. Бу эса баъзи Араб ҳукуматларини таълим сифатининг жиддий пасайиши ҳақида хавотирланишларига сабаб бўлди. Тез орада бу хавотирлар бежиз эмаслиги аён бўлди. Чунки иккинчи

йилга қолиш ва ўқишни ташлаш ҳолларининг кўпайиши умумий таълим даражасидан норозилик айнан шу муаммонинг аломатлари эди. 1994 йил Коҳира шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, илм-фан ва маданият бўйича ташкилоти (UNESCO) доирасида бўлиб ўтган араб мамлакатлари таълим вазирларининг учрашуви чоғида иштирокчилар минтақада тобора ёмонлашиб бораётган таълим сифати ҳақида хавотирда эканликларини билдирдилар, шунингдек UNICEF ва бошқа ташкилотлар бу масалани кўриб чиқишни ваъда қилдилар. Кейинги музокаралар таълим вазирлари ҳамда кўп томонлама ва икки томонлама агентликларни араб давлатларининг таълим тизимини қайта тиклаш учун биргаликда ишлашга ундади.

UNICEF муносиб жавоб бера олиш имкониятига эга эди. UNICEF Бош қароргоҳи Яқин Шарқ ва Шимолий Америка минтақавий бўлими ўзаро фикр алмашишдан сўнг 1992 йилда минтақавий даражада сифат ва мослик ҳақида муҳокамапар бошланди. 1993 йилда эса "Глобал таълим ташаббуси" деб номланган янги дастур бошланди. Торонто Университетидаги глобал таълим халқаро институтининг техник ёрдами ҳамда узоқни кўра биладиган икки араб таълим вазирларининг қўллаб-қувватлаши натижасида Йордания ва Ливанда дастурлар бошланади. Бу ташаббуснинг асосий мазмуни бир вақтнинг ўзида болалар таълим олишида муҳим ҳисобланган барча элементларни ўз ичига олган ва таълим олиш жараёнига маъно ва мазмун киритадиган, арзон ҳамда мақсадга мувофиқ ҳаракатларни амалга оширишдир. Ўқишни ташлашлар сонини камайтириш учун умумтаълим бошланғич ва ўрта мактабларида анъанавий усуллар асосида таълим олаётган болалар ва ўз ишига қизиқишсиз қарайдиган ўқитувчиларни фаолликка ундаш керак.

Бошланишда миллий вакиллар ҳамда UNICEF ходимлари томонидан танқидга учраган, 6 йил

¹ Фан доктори Фрэнк Далл томонидан ёзилган, UNICEF MENARO

давомида минтақадаги бир қанча мамлакатларда синалган MENA глобал таълим ташаббуси натижалар бермоқда. Ёрдамчи ҳисобланган мақсадлардан бири – болаларга таълим олиш учун дўстона муҳит яратиш ҳозирда замонавий таълим усулларини таълим олиш жараёнида қўллаётган кўплаб мактабларда тадбиқ этилган кўринадиди. Таълим беришнинг анъанавий усулидан воз кечиш, кўпроқ мулоқотга асосланган услубдан фойдаланаётган ўқитувчилар болаларнинг ўзаро гуруҳларда мулоқот қилишини ва фикр алмашишларини рағбатлантирувчи, марказида бола турадиган таълим олиш муҳитини бошқариш қанчалик осон эканлигининг гувоҳи бўлмоқдалар. Бола ва инсон ҳуқуқлари ўқув дастурининг ажралмас қисми ҳисобланади, дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида болалар ва ўқитувчилар бир-бирларини ҳурмат қилишга чақирилади. Бағрикенглик, ўзаро тушуниш, ҳамкорлик, диний ва ирқий фарқларни тўғри тушуниш таълим олиш жараёнининг ажралмас қисми бўла олади, бир пайтлар тартибсизлик ва можаро ҳукм сургани бир ерда уйғунлик ва алоқа ўрнатишга хизмат қилади. Болалар ва ўқитувчилар уруш, тинчлик, атроф-муҳит, қашшоқлик, бойлик, ОИТС, инсон ҳуқуқлари ва соғлом ҳаёт тарзи каби мавзулар юзасидан кенгроқ фикр юритишга, сўнг маҳаллий даражада амалга оширишга даъват этилади. Ҳар қандай фаолиятга, ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак элементлари тадбиқ этилади. Ҳаётни уддалай олиш учун керакли кўникма, қобилият ва билимларни эгаллашга алоҳида эътибор берилади. Бу таълимни асосий мақсади ўрганиш учун ўрганиш ва муаммоларни ечишни ўрганиш ҳисобланади.

Таълим олиш жараёнини ислоҳ қилиш ривожланиш даражасидан қатъий назар ҳар қандай жамият олдида турган масаладир. Ривожланмаган, ривожланаётган, ўтиш шароитидаги ва ривожланган давлатлар олдида илм олиш жараёнини ўзгаришларга мойил қилиш масаласи туради. Агар болаларимиз тобора ўзгариб бораётган жамиятда керакли кўникмалар билан рақобат қилиш, пул ишлаш ва яшаш учун курашишларини хоҳласак, илм олиш мазмунан мос ва тезкор жараёнга айлантирилиши керак. Ўқиш, ёзиш ва арифметик кўникмалар келажакдаги муваффақият учун ўта муҳим ҳисобланади. Компьютерда ишлаш олиш, паспорт олиш учун мурожаат этиш, истеъмол моллари устидаги ёрлиқларни ўқиш, барча назарий билим ва маълумотларни танқидий танлаш жараёнида қўллаш бизнинг ҳаётимиз сифатини белгилаб беради.

Ҳозирги кунда Яқин Шарқ ва Шимолий Америка минтақасида, Африка, Осиё ва АҚШда ўз ичига танлов қилишни оладиган, демократизациялаш деб аталувчи жараён орқали фуқаролар жамият ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишлари учун керакли билимларни яратиб, кучайтириб, қўллаб-қувватлаб келмоқда, яхши танлов эса барча мавжуд вариантларни билган ҳолда амалга оширилади. Демократизациялаш нафақат танқидий қабул қилинадиган феъл-атвор ва билимларни ўтказиш бўлибгина қолмайди. Шундай қобилият ва кўникмаларга эга бўлиш кераки, улар жамиятда қарор қабул қилиш жараёнида иштирок эта олсин. Бу ҳуқуқни ҳақиқий демократия ўз фуқароларига таълим орқали беради.

Глобал таълим ташаббуси Жазоир, Иордания, Ливан, Уммон, Сирия, ғарбий Соҳил ва Газа Секторида давом этаётган таълим ислоҳотларининг муҳим қисми ҳисобланади. Ироқ ҳам бу ташаббусга киритилишини илтимос қилди, лекин Форс кўрфазидидаги урушдан кейинги танглик таълим ислоҳотини амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Ливия ва Судан ҳам бу ташаббусга қизиқиш билдирди, лекин ислоҳотларни амалга ошириш учун керакли маблағ ва иш кучини жалб этгани йўқ. Ливан ва Иорданияда икки арзон дастур шуни кўрсатдики, мазмун ва услуб, ўқитувчининг синфдаги ўрнини ўзгартиришга қаратилган чуқур ўйланган ҳаракатлар муҳим ўзгаришларга олиб келмоқда. Буни кўрган бошқа давлат ҳукуматлари ва таълим муассасалари ўзлари учун керакли хулосаларни қилмоқдалар.

Глобал таълим ислоҳотлари билим олишни кўпроқ мулоқот ва машқларга асосланган жараёнга айлантириб, ўқитувчиларни эса ўз ўқитиш услуби устида ишлашга ундайди.

Яқин Шарқ ва Шимолий Америка минтақаси ўқитувчилари учун анча қийин бўлган ўзгариш шуки, улар билимларни қабул қилишни таъминлаш вазифасини бажариш ўрнига қизиқарли билим олиш муҳитини ярата оладиган бошқарувчиларига айланишлари керак. Дарс жараёнига саҳна кўринишлари, ўйинлар, биринчи навбатда ўрганувчига қаратилган машқларнинг киритилиши расмий, юқоридан пастга қаратилган билим олиш муҳитига ўрганиш қолган ўқитувчилар орасида хурсандчилик ва кўрқув ҳиссини тундирмоқда. Билим олиш маданиятига жаҳон таълим услублари тадбиқ этилган кўплаб мактабларда малакани ошириш ва қўшимча тушунтириш ишлари олиб борилиши керак. Глобал таълим ўқитувчилардан талаб қилинаётган ўзгаришлар мактаб бошқаруви даражасида ҳал қилиниши учун мактаб директорининг бошқарув ва назорат қилиш вазифалари батафсил кўриб чиқилиши зарур. Ўқитувчилар дарс вақтини қандай сарфлаши, маблағ талаб қилиши, ёрдам олишга ўзгартиришлар киритилиши, албатта, мактабнинг маҳаллий, туман ва вазирлик даражасидаги бошқарувига ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Ҳозирги кунда бизнинг олдимизда турган энг катта муаммо синф миқёсида бошланган ислоҳотларнинг энг юқори бошқарув поғоналарига етиб бориб, миллий таълим тизимини ривожлантиришга тўғаноқ эмас, балки шерик бўлишини таъминлашдир. Чунки охир-оқибат лойиҳаларимизнинг мустаҳкамлиги бошқарув ислоҳотларининг қандай амалга оширилганлигига боғлиқ. Яқин Шарқ ва Шимолий Америка минтақасидаги кўпгина давлатлардаги камчилик бу давлат ва шахсий таълим муассасаларининг яхши бошқарилмаслигидир.

Глобал таълим ташаббусининг мўътадил, лекин мустаҳкам муваффақияти, қисман унинг соддалиги, бошқа томондан ортиқча ҳаражатларсиз тадбиқ этилган 6 поғонали ўзгариш жараёни билан боғлиқ. Бу жараён, ислоҳот албатта қиммат, узоқ вақтли, таълим вазирлигининг дастур ишлаб чиқиш марказидаги мутахассислар томонидан яратилиши шарт эмас,

деган фараздан бошланади. Глобал таълим жараёни болалар айна пайтда дарсда ўрганаётган билимлар билан бошланади ва ўзгариш, ислохот жараёни ўз ичига барча иштирок этувчи томонларни олади. Бу олти поғона қуйидагилардир:

- Глобал таълим асосий жамоаси тузилиб, унга ўқитувчилар, мактаб директорлари, маҳаллий таълим бўлимлари вакиллари ва бошқа қизиққан гуруҳлар таклиф этилди. Бу гуруҳга нимани ва нима учун ўзгартирилиши кераклигини аниқлаш вазифаси юклатилган. Ливанда таълим учун кўплаб жамоат ва диний ташкилотлар жавоб берганлиги сабабли ушбу гуруҳ вакиллари асосий жамоа сифатида жалб этилган, чунки юзага келадиган ўзгаришлар кенгроқ сиёсий ва диний бирлик натижаси бўлиши керак. Таълим мазмун моҳияти, услублари келишилгач, уларни қандай қилиб ўқув дастурига тадбиқ этиш ҳақидаги техник масалалар кўриб чиқилади. Бунда асосий жамоанинг муҳим вазифаларидан бири нимани сақлаб қолиб, нимадан воз кечиш кераклигини аниқлашдир.

- Ўқув дастурини ўзгартириш жараёнини амалга ошириш учун техник кўмита тузилади. Икки муваффақиятли ёндашув лозим деб топилган. Биринчи ёндашув жаҳон таълим назария ва амалиётини, умумжаҳон масалалар ва кенг муаммоларни, ўқув дастурини ишлаб чиқишга жалб этиб, бу орқали мавжуд анъанавий фанлар бўйича ўзаро боғлиқ ва тезкор ҳолда билим беришдир. Иккинчи ёндашув жаҳон таълим маълумотлари, кўникмалари ва қарашларини анъанавий фанларга киритиб, фанлар алоҳида ўқитиладиган ўқув дастури тузилишини бузмаслиқдир; бунда бошқа дастур томонларига боғлиқликка эътибор берилиб, ҳар бир фан алоҳида кўриб чиқилади. Сўнг техник кўмитага ўқув дастурига, бошланғич икки-уч йил учун, бутун бошланғич таълим жараёни учун, ёки бошқа давр учун материал ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

- Кейинги қадам - глобал таълим материалларини жойларда синаш мақсадида бир нечта мактабларни танлаш. Синов ўтказилиб, керакли тузатишлар киритилгандан сўнг, ўша жойнинг ўзида кейинги босқичда иштирок этадиган мактаблар учун етарли ўқув материаллари тайёрланади. Глобал таълим жараёнининг бошланғич даври учун қишлоқ, шаҳар ва шаҳар типидagi аҳоли яшайдиган жойлардан 40 – 50та мактаб танлаб олинади. Бу биринчи босқичда фаол иштирок этадиган ўқитувчи ва мактаб директорларининг малакаси оширилиб, янги услуб ва материалларни аввал бир нечта синф, сўнг бутун мактаб миқёсида қўллаш илтимос қилинади. Бу босқичда глобал таълим услублари ва мазмуни билан таниш бўлган мутахассисларнинг техник ёрдами ва бошқаруви керак бўлади. Шунингдек, бу давр мобайнида, қадамма-қадам

давом этувчи жараёнда кейинчалик ўзлари мураббий бўлишлари учун, танланган ўқитувчиларга қўшимча йўл-йўриқ берилади.

- Ўн икки – ўн саккиз ойдан сўнг бу босқичда иштирок этувчи мактаб ва ўқитувчилар баҳоланиб, бутун дастурга тузатишлар киритилади. Бунда ички баҳолаш ўрнига ташқи баҳолаш ўтказилиши керак, чунки глобал таълим ислохотларини умумдавлат миқёсида давом эттириш ёки давом эттирмаслик ҳақида муҳим қарор қабул қилинади.

- Ислохотни умумдавлат миқёсида давом эттириш учун дастур ишлаб чиқилади ва тадбиқ этилади. Маблағ ва бошқа масалалар охириги босқич бошланишидан аввал кўриб чиқилган бўлиши керак.

- Дастурни давлат миқёсида тадбиқ этиш ва малакани ошириш босқичларида, миллий ислохотларнинг бориши кузатилиб баҳоланиши, материал, услуб ва ёрдамчи хизматларга зарур бўлганича ўзгартиришлар киритилиши керак.

Глобал таълим жараёни сифат ва мазмунан мосликка алоҳида эътибор берган ҳолда, бола учун дўстона мактаб муҳитини яратиш учун ўз ичига барча муҳим таркибий қисмларни олади. Ўқитувчилар ўқиш ва ўрганишга бўлган ёндашув ва услубларини қайта кўриб чиқишга даъват этилади, малакаси оширилмаган ёки малакаси паст бўлган ўқитувчиларнинг малакаси оширилиши мумкин. Эскирган ва ҳақиқатдан узоқ бўлган ўқув дастури замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолга келтирилади. Мактаб директорлари ва таълим бошқармалари ходимлари синфдаги жараёнларга кўпроқ эътибор беришлари керак, чунки глобал таълим жараёнини уларнинг қўллаб-қувватлашисиз амалга ошириш қийин. Таълим соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқишда жамоат иштироки қўллаб-қувватланмаса ҳам ота-оналар, фуқаролик жамияти муассасалари, қизиқиш билдирган диний ва бошқа гуруҳлар бу жараёнда фаол иштирок этишлари керак.

Ҳозирги кунда Яқин Шарқ ва Шимолий Америка минтақаси олдида давлат даражасида ижтимоий ўзгаришларга олиб келиши мумкин бўлган бу каби демократик жараёнларни кучайтириш муаммоси турибди. Бундай ташаббуслар расмий XIX асрдан қолиб кетган таълим муҳитини Араб дунёсининг техник кўникмаларга эга ва дунё ютуқларидан хабардор бўлган кадрларга бўлган эҳтиёжини қондира оладиган ихчам жараёнга айланттиришга ёрдам беради. Миллий ривожланиш ва иқтисодий муваффақиятга эришиш учун таълим соҳасидаги ислохотлар дунёдаги билим ва информацион инқилоб ютуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак, чунки бу ютуқлар ҳозирги кунда бизнес ва савдо-сотиқ қандай олиб борилишини белгилаб бермоқда.

ТАЪЛИМ ЭХТИЁЖЛАРИ, ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Бошланғич таълим: Барча учун таълим жаҳон декларацияси

Тайланднинг Жомтъен шаҳрида 1990 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Барча учун таълим жаҳон конференциясида бошланғич таълим эҳтиёжларининг аҳамияти ҳақидаги тасаввурларнинг қайта кўриб чиқиши таъкидлаб ўтилди. Ўсиб бораётган қарзлар миқдори, давлатлар ичида ва ўртасидаги иқтисодий тенгсизлик ёмонлашиб бораётган атроф-муҳит муаммолари ғояларини илгари суришда тўсиқ бўлаётганини, бошланғич таълимнинг ўзи бу муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда, иштирокчилар барча учун таълимни “кенгроқ тасаввур” қилишга даъват этдилар.

Бошланғич таълим тор, минимализм тушунчаларининг эҳтиёжлари ҳисобланган саводхонлик, миқдорий фикрлаш ва маълум миқдордаги яшаш учун курашиш кўникмалари ўрнига мустаҳкам, максималист тушунчаларга эга ва шахсни тез ўзгарувчан ва ўзаро боғлиқ дунёда ўз ўрнини топиши учун керакли кўникмалар берувчи кенг тасаввур билан алмаштирилди.¹

Барча учун таълим жаҳон декларациясининг 1-моддаси бошланғич таълимнинг исталган натижалари ва чегараларини белгилаб беради. Асосий талаблар бу саводхонлик, миқдорий фикрлаш қобилияти, муаммоларни ечиш ва ўз-ўзини оғзаки ифода этиш ҳамда “инсонни яшаши, ўз қобилиятларини ривожлантириши, ўз кадр-қимматини сақлаб яшаши ва ишлаши, ривожланишда тўла иштирок этиши, ўз ҳаётининг сифатини ошириши, қарор қабул қилиши ва билим олишни давом эттириши” учун керак бўладиган билимлар, кўникмалар ва қарашлардир. Таълим эҳтиёжлари қондирилган давлатлар умумий маданий, лингвистик ва маънавий меросни ҳурмат қилиш ва барпо этиш, бошқаларга таълим олиш имкониятини яратиш, одил жамият ғояларини суриш, атроф-муҳит ҳимоясига эришиш, ижтимоий, сиёсий, диний фарқларга нисбатан сабрли бўлиш, инсоний фазилатлар ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилинишини таъминлаш ҳамда ўзаро боғлиқ дунёда халқаро тинчлик ва ҳамжиҳатлик томон ишлаш мажбуриятларини олган ҳисобланадилар. Моддада келтирилишича, бошланғич таълим, шунингдек, “умумий маданий ва маънавий бойликларнинг биридан иккинчисига ўтишини” ва “ҳаёт давомида билим олиш ва инсон ривожланишини”² таъминлаши лозим.

Декларация шунингдек бошланғич таълимнинг кенг тасаввури, таълимга эришиш имкониятларини ўрганиш муҳитини яхшилаш орқали кенгайтиришини таъкидлаб ўтади. Миқдор сифат билан алмаштирилиши керак. Бошланғич таълим илқ ва самимий шароитда ишлаши мумкин, ҳамда “ўқувчилар ўз ички имкониятларини амалга оширишларини таъминлаш учун фаол иштирок ёндашувлари қимматли ҳисобланади”. Агар биз турли

ўрганиш усулларни афзал кўрадиган ва турли эҳтиёжлари бор ўқувчиларнинг ўз ички имкониятларини амалга оширишларини хоҳласак, турли ўқитиш услубларини қабул қилишимиз лозим.³

Миллий, минтақавий ва халқаро даражада турли уюшма ва ташкилотлар тузиш ғоясини бутун жамият миқёсида бирлашган таълим тизимини таъминлаш учун тарқатиш декларациянинг яна бир белгиси ҳисобланади. Бундай бирликка эришишга қаратилган ҳаракатлар ўз ичига болалар ва катталар таълимини ўзаро кучайтирувчи дастур ва ташаббусларни (расмий ва норасмий), шунингдек, имконият даражасида, барча оммавий ахборот воситаларини олади. “Ҳақиқий шерикчилик, бошланғич таълим дастурларининг ишлаб чиқишида, тадбиқ этилишида, бошқарилишида ва баҳоланишида ёрдам беради.”⁴

Таълим олиш ҳуқуқи: Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция

Барча учун таълим декларациясида ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияда кўрсатилган болаларнинг билим олиш ҳуқуқларини ифодалаш учун эҳтиёжларга асосланган терминологиядан фойдаланилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Конвенция унга қўл қўйган давлатларни бошланғич таълимни ва “замонавий таълим услублари”ни барча учун мажбурий ва текин қилиб қўйиши шарт (20 модда). Конвенциянинг 29-моддаси давлатларни болалар таълимини қуйидаги мақсадларга қаратишга чақиради, хусусан:

- Ўзига хос шахсият, талант, жисмоний ва маънавий қобилиятларни имкони борича ривожлантириш
- Асосий ҳақ-ҳуқуқлар ва инсон ҳуқуқларига ҳурматни ривожлантириш
- Болада ўз маданияти ва бошқа маданиятларга нисбатан ҳурматни шакллантириш
- Болани “озод жамиятдаги масъулиятли ҳаётга, ўзаро тушуниш, тинчлик, чидамлилиқ, аёллар ва эркаклар тенглиги ва барча одамлар ўртасида дўстлик” руҳида тарбиялаш
- Атроф-муҳитга нисбатан ҳурматни шакллантириш

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун Конвенция давлатларни “болаларга турли миллий ва халқаро манбалардан маълумот ва материал олишга имконият” таъминлаб беришга даъват этади (17- модда).

Конвенциянинг таълим соҳасидаги қоидалари (28- ва 29-моддалар) таълимнинг мазмуни ва уни етказиб беришда муҳим масалаларни назарда тутди. Ушбу қоидалар таълим мазмуни борасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунишни шакллантиришда дастурлараро масалалар ва мавзуларни (инсон ҳуқуқлари бўйича таълим); маданиятларга нисбатан ҳурматни (маданий таълим); тенглик, тинчлик,

¹ Дэвид Селби, “Барча учун таълим жаҳон декларацияси ва Жаҳон конференциясининг UNICEFнинг умумжамон таълим соҳасидаги фаолияти учун оқибатлари: мулоҳаза ва тавсиялар”, UNICEF котибияти томонидан тасдиқланган иш (Нью Йорк, 9 Август, 1990).

² Барча учун Таълим Жаҳон Декларацияси ва Бошланғич Таълим Эҳтиёжларини қондириш учун Фаолият Дастури. Барча учун Таълим Жаҳон Конференцияси. Жомтъен, Тайланд, 5-9 март 1990 йил, 1 модда.

³ ўша жойда, 2-7 моддалар.

⁴ ўша жойда, 5 ва 7 моддалар.

ижтимоий адолатга содиқликни (ривожланиш, тинчлик ва камситишга қарши таълим); атроф-муҳитга нисбатан ғамхўрликни (табиат бўйича таълим) қўллаб-қувватлайди. Таълимни етказиб бериш борасида 28-ва 29-моддаларда таълим мулоқотга асосланган, ўрганувчига йўналтирилган, демократик, қувноқ бўлиши кераклигини; таълим жараёни ва синфдаги муҳит, инсон ҳуқуқларига ҳурмат, маданий ва бошқа фарқларга сабрлилик, тинчликсеварлик, ҳамкорлик ғояларини мисол қила олиши зарурлиги айtilган. Ҳар бир боланинг имкониятларини ривожлантиришга содиқлик таълим хилма-хиллигини таъминлайди. Болалар турлича билим оладилар, уларнинг ички имкониятлари очилиши учун ўқитишда ранг-баранг ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади.

Конвенциянинг 2-моддаси ҳеч қандай истисносиз давлатларни болаларга ушбу Конвенцияда кўрсатилган ҳақ-ҳуқуқларни ҳеч қандай камситишсиз таъминлаб беришга чакиради. 29-моддада кўрсатилган ҳар бир боланинг таълим олишга ҳуқуқи билан бирга таълим хилма-хиллигини таъминламаслик ва турли таълим эҳтиёжларини қондира олмаслик камситиш ҳисобланади.

Конвенцияни болаларнинг иштирок этиш ҳуқуқи тўғрисидаги қисмлари ҳам синфдаги муҳитни яратиш ва таълим жараёнини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Ўз фикрини ифода этиш қобилиятига эга болаларнинг “ўзига тегишли барча масалаларда бу фикрларни очик ифода этиш” ҳуқуқи таъминланиши керак (12-модда). Болалар “ўзларини мустақил ифода этиш ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ шунингдек турли маълумот ва фикрларни оғзаки, ёзма, чизиш, ёки бола хоҳлаган бошқа воситалар орқали қидириш, қабул қилиш, маълум қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади” (13-модда). Бундай иштирок этиш ҳуқуқи Конвенциянинг таълимга бағишланган моддалари билан бирга мулоқот муҳокама, турли фикрлар, нуқтаи назар каби хусусиятларга эга очик, демократик таълим муҳитини яратишга ёрдам бериши керак. Бизнинг олдимизда турган масала “болага нисбатан дўстона мактаб”¹ доирасида “кичик планета учун дўстона синф”² ни яратишдир.

Муаммо

Ушбу тасаввур ҳақиқий муаммоси бу Барча учун таълим жаҳон декларациясида ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда кўрсатилган мақсадларни амалга оширишга ёрдам берадиган аниқ дастурларни тадбиқ этишдир. Маблағ етишмовчилиги, паст сифатли синф муҳитлари, тўлиб кетган ва яхши жиҳозланмаган мактаблар, кам ойлик оладиган ёки малакаси ётарли бўлмаган ўқитувчилар, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларида ва дастур ишлаб чиқишда анъанавий усуллардан фойдаланиш, ота-оналар ва жамиятнинг мактаб фаолиятида иштирок этмаслиги шароитида бу кенг тасаввурни қандай қилиб ҳаётга тадбиқ этамиз?

Бу масала мазмунли ўқув дастури ва тезкор ўқитиш услубининг ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилишини, самарали ва арзон ўқиш манбалари яратилишини, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва ўз касбига содиқлигини оширишни, ота-она ва жамият аъзоларини ўқитиш ва мактаб-жамият шерикчилигини яратишни, ўзгаришларнинг ўқувчиларга, ўқитувчиларга ва мактабларга бўлган таъсирини ўрганишни, ўзгаришнинг бошланғич нуқтасидан барча босқичларига нисбатан ишонч ҳиссини вужудга келтиришни талаб қиладиган кўп қиррали масала ҳисобланади.

Ушбу китоб умумжаҳон таълимнинг назария ва амалиётини кўриб чиқади ва шуни алоҳида таъкидлаб ўтадики, умумжаҳон таълими синф машқларининг тақдими орқали Жомтъенда ишлаб чиқилган бошланғич таълимнинг кенг тасаввурига хос турли масалаларни амалга оширишда ёрдам беради.

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ: XXI АСР УЧУН МУНОСИБ ТАЪЛИМ

Глобал таълимнинг тўрт ўлчовли модели

“Глобал таълим” ибораси яқинда пайдо бўлган бўлса ҳам³, охириги аср давомида таълим соҳасига анча таъсир кўрсатиб, икки таълимот назарияси ва амалиётини бирлаштириб келган. Биринчиси “дунё даражасида фикрлаш”⁴ деб аталиб, “бир жаҳон” ғоясига содиқлик ва алоҳида давлатларнинг манфаатларини бутун жаҳон эҳтиёжлари нуқтаи назаридан кўришни билдиради. Таъкидланишича, жаҳондаги воқеа ва ҳодисаларнинг йўналишини тушунадиган, бошқа маданият, дин ва дунёқарашга эга инсонларга нисбатан чидамплик ва ҳурмат билан қарайдиган ёш фуқароларни тарбиялашда таълимнинг ўз ўрни бор. Бундай қарашлар урушлар орасида йиллар давомида вужудга келиб, 1945 йилда UNESCO ташкилотининг вужудга келишига катта таъсир кўрсатган.⁵ Иккинчи йўналиш “болаларга йўналтирилганлик” бўлиб, ундан ҳам узоқ келиб чиқиш тарихига эга ва кўпплаб давлатлардан машҳур таълим арбоблари: Джон Дьюви, Фридрих Фробел, Мария Монтеessori, А. С. Нейл ва Лев Толстой ва бошқалар эътиборини тортган.⁶ Бу йўналишнинг асосий ғояси болалар ўзлари ўрганиб кашфиёт қилиши ва уларга бетакрор ғоя ва тушунчалар, тажриба ва иқтидорга эга шахс сифатида мурожаат этганда, улар энг яхши таълим оладилар. Бу икки йўналиш ҳозирги ўзаро боғлиқ дунёда замонавий таълимнинг муҳим таркибий қисимлари эканлигини жаҳон таълим ходимлари эътироф этади. Дунё даражасида фикрлаш энди ортиқча ҳашамат эмас, балки янги асрда ҳаётни сақлаб қолиш учун зарурият ҳисобланади. Турли қарашлар ва фикрларга дуч келиш, ўз-ўзини чуқурроқ тушунишни вужудга келтиради; ўзини-ўзи кашф этиш дунё миқёсида амалий ўзгаришларнинг бошланишида кескин аҳамият касб этади.

¹ “Болага нисбатан дўстона мактаб” тушунчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияга Швеция Элчиси Томас Хаммерберг томонидан илгари сурилади (кўринг Teri Lore, ed., “Final report of the First Regional Conference on Global Education, Beirut, Lebanon, 3-6 July 1995”, (Таълим тадқиқотлари ва Ривожланиш миллий маркази, UNICEF, Бейрут, ва UNICEF MENARO, 1995), 8-6er). Шунингдек, Хаммербернинг тайёрлаган ишини кўринг “The significance of the UN Convention on the Rights of the Child for modern education policy: a school for children with rights” (23 октябрь, 1997)

² Бу ибора Прицилла Прутцман (Priscilla Prutzman) ва бошқалар томонидан ёзилган китоби “Кичик планета учун дўстона синф” (Friendly Classroom for a Small Planet) номидан олинган. (New Jersey: Avery, 1978).

³ “Глобал таълим” ибораси Америкада 1960 йилларда пайдо бўлган. Шунга ўхшаш “жаҳон таълимоти” деб номланган ҳаракат 1970 йилларда Буюк Британияда бошланган.

⁴ Robin Richardson, “The world studies story: projects, people, places”, Prep Talk (newsletter of the Peace Education Project, Peace Pledge Union), No. 8 (1985), pp. 4-16.

⁵ Derek Heater, *Peace through Education: The Contribution of the Council for Education in World Citizenship* (London: Falmer Press, 1984), pp. 10-12.

⁶ John Lawson and Harold Silver, *A Social History of Education in England* (London: Methuen, 1973), pp. 353-356 and 397-401; and John P. Miller, *The Holistic Curriculum* (Toronto: OISE Press, 1988), pp. 64-67.

Глобал таълим моделини яратишда¹ бу икки йўналишни замонавий тизимлар назарияси ичра жойлаштириб, ўзаро алоқалар ҳамма нарсани белгилаб беришини таъкидлаган олим, файласуф ва диний лидерлар гоёларидан фойдаландик: бирон нарсани тўлиқ тушуниш учун алоҳида атом, инсон ёки давлатни эмас, балки улар боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисаларни ўрганиш лозим. Бу тўрт ўлчовли модель (1-расмга қаранг) бизнинг кўп қиррали ва ўзаро боғлиқ бутунжаҳон назария ва амалиётини бирлаштиришга қаратилган ҳаракатларимизни ифода этади.

1-РАСМ ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚ ЭЛЕМЕНТЛАРИ



Фазовий компонент ўзаро боғлиқликнинг марказий тушунчаларига йўналтирилган. Экологик миқёсда бу ўлчов сайёраимиздаги барча мавжудотлар эволюцияси ва ҳаётини тартибга солиб турадиган табиатимиз айланмаси ва тизимлари билан боғлиқ. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий миқёсда, ҳар доим ҳолис ва одил алоқалар бўлмаса ҳам, бутун инсониятни бирлаштириб турувчи маҳсулот, одамлар ва маълумотларнинг ҳаракати назарда тутилади. Шахс даражасида бу ўлчов руҳий, ҳиссий, жисмоний ва маънавий хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратади. Ўқувчилар боғлиқликни ҳар хил миқёсда, яъни шахсдан дунё даражасигача, ҳозирги кун ва келажак ҳаётига таъсир этишини тушунишлари керак. Бундан ташқари ўқувчиларга турли поғоналар ўртасидаги боғлиқликни тушунтириш керак. Мисол учун, дунёдаги ҳукуматлар қабул қилган сиёсий қарор қандай қилиб уларнинг хотиржамлигига таъсир кўрсатишини, ёки жаҳондаги атроф-муҳит аҳволига инсон фаолияти ва маҳаллий экотизимлардаги ўзгаришлар қандай таъсир кўрсатишини тушунтириш керак. Жаҳон ва маҳаллий томонлар жой спектрининг қарама-қарши томонлари сифатида эмас, балки доимий ва фаол муносабатда бўладиган соҳалар сифатида ўрганилиши керак.

Ўқувчилар ўзаро боғлиқ муносабатларни англаб етишлари учун улар тизим хусусиятлари ва у қандай қилиб ишлашини тушунишлари керак. Ушбу компонентнинг танқидга учрайдиган бир томони мавжуд, яъни фанларнинг аналитик ва мантиқий фикрлаш кўникмаларига ва ягона тўғри жавобни топишга бўлинганлиги ёки яхши бўлинмаган воқеликка келганда ўқувчиларни тайёргарлиги етарли эмаслигини кўрсатиб беради. Воқелик эса фақат ижодий ва ҳар томонлама фикрлаш орқали кўпгина қарашлар ва альтернатив ечимларнинг мавжудлигидан иборат. Шунинг учун қандай қилиб ўқиш ва ўрганишни ташкил қилиш, тизимлар ўртасидаги алоқаларни тушунишга

олиб келиши мумкинлигини дастурдан ташқари ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Муаммо компоненти учта асосий фикрдан иборат. Биринчиси, ҳар қандай ўқув дастури ўқувчилар ҳаёти учун ўринли ва мос турли поғоналардаги (маҳаллий даражадан дунё даражасигача) масалаларни қамраб олиши керак. Бундай масалаларга иқтисодий ва сиёсий ривожланиш, атроф-муҳит, жинслар ва ирқлар ўртасидаги муносабатлар, соғлиқ, тинчлик ва низоларни ҳал этиш, ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятлар киради. Ўқувчиларнинг ақлий ва ҳиссий ривожланишини инobatга олган ҳолда бу масалалар дастур давомида барча синф ўқувчилари билан кўриб чиқилиши мумкин; бу бўлимнинг кейинги қисмларида баъзи бир мисоллар келтирилган. Иккинчидан, муаммоларнинг ўзи ҳам ўзаро боғлиқ равишда кўриб чиқилиши керак. Атроф-муҳит билан боғлиқ ўрмонларнинг камайиши ёки сувнинг ифлосланиши масалалари, ўз ичида ривожланиш, соғлиқ, тенглик, низо ва ҳуқуқ томонларни мужассамлаштирганлиги аниқ; ўқувчиларни бу боғлиқлик томонларини аниқлашга чақириш орқали чегараланган фикрлашнинг олди олинади. Учинчидан, ўқувчиларга уларнинг маълум масала бўйича фикри кўплаб қарашлардан бири эканлигини тушунтириш керак. Турли маданий, ижтимоий ва гоёвий қарашларнинг мавжудлиги узокни кўзлаб, танлаб қарор қабул қилиш имкониятини беради. Ўзининг қарашларидан тубдан фарқ қиладиган қарашларни учратиш оқибатда ўз фикрларини қайта кўриб чиқиб, уларни ўзгариштиришга олиб келиши мумкин. Бу эса тез ва доимий ўзгариб турадиган дунёда керакли жараён. Ушбу муаммо компоненти ўқув дастурининг қайта кўриб чиқилишини таклиф этади. Чунки юқоридаги уч фикр келажакдаги муаммоларга ўқувчилар муносиб ечим топа олишлари учун зарур эканлигини тасдиқламоқда.

*Вақт компоненти*да вақт паллалари доимий ҳаракатда ва мулоқотда эканлиги марказий гоё ҳисобланади. Тарих давомида ёзувчилар, донишмандлар ва диний раҳнамолар ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак бир-бирига чамбарчас боғлиқ даврлар эканлигини таъкидлашган. Бизнинг ҳозирги кундаги фикрларимиз ва ҳаракатларимиз фақат ўтмишдаги тажрибаларимиз оқибатида эмас, балки келажакка умидларимиз ва мақсадларимиз натижасида вужудга келади. Анъанавий мактабларда давр кетма-кетлиги ўтмиш (тарих дарсларида ўқитилади) ва ҳозирги кунга (асосан ижтимоий фанлар орқали ўқитилади) бўлинган, келажак эса бу кетма-кетликда умуман йўқ. Бизнинг фикримизча, дастурдаги ҳар қандай мавзу ёки фанни чуқур тушунишда ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакни биргаликда кўриб чиқиш аҳамиятли ҳисобланади.

Бундан ташқари ўқувчиларга дастур давомида келажакни тасаввур қилишга кўпроқ имконият бериб, келажакнинг эҳтимоли бўлган барча шаклларига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Жумладан, булар эҳтимол бўлиши мумкин бўлган келажак (ҳозирги кундаги вазият давом этиши натижасида келадиган келажак), шартли келажак (маълум шарт-шароитлар ўзгарганда ёки маълум фикр, дунёқарашлар кенгрок тарқалсагина келадиган келажак), биз истаган келажак

¹ Тўрт-ўлчовли модел ҳақида қўшимча маълумотни куйидаги манбадан олинганлиги мумкин: Graham Pike and David Selby, *Reconnecting: From National to Global Curriculum* (Godalming: World Wide Fund for Nature, UK, 1995), pp. 4-21.

(Ўқувчилар ўзлари шахсан истаган келажак). Бундай альтернатив кўринишларни кўз олдига келтира оладиган ўқувчилар ўзининг шахсий ҳаёти ва бутун сайёрамиз келажagini ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилишга тайёр бўладилар. Ўқувчилар исталган келажакка эришиш учун шахсий, глобал даражада қандай ҳаракатлар амалга ошириш кераклигини аниқлай оладилар. Ўқувчилар ҳаётига ва яшаш муҳитига қаратилган ҳаракатлар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда кўрсатилган иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлашда ва масъулиятли фуқароларни тарбиялашда муҳим асос ҳисобланади.

Моделимиз марказида *ички компонент* жойлашган. Глобал таълим бу икки кўшимча йўл орқали сафардир. Ташқи дунёга қилган сафарлари ўзлари яшаётган дунёни яхшироқ тушунишларига, ички дунёга қилган саёҳат ўзларини ва ўз имкониятларини тушунишга олиб келади. Иккала сафар ҳам ўз имкониятларини ишга солишга, ўзаро боғлиқ ва тез ўзгарувчи жаҳонда ижтимоий масъулиятли вазифаларни бажаришга тайёрлайди. Тўғри келадиган таълим муҳитида иккала сафарни ҳам бирданга олиб бориш мумкин: танлаш имкониятига эга, келажакни кўра биладиган ва глобал масалаларни тушунадиган ўқувчилар ўз қарашлари, қадриятларини сўроқ қилади. Шахсий ривожланиш дунё масалаларидан хабардор бўлиш билан ёнма-ён юради. Бу маънода глобал таълим ўзини-ўзи глобал даражада кашф этишни ва бутунжаҳон жамиятини кашф этишни англатади.

Агар биз ўқувчиларнинг бу иккала сафарини ҳам муваффақиятли амалга оширишларини хоҳласак, ўргатиш ва ўрганиш жараёни ва ўқув дастури таркиби диққат билан кўриб чиқиши керак. Деярли барча синфларда топиш мумкин бўлган турли таълим эҳтиёжларини қондириш учун ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳиссини вужудга келтириш, гуруҳларда ишлаш ва турли машқлар, сахна кўринишлари, яққол намоён қилиш усуллари ва анъанавий ёндашувларни бирлаштирган, бой ва ранг-баранг таълим услубларидан фойдаланиш керак. Ўқувчилар иштирокини қўллаб-қувватлайдиган усулларни тез-тез ишлатиб туриш демократик, тенгликка асосланган инсоний муҳит яратилишига олиб келади. Бу каби усулларни амалиётда қўллаш натижасида глобал синфда уйғунликка эришилади: ҳамкорлик, ҳамдардлик, одиллик, ҳурмат ва тинчлик ғоялари нафақат тарғиб қилинади, балки шундай муҳитда яшаш имконияти туғилади.

Глобал таълимни тадбиқ этиш стратегиялари

Юқорида таъкидлаб ўтилган тўрт компонентнинг ишлаб чиқиши ҳозир мактаблардаги мавжуд усулларни бутунлай ўзгартириш ёки янги бир дастур учун асос қилиб олиш мақсадини қўймаган. Бу модель замонавий таълимнинг қанчалик талабга жавоб бериши ва ислохотлар эътибор бериш керак бўлган нуқталарни аниқлашга ёрдам бериш вазифасини қўйган. Расмий таълимнинг баъзи мақсадлари ўз муҳимлигини сақлаб қолган. Саводхонлик ва миқдорий

фикрлаш қобилияти, шахсий ва ижтимоий кўникмалар, замонавий технологиядан фойдалана олиш жамиятда муваффақиятли иштирок этишнинг дастлабки шарт ҳисобланади. Ижтимоий, аниқ фанлар ва филология фанларидан олинадиган билимлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин биз мустақкам таълимнинг тамал тошлари ҳисобланган билим ва кўникмаларни олишни такомиллаштириб, глобал таълим дастури орқали самарали, одил ва мосроқ қилишни таклиф қилмоқдамиз. Глобал таълим дастури анъанавий мактабларда йўқ, ўқувчиларни бу мураккаб жаҳон тизимида ўз ўрнини топадиган, одил ва мақбул жамият яратишга ўз ҳиссасини қўшадиган қилиб тарбиялашга қаратилган услубларни таклиф этади. Бу унсурлар, Барча учун таълим жаҳон декларациясида таъкидланишича, янги аср бошидаги таълим "асосларини" ташкил этади.

Глобал таълимни тадбиқ этиш шунингдек бир-бирини тўлдириб турадиган, икки кўшимча жараёндан иборат. Биринчиси филтрлашни, яъни мактаблардаги мавжуд амалиётнинг жаҳондаги охириги йўналишлар ва ўқувчиларнинг кейинги эҳтиёжларига қанчалик мос келишини қайта кўриб чиқишни назарда тутати. Баъзи амалиётлар ўз аҳамиятини сақлаб қолса, бошқалари эскирган ёки зарур эмас деб топилиб, уларга камроқ эътибор берилади. Иккинчиси бойитиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, глобал таълим ғоялари ва ёндашувларининг янги ишлаб чиқилган дастурларга тадбиқ этилишини назарда тутати. Баъзи ҳолларда кўшимча қараш ва фаолиятлар тўлалигича жорий этилиши мумкин; бошқа ҳолларда янги йўналишларга эътиборни қаратиш учун, мавжуд амалиёт қайта кўриб чиқилиб, шакллантирилиши мумкин. Бу икки жараён тезкор ва давом этувчи жараён бўлиб, глобал таълимда ўзгариш ва янгиланиш жараёни доимий ҳисобланади. Тадбиқ этиш жараёнига ёрдам бериш учун қуйидаги жадвал келтирилган (1-жадвал). Тўрт ўлчовнинг ҳар бири остида билим, кўникмалар ва муносабатлар жиҳатидан глобал таълимнинг асосий таркибий қисмлари кўрсатилган. Рўйхатни давом эттириш мумкин. Устунлар ичра ва устунлар орасида бир-бирини тўлдириб турадиган фикрлар кўп, баъзи ғоялар бирдан кўп жойда кўрсатилиши мумкин. Жадвал глобал таълимнинг аҳамиятини кўрсатиш учун ишлаб чиқилган бўлиб, таълим соҳасига осонликча ва самарали тадбиқ этилиши мумкин.

Глобал таълимнинг асосий таркибий қисмларини тадбиқ этиш, дастурни ўрганиш ва ўқитиш услубларини ислохот қилиш икки йўлда амалга оширилиши мумкин – тўлдириш ёки бирлаштириш орқали. Тўлдириш деганда мос келадиган глобал таълим билимлари, кўникмалари ва муносабатларини мавжуд ўқув дастури фанлари ва мавзуларига тубдан ўзгартирмасдан қўшиш тушунилади. Бу "Қандай қилиб ўқув дастурини ўқувчилар ҳаётига мослигини ошириш мумкин?" деган саволга қонуний жавоб ҳисобланади. Интеграцион жараёнларда эса кўшимча етакчи савол сўралади: "Қандай қилиб ўқув дастурини яратиш орқали, ҳозирги дунё моделини яратишда яқиндан иштирок этиш мумкин?" Бу саволларга жавоб бериш учун билим олиш, кўникмаларни ва қарашларни дарс жараёнида ривожланиш йўллари қайта кўриб чиқиши керак.

1-ЖАДВАЛ. ГЛОБАЛ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИНИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ

	Асосий фикрлар	Билим	Кўникмалар	Муносабат
Фазовий компонент	Ўзаро алоқадорлик Ўзаро боғлиқлик Маҳаллий ва глобал Тизимлар	*Маҳаллий/глобал алоқалар *Глобал тизимлар *Табиат ва тизимнинг ишлаши *Билим соҳалари ўртасидаги боғлиқликлар *Инсонлар ва барча жонзодларнинг умумий эҳтиёжлари *Ўзини бир бутун сифатида англаш ҳақида	*Нисбий фикрлаш (алоқаларни кўриш) *Тизимий фикрлаш (тизимдаги ўзгариш таъсирининг аҳамиятини англаш) *Инсонлар ўртасидаги муносабатлар *Ҳамкорлик	*Ўзгаришларга ўрганувчанлик *Бошқалардан ўрганиш ва ўргатиш истаги *Умумий фойдани кўзлаш *Бошқа одамлар ва уларнинг муаммолари билан бирдамлик
Муаммо ёки турли масалалар компоненти	Шажраларо, маҳаллий ва глобал масалалар Масалалар орасидаги боғлиқлик Масалалар юзасидан қарашлар Умумий ахлоқий кадриятлар	*Ўта муҳим масалалар (маҳаллийдан глобал даражагача) *Масалалар, воқеалар ва йўналишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик *Масала юзасидан турли қарашлар *Қарашларнинг шаклланиши ҳақида	*Тадқиқ қилиш *Маълумотни тақдим этиш, тартибга келтириш ва баҳолаш *Таҳлил йўналишлари *Шахсий мулоҳаза ва қарор қабул қилиш	*Глобал вазият, масалалар ва йўналишлар билан қизиқиш *Бошқа қарашларни қабул қилиш ва ўрганиш *Бошқа маданиятлар ва одамларга ҳурмат ва ҳамдардлик *Инсоний фазилатларни қабул қилиш (инсон ҳуқуқлари)
Вақт компоненти	Вақт паллалари доимий ҳаракатда Альтернатив келажак Фаол фуқаролик Ўзгариш	*Утмиш, ҳозирги кун ва келажак ўртасидаги алоқа *Турли келажак бўлиши мумкинлиги, хусусан эҳтимолий, шартли ва исталган келажак *Барқарор ривожланиш *Маҳаллий даражадан глобал даражагача фаолият юритиш имконияти ҳақида	*Ўзгариш ва ноаниқликни удралай олиш *Тарғибот ва башорат қилиш *Ижодий ва кўп томонлама фикрлаш *Муаммоларни ечиш *Масалани ечишга шахсан киришиш	*Ноаниқликка чидамлик *Узоқ муддатли оқибатларни инobatга олишга тайёр бўлиш *Таҳмин ва тасаввурни ишлатишга тайёр бўлиш *Шахсан ва шафқатли ҳаракат қилишга содиқлик
Ички компоненти	Ички дунёга саёҳат Ўз-ўзини англаш Инсон ички имкониятлари Шахсий ўсиш	*Ўзи ҳақида (шахсияти, имкониятлари, кучли ва кучсиз томонлари) *Ўзининг дунёқараши, кадриятлари ва фикри *Тарғибот ва амалиётнинг номутаносиблиги ҳақида	*Шахсий таҳлил *Шахсий ўсиш (руҳий, ақлий, жисмоний ва маънавий) *Турли йўллар билан ўрганиш қобилияти	*Ўз имкониятларига ишонч *Билим олиш бутун ҳаёт буйлаб давом этади *Ҳақиқийлик: ҳақиқий инсонни тақдим этиш *Ишонч

Бошқа моделларни яратиш мақсадида танланган мавзу атрофида икки-уч фанни бирлаштириш ёки Глобал таълим қарашлари билан фанларни тўлдириш мумкин. Шундай экан куйидаги моделлар кетма-кетлигининг бошида ёки охирида жойлашиши мумкин.

Тўлдириш

Ўқув дастуридаги анъанавий фанларни глобал таълим билимлари, кўникмалари ва қарашлари билан тўлдиришнинг кўплаб йўллари мавжуд. Ўзининг энг содда кўринишида (2-расм), фанлар алоҳида ўргатилганлиги учун тўлдириш ўқув дастури тузилишига таъсир кўрсатмайди. Лекин ўқувчиларда интеграция тушунчасини вужудга келтириш учун дастурнинг бошқа нуқталарига боғлиқликка алоҳида эътибор берилади.

РАСМ 1-2. АЛОҲИДА ФАНЛАРНИНГ ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ БИЛАН ТЎЛДИРИЛИШИ



Афзалликлари

- Мавжуд ўқув дастурини қайтадан ишлаб чиқиш ёки китоб ва синф материалларини ташлаб юбсришга ҳожат йўқ (лекин ўқитувчиларнинг қўлланмалари қайта кўриб чиқилиши керак).
- Дарс жадвалини ёки ўқувчи ва ота-оналарнинг ўқув дастуридан умидларини ўзгартириш керак эмас.
- Хоҳлаган даражада алоҳида ўқитувчилар томонидан тадбиқ этилиши мумкин; гуруҳ шаклида режалаштириш ва умумий мақсадлар бўлиши шарт эмас.

Камчиликлари

- Глобал таълим ғояларига мос келмайдиган билимлар бўлиб тақдим этилади.
- Ўқувчиларга ўқув дастуридаги фанлар ва ўргатилаётган мавзулар ўртасидаги боғлиқликни тушунтириш имконияти йўқотилади.
- Глобал таълим қисм-қисм шаклида тадбиқ этилиши мумкин.

Глобал таълимни тўлдириш орқали тадбиқ этиш: баъзи мисоллар Тиллар (араб тили ва иккинчи тил)

- Тинчлик ва низо, одиллик, севги, ҳуқуқ ва мажбуриятлар каби глобал масалаларни ўрганиш учун адабиётдан фойдаланиш
- Ўқувчиларга шахсий муносабатлар, қарашлар, қадриятлар ва турли фикрлар мавжудлигини тушунтириш

- Саҳна кўринишлари орқали муомала ва ҳамдардлик кўникмаларини ўрганиш
- Турли жаҳон маданиятлари вакиллари томонидан ёзилган шеър, спектакль, роман ва ҳикояларни ўқиш
- Кутубхона китоб ва дарсликларидан олдиндан бирон бир фикрга эга бўлиш ва маълумотларни нотўғри қилиб кўрсатишга мисоллар қидириш
- Қатор газета ва телекўрсатувларни асосий маъно ва қадриятларни аниқлаш мақсадида солиштириш
- Ўз маданияти ва бошқа маданиятларда новербал мулоқотнинг аҳамиятини ва маданиятлараро тушунмовчиликларни кўриш учун саҳна машқларини бажариш
- Мулоқот, музокара ва савол сўраш кўникмаларини ривожлантириш учун гуруҳ муҳокамаларини ўтказиш
- Оғзаки ва ёзма тақдимот кўникмаларини ривожлантириш учун жамоат арбоблари ва сиёсатчилар билан муҳим маҳаллий ва глобал масалалар юзасидан учрашиш

Математика

- Ҳақиқий ҳаёт статистикасини ишлатиш (мактаб, маҳаллий, миллий, минтақавий ёки халқаро манбалардан)
- Аҳоли, иқтисодий ўсиш, табиий ресурслар бўйича маҳаллий, минтақавий ёки халқаро статистикадан фойдаланиб, экстраполяция, режалаштириш ва олдиндан кўра билишни ўрганиш
- Коммуникация соҳасидаги энг йирик ўзгаришларни графикда белгилаш орқали технологик ўзгаришларнинг ошиб борувчи тезлигини ҳисоблаш

- Турли маданиятлардан олинган ҳисоблаш тизимлари ва усулларини ўрганиш
- Ислом ва бошқа маданиятлардаги санъат ва дизайн орқали геометрик шакллارни кўриб чиқиш
- Мактаб ва уйдаги умумий сув ва электр қувватининг сарфланишини ҳисоблаш, сўнг иқтисод усулларини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва тежаш миқдорини аниқлаш
- Оддий овқатларнинг озиқа қиймати ва нархини ҳисоблаб, бир ҳафталик соғлом ва арзон овқатлар рўйхатини тайёрлаш
- Даражали ўсиш тушунчасини жаҳон аҳолиси маълумотлари орқали ўрганиш
- Танланган мамлакатлар учун турли статистик манбалардан фойдаланиб, "ҳаёт сифати" кўрсаткичларини тайёрлаш
- Мактаб майдонини ривожлантириш учун бюджет ва вақт чегаралари бўйича альтернатив таклифлар бериш

Табиий фанлар

- Маҳаллий экотизимлар, айланма тизимлар ва озиқ-овқат занжирларини, экологик қонуниятларни яхшироқ тушуниш учун кўриб чиқиш
- Атмосфера ва сув ифлосланишининг кимёси ҳамда тозалаш мосламаларининг фойдаси ва нархларини ўрганиш
- Инсон ва бошқа жонзодларнинг соғлиги, экотизимларга табиий ресурсларни қазиб олишнинг таъсирини ўрганиш
- Электр қувватини ишлаб чиқишнинг альтернатив йўллариининг афзалликлари ва камчиликлари.
- Сув насоси ва шамол тегирмони моделини ясаш
- Табиатдаги сув айланиш тизимини яққол намоён қилиш
- Тарих давомида Араб ва бошқа маданиятларнинг, аёллар ва этник камчиликни ташкил этувчи гуруҳларнинг фан ва техника ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш
- Технологиянинг замонавий ҳаётдаги ва келажақдаги ролини ўрганиш
- Нотўғри овқатланишнинг ва гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилишнинг инсон соғлигига бўлган таъсирини кўриб чиқиш
- Глобал иситиш ва озон қатламини камайишининг турли жонзодлар ва улар истиқомат қиладиган жойларга таъсири

Ижтимоий фанлар

- Истиқомат қилиш жойларидаги ижтимоий ўзгаришларни ўрганиш ва оила ҳаёти, иш ва дам олиш йўналишларини олдиндан билиш
- Араб ва бошқа цивилизацияларнинг муваффақиятлари ва камчиликни ташкил этадиган гуруҳларнинг ва туб аҳолининг ҳаёт тарзи ва муваффақиятларини ўрганиш
- Турли жаҳон харитаси тасвирларини солиштириб, уларнинг асл маъносини ўрганиш
- Миллий демографик йўналишларни ҳисобга олиб, иқтисодий, ижтимоий ва табиат ўзгаришларини башорат қилиш
- Инсон ҳуқуқларининг асосий тушунчаларини синф ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўпламини яратиш ва қўллаш орқали ўрганиш
- Тенгдошлар ва гуруҳ ўртакашлик усулларини мактаб ва синфдаги низоларни ҳал қилишда қўллаш
- Урушларнинг қиска муддатли ва узоқ муддатли психологик, ижтимоий ва табиатга бўлган таъсири ва оқибатлари
- Ўқувчиларга тахминларга асосланиб фикрлашни тушунтириш, расизм ва сексизм, камситишнинг бошқа турларида ўзига ишончни кучайтириш
- Ўзлари яшаб турган жойда руҳий ва жисмоний мажруҳлар ҳаётининг сифатини оширишга қаратилган фаолият олиб бориш
- Турли ўйинлар орқали барқарор ривожланиш, аҳоли ва бойликнинг тақсимланиши, тиббий ёрдам ва аёллар роли каби йирик глобал масалаларни кўриб чиқиш

Интеграция

Ушбу ёндашув доирасида асосий шартлардан бири шуки, таълим жараёни ҳаётни акс эттириши ва ундан ҳам муҳимроғи, ҳаётга тадбиқ этилиши мумкин бўлиши керак. Ёндашув ҳар қандай мавзу ёки фаннинг тўлиқ маъносини унга боғлиқ бошқа жараённи синчиклаб ўрганиш орқали аниқлаш мумкин деган тушунчага асосланган. Шунинг учун ўқув дастури кенг мавзулар ва масалалар атрофида тузилиши керак. Бу мавзулар орқали анъанавий фанларнинг билим ва кўникмалари ўзаро боғлиқ шаклда ўқитилади. 3-расмда кўрсатилганидек, ҳар бир фаннинг алоҳида кўникмалари ҳам муҳим, лекин улар умумий мавзу атрофида бўлганлиги учун билим олиш имкониятлари кўпаяди (бир бутун парчаларнинг бирлашувидан каттарок ҳисобланади). 3-расмдаги доира барча фанларни қамраб олиш учун кенгайтирилиши мумкин. Ушбу ёндашувнинг икки мисоли мактаб дастурида топиш мумкин мавзулар атрофида бирлаштириб келтирилади (одатда тегишли фанлар қавс ичида кўрсатилган бўлади).

РАСМ 1-3. ГЛОБАЛ ТАЪЛИМНИНГ БАРЧА ФАНЛАРГА ИНТЕГРАЦИЯСИ



Афзалликлари

- Ўқувчилар масалалар ва феномен ўртасидаги ҳақиқий алоқаларни тушунишга даъват этилади
- Турли фанларнинг ягона мавзу бўйича алоқаси орқали янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши учун мавжуд имкониятлар ошади
- Глобал таълимнинг дастурлараро, умумий тадбиқ этилиши таъминланади
- Ушбу ёндашув болаларга нисбатан дўстона ҳисобланади; чунки Глобал таълимда ўқитувчи алоҳида фан ўқитувчиси эмас, балки боланинг ўқитувчиси бўлиб фаолият кўрсатади.

Камчиликлари

- Янги фанларни ишлаб чиқиш ва керакли материалларни тўплаш учун вақт ва бунёдкор ҳаракат керак бўлади.
- Ушбу вариантдан мустақил ишлаётган фан мутахассислари фойдалана олмайдилар; юқори даражада коллегиялик ва умумий қараш керак бўлади.
- Бу ёндашув мавжуд ўқув дастуридан қутилган натижаларга барча поғоналарда зид бўлиши мумкин (вазирлик, мактаб туманида, ота-оналар ва ўқувчилар).

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМНИ ИНТЕГРАЦИЯ ОРҚАЛИ ТАДБИҚ ЭТИШ

Технология

- Инсон ривожланишида технологиянинг ўрнини тадқиқ этиш ва технологияни ишлатиш ошишини график орқали ифодалаш (тарих, математика)
- Ҳар кунги ҳаётда технологиянинг ишлатилишини кўриб чиқиш ва пул, вақт, соғлиқ ва ҳавфсизлик томонларидан фойдасини ҳисоблаш (математика, ижтимоий фанлар)
- Автомобиллар, кимёвий ўғитлар ёки қуроллар мисолида технологик ривожланишнинг экологик, соғлиқ ва ижтимоий нархларини ҳисоблаб, арзонроқ кўринишларини аниқлаш (тарих, аниқ фанлар, ижтимоий фанлар)
- Ядровий қуроллар каби ўта ифлослантирувчи ва бузғунчи технологияларга ахлоқий ва диний қарашларнинг муносабати (Ислом дини, араб тили ва адабиёти, ижтимоий фанлар)
- Муваффақиятга эга бўлган тегишли ўқув мисоллари ва оралиқ технологик ташаббусларни кўриб чиқиш (география, табиий фанлар)
- Қайта тикланадиган ресурсларни ишлатадиган содда моделларни ишлаб чиқиш ва ясаш

- Автомобиль, электр уй жиҳозлари ва телевизорлар каби оддий механик воситаларнинг ишлашини тушуниш ва содда тузатиш ишларини бажариш (табиий фанлар)
- Замонавий технологиянинг мусиқага таъсирини ўрганиш (мусиқа)
- Технологияни ишлатиш ва синф, этник келиб чиқиш, жинс, жисмоний ва руҳий камчиликли инсонлар ўртасидаги алоқани кўриб чиқиш (ижтимоий фанлар)
- Араб кашфиётлари ва уларнинг жаҳон ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида ўқиш (тарих)
- Технологик келажакни кўз олдига келтириб, унга эришиш учун зарур бўлган шахсий билим ва кўникмаларни баҳолаш (ижтимоий фанлар)
- Жаҳонда сув ифлосланишининг асосий сабабларини ва жиддий ифлосланган қўл, дарё ва денгизларни ўрганиш (география, табиий фанлар)
- Ифлосланишнинг маҳаллий экотизимларга бўлган таъсири ва тозалаш ишларининг самараси (табиий фанлар, ижтимоий фанлар)
- Тоза сув ва соғлиқ ўртасидаги алоқани ўрганиш ва сувда пайдо бўладиган касалликларга мисоллар келтириш (соғлиқ таълими, табиий фанлар)
- Сув етишмовчилиги Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада низоларга олиб келиши мумкинлигини баҳолаш (география, ижтимоий фанлар)
- Ахлоқий-диний масалалар ва худбинлик билан етарлидан ортиқ истеъмол қилиш муаммоси (Ислом дини, араб тили ва адабиёти, ижтимоий фанлар)

Сув

- Сув айланиши, сув хусусиятлари ва жонзодлар таркибидаги сувни текшириш (табиий фанлар)
- Сайёрамиздаги чучук сув манбаларини аниқлаб, инсонлар ва бошқа жонзодлар ишлатиши учун мавжуд миқдорни ҳисоблаш (география, математика)
- Шахсий ва оилавий ишлатиладиган сув миқдорини аниқлаб, сўнг тежаш чораларини ишлаб чиқиш ва ишлатиш (математика, табиий фанлар)
- Сув ва у билан боғлиқ масалаларда санъат, адабиёт ва мусиқа асарларини тинглаш (санъат, араб тили ва адабиёти, мусиқа)
- Болалик хотиралари асосида сув билан боғлиқ шеърлар ва ҳикоялар ёзиш (араб тили ва адабиёти)

Ўтказиш стратегиялари

Тўлдирилган ёки бирлаштирилган ўқув дастурининг бир ўқитувчини ўзининг ўқитадиган фанидан ташқари бошқа фанларни ҳам ўзлаштиришини талаб қилмайдиган бир нечта альтернатив йўллари мавжуд. Гуруҳ бўлиб режалаштириш, баҳолаш ва ҳамкорликда ўқитишнинг барчаси глобал таълимнинг марказий ғоялари бўлиб, умумийлик, коллегиялик ва ўзаро боғлиқликни қўллаб-қувватлайди. Бутун мактаб ёки бутун синф даражасидаги мавзулар ўқув дастурининг фойдали тузилиши ҳисобланади, чунки ўхшаш фикрлар ва қарашларни алоҳида ва ҳар хил ўқитувчилар томонидан ўқитилишини таъминлайди. Ўқитувчи бирлаштирилган мавзунинг бир қисмини барча синфлар билан айланма тизимда ўтиши учун ўқув жадвалини ўзгартириш яна бир вариант ҳисобланади. Қандай стратегия танланганлигидан қатъий назар, мақсад битта – синфнинг мавжуд жисмоний деворларини ва фанлар белгиладиган жадвални бузиб, шу орқали ўқувчиларга ўз таълимининг турли таркибий қисмлари ва умуман таълим ва улар яшаётган дунё ўртасидаги боғлиқ томонларини тушунишга ёрдам бериш.

МАРКАЗИДА ИНСОН ТУРГАН САЙЁРА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ЎҚИТИШ ТИЗИМИ

Ташқарига саёҳат ичкарига саёҳат ҳамдир, худди шунингдек, ичкарига саёҳат ташқарига саёҳат билан баробардир. Замонавий дунёдаги кўпгина одамлар учун бу икки саёҳат тури нафақат ўзаро боғлиқ, балки *ўзаро қарам* ҳамдир. Глобал муаммони тушунишга шахсиятни чуқурроқ тушуниш орқали эришиш имконияти мавжуд: миллатларни ажратиш, мисол учун, ҳар биримизнинг дунёқарашимиз, нуқтаи назарларимиз ва хурофотларимизни чуқурроқ ўрганишдан келиб чиқади. Худди шунингдек, инсон ривожланиши имкониятлари яратувчанлик йўли билан, глобал масалалар ва нуқтаи назарларнинг ўсиши орқали бандлашиши мумкин.

ГЛОБАЛ ЎРГАНИШ

Шундай экан, ҳам ичкари, ҳам ташқари саёҳат, сайёрамиз ривожи ва инсоннинг тўлиқликка эришиши учун ўрганишнинг керакли жиҳатлари нималарда намоён бўлади? Глобалликнинг тўрт даражасини ўрганиш орқали бир неча марказий тушунчалар ақлимизга келиши мумкин: марказида инсон турган сайёра ҳақида маълумотларга эга бўлган ўқитиш тизими:

Шахснинг ва бошқаларнинг қатъий бўлиши. Ўзлик тушунчаси, ўрганиш имкониятлари ҳақида жуда катта изланишлар қилинган ва кўплаб фикрлар билдирилган. Мишель ва Крейг Борбанинг сўзларига қараганда, ўзлик тушунчаси боланинг келажақдаги академик ютуқлари ҳақидаги тестдан кўра яхшироқ олдиндан айтиш воситасидир; Стефани Джудсон билдирган қарашларга кўра, ижобий ўзлик тушунчаси ўрганишнинг янги ютуқларига эришишнинг бош талабидир. Худди шунингдек, Джек Кенфиелд ва Гарольд Веллс ўзлик тушунчасининг ошиши билан ўрганиш имкониятларининг ошиши тўғрисида “узқ давом этувчи ва ҳаддан ташқари катта исбот” берувчи “ўрганишнинг покер чип теорияси” ни ихтиро қилганлар:

ўрганиш таваккаллик талаб қилувчи ишдир, ўқувчида қанчалик кўп покер чиплари бўлса (қанчалик ўзлик тушунчаси кўпроқ ривожланган бўлса), у шунчалик муваффақиятсизликка кўпроқ тайёр туради. Приссила Прутэман ва бошқаларнинг фикрига кўра, “кучсиз ўзлик тушунчаси мактабдаги муаммоларнинг бош сабабидир” ва агар ўзимиз тўғримизда ижобий фикрга эга бўлмасак, бошқалар тўғрисида ҳам ижобий фикрга эга бўла олмаймиз. Эдвард Селлнинг фикрига кўра, “ўзимизда ҳақсизликка қарши туриб бера олиш кучини тарбиялашимиз учун керак бўлган бош омил бу ўзимизнинг қимматимиз тушунчасидир”. Сванн доклади бўйича “мавжуд масалалар жуда мураккаб” ва “текширув натижалари аниқ эмас ва адаштирувчи табиатга эга” лигига қарамай, Британия ва АҚШ даги кўплаб ёзувчиларнинг таъкидлашларича, ўқишда қийналаётган болаларда ўзлик тушунчасининг етарли миқдорда тарбияланмаганидир. Демак, Глобал таълимнинг мақсадларига эришиш учун ўзлик (шахсий «мен» и) ва бир-бирларига ҳурматларини яхшилаш имконияти бор ўқувчилар билан ишлаш учун катъий шароит талаб қиланади.

Бу нарсага “Тўлиқ Куч” каби ижобий машқлар орқали эришиш мумкин

Барчанинг хоҳишларига мос равишда фикр билдириш. Карл Роджерснинг фикрига кўра, марказида инсон турган ўқитиш системасининг моҳияти шундаки, бу ўқитиш жараёнида ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ва жамият аъзолари орасида маълум вазифаларнинг тақсимланишидир. Бундай таълим олиш жараёнида қатнашиш, фақат ахборот қабул қилишдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Чунки ўқувчи нима ўрганаётгани ҳақида шахсий фикрига, ҳатто баҳосига ҳам эга бўлади. Демак бу ахборот ишлаб чиқаришнинг яна бир йўли.

Эрик Фроммнинг таъкидлашича, ўқувчилар имтиҳондан ўтиш учунгина ахборотни (маълумотларни) ўрганиб


(ёки ёдлаб), аммо амалда уни ишлатишни билмасдан ёки келган ахборотни ўзларининг фикрлаш қобилиятларини мустаҳкамлаш учун ишлатишлари мумкин.

Ҳамкорлик. Девид ва Роджер Джонсонлар мақсадларнинг уч ҳил тузилиши мавжудлигини билдирадилар (мақсад сари қадам қўйишдаги ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирига муносабати):

якка ҳолда ўқувчининг ўз мақсадига эришиши, атрофидаги ўқувчиларнинг мақсадига эришиши билан боғлиқ бўлмайди;

Сен яхши бошқарувчисан

Сен ҳақиқатдан ҳам кўп ишлайсан.



Мени ўзимни яхши ҳис қилишимни таъминлайди.

Сен жуда истараси иссиқ инсонсан.

Сен гимнастикада жуда яхшисан.

Сен доимо инсонларнинг энг яхши фазилатларини топишга ҳаракат қиласан

Менга сенинг расм чизишинг ёқади.

Мени тинглай оладиган яхши дўстсан.

Сенинг кўзларинг жуда ёқимли.

мусобақа асосида ўқувчи ўз мақсадига эришади, агар атрофидаги ўқувчилар худди шу мақсадга эриша олмасалар,

ҳамкорлик асосида ўқувчи ўз мақсадига эришади, агар атрофидаги (унга боғлиқ бўлган) ўқувчилар ўз мақсадларига эришсалар.

ТўЛИҚ КУЧ

Ҳар бир қатнашувчига машина аккумулятори расми солинган варақ берилади. Ўқувчилар айлана шаклида ўтириб, аккумулятор устига ўз исмларини ёзадилар. Улар чап томонларида ўтирган ўқувчига ўзлари ҳақида ижобий фикр ёзиш учун қоғозларини узатадилар. Ҳамма ҳар бир қатнашчи ҳақида ўз фикрини ёзиб тугатганга қадар қоғозлар айлана ичида узатилади. Қоғоз эгалари ўз қоғозларини олган вақтларида ўзлари ҳақида ижобий фикрларни ўқиб, "Тўлиқ куч"га кирадилар.

Ўқувчилар 5-6 кишилик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳда қоғозларда ёзилган ижобий хислатлар ҳақида гап юритилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи ҳақида гапирар экан, бошқалар ундан ўзлари ҳақида кўпроқ фикр билдиришга ундовчи саволлар сўрайдилар. Бошланғич / Ўрта, 30 дақиқа

❖ Манба

Джон Кингхорн ва Вильям Шой, Handbook for Global Education, Чарльз Ф. Кеттеринг Фаундейшн, 1977.

РАСМ: ЎҚУВ ЖАРАЁНИДАГИ МАШҒУЛОТ (ЁКИ ЎИИН) ЛАРДА ШАҲСАН ҚАТНАШИШ, ҲАР БИР ЎҚУВЧИНING ЎИЛАШ ЖАРАЁНИДА ПАИДО БЎЛАДИГАН ЯНГИ ФИКРЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.



Ака-ука Жонсонларнинг экстенсив изланишлари натижаларига кўра, ҳамкорликга кўрилган мақсад тузилиши қуйидаги шаклда бўлади:

- инсонлар орасидаги ижобий муносабатларга тортадиган бўлса
- ўқувчиларда хавотирлик даражасини камайтирса
- очиқ, фойдали ва тўғри алоқа йўллари томон йўналтирса
- ўқувчиларда қизиқмаслик ва безовта қилиниш даражасини камайтирса
- бир хил ёшдагиларнинг бирга ўрганишига асосланган бўлса
- ўрганиш йўлларини осонлаштира
- турли хил қарашларга асосланган фикрлашни илгари сурса

Нима учун ҳамкорлик (ҳатто "алдаш" ҳам дейилади) иш доимо гуруҳлараро бўлинадиган жамиятда шунчалик қораланади? Мактаблар ўзларининг имтиҳон тизимларига мос келиши учунгина ишга нисбатан нотўғри бўлган индивидуал қарашни тарбиялайдиларми?

Чарльз Генди, Ишнинг Келажаги, Безиль Блеквэлл, 1984

Кўплаб синф хоналаридаги ҳолатга қарамай ҳамкорлик (мусобақа эмас), одам психологиясининг инстинкт белгисидир: одамларнинг бир-бирига бўлган муомалаларининг катта қисми ҳамкорликдан иборат. Ҳамкорлик муносабатларнинг кўринмас шаклидир. *Интерактив ўрганиш* атамаси баъзан бу моҳиятни англашиш учун ишлатилади.

Тажрибалар асоси. Эдвард Селлнинг ёзишича, "бизнинг оламга бўлган муносабатимиз биздаги ахлоқ, тушуниш, автономия ёки ижодкорлик қобилиятларига ўзгартириш киритганида тажрибалар асосидаги ўрганиш содир бўлади". Иккита асосий моҳият бу ўқувчининг бошқалар томонидан бошқарилмай тўғридан тўғри қатнашиши ва ўқувчининг шахсиятини тушуниши ва англаб етиши сабабли содир бўладиган ўзгаришдир. Тажрибалар асосидаги таълим таассурот вақтида ёки ундан кейин тааллуқли билимлар ривожини содир бўлиши мумкин бўлган ички ҳислар, муносабатлар ва қадр-қимматни атрофлича ўрганишни ўз ичига олади. Кўпинча у сезги ҳисларининг биридан-маза, ёки ҳид, ёки ҳиссиётларнинг сезиларли даражасидан ташкил топади (худди лой устидаги тўрт қўл мисолидаги каби). Қисқа қилиб айтганда, бу болаларнинг мактабга боришдан олдин қандай қилиб таълим олишлари йўлидир.

Ижодкорлик. Глобал таълим тизимининг мақсадларига эришиш учун "баландрок турдаги" ҳар хил ижодкор фикрлар келтириш, масалаларни ечиш ва нуқтаи назарга эга бўлиш талаб қилинади. Ўқувчилардан радикал алмашишларни топиш ва янги нуқтаи назарга эга бўлиш учун одатий фикрларни

билдиришдан четга чиқиш талаб қилинади. Жан Хьюстоннинг фикрига кўра: "Биз кўп тарафлама ўйлашимиз керак, нафақат сўзларни, балки расмларни ҳам кўз олдимишга келтиришимиз керак. Биз қанчалик мураккаб ва интерактив ва ижодкор мувозанатсизликни вужудга келтирсак, эҳтимоллик ҳолатини келтириш учун шунчалик кўп имкониятга эга бўламиз." Жан Хьюстон олиб борган изланишлар шуни кўрсатадики, ижодкорлик фаолияти нафақат рассомлар ёки олимларнинг, балки бирор мақсад сари ҳаракат қилаётган ҳар бир одамнинг бош йўналиши бўлиши керак.

Тарих ва келажак

Озгина онгли тушунча ҳосил қилинг. Онгли бўлиш вақтида келиш дегани эмас. Лекин фақатгина вақт орқали боғдаги атиргул замони, Айвонга ёмғир ёган замон, Ичидан шамол ўтадиган черковдан тутун чиқаётган замон. Эсда қолади: тарих ва келажак билан боғлиқ бўлса. Фақат вақт орқали замонни енгил мумкин.


Т. С. Элиот, *Тўрт квартал*

Марказида инсон турган сайёра ҳақида маълумотларга эга ўқитиш тизимининг бу характеристикалари (барчанинг фикрларига мослик, биргаликда эришиш, интерактивлик, ёки ҳамкорлик, тажрибаларга асосланганлик ва ижодкорлик)га баъзан ўқитиш *турлари* сифатида қаралади. Шунга қарамай бундай классификация доимо самарали бўлмайди, чунки бу йўналишлар орасида аниқ фарқ бор (тажрибаларга асосланган ўқитиш, масалан, аниқ тажрибалар устига қурилган, шу билан биргаликда ҳамкорлик, барчанинг фикрига мослик, ижодкорликдан иборат бўлиши мумкин). Биз бу йўналишларга сайёра ва инсон ривожини учун керакли йўналишлар сифатида қарашни маъқулроқ деб биламиз.

Глобал таълим олиши: рационаллик

Ҳозирда глобал таълим олишнинг орқасида турган нарса бу унга эришиш учун рационалликнинг **керакли** йўналиш бўлишидир

Глобалликнинг тўрт ўлчовини ўрганиш, бизнинг фикримизга кўра, кўпинча қўлланадиган ёки "миллий" ўқитиш тизимларини қайта кўриб чиқишни ва мактаб муҳити – ўзаро муносабатлар сифати ёки мактаб тузилиши ёки бошқариш тизими ҳақидаги махфий фикрларни атрофлича ўрганиб чиқаниш талаб қилади. Бу рационалликни таклиф қилар эканмиз, биз глобал таълимни тайёр ёки хом шаклда сотишни; ички томондан ижобий, биргалик асосидаги, ҳамкорлик устига қурилган ҳамда ижодкор бўлмаган ўқитиш турларини нотўғри дейишни таклиф қилаётганимиз йўқ. Шунга қарамай, кўплаб Британия бошланғич ва ўрта таълим мактабларининг глобал таълим тизимининг мақсадларига эришиш учун ҳаракат қилмаётганликлари ҳақида шубҳасиз тасдиқлар мавжуд. Бунинг учун фарқлироқ педагогик фалсафа



талаб қилинади; куйидаги далил буни исботлашга қаратилган.

1. ЎЗ ФИКРЛАРИНИ БИЛДИРА ОЛИШ ИМКОНИАТИ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШДИР

Мактабда ўқувчи бўлиш жўда оғир масала. Бир тасаввур қилиб кўринг, агар сизнинг ишхонангизда 5та бўлим бўлиб 7та хонада жойлашган бўлса-ю, яна сизга 8-9 раҳбар бошчилик қилса. Қизиги, бу хоналарда жой кўп бўлсада ҳеч қайси бири сизники бўлмаса ва яна қушимчасига ўзаро гаплашиш мумкин бўлмаса. Баъзи вақтларда энди гапирман деганингизда раҳбар сизни тўхтатиб, ярим соат ўзи нималарнидир тушунтириб, кейин гапир деса...

Сиз бунга чидай олармидингиз? Озгина карикатура устига қурилган бу тасвир катта ўрта таълим мактабидаги бир ўқувчининг таассуротларидир.

Чарльз Генди, Ишнинг Келажаги, Безил Блеквелл, 1984

Глобал таълимда ўз фикрларини билдира олиш имконияти катта аҳамият касб этади, чунки у энг керакли йўналиш билан узвий боғлиқ, умуман олганда, у энг керакли йўналишнинг *ўзидир*. Келинг, глобал таълим тизимининг - "керакли йўналишлари"ни қисқача кўриб чиқамиз.

- Глобал ўзаро боғлиқлик жараёнини тушуниш
- Шахсий қадр-қиммат ва бошқаларга ҳурмат хислатларини тарбиялаш
- Танқидий фикрлаш қобилиятини тарбиялаш
- Тинчлик маъносини тушуниш – ҳамма даражаларини, шахснинг умуммиллатга нисбатан – ва муаммоларнинг олдини олиш, ҳамда уларни ечиш қобилиятларини тарбиялаш
- Инсон ҳуқуқлари тушунчасини англаб етиш ва ҳуқуқларни ҳурмат қилишга чақириш
- Хурофотлар табиатини тушуниш ва уларга қарши курашиш йўллари тарбиялаш

Глобал таълим тизимидаги ўз фикрларини билдира олиш ва муҳимликнинг уйғунлигини АҚШлик Стив Джонгеваард мисолида кўришимиз мумкин. У олтинчи синф ўқувчиларига ўзаро боғлиқлик тушунчасини ўргатган. Барча ўқувчиларга ўқиш материалларини тарқатиш билан бир қаторда Джонгеваард уларни турли қарашларга эга иккита ҳар хил гуруҳга ажратади. Бир гуруҳда ўқувчиларнинг ҳар бири индивидуал равишда мақсад сари ҳаракат қилган; бошқа гуруҳда эса ўқувчилар бошқалар мақсадга эришгандагина улар ҳам унга эриша олиш имконияти мавжуд бўлган ҳамкорлик асосида иш олиб боришган. Шундай қилиб, синфда ўзаро боғлиқлик ҳолати мавжуд бўлган. Джонгеваард қабул қилган қарорга кўра ҳамкорлик асосида иш олиб бориш нафақат глобал таълим тизимининг ижобий йўналиши, балки ўқувчиларнинг мавзунга яхшироқ тушунишлари учун катта имконият ҳамдир. Агар очиқ (умуммиллий) ва ёпиқ (махфий) йўналишларни ишлаб чиқиш учун ўз фикрларини

билдира олиш имконияти очилса, вужудга келган ўқитиш янада каттароқ аҳамият касб этиши ажаб эмас.

НМІ томонидан ҳозирда ўқувчиларни синф ёки индивидуал равишда эмас, балки гуруҳлар сифатида ўқитиш ишлари олиб борилмоқда (1980). Бу нарса ўқитувчиларнинг катта синфлардаги ўқувчиларнинг ҳар бирига индивидуал муносабат ўрнатиш имкониятлари йўқлиги учун гуруҳларни утилизация қилиш кераклиги ҳақидаги Пловден Доклади (1967)ни яна бир бор таъкидлаб ўтди. Афсуски, синф ичида гуруҳларни ташкил этиш ўқитиш самарасини оширишдан кўра яқин ўқувчиларнинг бир-бири билан ўтириш имкониятини оширди... Бу нарса шуни кўрсатадики, болаларни оддий равишда ўтказиш уларнинг интеллектуал ва ижтимоий равнақига олиб келади. Гуруҳлар ҳақида олиб борилган изланишлар бу нарсани таъкидламайди, шу билан бирга бу докладда муносабатлар сифатининг доимо шубҳа остида бўлиши ҳақида келтирилган фикрлар ҳам бу нарсани исботламайди.

Невиль Беннетт ва бошқалар, Ўқувчиларнинг ўрганиш таассуротлари сифати, Лоуренс Эрлбаум Ассоциатс, 1984.

2. МАҚСАД ҲАҚИДА ЎРГАНИШ, МАҚСАД УЧУН ЎРГАНИШ ВА МАҚСАД ОРҚАЛИ ЎРГАНИШ

Мақсад ҳақида ўрганиш асосан билимга асосланган жараён бўлиб, далиллар, ахборот ва исботлар ассимиляцияси ва уларни тушуниш билан қизиқади. *Мақсад учун* ўрганиш ўқувчи учун олган билимларини ишлатиш имкониятини яратиш учун янги билимлар олиш ёки қобилиятларни ривожлантириш (масалан, изланиш ва муомала қилиш қобилиятлари)ни ўз ичига олади. *Мақсад орқали* ўрганиш эса ўрганишнинг асл жараёни бўлиб, ўрганишнинг асосий тушунчасидир. Келинг, бу учта атаманинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун глобал таълим тизимига мурожаат қиламиз ва инсон ҳуқуқлари ҳақида бир неча дарсни кўриб чиқамиз. Ўқувчи инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умуммиллий ҳужжатлар (масалан, 1948 йил БМТ Декларацияси ва 1950 йил Европа Конвенцияси), асосий тушунчалар (инсоний ва сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар, тўғри муносабат қилиш, муддат давом этиши ва бошқалар) ва балки индивидуал масалалар (масалан, Махатма Ганди, Мартин Лютер Кинг, Андрей Сахаров) ҳақида маълумотга эга бўлади. Инсон ҳуқуқлари учун ўрганиш нафақат керакли маълумотлар ҳақида билимни, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тадбиқ этиш учун қобилиятларнинг ривожланиши ва уларни амалда ишлатишни ўз ичига олади. Бу нарса шубҳасиз муомала маданиятини, ҳамкорлик қобилиятини, иш олиб бориш ва хулоса чиқариш ҳамда жисмоний зарар етказмайдиган иш олиб бориш ва курашиш қобилиятларини ўз ичига олади. Инсон ҳуқуқлари орқали ўрганиш бир зина тапага кўтарилади. Билим ва қобилият элементлари ўз ўрнида қолади, аммо шу билан бирга ўрганиш синф хонасидаги ҳолат орқали амалга ошади: ўзаро муносабатлар ва ўқувчи ҳамда ўқитувчининг ўқитиш йўллари ҳуқуқларга ички


хурматни кўрсатади (албатта, вазифаларни ҳисобга олган ҳолда). Ўз фикрларини билдира олиш ва йўналишлар уйғунлашган глобал синф хонасида мақсад орқали ўрганиш мавжуд йўналишдир; Ян Листерга кўра, “билимлар қатъий бўлган синф хонаси”да “музокаралар синф хонаси”га қараганда ўқитиш самарали бўлади. Изланишлар бу фикрни тасдиқлайди: ака-ука Джонсонлар ва Дуглас Андерсон билимлар қатъий бўлган синф хонасидаги ҳолат ўқувчиларнинг кўпроқ қатнашиши ва ҳамкорлик асосида таълим олишига ижобий таъсир кўрсатади. Девид Аспи ва Флора Ройбак томонидан ўн етти йил мобайнида саккиз мамлакатдаги йигирма минг ўқувчи орасида олиб борилган ишлар битта жумла ёрдамида хулоса қилиниши мумкин: “Ўқувчиларга кўпроқ тушунча, меҳр-эътибор қаратилганда уларнинг ўрганишлари ва ўзларини тутишлари яхшироқ бўлади”. Бу муҳим изланишдан келиб чиққан нарсалар маъмур бўлишда кейинроқ кўриб чиқилади; ҳозир эса биз бу яқуннинг маъносини таъкидлаб ўтаемиз – таълим олиш ҳолатининг сифати таълим олиш билан узвий боғлиқдир.

3. ГЛОБАЛ ТУШУНЧАНИ ЎРГАНИШ

Биз энди-энди тушунаётган орган – инсон мияси ҳақида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, мактаблардаги ўқувчиларнинг миясини бир томонини иккинчи томонидан кўпроқ ривожланиши қайсидир томондан инсон мияси фаолиятининг сустлашувига олиб келар экан. Тутқаноқ қаттиқ безовта қилувчи беморларда *corpus callosum* (миянинг икки бўлагини боғлаб турадиган тўқималар)ни кесиш ишлари шуни кўрсатдики, миянинг икки ярим шари ахборотни қабул қилиши ва ишлаб чиқиш жиҳатидан мураккаб йўллار билан фарқланар экан. Чап ярим шар ахборотни кичик бўлақларга бўлар экан, яъни бўлақларни текшириш, белгилаш, турларга ажратиш ва қисмларга бўлиш ва гапириш ҳамда эшитиш жараёнларини бошқариш учун. Ўнг томон эса ахборотни синтез қилар экан, яъни уни бўлақлардан кўра бутун ҳолда қабул қилар, маънони аниқлар ва жисмнинг кўриниши ҳолатига жавоб берар экан. Чап ярим шар абстракт ва раціоналлик билан, ўнг ярим шар эса ҳиссий ва мантиқий ҳолатларга жавоб берар экан (диаграммани кўринг).

ЧАП ВА ЎНГ ЯРИМШАРЛАРНИНГ ИШЛАШИ.

(Линда Верли Виллиамс, Икки тарафли ақл учун ўқитиш, Simon & Schuster, 1983).



Инглиз тили тарих эмас ва тарих аниқ фан эмас аниқ фан ижод эмас ва ижод мусиқа эмас ижод ҳамда мусиқа кичик фанлардир.

Инглиз тили, тарих ҳамда аниқ фанлар катта фанлардир, ва фан сиз “оладиган” бир нарсадир, ва сиз уни олганингизда уни “олган” бўласиз, ва агар уни “олган” бўлсангиз, сиз уни бошқа олишингиз шарт эмас (Ўрганишнинг вакцинацион назарияси).

Неил Постман ва Чарльз Веингартнер, Ўқитиш махфий иш сифатида, Пенгуин, 1971

Тиббий изланишлардан келиб чиққан таълимий гипотеза мактабларда энг кўп ўрганиладиган нарса бўлиб, миянинг чап томонига қаттиқ боғлиқдир, шунинг учун миясининг ўнг ярим шари кучлироқ ишлайдиган болалар учун бу нарса номаъқулдир. Бу гипотезани кўриб чиқишдан олдин бир нарсага эътибор бериш лозим. Ўрганиш қийинчиликлари, дислексиядан бошлаб вақтни айтиб бера олиш қийинчилиги бўлган турли хил касалликларга ечим топиш учун кўплаб китоблар ёзилган. Шунга қарамай бу вақт мобайнида чап мия фаолияти кўпроқ юритилган, назарияни бутунлай ўрганиш ўрнига унинг бир қисмига эътибор берилган. Теодор Розсак фикрига кўра, “ҳаётда қанақа рольни ижро этишингиз, бу мантиқшунос ёки шоир, ижро этувчи ёки диний лавозим одами бўлишдан қатъий назар, бутун миянинг фаолият кўрсатишини талаб қилади.” “Мия голограммалар” деб ёзади Мерилин Фергюсон, “голографик фазони тушуниш учун кераклидир”; голограмманинг муҳим маъноларидан бири шуки, умумийликнинг коди ҳар бир бўлақда жойлашгандир.

Хўш, мияни бўлақларга бўлиш назариясидан чиқариб ташланиши мумкин бўлган ва бошқа теорияларга уйғун келадиган ўрганиш ва мактаблар учун керакли йўналишлар нимада? Биринчи навбатда, ўрганиш бутун мия жараёндир; мантиқий ўрганишни, масалан, онг мия томонидан бажариладиган жараён дейиш нотўғридир. Иккинчи галда, миянинг ўрганиш қобилияти чекланмагандир. Қандай ахборот қабул қилиниши ва у қай ҳолда қабул қилинишидан қатъий назар, ўрганиш рўй беради; мия битта ярим шарининг иккинчи ярим шар қабул қилиши керак бўлган нарсаларни ҳам ўзлаштириши имконияти борлиги исботланган. Учунчи галда эса, шунга қарамай, ўрганиш турли хил йўналишлар орқали келганда яхшироқ кечиши маълумдир: абстракт ва тажрибалар асосидаги, гапириш ва кўриш, аналитик ва холистик, рационал ва мантиқий шаклларда. Тўртинчи галда, ҳар бир бола ўзи ёқтирадиган маълум бир ўрганиш йўлига эга; ҳар бир синф хонасида болаларнинг ўрганиш йўллари хар хил, чап мия устунлигидан бошлаб ўнг мия устунлигигача. Бешинчи галда, маълум бир ўрганиш йўлидан қатъий назар, ҳар бир шахсда инсон имкониятларининг тўлиқ ривожланиши турли ўрганиш йўллари алоҳида бир йўл билан қабул қилишига боғлиқ. Барбара Меистер Витальнинг фикрига кўра, “бу имконият иккала ярим шар ўз имкониятлари даражасида ишлаганда ва бир-бири билан ахборотни бўлишганда юзага келади. Бу интеграция ўз қисмлари тўпламидан анча катта ахборотни вужудга келтиради. Махсуслаштириш ва ҳар бир ярим шардаги ишлаб чиқариш жараёнлари орқасида ақл ётади. Ақл номаълум нарсадир.”

Сизнинг сабабларингиз ва эҳтиросларингиз сизнинг руҳиятингиз эшаклари ва йўналтирувчисидир.

Агар эшаклар ёки йўналтирувчининг бири бузилса, сиз йўлдан оғишингиз ёки денгизнинг ўртасида қолиб кетишингиз мумкин.

Чунки сабаб бир ўзи ҳукмронлик қиладиган кучдир; эҳтирос эса, агар кетидан қаралмаса, ёниб, ҳамма нарсани вайрон қиладиган оловдир.

Калил Гибран, *Пайгамбар*

Глобал таълим олиш рационаллиги ичида ярим шарларнинг ўзига хослигининг бош маъноси глобал таълим томон қадам ташлаётган глобал онгга ёрдам беришдир, бу йўналиш ижодкорлик, фантазия ва интуицияни анализ ва мантиқ каби қадрлайди. Линда Верли Виллиамс синфдаги чап мия фаолиятини камайтириш учун кўплаб машқларни мисол қилиб келтиради, улар метафора, визуал фикр қилиш ва фантазия, ҳар хил ҳислар ёрдамида ўйлаш ва тўғридан-тўғри тажриба асосида ўрганишдир. Жан Хьюстон тасаввурли ўйлаш программасининг кучи ҳақида ёзади. Ижодкор ва муаммоларни ечувчи жараёнларни қайта ишга тушириш учун мактаб ва бошқа жойларда айтиб ўтилган жараёнларга берилган урғу томонидан инсониятнинг табиий қувватининг олди олинган. Бундай жараёнлар танқидий бўлиб, нафақат инсон потенциални уйғотиш, балки сайёра миш муаммоларининг ечимларини ҳам топиш учундир.

4. ДУНЁНИ ТУШУНИШ УЧУН ЎРГАНИШ

Фритжов Капра “бизнинг инсон табиати ҳақидаги энг оддий фикрларимиз ва жамиятга муносабатимизга таъсир қилган” патриархия кучини ёзади... Бу шундай бир тизимки, ҳозиргача бўлиб ўтган тарихимизда ҳеч қачон жиддий эътиборга олинмаган ва унинг қондалари шу қадар умумий эдики, улар табиат қонунларига ўхшар эди; ҳақиқатан ҳам улар шу йўл билан кўрсатилар эди. Патриархал тушунчаларнинг аҳамияти **Менинг ўғлим, менинг ўғлим** масаласига ечим топиш жараёнида кўринади.

Биз ишлаган кўплаб гуруҳларда - аёллар, эркаклар ва аралашларида, оддий ечимга кела олмаганлар; аёлнинг жарроҳ бўла олиши бизнинг ички дунёқарашимиз қисми эмасдир. Лекин шу нарса маълумки, бизнинг дунёқарашимиз чегаралангандир. Тушунча ҳосил қилиш ҳақиқий нарсани бизнинг миямиш механизми ёрдамида филтрлашдир; шунинг учун у бизнинг ўтмишимиз ва ҳозирги талабларимиздан таъсир олади. Ямайкадаги крикет мухлислари ёмғирни қақраб ётган Судан қишлоқлари аҳолисидан бошқачароқ қабул қиладди. Марказий нуқта шундаки, тор дунёқараш атрофимиздаги ўсувчан ўзаро-боғлиқлик ва тез ўзгаришлар устига қурилган дунёни тушунишга керакли имконият яратмайди.

МЕНИНГ ЎҒЛИМ, МЕНИНГ ЎҒЛИМ

❖ Ресурслар

Икки ўқувчидан ташкил топган ҳар бир гуруҳга олтига ҳар хил қоғозга ёзилган гаплардан тузилган ҳикоя тарқатилади:

Йўл ҳаракати ҳодисаси рўй берди.
Юк машинаси бир киши ва унинг ўғлини уриб кетди.
Ота шу вақтнинг ўзида жон берди.
Ўғилни касалхонага олиб боришади.
Касалхонадаги жарроҳ уни танийди.
“Менинг ўғлим”, деб қичқиради жарроҳ, “бу менинг ўғлим”.

❖ Жараён

Ўқувчилар гуруҳларда ишлаган ҳолда, олтига турли хил қоғозларга ёзилган ҳикояни оладилар ва уни маъно ҳосил қиладиган ҳолда жойлаштиришлари сўралади. Тезроқ тугатганлардан жавобини айтмаслик сўралади. Бир неча дақиқадан сўнг қийналаётган ўқувчилардан қийинчиликлари нимада эканлиги сўралади.

❖ Имконият

Жинслар аҳамияти ва стереотиплар ҳамда қонунлар устига қурилган дунёда масалани тушунтиришнинг оддий лекин жуда фойдали йўли. Масаланинг тўғри ечимини топганлар (жарроҳнинг бола онаси эканлигини аниқлаганлар) бўлиши мумкин, лекин одатда масалани умуман еча олмаганлар, ёки альтернатив жавоб бериб, кейин ҳақиқий жавоб айтилганда ҳайратдан ёқаларини ушлаганлар анчагина топилади. Шу ерда масаланинг кучи ётади: одамларнинг ўз дунёқарашлари ва фикрлаш қобилиятларининг чегараланганлиги ҳақидаги тушунча. Бу масалада сирли нуқта мавжуд бўлганлиги учун, тўғри жавобни тушуна олмаган ўқувчилар учун масаланинг жавоби тўғри ёндашган ҳолда тушунтирилиши лозим.

Бошланғич / Ўрта, 10 дақиқа

❖ Манба

Гуруҳларда ишлар олиб бориш (Меидинхенд Ўқитувчилар маркази, 1983)

ХАФА ҚИЛИНГАН БУРИ.



Муаллиф Лейф Ферн, Сан Диего, Калифорния

Ўрмон менинг уйим эди. Мен бу ерда яшар эдим ва уни парвариш қилар эдим. Мен уни тоза ва озода қилиб тутишга ҳаракат қилар эдим.

Қуёшли кунларнинг бирида, мен бир дам олиб кетган одамнинг ташлаб кетган ахлатларини йиғиштираётганимда, кимнингдир қадамларини эшитиб қолдим. Мен дарахтнинг орқасига яшириниб, қарадим ва кўлида бир саватча билан йўлакчадан келаётган кичкина чиройли қизалоқни кўриб қолдим. Мен ундан ўша зохатиёқ шубҳаландим, чунки у жуда ажойиб кийинган эди – ҳамма нарсаси қизил эди, ва унинг боши худди у уни ҳеч ким танимаслигини хоҳлаганидек қопланган эди. Табиийки, мен уни текшириш учун тўхтатдим. Мен ундан кимлигини, қаерга кетаётганлигини, қаердан келганлиги ва ҳоказоларни сўрадим. У менга бувисиникига кетаётганлиги ва саватчада унга егулик олиб бораётганлиги ҳақида хабар берадиган қўшиқни айтиб, рақсга тушиб берди. У ростгўй одамдек кўринар эди, лекин у менинг ўрмонимда эди ва у ҳақиқатдан ҳам шубҳали кўринар эди. Шунинг учун мен унга ўрмондан нотаниш ва гайритабий кийимда ўтишнинг қандай жиддий эканлигини ўқитмоқчи бўлдим.

Мен унга йўлида давом этишга рухсат бердим, ўзим эса ундан олдин бувисининг уйига югуриб бордим. Мен у ажойиб аёлни кўрганимда ва унга муаммони тушунтирганимда, у набираси дарс олиши кераклигига рози бўлди. Буви мен уни чақирмагунимча кўринмайдиган жойда туриб туришга ҳам рози бўлди. Ростини айтсам, у ётоқнинг тагига кирди.

Қизалоқ келганида мен уни ётоқхонага таклиф этдим, ўзим эса ётоқда, бувисига ўхшаб кийиниб олиб, ётган эдим. Қизалоқ ёноқлари чарақлаган холда ичкарига кирди ва менинг катта қулоқларим ҳақида қандайдир ёмон нарса айтди. Мен аввал бир оз шошгандек бўлдим, шунинг учун менга яхшироқ эшитиш имконини беришни сўрадим. Мен унинг диққатини кўпроқ унинг гапирган гапига тортмоқчи эдим. Лекин у энди менинг ҳаддан ташқари чиқиб турган кўзларим ҳақида нохуш савол берди. Энди сиз биринчи қарашда яхши кўриниб, ўзи эса умуман аксига олган нохуш инсон бўлган қизалоқ ҳақида нималар ўйлай бошлаганимни тушунгандирсиз. Лекин шунда ҳам мен вазиятни яхши томонга буриб, кўзларим уни яхшироқ кўриш учун ёрдам беришини айтдим.

Унинг кейинги нохуш гапи мени тамоман ўзимдан чиқариб юборди. Бу муаммо катта тишларим билан боғлиқ эди ва бу кичкина қизалоқ улар ҳақида гапирди. Мен тушунаман, мен ўша пайтда ўзимни тутишим керак эди, лекин мен ётоқдан сакраб тушдим ва тишларим менга уни яхшироқ ейишга ёрдам беришини айтдим.

Энди ўзингиз қаранг, ҳеч қайси бўри кичкина қизчани емас эди, лекин у ақлдан озган қизча уйнинг ичида югуриб, бақира бошлади. Мен эса уни тинчлантиришга уринар эдим. Мен бувининг кийимларини ечган бўлсам-да, бу вазиятни янада оғирлаштирган кўринар эди. Тўсатдан эшик қаттиқ овоз билан очилди, остонада дарахт чопадиган катта одам кўлидаги болтаси билан турар эди. Мен унга қарадим-у, муаммолар пайдо бўлганлигини сездим. Менинг орқамда очиқ дераза бор эди ва мен сакраб ташқарига чиқиб кетдим.

Мен шу билан бу ҳикоянинг охири эканлигин айтишни хоҳлар эдим. Лекин ҳикоянинг мен ҳақимдаги томони ҳеч қачон гапирилмаган. Менинг қизғанчиқ ва нохушлигим ҳақидаги гаплар кенг тарқалди. Ҳамма мендан қочишни бошлади. Мен ўша кулгили қизил калпоқчадаги кичкина қизалоқ ҳақида билмадим-у, лекин ўшандан бери бахтли яшаганим йўқ.

Бу нарсага антропологияни ўрганиш орқали эришса бўлади: Нейл Постман ва Чарльз Вейнгартнер мактаблар ёшларда ўша “тўнтарувчан” интеллектуал восита – антропологик перспективани культивация қилиши кераклиги ҳақида бир-бирлари билан тортишадилар. Бу истиқбол одамга ўз маданиятининг бир қисми бўлиши ва айни пайтда ундан ташқарида бўлишига имкон беради. Одам ўз гуруҳининг ҳаракатларини худди антрополог ўз қабила одатларини ўргангани каби унинг қўрқувларини, гурурларини, этноцентризминини кузатади. Бу йўл билан у ҳақиқатнинг қабилавий қабул қилиш даражасидан анчагина узоқлашиб кетганини тушуниш имконини беради.

“Истиқболни англаш” айрилмас глобал истиқболни ташкил қилувчи 5 мақсадлардан бири, ўқувчидан ўзининг маданий чегарасидан ҳаёлий равишда ташқарига чиқиб кетишни тасаввур қилишни ҳамда ўз онгида «деворга қараб ўқиш» ҳолатини тасаввур қилишни талаб қилади. Ҳолатнинг ўзи тасаввур мақсадлардан кўпроқ талаб қилишини инobatга олсак, бу ўзидан-ўзи чекланган иш жараёнини қуришга ёрдам беради, у тасаввурий ва аффектив ўқиш ўртасидаги доимий ўзаро алоқани талаб этади. Бу бирон кишининг чекланган дунёқарашининг тезкор огоҳлик даражасини кузатиб келадиган эмоционал даражасидаги «шапалоқ» ўрганиш учун жуда яхши восита ҳисобланади, у чуқур ётган ва янги кўринган горизонтларни интеллект даражасига сиғдира олиш қобилиятини стимуляция қилувчи воситадир. Лекин шаклланган дунёқарашлар таъсирли шаклда қурилган ва ўзгармасдир: уларни бирон нарсага чорлаш ёки ўргатиш учун кучли тасаввур ва яратувчанлик талаб қилинади. Глобал дунёқарашни ўрганиш бутун онгни ўрганиш демакдир.

5. ФАРҚЛИЛИКНИ БАҲОЛАШ, ТЕНГЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Тор дунёқараш фақатгина бирон кишининг шахсий ривожини чеклаш эмас, балки потенциал равишда бошқалар ҳаётининг тўлиқ кечишига тўсқинлик демакдир.

Одамларга нисбатан олдиндан бирон фикрга эга бўлиш ва янги истиқболларга нисбатан очиқ бўлиш шахсий тасаввурга нисбатан бериладиган саволларда муваффақиятсизлик ёки иштиёқнинг бўлмаслигини келтириб чиқаради. Тажрибадан маълумки, бу нарса бирон кишининг шаклланган дунёқарашига тўғри келмайди. Майкл Бэнтоннинг тушунтиришича, «олдиндан бирон фикрга эга бўлишнинг битта катта хусусияти шуки, бу бир онгий ўзгармайдиган нарсадир, у бирон кимнинг янги информацияни ўзининг

стереотипидаги олдиндан шаклланган тушунчалари билан мослашга ҳаракат қилганидан пайдо бўлади.” Мактаблар бошқа одамлар ва маданиятлар ҳақида позитив ҳатти-ҳаракатларга эга бўлишнинг ривожига асосий роль ўйнайди: тадқиқотлар кўрсатишича, етти ва ўн икки ёшлар ораси бола фарқларни тушунишга ва қабул қилишга энг очиқ бўлган бир ораликдир ва у жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ораликдан сўнг бошқа фикрларни қабул қилишни истамаслик даражаси ошаётганида ўқувчининг олдиндан фикрга эга бўлиш ҳаракатлари билан курашса бўлади, лекин мактабнинг барча даражаларидаги ўқувчилар синф хонасининг муҳити ва ўқиш жараёни ниҳоятда муҳимлиги тасдиқланади. Нано Шнайденвинд ва Эллен Дэвидсон айтишларича, «эгалитар синфхона» муҳимдир, шахсий ўсишни ривожлантирадиган муҳит, ўзини қадрлаш, бошқалар ҳақида ўйлаш ва ўқишда тенглик: тенгсизликнинг кучайтирувчиси, талаб, “беллашиш индивидуализми” асосидаги мактабларда айниқса долзарб, ўқувчининг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги, фақатгина унинг ақли ва ҳаракатларига боғлиқ деган тушунчалар, барча ўқувчилар беллашиш ва муваффақият қозонишга тенг имкониятларга эга деган нотўғри фикрларга асосланади. Дэвид ва Роджер Джонсон шу фикрга келишдики, биргаликда ўрганиш тажрибаси, беллашиш ва индивидуалистик ўқиш ҳолатлари билан солиштирганда, этник кўпчилик ва камчилик бўлган ўқувчилар орасидаги алоқаларнинг ижобий томонга ривожланишини таъминлайди: гуруҳлараро умумий мақсадга йўналтирилган ишлаш усули шахслараро жалб қилинишда юзага чиқади ва, ўз навбатида, барча қатнашчилардан бутунлай мақсадга берилишни талаб қилади. Джонсон ака-укалар яна шуни айтадиларки, барча турдаги фарқлар, улар этник, жинсий синфий ёки ақлий бўлишидан қаттиқ назар, ҳамкор гуруҳлар шаклида ижобий қабул қилинади ва баҳоланади, агар улар гуруҳларга бир қатор мақсадларга эришиш учун ёрдам берса. Худди шундай, Альфрэд Дэвейнинг Англиянинг турли қисмларидаги бошланғич мактаб болалари билан қилган тадқиқоти шуни кўрсатадики, этник фарқлар, болаларнинг “ўзаро ва нейтрал қарамлик контекстларида” бўлганларида дўст танлашда жуда муҳим омилга айланади, масалан маълум бир мақсадга эришиш учун ҳамкорлик талаб қилинадиган гуруҳ вазиятларида. Филлида Салмон ва Хиллари Клэрнинг тўртта синфхона, иккита шахар ичидаги бошланғич мактаблардаги икки йиллик тадқиқотларининг натижаларига кўра, ўрганилган гуруҳларда танлилик тўсиғининг мустаҳкам очиқ ойдинлигига қарамай, унга нисбатан душманлик хати-ҳаракатларининг барча тўртта гуруҳда йўқлиги маълум бўлди.

Ҳамкорлик ва этник фарқларга нисбатан бўлган ҳаракатлар асосида шуни айтишимиз мумкинки, жинсий фарқ ва мактаблардаги жинсий тенгликнинг ривожлантирилиши айни натижаларни бериши мумкин. Баъзи ўқитувчиларнинг қизларга яхшироқ ўрганиш имконини бериш мақсадида якка жинс ўқитилиш мактабларига қайтиш истагини шундан тушунса бўладики, маълум бўлишича, ҳамкорликдаги ўқиш қизларга нисбатан кўпроқ ўғил болаларга наф келтиради. Бу альтернатив ҳамда болаларга саксизм

ва унинг оқибатлари ҳақидаги билимларни етказиб берадиган ёндошиш, синфхонанинг муҳитини ва шахслараро муносабатларнинг сифатини жиддий равишда ўзгартиришдир. Шнайдевинд ва Дэвидсонларнинг кўрсатишича, беллашув муҳити, айниқса у узок муддатли бўлса, иккала жинс учун ҳам фойдали эмас: "Қизларда кўпинча ўзини жуда паст баҳолаш концепцияси ва боғлиқлик интилишлари ривожланади, бу эса шахсий, кейинчалик эса карьера ўсишида тўсқинлик қилиши мумкин. Болаларда беллашишга эрта мажбурлаш, қандай қилиб бўлса ҳам мақсадга эришишга мажбурлаш эса маълум бир ахлоқий фонларни келтириб чиқаради, улар стресс билан боғлиқ бўлган касалликлар ва эрта ўлимга олиб келади. Салмон ва Клэр томонидан қилинган тадқиқотдан маълум бўлишича, душманлик анча пасайди: "аралаш синфлардаги ҳамкорликдаги ўрганиш жинсий алоқалар учун ижобий асос яратиши мумкин." Марлен Лождид ва Сюзан Клейн ўзларининг жинсий тенгсизликларга синф ташкилотининг ва муҳитнинг таъсири Америка тадқиқотини қайта кўришда шуни тавсия қиладилар, синфларни жинсий кесишув шаклидаги ўрганиш, ҳамкорликдаги ўрганиш ва муҳокама гуруҳлари мавжуд ҳамда гуруҳлар аъзоларига мақсадга йўналтирилган роллар вазифалари мавжуд бўлган синфлар қилиб қайта шакллантириш керак. Яна улар шуни таъкидлайдиларки, ўқитувчи ҳам ўзининг иккала жинсга нисбатан бўлган ҳатта-ҳаракатларини ва унга нисбатан бўлган реакцияни кузатиб бориши керак.

Лекин оддий муносабатларни тўғирлашга нисбатан бўлган ҳаракатлар, чуқур жойлашган ахлоқ ҳамда ижтимоий структуралар ва жараёнлар билан ўлдирилиб туриладиган олдидан фикрга эга бўлиш ва дискриминация каби тушунчалар билан юзма-юз келганида муваффақиятсизликка учраши мумкин. Дискриминация жараёнларини ва таъсирларини кенг тушуниш талаб қилинади, бу билан бирга шахсий истиқболларнинг чекланишини англаш ҳам талаб қилинади. Бунда тасаввурий ва амалий ўқиш, аналитик ва экспериментал, мақсадли аргумент ва эмоционал жалб қилиш орқали фарқлар баҳолашиб, тенглик ривожлантирилади.

6. ТАСАВВУРИЙ ВА АМАЛИЙ МАҚСАДЛАРНИ АНГЛАШ.

Биз, агар умумий ўқитилишнинг мақсадлари кесишганда, ўқитилиш ҳам амалий, ҳам тасаввурий йўналишларда олиб борилиши кераклиги ҳақида айтиб ўтдик. Лекин умумий ўқитиш қандай қилиб маълум тасаввурий ва амалий мақсадларга эришиш учун ҳисса қўша олади? Мақсадга эришишнинг интеллектуал, эмоционал, ижтимоий ва маданий кўринишларичи? Қандай қилиб умумий ўргатиш ўқувчига имтиҳонлардан ўтишда, ишга жойлашишда, ўзи ва бошқалар учун жавобгарликни англашда ҳамда демократик жамиятда фойдали аъзо бўлишида ёрдам бериши мумкин? Бундай саволларга жавоб топиш учун интилиш билан боғлиқ бўлган энг кенг ва деталлашган тадқиқот Дэвид Эспи ва Флора Робак томонидан олиб борилди,

уларнинг умумий хулосасини бу бўлимда юқорида келтирган эдик. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқот ғарбий Германияда Рейнхард ва Эн-Мари Тош томонидан қўлланилди: уларнинг хулосалари худди Эспи ва Робакларнинг хулосаларини такрорлайди.

Турли хил ёндошишлар орасидан, ҳам миқдорий тадқиқот, ҳам сунъий баҳолаш орасидан ўқишнинг барча даражаларида Эспи ва Робак Карл Роджерснинг "қулай шароитлар" ва ҳатти-ҳаракат (ўзига нисбатан, мактаб, бошқалар) хулқ муаммолари, соғлиқ, ақлий даража (IQ) ўзгаришлари ва тасаввурий ўқиш орасидаги муносабатларни ўрганишга қарор қилишди. "Қулай шароитлар" куйидагилардан ташкил топиши мумкин:

1. Қулайлаштирувчи томонидан реал ёки ҳақиқатга яқин ҳаракатлар (ўқитувчи)
2. Ўқувчини тақдирлаш, унинг ҳиссиётларини ва ҳақиқий қиймат даражасини жалб қилиш
3. Ўқувчини ҳақиқий тушуниш

Амалий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот шундай хулоса қилдики, ўқувчилар синфда қулай шароитларга қараб характерланар экан:

- ўзи ҳақида юқори тушунчага эга бўлганлар
- мактабга нисбатан кўпроқ ижобий хулқларга эга бўлганлар (дарсларга келмасликнинг камайиши, хулқ-атвор муаммоларининг камайиши, мактаб мулкига нисбатан вандализмнинг пасайиши)
- ўқишга кўпроқ жалб қилинишда (кўпроқ гапириш ва муаммоларнинг ечилиши, кўпроқ савол сўраш ва ўқитувчи билан кўз контакти)
- кўпроқ креативлик(ярлатиш) ва ижод

Бу хулосалар тасаввурий мақсадлар олдида тенг ижобий кўринар эди. Қулай шароитларда ўқиган ўқувчилар:

- академик эришиш ўлчови жиҳатидан кўпроқ фойда олишга эришдилар, бунга математика ва ўқиш баҳолари киради
- ақлий тестларда ўз даражаларини юқорироқ қилишга эришдилар (болалар боғчасидан бешинчи синфгача)
- тасаввурнинг юқорироқ даражасини ишлатдилар (унга қарор қилиш ва муаммо ечиш киради)

Худди шундай натижалар жиддий ўрганиш муаммолари мавжуд ўқувчиларда ҳам тасаввурий, ҳам амалий йўналишларда эришилган эди. Назорат гуруҳлари, қулай шароитлар камроқ бўлган синфлар ҳам бир қатор муҳим ахборот беришди: битта ўрганишда назорат ўқувчилари тадқиқот давомида ўзини тушунишда бир қатор қийинчиликларга дуч

келгани маълум бўлган бўлса, иккинчи мисолда шу нарса маълум бўлдики, ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчилар деярли шахсан тасаввурий хулқни (хотира) паст даражада ишлатишди.

Роджернинг “қулай шароитлари” умумий ўргатиш ёндошишининг юрагида ётибди, лекин улар барибир барча асосий қирраларни қопламайди. Дэвид ва Роджер Джонсоннинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, мусобақага солиштирилганда ҳамкорликдаги ўрганиш вазифа ва ўрганиш майдонига нисбатан кўпроқ ижобий муносабатни яратади, ҳамда у бошқа истиқболларни тушуниш учун муҳим бўлиши ва ҳақиқий тушунишнинг ривожланиши учун муҳим бўлиши мумкин. Беллашув асосидаги структуралар содда мақсадга, ёки кичик ёрдам талаб қилинадиган мақсадга эришиш учун асосий бўлса, ҳамкорликдаги ўрганиш кўп қиррали ўйлашни ва муаммо ечимини, комплекс ва қийин мақсадларга эришиш учун асосий бўлган хусусиятларни ривожлантиради. Шуниси қизиқарлики, ҳамкорлик яна шахсий хотирани мустаҳкамлашда ҳам кўпроқ фойдали ҳисобланади. Ва ниҳоят, ака-ука Джонсонлар шуни хулоса қилиб кўрсатдиларки, ҳамкорликда ўрганиш муваффақият билан ҳар турдаги академик вазибалар билан ишлатилиши мумкин бўлса ҳам, қанча кўп концептуал ўрганиш талаб қилинса, ҳамкорликнинг таъсирчанлиги шунча катта бўлади: бунга кўшимча қилиб айтганда, фикр ва назариялар, фикрларнинг тескарчилиги ва конфликтлигини келтириб чиқарувчи вазибаларни ўз ичига олган ҳолатлардан янада юқорида тасаввурий ўрганиш натижа бўлиши мумкин (тескарчилиқнинг индивидуалистик ўрганилиши, ёки тескарчилиги бўлмаган мавзуга асосланган гуруҳ вазифаси билан солиштарганда). Бундай хулосалар умумий ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлиши кўринади, ундаги тегишли тушунчалар мураккаб (ўзаро боғлиқлик, олдиндан фикрга эга бўлиш, адолат) ва мавзуларда терслик мавжуд.

7. ТЕЗ СУРЪАТДА ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁДА ЎРГАНИШ.

Биз умумий ўргатиш учун тақлиф қилган ва умумий таълимга зарур бўлган ёндошиш сифатидаги тақсимлаш асосан умумийликнинг учта ўлчовига асосланади, жумладан позицион ўлчов, мавзу ўлчови ва инсон потенциалининг умумийлиги. Бу тақсимлаш яна қисқа мuddатли ўлчовгача кенгайтирилиши мумкин.

Роберт Хиллиард янги билимда ўсишнинг тезлашувининг миқдорини аниқлашга ҳаракат қилди: “билимнинг ўсиш даражасида бугун туғилган бола коллежни битириши пайтида дунёдаги билим миқдори тўрт маротаба ошади. У 15 ёшига етганида бу кўрсаткич икки маротаба ошади ва у туғилганидан бери дунёдаги бор нарсаларнинг 97 фоизини ўрганиб бўлган бўлади. Бундай статистик маълумотлар муҳокама қилинади, лекин маълумотнинг умумий ҳақиқати диққатга сазовор. Ким олдиндан айта олади, бола мактабда ўрганиши талаб этилган “фактлар” уларга кейинги ҳаётида қай даражада керак бўлади? Қандай

қилиб ўқувчилар мактабдан ташқари яшаш учун зарур бўлган билимларни оладилар? Ҳамда қайси усул билан ўқувчилар “фактнинг” фақатгина бир фикр ёки истиқбол ёки дунёни тушунишга ҳаракатидаги жорий ўзгарадиган бир позиция эканлигини тушунишга тайёр бўла олади?

Бизнинг қишлоқ мактабимиз кам таъминланган ва одами кўп эди, лекин менга бу ёқар эди. Биз ҳеч қандай абстракт ёки мустаҳкам бўлмаган нарсаларни ўрганмаган эдик – фақат оддий фактлар мисоллари, ҳарфлар, санашнинг турли усуллари, қоғозларни ёзиб бериш, яъни оддий санаш учун керак бўлган нарсалар. Эрталабларнинг ўлик соатларида, узоқ пешин вақтларида яна ва яна ўша парталаримизга қайтар эдик. Мактаб ёнидан ўтадиганлар бизнинг тўла хонамиздан келадиган овозларимизни эшитар эдилар. «Ўн икки инч-бир фут, уч фут-бир ярдни ташкил қилади, ўн тўрт фунт-битта тошга тенг. Саккизта тош – юзта вейт.” Биз бу шаклларни худди қандайдир олий куч томонидан тасдиқланган шакллар каби ёдлар эдик. Эшитмасдан, савол бермасдан, биз яна ва яна қайтарар эдик. “Икки-ю икки – тўрт, Фақат худо севги демақдир. Битта хўжайин қиролдир. Ягона қирол – Джордж, Джордж – бешинчи...” Хуллас, бу ҳал бўлган, бор ва бўлади: биз ҳеч қандай савол сўрамас эдик: биз нима деганимизни эшитмас эдик: аммо биз буларнинг ҳеч қайсисини ҳеч қачон унутмаганмиз.

Лори Ли, Сидр ва атиргул.

Бизнинг ижтимоий назарияларимиз, бизнинг сиёсий фалсафамиз, амалий бизнес тажрибалари, сиёсий иқтисодиёт ва таълим доктриналари, улуғ фикрловчиларнинг бузилмас аънаналари ва Платон даврининг амалий мисоллари асосидан келиб чиқар эди...асрнинг охиригача. Бу одатларнинг ҳаммаси, барча ўз отаси томонидан қолдирилган шароитлар асосида, бошқарувда яшайди ва ўзи ҳам боласига шу шароитларни тенг куч билан ўтказиши деган фикр билан қопланган эди. Биз одам тарихининг биринчи оралиғида яшамоқдамиз ва бу оралик учун бу фикр нотўғридир.

Альфред Норт Уайтхэд, Фикрларнинг саргузаштлари.

Билим олиш умумий таълимнинг бир компоненти: у тажрибаларнинг ривожланиши ва қайта яхшиланиши ҳамда шахсий хулқ ва қийматларнинг тадқиқ қилиниши билан тўлдирилиб турилиши ва кузатилиб борилиши керак. Кескин равишда ўзгариб бораётган ва олдиндан айтиб бўлмас бу дунёда ўрганишнинг баъзи муҳим соҳаларини ажратамиз:

- шахсий ва профессионал ҳаётда қилинган билимли қарорлар келиб чиқадиган ривожланишлар ва йўналишларни англаш
- шахсий ва сайёравий ўсишда қатнашишга нисбатан бўлган тайёргарлик даражасини ва ўзгаришини англаш
- янги маълумотлар қабул қилинишини ва ишлатилишини таъминлайдиган тажрибалар

- “зарбага чидамли тажрибалар”, улар орқали қутилмаган, чорловчи ёки ёқимсиз вазиятлар конструктив равишда бошқарилади
- янги истиқболларни кашф қилиш учун бўлган иштиёқ
- муаммо ечишга бўлган потенциал, яратувчанлик, олдиндан баҳолай билиш ва ҳақиқатни англаш қобилияти

Буларга эришиш, бизнинг ўйлашимизча, асосан умумий ўрганиш орқали амалга оширилади. XXI асрда ўрганиш XIX асрнинг механик ўқитилиш одатларидан фарқли ўлароқ ўша аср тўғри келадиган дунёнинг тўлиқ ва тизимий сифатларини назарда тутиши ва акс эттириши керак.

Умумий ўрганишнинг баъзи бир натижалари.

Ўрганиш вакуумда амалга оширилмайди. Юқоридаги тақсимда айтиб ўтилганидек, ўрганишнинг сифати ва хусусияти у амалга ошираётган муҳит билан ўзаро боғлиқдир: умумий ўрганиш мактаб ва ўқитувчи учун жуда муҳим натижаларни бериши мумкин. Бу бўлимни биз ҳимоя қилаётган ўрганиш ёндошувида мактаб структурасининг ва ўқитувчининг роли ҳақидаги қисқа таъриф билан якунлаймиз.

Ўқитувчи учун

“Ўргатиш жуда катта даражада кўпчилик ўйлагандек яхши ва муҳим вазифа эмасдир,”- дейди Карл Роджерс. Шубҳасиз ва ўсиб бораётган ўқитувчилар босими пайтида бу бир оз шафқатсиз бўлиб эшитилиши мумкин, лекин у ўз фикридан қайтмайди, у ўргатиш, билимнинг ажралмас қисми сифатида фақатгина ўзгармайдиган дунёда таъсирчанлигини таъкидлайди: “Биз, менимча, таълимдаги шундай бир тубдан янги вазиятга дуч келдикки, бунда таълимнинг асосий ғояси, агар гап яшаш ҳақида бораётган бўлса, ўрганиш ва ўзгаришни енгиллаштиришдир. Худди шу сабаблар туфайли Постман ва Вейнгартнер мактабда ўрганиш муҳитини белгилайдиган катталарни таърифлаш учун янги термин кераклигини таъкидлайдилар: “ўқитиш” “ўқишга” боғлиқ эмаслиги ҳақидаги фикрлар, оддий қилиб айтганда, бирон нарса “ўқитилиб”, лекин ўқувчи томонидан “ўрганилмаслиги” худди савдогарнинг “Мен уни унга сотдим, фақат у уни олмади” деган гапига ўхшайди. Биз баъзи бир сабабларга кўра бу китобда деярли ҳамма жойларда “ўқитувчи» терминини қолдирганмиз, аммо биз аминмизки, умумий ўрганиш бу асосан “ўрганиш жараёнини қулайлаштиришдир” (умумий ўқитиш). Шунинг учун “қулайлаштирувчи” атамаси бу ерда кўпроқ мос келар эди. Сократ ўзини ўқувчиларига ҳамшира билан тенглаштирган, у уларга олдинда нималар пайдо бўлишини айтар эди: агар бунинг жинсий томонини инобатга олмаса, бу жуда кучли тасвир ҳисобланади.

Лекин биз оддий семантик вариантларни таклиф қилмаямиз. “Ўқитувчи” билан “қулайлаштирувчи” орасидаги фарқнинг марказида синфхонадаги куч мавзуси бор. Эдвард Сэлл кучнинг уч шаклини белгилайди, уларнинг ҳар бири яратувчи ва бузувчи йўналишларда ишлатилиши мумкин.

- Шахсий куч. Инсоннинг фақат ўзига тегишлидир, одамнинг огоҳлигида ётади. Бу кучдан ўзига баҳо бериш, ижод, яратувчанлик ва бажарувчанлик хусусиятлари ажралиб чиқади.
- Шахслараро куч. Бошқаларни тўғридан-тўғри юзма-юз муносабатларга чорлайди: баъзиларда куч кучга дуч келганида, ҳар бири ошади (худди креатив диалогдагидек). Бошқа вақтларда ҳар бири тинчлантирилади ёки пасаяди.
- Ношахсий куч бошқаларни институт тизими орқали чорлайди. У шахсий ва шахслараро кучларни жалб қилади, лекин диктатор ҳолатида каби у уларга нисбатан нотақсимланган бўлиши мумкин.

Ҳам «ўқитувчи», ҳам “қулайлаштирувчи” ношахсий кучни ишлатадилар, фарқи уларнинг ўқувчиларининг кучини қабул қилиш усулида. “Ўқитувчи” учун ношахсий куч бу манипуляция қилиш имконини берувчи қуролдир, унинг ёрдамида у ўқувчиларнинг шахсий кучларини босиб олиш, ва улар устидан автономия ўрнатиш учун фойдаланади: “қулайлаштирувчи” эса ўз синфида шахсий ва шахслараро кучларнинг ишлатилишини қўллайди. Бошқача қилиб айтганда, у ўз ўқувчиларида бор бўлган кучни тарқатиб, янада кўп куч тўплайди: бу креатив деволүция, яъни кучлантириш тизими.

Биз синф хонасида қарор қилиш ва куч тақсимоли ҳақида тортишяпмиз, бундай ўзгаришларни Нэвил Беннет “синф хонасининг экологик баланси” деб атаган. Тортишувнинг асоси шундаки, кучлантириш бу инсон энергиясининг ишлатилишининг энг фойдали усулидир. Яна бу жуда ҳам долзарб, Теодор Розак бизга эслатишича, болаларнинг манфаати ва ҳуқуқларини инобатга

олиб :“Яхши мактаблар томонидан шакллантирилган болалар, кўп ишлайдиган, мукамал тайёрланган муваффақиятли болаларга эгалик қилиш истагидан ойдинроқ нима ҳам бўлиши мумкин – ҳамма нарса болаларнинг яхшилиги учунми? Уларга яхши иш, амал, даромад келтирадиган таълимдан бошқа нима улар учун манфаатлироқ бўлиши мумкин? Айтмоқчиманки, бизнинг дунёимизни акс эттирувчи таълим». Қўшимча қилиб айтганда, бундай алмашинув “ўқитувчи” ва “ўрганувчи” орасидаги кескин ва чекловчи фарқланишнинг йўқ бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Агар умумий синфда, ўқувчидан ўз фикрлари ва истиқболлари билан қатнашиши сўралса, у баъзи пайтларда “ўқитувчи” бўлишига тўғри келади: аксинча, бундай қатнашиш баҳоланса ва қўллаб-қувватланса, ўқитувчи “ўрганувчи” ролига кириши қутилади. Ҳамкорликда ишлайдиган гуруҳлар ўқувчиларининг вазифалари ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчидир. Ўқитиш ва

ўрганиш ўртасидаги узлуксиз ўзаро ўйналиши умумий синфнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади: у фақат кучнинг давомий равишда оқиб келиши билан пайдо бўлади. Бу нуқтаи назардан умумий синф мураккаб электр занжирига қиёсланса бўлади: куч (электр ток) барча ўқувчиларга тегиб ўтади (нуқталар), ҳаммани кучлантиради, лекин биронтасидан ҳам таъсирланмайди.

Куч оқишининг яна бир муҳим вазифаси бор. Барча таълим турлари, хатто энг расмийлари ҳам, одатийлари ҳам, қийматлар, хулқлар ва ишончлар билан шуғулланади: “қийматсиз” ёки “нейтрал” деб номланадиган ўқитишнинг бўлиши мумкин эмас. “Одатий” дарслар (фанлар) нима ўқитилиш кераклигида танлашни зарур қилади ва унинг қандай берилишида танлаш заруриятини беради: бундай танлашлар қийматлар ва перспективаларга асосланган қарорларни жалб қилади. Умумий таълим бундан асло фарқ қилмайди, у очиқ равишда ушбу қийматларнинг жалб қилинишини қабул қилади ва ўқитувчининг, фарқли ақлларнинг манипуляцияси ва индоктринациясидан ўзини сақлаш имконини билдиради. Индоктринация – доктринанинг қўлланмаси – қачонки куч ягона инструкторнинг қўлида бўлсагина амалга оширилиши мумкин бўлади: у кучнинг ҳамма ўрганувчилар орасида бўлинганида амалга оширилиш имконияти пасаяди. Салмон ва Клэрларнинг кузатишича:

Ҳамкорликдаги ўрганиш тарзи одамларнинг ўз асосий билимларини ўзлари шакллантирадиган ва ўрганганини ўзларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўзларига таъсирли бўлган ҳолатлар билан солиштирадиган, деган фикрга асосланади... Улар ўз болаларига автономия ва ўзларининг ўрганиш ҳаракатларидаги жавобгарликни ўзларига топширганликлари сари улар (ҳамкорликда ўрганиш тарзлари) фан ва дарсларни ўзларининг ўқитувчидаги ягона позициясидан суриб қўйишади. Уқувчиларни бир-бирлари билан музокара қилишга чорлаш, улар ўқувчиларга ўзлари ҳар кунги дунёлари билан алмашинув имкониятини беради. Бизнинг тадқиқотимиздан кўришиб турибдикки, бу нарса одатда рўй берган...

Лекин кимдир гуруҳнинг ишонтириш кучини эълон қилиб, ноконформистик яқка фикрларни ағдариши ёки тўхтатиши керак. Умумий синф ўқитувчисининг вазифаси эса бундай фикрлар тингланиб, инobatта олинишини билдиришдир.

МАКТАБ УЧУН

Чарльз Хэнди “Ишнинг келажиги” китобида ўрта мактаб ўқувчилар атрофида ишчи каби эмас, улар атрофида маҳсулот каби ташкил қилинганлиги ҳақида музокара қилади. Бошланғич материаллар бир иш жойидан бошқа иш жойига кўчиб юради, охирида бўлинади ва тарқатилиш учун маълум категорияларга ажратиб қўйилади....ўрта мактаб аниқ ажратиш механизми ва у унутилмас таассурот қолдиради. Ундан шунчалар кўп юзида кулгу билан, ўсиб қолган ва миннатдорларнинг ўтганлиги, бутун вужудини ва шахсиятини шунга қурбон қилган кўллаб ўқитувчиларга бир бағишловдир. Лекин кўллари ундан унчалик яхши ўтмайдилар. Улар



ОИНАДАГИ ГЕРАНЬ ЎСИМЛИГИ СЎЛИБ ҚОЛДИ, ЛЕКИН СИЗ ҲАЛИ ЙЎҚ, УСТОЗ.

ўзларига зўрлантирувчи, тегишли бўлмаган ва уларнинг дунёга ҳисса қўшиш имконияти учун умуман керак бўлмаган институт томонидан бегона қилинган ҳолда қолишади. Улар учун бу имконсизлик тизимидир. Умумий ўрганиш учун ўрта мактаб (ва бошланғич мактаб ҳам) имконсизлантирадиган эмас, балки кучлантирадиган бўлиши керакдир.

Умумий мактабда, худди умумий синфда бўлгани каби, восита бу хабардир. Уқувчилар орасида ҳамкорлик, тасдиқлаш хатти-ҳаракатларининг ривожланиши, ўқитувчиларнинг худди шу хулқни, синф хонасидагидек, ўқитувчилар хонасида ҳам намоиш қилиши керак. Бошқаларнинг шакллантирувчи қийматлари ва ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат мактаб қонунларида, интизом ва бошқа процедураларда кўрсатиб ўтилган бўлиши керак. Ўзларининг ўрганиши ва ривожланишида фаол қатнашишга ўқувчиларни чорлаш, мактабни бошқариш ва йўналтириш жавобгарлигининг тақсимланиши билан қўллаб-қувватлаш керак. Очиқ алоқа, эффе́ктив равишда ота-она ва ўқитувчи орасидаги диалог орқали қўллаб-қувватланади. Тажрибавий ўрганишга интилиш, ўқувчиларнинг маҳаллий жамоаларга йўналтирилиши, уларнинг тажрибасини ўрганиш ва унинг ривожига ҳисса қўшишидан ўрганиши орқали эффе́ктив равишда амалга оширилади. Қисқа қилиб айтганда, мактабни кучайтириш, унинг ўқувчилари учун бўлган идеал ва истакларини мустаҳкамлаш демақдир.

8. УМУМИЙ ЎРГАНИШ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Умуман қилиб айтганда, умумий ўрганишнинг мақсади нима? Қуйида биз биргаликда ажралмас умумий

перспективани ташкил қиладиган бешта асосий мақсадларни таклиф қиламиз. Агар бештасидан биронтасидан фойдаланилмаса, мактаб ўқувчини доимий ҳақиқатга тайёрлашда муваффақиятсизликка учраган бўлади.

Тизимларни англаш

Ўқувчи:

Тизимлар тарзида ўйлаш қобилиятига эга бўлиши керак. Содда жуфтликлар, масалан сабаб/таъсир, муаммо/ечим, кузатувчи/кузатиловчи, қиймат/факт, сабаб/эмоция, маҳаллий/умумий ва бошқалар ўрганилмайди. Уларнинг ўрнига ўқувчилар феномен ва вазиятнинг битта комплексдаги боғланма сифатида ва барча нарса муносабатга боғлиқ бўлган интерактив, кўп қобикли тўрларни кузатишга чорланади. "Эффектлар" орқага қайтиб, тизимнинг барча жойларида мавжуд бўлган ундан ҳам кўпроқ эффектларни олиб келади. Кузатувчилар бўлинган ҳолда нима кузатилаётганини аниқлайдилар. Ечимлар эса тизимдаги ёрдамчилардир.

Дунёнинг тизимий табиатини англаш-қобилият. Биринчидан, бу муҳим ўлчовдадир: интра-шахсийдан умумийгача бўлган кўрсаткичлардан кўрилади. Иккинчидан, доимий ўлчовда, масалан, ўтмишнинг табиатини ўзаро тушунтириш, ҳозир ва келажак. Учинчидан, мавзу ўлчовида, умумий мавзу табиатини чегаралаб.

Уларнинг сифими ва потенциали ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш. Бизнинг ҳақиқий потенциалимиз фақатгина одамнинг тан, эмоционал, интеллектуал ва маънавий ўлчовлари худди тўла ўлчовдагидек тенг қаралса. Бунда ўқувчилар машқ ва потенциални ривожлантириш учун ҳамма нарсага эга бўлишлари ҳамда шахсий автономия ва кучайтирувнинг янада юқори даражаларига эришишлари керак.

Истиқболни англаш.

Ўқувчи:

Универсал даражада алмашинуви бўлмаган дунёқарашга эга эканликларини тушунишлари керак. Бу ўқувчиларга улар ўзининг маълум бир истиқболи борлигини маълум бир хаёллар ва сезги чегараларидан ўзлари учун интерпретация қилишларида ва бунда бошқаларнинг ҳаёт тарзлари, хулқ-атвор намуналари, қийматлари ва дунёқарашлари ҳақида қарор қилиш ва уларни интерпретацияга айлантириш каби хавфлар ушбу чегараланган иш майдони билан бирга келиши ҳақида тасаввурга эга бўлишларида ёрдам беради. Булардан ташқари, уларга истиқболнинг ёш, синф, нуқтаи назар, маданият, этник фарқ, жинс, географик контекст, мафкура, тил, миллат ва танлилик каби омиллардан қандай шаклланишини кўриш имкони берилади.

Бошқа истиқболларни қабул қилиш хусусияти муҳим равишда эркинлаштирувчи бўлиши мумкин. У ўқувчиларни олдиндан қилинмаган фаразларга

чорлаши мумкин, тасаввур ҳамда тесқари ва юзаки ўйлаш каби хусусиятларни тўлдириб келиши мумкин. У ҳам муаммо, ҳам ечимларнинг радикал қайта баҳоланишига олиб келиши мумкин.

Соглом сайёравий хабардорлик

Ўқувчи:

Глобал шароит ва глобал тараққиёт ҳамда йўналишларни тушуниши ва улардан хабардор бўлиши керак.

Ўрганиш ва муҳокама орқали ўқувчилар глобал шароит, йўналиш ва ривожланиш мисолларини ўрганишлари керак, масалан: саломатликни сақлаш, аҳоли сонининг ўсиши, ривожланиш турлари, инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири, халқаро ўзгаришлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг муваффақиятли ва муваффақиятсиз мисоллари. Улар тенг равишда ушбу шароит, ривож ва йўналишларни кузатиб борадиган бир қатор, асосан конфликтга етаклайдиган, аргументлар билан таниш бўлишлари лозим.

Адолат концепцияси инсон ҳуқуқлари ва жавобгарликлари ҳақида ахборотли тушунчага эга бўлиши ва ушбу тушунчани глобал шароитга нисбатан ва глобал ривож билан йўналишларга нисбатан ишлата олиши керак.

Сайёранинг озодалиги юзасидан ўзларининг акс эттириладиган келажакдаги ориентациясини ривожлантириши керак. Жорий шароит, ривож ва йўналишлар ўзларининг тарихий контексти билан олинадиган бўлса, ўқувчиларнинг ўртача ва узок муддатларда нима рўй бериши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари акс этгани, дунёда бугун бўлиши мумкин бўлган, келажакда бўлиши мумкин бўладиган ва бўлиши исталганлиги ҳақида ўйлашга интилиш тенг маънода муҳимдир.

Ақл ва тайёргарликнинг жалб қилиниши.

Ўқувчи:

Ўзи қилган танловлари ва ҳаракатларининг глобал жорий вазият ва глобал келажакдаги аксини топади.

Қилинган танловлар ва ҳаракатлар шахсийдан глобал кўрсаткичгача бўлган исталган даражада шкаладаги бошқа барча кўрсаткичларга давомий таъсирини ўтказиб келиши мумкин. Худди шу тарада жорий танлов ва ҳаракатлар муҳит ва инсоннинг яхши ҳаёт кечирishi учун қийинчиликлар яратиши мумкин.

Танлаш ва ҳаракат қилишдаги муваффақиятсизликлар ақлий танлов ва ҳаракат каби натижаларга сабаб бўлиши мумкин.

Ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар тажрибасини ривожлантириш глобалликка яқин бўлган турли даражалардаги демократик қарор қилишда таъсирчан аъзо бўлиши учун зарурдир.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ АСР УЧУН ТАЪЛИМ ОЛИШ

Таълим болаларда ҳаёт учун керакли асосий қобилиятларни тарбиялаши керак. Лекин биз шу қобилиятларни етарли даражада яхши биламизми, деб сўрайди Теодор Розсак.

Бахтга қарши, Жонни ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди. Лекин биз нима учун бу нарса ҳақида ҳавотир олишдан тўхтаймиз? Нима учун биз Жоннинг бутун умри давомида ўзининг муаммоси ва бошқалар томонидан аҳамиятга олинмаслиги туфайли қийналиб чиқиши ҳақида қизиқмаймиз? Нима учун биз Жоннинг танаси хоҳиш ва жаҳл билан қулфланганлиги, унинг метаболизми носоглом овқатлар диетаси ва асабий таранглик туфайли қийналиши, унинг ҳаёлий ҳаёти ҳеч нима ўсмайдиган тупроқ эканлиги, унинг тасаввурлари аста-секин сўнаётганлиги ва унинг ижтимоий дунёқарашини ўзини бошқалардан юқори қўйиш фикри билан банд эканлиги ҳақида ҳавотир олмаймиз? Нима учун биз Жоннинг рақсга туша олмаслиги, нафас ололмаслиги, фикр юрита олмаслиги, ҳордиқ чиқара олмаслиги, ҳавотир, жаҳл ва ҳасад ҳисларини тўғри ажрата олмаслиги ҳамда ишонч ва мулойимлик ҳисларини билдира олмаслиги ҳақида ҳавотир олмаймиз? Нима учун биз Жонни ўзининг ким эканлигини билмаслиги, шахсиятини топиши кераклиги ҳақида ўйлаш учун бир оз вақт ажратмаймиз? Агар асосий қобилиятларнинг бу нарсага аҳамияти бўлмаса, демак уларнинг Жоннинг соғлиги, бахти, тўғри фикр юритиши ёки ишлаш билангина ҳаётини давом эттира олиши билан ҳам боғлиқлиги йўқ экан. Шундай экан, Жоннинг таълим олиши нима мақсад учун хизмат қилади?

Йигирма биринчи аср учун таълим олиш янги кўплаб қобилиятлар орттириш, билим олиш ҳамда ҳозирги таълим тизими ҳақида “асосий тушунчаларга қайтиш” ёки технократик таълим ҳақида билим бериш тизимларидан кўра одилроқ баҳо бериш қобилиятларини талаб қилади. Шундай экан, асосий

беш мақсадга эришишимизни кафолатлайдиган билим, қобилият ва глобал таълимнинг қўшимча йўналишлари нималардан иборат? Қуйидаги мўлжаллар гуруҳи, албатта, тўлиқ эмас, лекин у йигирма биринчи асрдаги ҳаёт учун керакли билимларни ўз ичига олади. Тушуниш ва топишни осонлаштириш учун мўлжаллар мос сарлавҳалар остига жойлаштирилган ва кетма-кетлик шаклида берилган. Шунинг эса туттиш лозимки, глобал таълим тизимига тўлиқ ва систематик йўл тутиш мақсадида, туркумлар аниқ ёки эксклюзив сифатида қаралмаслиги керак, чунки улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро қарамлик чексиздир.

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ МАҚСАДЛАРИ БИЛИМ МАҚСАДЛАРИ

1. ШАХСИЙ

- (a) *Шахсий онг*: ўқувчилар ўзларининг жисмоний, ақлий, ҳиссий ва руҳий имкониятлари даражасини, кучли томонлари ва камчиликлари, ривожлантириш керак бўлган жойлари ҳақида билим эгаллашлари керак.
- (b) *Шахсий назар*: ўқувчилар ўзларининг нуқтаи назарлари ҳамманикига мос келмаслиги мумкинлиги ва ўз нуқтаи назарларининг қандай шаклланганлиги ҳақида билимга эга бўлишлари керак.
- (c) *Бошқаларнинг бизни қандай кўриши*: ўқувчилар бошқалар уларни қандай кўришларидан келиб чиққан равишда ўзларининг маданиятлари, ҳаёт шакллари ва бирликларини ўрганишлари керак.

2. ТИЗИМЛАР

- (a) *Тизимлар назарияси*: ўқувчилар табиат тизимлари, уларнинг қандай ишлаши, ривожланиши ва ўзгариши ҳақида тушунча ҳосил қилишлари керак.
- (b) *Дунё тизимлари*: ўқувчилар дунёнинг асосий тизимлари қандай ишлаши ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак, масалан, савдо тизимлари, экологик тизимлар ва сиёсий тизимлар.
- (c) *Ўзаро қарамлик*: ўқувчилар ўзаро-қарамлик тушунчаси ҳамда одамлар, жойлар, воқеалар ва масалаларнинг ўзаро қарамлик орқали қандай боғланганлигини тушунишлари керак.
- (d) *Умумийлик*: ўқувчилар талаблар, ҳулқ-атвор, истеъдод ва орзуларнинг умумийлиги ҳақида билимга эга бўлишлари керак.

3. ТАРАҚҚИЁТ

- (a) *Тараққиёт шакллари*: ўқувчилар ўзларининг ва бошқалар жамиятида мавжуд бўлган тараққиёт тушунчаси ва унинг асосий шакллари (капиталистик, ижтимоий ва альтернатив) ҳақида билимга эга бўлишлари керак.
- (b) *Муносабатлар алмашинуви*: ўқувчилар давлатлар, жойлар ва ўсиш/ажралиш жараёнларида алмашинувчи умумийликлар, бу умумий тушунчаларнинг келиб чиқиши ва амалга ошиши, давлатлар, жойлар ва компаниялар орасидаги куч ва бойликнинг ўрни ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак.
- (c) *Ёрдам*: ўқувчилар ёрдамнинг ривожланиши тарихи, унинг шакллари ва жараёнлари, унинг фаолиятини ўраб турган асосий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий масалалар ҳақида билимга эга бўлишлари керак.
- (d) *Колониализм*: ўқувчилар колониализм тушунчаси ва жараёнлари, несколониализм ва империализм, уларнинг дунёдаги тарихий ва замонавий аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилишлари зарур.
- (e) *Аёлларнинг ўрни*: ўқувчилар турли жамиятлардаги аёлларнинг ўрни ва уларнинг ривожланиш жараёнларига келтирадиган фойдалари ҳақида тушунча ҳосил қилишлари зарур.
- (f) *Аҳоли*: ўқувчилар дунёдаги демографик ҳолат, тараққиёт ва сиёсий масалаларни ўраб турган асосий тушунчаларни ўрганиб чиқишлари зарур.
- (g) *Соғлиқ ва овқатланиш*: ўқувчилар дунёдаги асосий касалликларнинг келиб чиқиши ва оқибатлари, тўғри тузилган диета ва сувнинг организм учун нақадар зарурлигини тушунишлари лозим. Шу билан биргаликда улар соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий ривожларни билишлари зарур.

(h) *Таълим олиш ва саводхонлик*: ўқувчилар ҳозирги таълим системалари ва уларнинг турли жамиятлардаги ривожини тушунишлари ва тараққиёт учун саводхонликнинг нақадар зарур эканлигини англашлари лозим.

4. АТРОФ-МУҲИТ

- (a) *Экотизимларнинг бузилиши*: ўқувчилар асосий маҳаллий ва глобал экотизимлар бузилишининг сабаблари ва оқибатларини тушунишлари ва уларни муҳофаза қилиш учун керакли ечимларни топа олишлари зарур.
- (b) *Табиий ресурслар*: ўқувчилар жаҳон табиий ресурсларининг жойлашиш ўрни, уларнинг қай ҳолда қазиб олинishi ва ишлатилишини ва қайта тикланмайдиган табиий ресурсларнинг камайishi ҳақида тушунча ҳосил қилишлари зарур.
- (c) *Муҳофаза*: ўқувчилар муҳофаза қилишнинг қонуниятлари ва унинг маҳаллийдан тортиб глобал даражагача бўлган шаклларини ўрганиб чиқишлари зарур.
- (d) *Ифлосланганлик*: ўқувчилар маҳаллий ва глобал даражада ер, сув ва ҳаво ифлосланишининг келиб чиқиши ва оқибатларини тушунишлари ва унга қарши курашиш йўллари билишлари лозим.
- (e) *Ерни ишлатиш ва ислохотлар*: ўқувчилар ҳозирда мавжуд ернинг қандай ишлатилиши ва ер ислохотида оид асосий ривожланиш ва муаммолардан хабардор бўлишлари лозим.
- (f) *Қурилган атроф-муҳит*: ўқувчилар асосий урбанизация марказларидаги ва улардан келиб чиқувчи атроф-муҳит масалаларини тушунишлари ва альтернатив ечим усулларини билишлари лозим.

5. ТИНЧЛИК ВА НИЗОЛАР

- (a) *Салбий ва ижобий тинчлик*: ўқувчилар салбий тинчлик ва ижобий тинчлик тушунчаларини тушунишлари ва уларнинг маҳаллийдан тортиб глобал даражагача бўлган кўринишларига турли мисоллар келтира олишлари зарур.
- (b) *Инсонлараро тинчлик*: ўқувчилар мактаб, уй ёки жамиятдаги инсонлараро даражада низоларнинг асосий сабабларини тушунишлари ва уни бошқариш йўллари билишлари зарур.
- (c) *Гуруҳлараро тинчлик*: ўқувчилар жамиятдаги турли гуруҳлар ўртасидаги низоининг асосий сабабларини ва тинчликни қайта тиклаш ҳамда низоининг олдини олиш йўллари тушунишлари лозим.
- (d) *Умуммиллий тинчлик*: ўқувчилар миллатлар орасида низолар келиб чиқишининг асосий сабабларини тушунишлари ҳамда тинчликни қайта тиклашнинг тарихий ҳамда замонавий йўллари тушунишлари зарур.

- (e) *Қурол-яроғ*: ўқувчилар қурол-яроғларнинг асосий сотувчилари ва сотиб олувчилари ҳамда қурол-яроғ мусобақасининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий оқибатлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари зарур. Шу билан биргаликда улар қуролсизлантириш томон олиб борилган ва олиб борилаётган ҳаракатларни билишлари ҳамда ядроли қуролга қарши олиб борилаётган музокарапар моҳиятини англашлари зарур.
- (f) *Терроризм / тинчлик ҳаракатлари*: ўқувчилар терроризм ёки тинчлик учун жангларнинг моҳиятини тушунишлари ва асосий катта ҳаракатларнинг моҳиятини тушунишлари лозим.
- (g) *Жисмоний зарар етказмайдиган қаршиликлар*: ўқувчилар ўзлари яшаб турган ва бошқа жамиятлардаги тарихий ва замонавий қаршилик ҳаракатларининг моҳияти ва уларнинг бошловчилари ҳақида маълумотга эга бўлишлари зарур. Шу билан бирга ўқувчилар ўзлари ҳам жисмоний зарар етказмайдиган қаршиликлар уюштиришга ҳақлари борлигини тушунишлари лозим.

6. ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

- (a) *Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари*: ўқувчилар Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги универсал декларация, унинг кучли томонлари ва камчиликларини билишлари ҳамда бу ҳужжатнинг ўзлари ва умуман одамзод учун аҳамиятини тушунишлари лозим.
- (b) *Ахлоқий ва қонуний ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятлар*: ўқувчилар ахлоқий ва қонуний ҳуқуқлар тушунчасини, уларнинг инсон ҳуқуқлари учун аҳамиятини тушунишлари ҳамда ўзларининг ахлоқий ва қонуний ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларидан воқиф бўлишлари лозим.
- (c) *Тинчлик ҳамда хавфсизлик ҳуқуқлари*: ўқувчилар тинчликка қаратилган ҳуқуқ (индивидуал тинчлик билан боғлиқ) ва хавфсизлик билан боғлиқ ҳуқуқ (материал ва жисмоний хотиржамлик) ўртасидаги фарқни тушунишлари ва бу ҳуқуқларнинг идеология ва қараш назаридан бош аҳамиятга эга эканлигини тушунишлари лозим.
- (d) *Тинчликдан, тинчликка*: ўқувчилар “тинчликдан” ва “тинчликка” тушунчаларини тушунишлари ва дунёда инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келган асосий ҳодисалар ҳақида хабардор бўлишлари зарур.
- (e) *Хурофот ва дискриминация*: ўқувчилар ўзлари ва атрофдагилардаги хурофот табиатини ва фаолиятини тушунишлари ва бу хурофотнинг ёш, синф, тариқат, этник келиб чиқиш, жинс, қараш, тил, миллат ёки ирқ дискриминациясига қай тариқа олиб келишини тушунишлари лозим. Шу билан бир қаторда улар шахсий, ижтимоий ёки глобал даражада дискриминацияга қарши қандай кураш олиб боришни тушунишлари лозим.

- (f) *Жабрланиш*: ўқувчилар гуруҳларнинг ёш, синф, тариқат, этник келиб чиқиш, жинс, қараш, тил, миллат ёки ирқ сабабларига кўра ўзларининг ва бошқа жамиятларда қай тариқа жабр кўришларини тушунишлари лозим. Шу билан бир қаторда улар қандай қилиб жабрланишнинг олдини олиш мумкинлигини ва унга қарши курашда ўзларининг вазифаларини тушунишлари лозим.
- (g) *Шахсий қараш*: ўқувчилар индивидуаллар ва ижтимоий гуруҳларнинг шахсий қараш ҳуқуқини тушунишлари ва бу ҳуқуқ бузилган ҳоллар ҳақида маълумотга эга бўлишлари лозим.
- (h) *Ҳайвонлар ҳуқуқи*: ўқувчилар ҳайвонлар ҳуқуқи масалалари ҳақидаги турли мунозаралар ҳақида хабардор бўлишлари ва бу ҳуқуқ бузилган ҳоллар ҳақида маълумотга эга бўлишлари лозим.

7. АЛЬТЕРНАТИВ ҚАРАШЛАР

- (a) *Моддий нарсалар*: ўқувчилар инсон учун кўплаб моддий имкониятлар очиклигини ва ўзлари учун керакли моддий нарсаларга эришиш учун ҳаракат қилишлари мумкинлигини англашлари лозим.
- (b) *Узоқ давом этадиган ҳаёт шакллари*: ўқувчилар иқтисодий ўсишни чегаралаш ҳақидаги музокарапар ва уларнинг татбиқ этилиши ва уларнинг ҳаёт шакли оламдаги ҳаёт даражасини кўтаришга қандай қилиб хизмат қилиши мумкинлигини тушунишлари лозим.
- (c) *Инсоний ва дунёвий соғлиқ*: ўқувчилар тўлиқ соғлиқ тушунчасини инсоннинг дунё билан уйғунликда яшаши учун ҳаётининг танавий, ҳиссий, ақлий ва руҳий қисмларини тушунишлари лозим. Шу билан бирга улар инсоний ва дунёвий соғлиқ даражасини қайта тиклаш учун зарур бўлган шахсий, ижтимоий ва глобал ишларни англашлари лозим.

ҚОБИЛИЯТЛАР МЎЛЖАЛИ

1. АХБОРОТНИ БОШҚАРИШ

- (a) *Ахборот қабул қилиш ва уни билдириш*: ўқувчилар текшириш, ўқиш, ёзиш, тинглаш, гаплашиш, савол бериш, график ва бошқа сўзлашувдан ташқари коммуникация жараёнлари орқали ахборотни қабул қилиш ва уни билдиришни билишлари лозим.
- (b) *Ахборотни ташкил этиш ва уни ишлаб чиқиш*: ўқувчилар ахборотни ажратиш, аниқлаш, текшириш, синтез қилиш ва боғлашда, бир фикр ёки таассуротни бошқасига боғлаш ёки тесқари қўйиш ҳамда дедуктив ва индуктив сабаблар бериш қобилиятига эга бўлишлари лозим.
- (c) *Ахборотга баҳо бериш*: ўқувчилар ахборотнинг сифати, тўғрилиги ёки даражасига баҳо бериш,

фикр ва фактни ажратиш, хурофот ва нуқтаи назарларни фарқлашни билишлари лозим.

- (d) *Ахборотни сақлаш ва қайтариб олиш:* ўқувчилар ахборотни, фактлар, тушунчалар, жисмоний ҳаракатлар ва жараёнларни эсда тутиш ҳамда эски ахборотни яна олиб кириш ва шу билан биргаликда компьютерлашган тизимлардан ахборотни ажрата олиш қобилиятларига эга бўлишлари лозим.
- (e) *Тизимлар анализи:* ўқувчилар тизимлар ўртасидаги ўзаро қарамлик ва ўзаро боғлиқликни тушуниш учун тизимлар анализи йўллари қўллаб билишлари керак.

2. ШАХСИЙ ЎСИШ

- (a) *Марказлаштириш:* ўқувчилар онг ва танани марказлаштириш учун ҳордиқ чиқариш, тўғри нафас олиш ва фикрларини тасвирлаб бериш каби қобилиятларни қўллаш имкониятига эга бўлишлари керак.
- (b) *Жисмоний соғлиқ:* ўқувчилар тўғри тузилган диеталар, керакли машғулотлар ва турмуш тарзи орқали жисмоний соғлиқларини ушлаб туриш қобилиятига эга бўлишлари керак.
- (c) *Қўл меҳнати билан ишлаб чиқариладиган:* ўқувчилар қўл меҳнати билан вужудга келадиган қўллаб қобилиятлар, масалан, уй ичидаги, боғдорчилик ва техник қобилиятларни эгаллашлари лозим, бу йўл билан шахсий ва дунёвий тараққиётга ҳисса қўшиш учун.
- (d) *Ижодкорлик имконияти:* ўқувчилар ўзларининг имкониятлари даражасига баҳо бера олишлари ва ўзларини ижодкорлик йўли билан билдира олиш имкониятларига эга бўлишлари керак.
- (e) *Қадр-қиммат, ишонч ва нуқтаи назарлар:* ўқувчилар ўзларининг қадр-қиммат ва ишонч тизимларини аниқлаш, янги нуқтаи назар ва фикрларни юзага келтириш учун шахсий қадр-қиммат ва ишонч билдира олишлари керак.
- (f) *Ўзини йўқотиб қўйишнинг олдини олиш:* ўқувчилар стрессни тушуниш ва катта шокларни бошқариш ва улардан ҳаётлари учун керакли сабоқ олиш қобилиятига эга бўлишлари зарур.
- (g) *Вақтни бошқариш:* ўқувчилар режалаштириш, даража белгилаш ва вақтни ютиш йўллари орқали вақтларини яхши бошқариш йўллари билишлари керак.

3. ИНСОНЛАРАРО

- (a) *Фикрни билдира олиш:* ўқувчилар ўз истак-тилақларини, ҳиссиётларини ва фикрларини бошқаларнинг ҳуқуқларига путур етказмаган ҳолда эркин билдира олишлари керак.

(b) *Эркинлик:* ўқувчилар ўзлари ва бошқалар ҳақида ҳиссиётларини ижодкорлик ила билдира олишлари ва бир-бирларига ёрдам, маслаҳатларини бериб, бир-бирларини қўллаб-қувватлай олишлари керак.

(c) *Ишонч қозона олиш:* ўқувчилар уйларида, мактабда ва жамиятда ўз шахсий муносабатларида очик кўнгиллик ила ишонч қозонишлари ва бу ишонч қўллаб-қувватлай олишлари керак.

(d) *Ҳамжиҳатлик:* ўқувчилар оддий ютуққа эришишда гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг самарали қатнашишини таъминлаб, ҳамжиҳатликда ишлаш ва ўйнаш олишлари керак.

(e) *Музокара:* ўқувчилар контракт, битимларни амалга ошира олишлари ва икки тарафлама қониқарли келишувларга ёки шартномаларга эриша олишлари керак.

(f) *Муаммоларни ечиш:* ўқувчилар муаммоларни еча олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Шу билан бирга улар муаммоларнинг олдини олиш техникаси усулларини қўллаб билишлари лозим.

4. ТЎҒРИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

(a) *Қарор қабул қилиш:* ўқувчилар ҳаётларининг ҳар бир жабҳасида ахбороти йиғиш, ажратиш ва баҳолаш ҳамда интуиция жараёнларида тўғри фикр қабул қила олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

(b) *Ахлоқий баҳо бериш:* ўқувчилар ўзларининг фикрлари ахлоқий жиҳатдан тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида баҳо бера олишлари лозим.

(c) *Ўзгалликни қадрлаш:* ўқувчилар ижодда ва табиий ёки қурилган ҳаёт жабҳаларида ўзгалликни баҳолаш, қадрга етиш ва сифатларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

5. ТАСВИРЛАЙ ОЛИШ

(a) *Ижодий фикрлаш:* ўқувчилар янги қарашлар ва нуқтаи назарлар ҳосил қилиш учун ўзларининг белгиланган имкониятларидан ташқарига чиқа олишлари керак.

(b) *Муаммо ечиш:* ўқувчилар ахборотни бошқариш, ижодий фикрлаш ва интуиция ёрдамида ҳаётларининг барча жабҳаларидаги муаммоларни еча олиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

(c) *Муносабатлар ҳақида тушунчага эга бўлиш:* ўқувчилар феноменлар ўртасидаги шакллар, бир хилликлар ва муносабатларни тушунишлари лозим.

(d) *Тўлиқ тушунчага эга бўлиш:* ўқувчилар ўзларининг шахсий ва маданий таассуротларини мавжуд ҳолат, фикр ёки воқеани бутуннинг бўлаги шаклида кўриш учун ишлата олишлари лозим.

- (e) *Одамларнинг ҳисларини тушуниш*: ўқувчилар бошқаларнинг ўзларини тутишлари, ҳислари ва қарорларини тушуна олиш учун ўзларининг имкониятлари ва ижодкорликларини қўллай билишлари лозим.
- (f) *Кўз олдига келтириш*: ўқувчилар тўлиқ потенциалга эга бўлиш учун кўз олдига келтириш кучларини қайта тиклаш ва ривожлантириш қобилиятига эга бўлишлари зарур.
- (g) *Олдиндан айтиш*: ўқувчилар шахсий ва глобал келажақ ҳамда мўлжалланган ишлар ҳақида тарихий ва замонавий анализларга асосланган ҳолда реалистик олдиндан айтиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

МУНОСАБАТЛАР МАҚСАДИ

1. ИЖОБИЙ ШАХСИЯТ

- (a) *Ўз имкониятларига ишонч*: ўқувчилар шахсий кадр-қиммат ва ўз жисмоний, ақлий, ҳиссий ва руҳий имкониятларига ишонч туйғуларига эга бўлишлари зарур.
- (b) *Ҳақиқийлик*: ўқувчилар ўз фикрлари, ҳислари ва туйғуларини билиш имкониятига эга бўлишлари керак.
- (c) *Қизиқиш*: ўқувчилар ўзлари ҳамда бошқа одамлар ва дунё билан ўзаро қарам муносабатлар ҳақида кўпроқ нарса билишга ҳаракат қилишлари зарур.

2. БОШҚАЛАРНИ ҚАДРЛАШ

- (a) *Хилма-хиллик*: ўқувчилар ўзга маданий ва ижтимоий гуруҳларнинг қарашлари ва иш олиб бориш жараёнларини ўрганишга ва улардан сабоқ олишга тайёр туришлари зарур.
- (b) *Бир хиллик*: ўқувчилар ўзгаларнинг кадр-қиммати ҳамда талаб, ҳуқуқ, умид, ахлоқ ва таланти тушунчаларининг бир хиллиги ва одамзодни боғлаб туришини тушунишлари лозим.
- (c) *Янги нуқтаи назарлар*: ўқувчилар ўзлариникидан фарқли бўлган нуқтаи назарларга учраш ва керакли жойда ўзларининг қарашларига ўзгартириш киритишга тайёр бўлишлари лозим.

3. ОДИЛЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРГА ҲУРМАТ

- (a) *Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш*: ўқувчилар ўзларининг ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳамда мажбуриятларни бажаришга содиқ бўлишлари лозим.

- (b) *Одилликка қизиқиш*: ўқувчилар ўзлари яшаб турган ва бошқа жамиятлардаги ноҳақлик қурбонларига бирдамлик изҳор этишга тайёр бўлишлари лозим.

- (c) *Тенгликка содиқ бўлиш*: ўқувчилар индивидуаллар, гуруҳ ва жамиятлар ўртасидаги муносабатларга асосланган тенглик тушунчасига содиқ бўлишлари лозим.

4. НОАНИҚЛИККА БАРДОШ

- (a) *Иккиланиш*: ўқувчилар ўзларининг ҳаётларида иккиланишга бардош бериш, фикр қабул қилишдан аввал альтернатив йўналишларни ўрганиш ҳамда ягона, осон, аниқ ёки яқуний ечимга эга бўлмаган муаммолар билан курашиш йўлларини билишлари лозим.
- (b) *Хавфлилик*: ўқувчилар ўзларининг муносабатлари ва ўз ҳаётларида шахсий иккиланиш ва вақтинча хавфлилик онларига тайёр бўлишлари лозим.
- (c) *Муаммо ва ўзгариш*: ўқувчилар муаммо ва ўзгаришларнинг ўз ҳаётларининг ажралмас бўлаги эканлигини тушунишлари ва ўзларининг кадр-қимматлари, ишонч ҳамда ҳаёт тарзлари орқали керакли жавоб беришга тайёр бўлишлари лозим.

5. ИЖОДКОРЛИК УЧУН ИМКОНИЯТ

- (a) *Таваккаллик*: ўқувчилар муносабатларнинг янги шаклларини ўрганиш ҳамда ҳаётнинг барча жабҳаларида таваккаллик қилишга тайёр бўлишлари лозим.
- (b) *Парадигма ўзгариши*: ўқувчилар альтернатив қарашлар ёки ҳақиқий қарашлар қабул қилиш учун ижодкор ақлий қадамлар ташлашга тайёр бўлишлари лозим.
- (c) *Тасаввур ва интуиция*: ўқувчилар тасаввур ва интуиция орқали фикрлаш учун ўзларида мавжуд табиий имкониятларни ишга солишга тайёр бўлишлари лозим.

6. ЖАҲОН ҲАҚИДА ЎЙЛАШ

- (a) *Ҳаётга нисбатан ҳурмат*: ўқувчилар бутун дунёвий экотизимда яшовчи барча тирик мавжудотлар ва уларнинг ўрни ҳамда аҳамиятига нисбатан ҳурмат билдиришлари лозим.
- (b) *Альтруизм*: ўқувчилар ўзаро қарам дунё тизимида бутун инсоният ҳақида ўйлаш ўз фикрлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиши кераклигини тушунишлари лозим.




диаграмма билим, фикрлар ва қобилиятларнинг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг қатнашиш ва бажаришга бўлган муносабатини тасвирлайди. Глобал системада қатнашмаслик ва бажармасликнинг иложи йўқ: ҳатто қизиқмасдан қатнашмаслик ҳам билим, фикрлар ва қобилиятларнинг комбинациясини талаб қилади ва улар системанинг бошқа томонларига аҳамият кўрсатади. Худди шунингдек, ижобий қатнашиш ва бажариш керакли билим, фикр ва қобилиятларнинг тенглигини талаб қилади, уларнинг ҳар бири бошқаларини ташкил қилади ва тўлдиради. Бир томондаги камчилик, қатнашиш ва бажариш жараёнларидаги камчиликларга олиб келади.

“Мен кимё фанидаги биринчи илмий даражамга 1931 йилда Оксфордда сазовор бўлдим”. Ҳозирги кунда Оксфорддаги кимё имтиҳонларида сўралаётган саволларга қараб, у шундай деб давом этади: “Нафақат мен уларни ҳозирда еча олмайман, бэлки мен уларни ҳеч қачон еча олмас эдим, чунки саволларнинг учдан икки қисми мен битираётган вақтда мавжуд бўлмаган билимларни қамраб олади.”

Лорд Жеймс, Ёрк Университетининг аввалги бўлим бошлиғи ўринбосари, Альвин Тоффлер томонидан *Future Shock*да келтирилган, Пан, 1971.

Глобал таълим умр бўйи давом этадиган таълимдир. Мактаблар ўқувчилар уларни битиришидан сўнг ҳаётнинг ҳамма талабларига тайёр бўла олишларига умид қилмасликлари лозим. Лекин бизнинг фикримизча, мактаблар ўқувчилар бу мақсадларга эришишлари учун имконият ва турли йўллар яратиб беришлари зарур. Албатта, билим ва ички дунёнинг савияси, ўзини бағишлаш, сабр-тоқат ва ҳурматнинг даражаси, тўлиқлик ва билиш имкониятларининг чегараси мавжуд бўлади; лекин агар ўқувчиларга маълум бир даражага қадар глобал таълим тизимининг мўлжалларига, шахсий таълим қобилиятларига эришиш имконияти берилмаса, бу ҳолда йигирма биринчи асрдаги ҳаёт улар учун янада ноаниқ ва бошқарилмас ҳолга келади. Бизнинг тез ўзгарувчан, технологик жиҳатдан мураккаб бўлган замонда мураккаб глобал масалалар ҳақида озгина билим, одиллик ва инсон ҳуқуқлари масалаларининг мактаб программасига киритилиши кераклиги ҳақида ҳеч ким қаршилиқ билдира олмайди. Мактабдан ташқарида ўрганиш йўллари (масалан, уй, тенгдошлар давраси ва ахборот воситалари) дан ташқари, бу масалага бағишланган таълим глобал жиҳатдан чаласавод ўқувчиларни ўзлари ва дунё учун тезда тўғри қарор қабул қила оладиган инсонларга айлантиради. Етарли маълумотга эга бўлмаслик, бир тарафлама тушуниш ва соддалик бирор мақсад учун қарор қабул қилиш учун ҳеч қачон яхши йўл бўлмаган.



РАСМЛАРНИ БОҒЛАШ

❖ Ресурслар

Кейинги бетда кўрсатилганга ўхшаш расмлар гуруҳи, ҳар бири саккиз-ўнтадан иборат ўқувчилар гуруҳлари учун. Ҳар бир гуруҳ расмлари бўлакларга кесилиб, конвертнинг ичига солинади.

❖ Жараён

Гуруҳлар айланалар шаклида жойлашади. Ҳар бир гуруҳ аъзосига битта ёки баъзан иккита расм берилади. Уларга бу расмларга қараш учун икки дақиқа вақт берилади. Бу вақт давомида уларга ўз расмларини бошқаларга кўрсатиш ва гапириш таъқиқланади. Берилган икки дақиқа ўтганидан сўнг улар айлана атрофида юриб, ўз расмларини гуруҳ аъзоларига тасвирлашлари позим (айлана атрофида икки марта айланиш энг яхши йўлдир, чунки бу ҳолда икки расм берилган гуруҳ аъзолари бир вақтнинг ўзида иккала расмни тасвирламайдилар). Бундан кейин эса, ҳали ҳам расмларга қарамаган ҳолда, улар расмларни қай тариқа жойлаш кераклигини келишадилар. Улар охириги жавобга етганлари сари, улардан расмларнинг юз тарафини ерга қараган ҳолда жойлаштириш сўралиши мумкин. Бу нарса гуруҳ қониқиши асосида бажарилганидан сўнг, расмлар очилади ва, агар керак бўлса, гуруҳ нима учун уларнинг бу тариқа жойлашганини муҳокама қилади.

❖ Имкониятлар

Қатор керакли қобилиятлар, хотира, текшириш, оғзаки тасвирлаш, муҳокама қилиш, музокара олиб бориш, фикр юритиш, келишув қидириш, қарор қабул қилиш ва буни кўрсатиш учун жуда яхши фаолият. Расмлар мавзулари сони беҳисобдир.

❖ Давом эттириш

Юқорида келтирилган фаолиятга яна икки қисм қўшиш мумкин. Биринчи қисмда ўқувчиларга уч дона тоза қоғоз берилади. Улар ўзларининг фикрлашларини изоҳлаган ҳолда уч расм чизишдан олдин боғланишда бундан кейин нима содир бўлишини муҳокама қиладилар. Иккинчи қисмда ўқувчиларга яна уч дона қоғоз берилади. Сўнгра улар ўз фикрларини билдириб, уч расм чизишдан аввал, бундан кейин нима бўлишини хоҳлашларини муҳокама қиладилар. Бу иккала қисм ҳам юқорида келтирилган қобилиятларнинг янада кўпроқ ишлатилишини ўз ичига олади. Бундан ташқари биринчи қисм олдиндан айтиш, иккинчи қисм эса кадр-қимматни билдириш каби муҳим қобилиятлардан ташкил топган.

❖ Бошқа усул

Бу жараён журналлар ва бошқа жойлардан рангли расмларни қирқиб олиб бажарилса, яхши натижалар кўрсатади.

Бошланғич / Ўрта, 20 дақиқа

❖ Манба

Фишер, С., ва Хикс, Д. W., Ворлд Стадиес 8-13. А Теачеръс Ҳандбоок, Оливер & Бойд, 1985, 142-5 бетлардан олинган, бошқа усул Ричард Хедж, Саусвей Скул, Плимус томонидан маслаҳат берилган.

Шунга қарамай, жавоб талаб қилаётган савол шундаки, мактаблар қандай қилиб чегараланган вақт ва ресурслар берилган ҳолда қандай қилиб бу мўлжалларга бир даражада бўлса ҳам эришишларидир. Бизнинг маслаҳатимиз шуки, ўқиш

РАСМ: 21 АСРДА КАТТА ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЙИШ УЧУН МУНОСИБ ТАЙЁРГАРЛИК БЎЛЯПТИМИ?



мўлжаллари глобал нуқтаи назар ҳуқуқи берилган ҳолда бошланғич ва ўрта таълим ичида олиб борилиши лозим. Малакани ошириш ва муносабатларни кашф қилиш ҳақида гапирлар экан, ўқитиш ва ўқиш услуби ҳамда мактаб шароити даражаси ўта муҳим бўлиб кўринади. Эдвард Кессиди ва Дана Керфманнинг аниқлашларига қараганда, “қарорлар қабул қилиш учун турли хил дунёқарашлар иштирок этадиган синф хонаси шароити жуда муҳимдир”. Қарорлар ҳеч қачон тўғри ёки нотўғри эмасдир; улар мавжуд ҳолат ва шахсий қарор қабул қилувчи одамнинг қарашларига кўра бир даражада тўғри келувчидир... Бундан ташқари, бир қатор фойдали қобилиятлар, масалан, ўзига ишонч, иккиланишга нисбатан сабр-тоқат, бошқа одамнинг қарорларини тушуниш учун хоҳиш қабиларни тарбиялаш учун очиқ шароит муҳимдир.

Келинг, мактабларнинг бошланғич ва ўрта синфларида жаҳон таълими дарсларида кенг қўлланиладиган **расмларни боғлаш** мисолини кўриб чиқайлик.

Бу жараён давомида ишлатиладиган қобилиятлар қатори жуда узундир. Биринчи босқичда текшириш, тушуниш ва ахборот сақлаш қобилиятлари ишлатилади. Иккинчи босқич ахборотни эслаш, сўзлар орқали билдириш, тинглаш ва тасвирлай олиш қобилиятларини талаб қилади. Учинчи ва тўртинчи босқичларда қатнашувчилардан текшириш, ишлаб чиқиш ва ахборотни боғлаш ҳамда ҳамкорлик, музокара олиб бориш ва қарор қилиш қобилиятларини ишлатган ҳолда бирор тўхтамга келиш қобилияти талаб қилинади. Охириги босқичда эса бунгача ҳосил қилинган расмлар боғланиши ҳақида бошқа музокаралар олиб бориш талаб қилинади.

Йигирма биринчи асрдаги ҳаёт учун мақбул бўлган тайёргарлик

Асосий мақсадга эришиш – музокаралар орқали келишилганлик ёки расмларнинг боғланиши, фойдали гуруҳ ҳамкорлигига эришиш учун турли хил фикрлар ва нуқтаи назарларни кўриш ҳамда шахсий ва гуруҳ ичидаги ижобий муносабатни тиклаш вақтида ўқувчилар балки иккиланишни бошқариш ҳолига келишлари ҳам мумкин. Бу ишдан кейинги мунозарада, аналитик, рефлексив ва тизим ҳақида фикрлаш вақтида оғзаки коммуникация қобилиятлари янада кўпроқ ишлатилади. Расмларнинг мавзуси изланиш ва ўқишга ўқувчиларни қизиқтириши мумкин. Бу мисолга қўшимча қисмлар ўқувчиларнинг янада кўпроқ фаолиятига, эҳтимоллик ва муносиб кўрилган мавзулар ва шулар билан биргаликда олдиндан фикр билдириш ҳамда масалани ечиш қобилиятларини ривожланишига олиб келади. Бу китобда келтирилган бошқа мисоллар ҳам худди шундай равишда қобилиятларнинг ошишига олиб келади, баъзилари эса эмоционал ва ҳиссий қобилиятларнинг кенгайиши, бу билан эса тушунчалар, қарашлар ва нуқтаи назарларни тушуниш имкониятларини оширишга ҳизмат қилади. Биз ҳеч қачонда бу мисоллар ва фаолият орқали глобал таълимнинг барча мўлжалларига етиш мумкинлигини айтаётганимиз йўқ. Лекин шунга қарамай, бизнинг фикримизга кўра, бундай фаолият орқали глобал таълим тизимини эгаллаш учун каттароқ имконият яратилади.


БАҲОЛАШ

Имтиҳонлар, айниқса уларнинг индивидуал равишда соат бўйича ёзиб ўтиладиганлари, жуда кам қобилиятларни текшириш имконини беради, булардан хотира ва тез ёзиш қобилиятлари муҳим роль ўйнайди; бундан ташқари улар босим остида мусобақа асосида ўтадиган имтиҳонларда яхши натижа кўрсатадиган ўқувчилар учун қулайдир. Бу жараёнда яхши натижаларга эришган одамларнинг ютуқлари камситилмаслиги керак, лекин уларни юз фоиз йигирма биринчи асрга тайёр деб айтиб бўлмайди. Анъанавий имтиҳон тизимларининг камчилиги шундаки, паст натижага эришган, аммо шу билан бирга катта қобилиятларга эга ўқувчилар ўқитувчилар, иш берувчилар, ота-оналар ва ўзларининг назарларидан четда қолишлари мумкин.

Энг асосий парадокс шундаки, имтиҳонларда ўқувчининг эришган ютуқлари, унинг шахсий ва мактабдаги ҳаёти самаралари ўрганилиши зарур; амалда эса, бунга тескари ўларок, ўқувчига нима ўқитилиши кераклиги ва қай тариқа ўқитилиши кераклиги буйруқ асосида берилади. Баҳолаш тизими ҳам ўқувчи маҳорати ҳақида таҳминий тушунча беради, худди гўзаллик мусобақасида энг гўзал инсонга баҳо берилгани каби. Глобал таълим бериш тизимида ўқитишнинг ўқитувчи марказда бўлган ҳолда эмас, балки ўқувчи марказда бўлган ҳолда олиб борилиши зарур бўлганлиги туфайли анъанавий ўқитиш тизимларининг бу борадаги камчилиги янада кўпаяди. Ачиниш, ноҳақликка қизиқиш ёки ижодкор гоёни илгари суриш қобилиятлари қандай қилиб тўғри баҳоланиши мумкин? Уларни баҳолаш имконияти йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Шахсий баҳолаш бошқа масалалар ва у давом этувчи жараён бўлиши керак.

Ҳа, формал баҳолаш тизимига қарамай кўплаб ўқитувчилар жаҳон таълими имтиҳонларини ўн олти ёшдан сўнг олиб борилиши кераклиги ҳақида тортишганлар. GCSE тизими таништирилишига қадар, Mode III GCSE ва O level тизимлари кўплаб мактабларда ўқитилар эди; ҳозирда эса Жаҳон таълими GCSE тизими Жанубий текшириш гуруҳи томонидан таништирилгандир. Бу тизимлар оғзаки баҳолаш, шахснинг гуруҳ ишига кўшган ҳиссаси ва ўқувчи соҳаси (профили) каби баҳолаш йўллари билан жаҳон таълимининг умумий фалсафаси ва формал баҳолаш тизими ўртасидаги қарама-қаршилиқни юмшатишга ҳаракат қилди. Бу йўл орқали улар кичик бўлса-да, сезиларли йўл билан мактабдаги баҳолаш жараёнларининг қайта кўрилиши ва ўқувчининг имкониятлари даражасини тўлиқ баҳолаш учун ҳисса қўшмоқда.

Шуни эсда тутиш лозимки, жаҳон таълими имтиҳонлари ҳақидаги баҳслар таълимий жиҳатдан кўра сиёсий аҳамият касб этади. Жон Тернернинг фикрига кўра, “ўн тўрт – ўн олти ёшдагиларнинг жадвали тўлиқ бўлганлиги ва имтиҳонларнинг муҳимлиги туфайли, глобал таълимга бу жадвалда ўрин топиш жуда қийиндир, албатта агар у алоҳида фан сифатида ўқитилмаса.” Ишга олувчилар ва ота-оналар томонидан қоғозда кўрсатиладиган қобилиятларга талаб шу даражада каттаки, глобал таълим



имтиҳонлари ҳам қоғозда ўтиши кераклиги ҳам бундан мустасно бўла олмайди. Албатта, бу нарсага қаршилик шундаки, глобал таълим ўз ўрнига эга бир фандир ва жадвалдаги бошқа фанлар ҳамда глобал нуқтаи назардан мустаснодир. Лекин ўрта мактабларда имтиҳонлар қанча вақт мобайнида ўз ҳолича қопар

экан, ҳатто “глобал йўналиш” ҳам биология, география фанларидаги имтиҳонлар каби формал баҳолаш тизимини талаб қилиб қолаверади.

Агар, бизнинг назаримизга кўра, яқин келажак ичида глобал таълим ўрта мактаблардаги умумий имтиҳон тизимида ўтиладиган бўлса, бу мавзуда ёритилган йўналишларнинг текширилишига катта аҳамият қаратиш керак. Йўналишларни баҳоладиган ва баҳоланмайдиган гуруҳларга ажратиш тўғри бўлар эди. Бу ҳозирги ўрта мактаблар ўқитиш тизимига бир жиҳатдан мос келади, чунки ҳозирда ўрта мактабларда вақтни беҳуда сарфламаслик, ҳамкорлик каби ҳислатлар баҳоланмайдиган ҳислатлар каби кўрилади. Фарқ эса глобал таълим тизимини тарих ёки кимё каби фақатгина билим ва қобилиятларга асосланган фан сифатида эмас, балки тўлиқ ўрганиш фани сифатида кўришдан келиб чиқади. Бу нарса билан боғлиқ муаммо шундаки, йилнинг охирида ўрганилган билимлар тўлиқ ўрганиш тизими шаклида эмас, балки осонроқ бўлган билим ва ахборотни бошқариш қобилиятларини текшириш шаклида баҳоланади. Баҳолаш тизимларидаги янада кўпроқ босим текширувчиларни кўплаб шаклдаги текшириш жараёнлари орқали шартларни текширишга қаратилади. Бу мўлжалланган маънодаги текшириш бўлмаслиги мумкин, лекин шунга қарамай Пет Берден таъкидлаб ўтганидек, ҳатто аниқ фанларда ҳам анъанавий баҳолаш кўпинча бир гуруҳнинг имкониятлари даражасидадир ва текширувчиларнинг қобилиятлари, тили, нуқтаи назарларини тушунмаганлар учун бу нарса қийинчиликлар туғдириши аниқдир. Инсонни унинг баъзи бир тарафларини текширишдан кўра тўлиқ текшириш ҳозирги имтиҳон тизимларининг баъзилар учун дискриминацион бўлган жиҳатларини йўқотишга олиб келади.

МАҚСАД ВА ЙЎНАЛИШЛАР

Қуйидаги жадвал қайси йўналиш қайси мақсадни қониқтиришга олиб келишини кўрсатади. Тўлиқ ўқитиш тизимини билдириш учун икки ўлчамли матрицанинг камлик қилиши ҳақида ўйлаб кўринг.

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ: МАҚСАДЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР МАТРИЦАСИ

	МАҚСАДЛАР	ТИЗИМ ҲАҚИДА ХАБАРДОРЛИК	НУҚТАИ НАЗАР ҲАҚИДА ХАБАРДОРЛИК	САЙЁРА СОҒЛИҒИ ҲАҚИДА УЙЛАШ	ҚАТНАШИШ, ХАБАРДОРЛИК ВА ТАЙЁРЛИК	ЖАРАЕН ҲАҚИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛИШ
БИЛИМ МЎЛЖАЛЛАРИ	1. ШАХСИЙ					
	(a) Шахсий онг	*			*	*
	(b) Шахсий назар		*			*
	(c) Бошқаларнинг бизни қандай кўриши		*			*
	2.ТИЗИМЛАР					
	(a) Тизимлар назарияси	*				*
	(b) Дунё тизимлари	*			*	
	(c) Ўзаро қарамлик	*			*	
	(d) Умумийлик	*				
	3. ТАРАҚҚИЁТ					
	(a) Тараққиёт шакллари		*			
	(b) Муносабат алмашинуви	*			*	
	(c) Ёрдам	*			*	
	(d) Колониализм	*			*	
	(e) Аёлларнинг ўрни	*			*	
	(f) Аҳоли	*			*	
	(g) Соғлиқ ва овқатланиш	*			*	
	(h) Таълим олиш ва саводхонлик	*			*	
	4. АТРОФ-МУҲИТ					
	(a) Экотизимларнинг бузилиши	*			*	
	(b) Табиий ресурслар	*			*	
	(c) Муҳофаза	*			*	
	(d) Ифлосланганлик	*			*	
	(e) Ерни ишлатиш ва ислохотлар	*			*	
	(f) Қурилган атроф-муҳит	*			*	
	5. ТИНЧЛИК ВА НИЗОЛАР					
	(a) Салбий ва ижобий тинчлик		*	*	*	
	(b) Инсонлараро тинчлик	*			*	
	(c) Гуруҳлараро тинчлик	*			*	
	(d) Умуммиллий тинчлик	*			*	
	(e) Курол-яроғлар	*			*	
	(f) Терроризм / Тинчлик ҳаракатлари	*			*	
	(g) Жисмоний зарар откамайдиган қаршиликлар	*			*	
	6. ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР					
	(a) Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари				*	*
	(b) Ахлоқий ва қонуний ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятлар			*		
	(c) Тинчлик ҳамда хавфсизлик ҳуқуқлари			*	*	
	(d) Тинчликдан, Тинчликка	*			*	
	(e) Хурофот ва дискриминация	*		*	*	
	(f) Жабрланиш	*		*	*	
(g) Шахсий қараш	*			*		
(h) Ҳайвонлар ҳуқуқи	*			*		
7. АЛЬТЕРНАТИВ ҚАРАШЛАР						
(a) Моддий нарсалар	*	*		*	*	
(b) Узоқ давом этадиган ҳаёт шакллари	*			*	*	
(c) Инсоний ва дунёвий соғлиқ	*			*	*	

1. АХБОРОТНИ БОШҚАРИШ						
(a) Ахборот қабул қилиш ва уни билдириш				*	*	
(b) Ахборотни ташкил этиш ва уни ишлаб чиқиш	*			*	*	
(c) Ахборотга баҳо бериш			*	*	*	*
(d) Ахборотни сақлаш ва қайтариб олиш				*	*	
(e) Тизимлар анализи	*					*
2. ШАХСИЙ ҶСИШ						
(a) Марказлаштириш	*				*	*
(b) Жисмоний соғлиқ	*			*		
(c) Қўл меҳнати билан ишлаб чиқариладиган	*				*	
(d) Ижодкорлик имконияти	*				*	
(e) Қадр-қиммат, ишонч ва нуқта назар			*	*		*
(f) Ҷзини йўқотиб қўйишнинг олдини олиш				*	*	
(g) Вақтни бошқариш			*	*		
3. ИНСОНЛАРАРО						
(a) Фикрни билдира олиш			*		*	
(b) Эркинлик			*		*	
(c) Ишонч қозона олиш			*		*	
(d) Ҳамжиҳатлик				*	*	
(e) Музокара				*	*	
(f) Муаммоларни ечиш				*	*	
4. ТЎҶРИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ						
(a) Қарор қабул қилиш	*	*			*	*
(b) Аҳлоқий баҳо бериш	*	*		*	*	
(c) Ҷўзалликни қадрлаш	*	*				
5. ТАСВИРЛАЙ ОЛИШ						
(a) Ижодий фикрлаш	*	*	*	*	*	*
(b) Муаммо ечиш	*	*			*	*
(c) Муносабатлар ҳақида тушунчага эга бўлиш	*	*		*	*	*
(d) Тўлиқ тушунчага эга бўлиш	*	*		*	*	*
(e) Одамларнинг ҳисларини тушуниш			*	*	*	
(f) Кўз олдига келтириш	*	*				
(g) Олдиндан айтиш	*	*		*	*	*
1. ИЖОБИЙ ШАХСИЯТ						
(a) Ҷз имкониятларига ишонч	*				*	
(b) Ҳақиқийлик	*				*	
(c) Қизиқиш	*	*	*	*	*	*
2. БОШҚАЛАРНИ ҚАДРЛАШ						
(a) Хилма-хиллик			*			*
(b) Бир хиллик			*			*
(c) Янги нуқтаи назарлар			*			*
3. ОДИЛЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРГА ҲУРМАТ						
(a) Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш				*	*	
(b) Одилликка қизиқиш				*	*	
(c) Тенгликка берилган бўлиш				*	*	
4. НОАНИҚЛИККА БАРДОШ						
(a) Иккиланиш				*	*	*
(b) Хавфлилик					*	*
(c) Муаммо ва Ҷзгариш				*	*	*
5. ИЖОДКОРЛИК УЧУН ИМКОНИЯТ						
(a) Таваккаллик	*	*		*	*	*
(b) Парадигма Ҷзгариши	*	*	*	*	*	*
(c) Тасаввур ва интуиция	*	*	*	*	*	*
6. ЖАҲОН ҲАҚИДА УЙЛАШ						
(a) Ҳаётга нисбатан ҳурмат	*			*		
(b) Альтруизм	*			*	*	*

Ҳар биримиз баъзи имконият ва қобилият эгамиз, ва уларни яхши ишлатиш ҳар биримизнинг вазифамиздир

Сиз ўзингизнинг ютуқларингизни қандай баҳолайсиз?

Қуйидаги жадвални ўз курсингиз ва унда бажараётган ишларингизни баҳолаш учун ишлатинг

Қуйидаги баҳолаш тизимини ишлатинг:

1: Аъло

3: Ўрта

2: Яхши

4: Ёмон

Сана	Номланиш	Қизиқиш	Завқ олиш	Тушуниш	Ҳисса кўшиш	Изоҳ
	1 - Амалий машғулот					
	2 - Амалий машғулот					
	3 - Амалий машғулот					
	4 - Амалий машғулот					
	5 - Амалий машғулот					
	6 - Амалий машғулот					
	7 - Амалий машғулот					
	8 - Амалий машғулот					
	9 - Амалий машғулот					
	10 - Амалий машғулот					
	11 - Амалий машғулот					
	12 - Амалий машғулот					

Мавзунинг охирида қуйидаги қисми
тўлдилинг

Бу мавзу давомида биз мавзу ҳақидаги қуйидаги
тушунчаларингизни оширишга ҳаракат қилдик

Содир бўлган ҳар бир ўзгаришни белгилаш учун
қуйидаги қисқартмаларни ишлатинг

1: Мен жуда яхши тушундим

2: Мен анча яхши тушундим

3: Менинг тушунчамда ўзгариш содир бўлмади

4: Энди мен аввалгидан ҳам кўпроқ иккиланмоқдаман

Одамлар ҳам индивидуал, ҳам гуруҳ аъзолари сифатида кўрилиши лозим	
Одамлар махсусдир: биз ҳайвонлардан фарқ қиламиз	
Одамлар махсусдир, чунки биз қарорлар қабул қиламиз ва муомала қиламиз	
Қарор қабул қилиш ва муомала қилиш амалда ривожлантириш мумкин бўлган қобилиятлардир	

Қуйидаги қисмни ўз ишингизга изоҳ бериш учун ишлатинг. Сиздан бу нарса ҳар уч-тўрт ҳафтада бир бор сўралиши мумкин

Саволларга жавоб бериш учун қуйидаги қисқартмаларни ишлатинг

1: ЖУДА ЯХШИ

2: АНЧА ЯХШИ

5: БУ НАРСА КИРМАЙДИ

3: ҚИЙИНЧИЛИК БИЛАН

4: КАТТА ҚИЙИНЧИЛИК БИЛАН

	ЎЗИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙСИЗ?	САНА			
	ўзингизни бошқариш ва ишлаш				
	гуруҳдаги бошқалар билан ҳамкорлик қилиш				
	гапираётган вақтда фикрларингизни очиқ изоҳлаш				
	ёзаётган вақтда фикрларингизни очиқ изоҳлаш				
	бошқаларнинг фикрини диққат билан тинглаш				
	ўқиётган вақтда мазмунни тушуниш кино / видеоларни кўриб керакли маълумотни қайд қилиш				
	турли қарашларни солиштира олиш				
	ўзингизни бошқалар ўрнига қўя олиш				

ГЛОБАЛ СИНФ КУРСЛАРНИНГ ЙўНАЛИШИ ВА РИТМИ. ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ.

Ян Листернинг баҳсига кўра, Британия таълим тизимининг ислохотчилари етказиб бериш ислохоти (кўпчилик учун ҳар хил даражада таълим институтларини очиб бериш орқали) ёки таркиб ислохоти (қабул қилинадиган эҳтиёжларга нисбатан бўлган жадвал тузиш орқали) билан машғул бўлмоқдалар.

Ислохотнинг асосий «сири» - жараён ислохоти (масалан, ўқитиш ва ўрганиш усуллари, синфдаги ўзаро алоқалар, мактабнинг яширин жараёнлари, фаолияти) – умуман диққатга олинмади, айниқса, меҳнат бозорига қаратилган мактабларга. Ўқитиш ва ўрганишнинг альтернатив шакллари топилди, дейди у. Чунки ўқитувчиларни тайёрлайдиган қўлланмаларда ўқувчи душман қилиб кўрсатилади ва уларда синфда жуда кескин ва қатъий ҳаракатланиш тавсия қилинади. Қизиқарлиси шундаки, 1980 йилларда Британияда ўтган таълимдаги баланс ҳақидаги дебатлар деярли яқка равишда кўрилган нарсаларга етиб бориш,

эришиш устидан марказлашган эди, улар синфдаги истиқболлар ва нуқтаи назарларнинг яққол ифодаси деб кўрсатилади. Ўшанда кўпчилик студентлар томонидан кузатишган ўқитишни ва ўрганиш усуллари ўртасидаги белгиланган тенгсизлик ҳақида бир қанча дебатлар ўтказилди ва ўша тенгсизликнинг сиёсий таъсири кичик даражада тан олинди.

АҚШ таълими ислохотчиларига кўра, биз ўқитиш усулларига ҳам мактаб, ҳам синф даражасида эга бўлишимиз керак. Бундай ислохотчилардан бири Энтони Грегорқидир.

Грегоркка қараганда, ўрганиш усули бу инсон ақлининг медиация қобилиятларининг ташқи ифодасидир (яъни, ахборотни қабул қилиш ва ифодалашимиз учун ишлатиладиган восита ва сиғим даражалари). Унинг таъкидлашича, ўрганиш усуллари аниқлашдаги асосий омиллар ахборотни қабул қилиш ва талаб қилиш усуллари. Қабул қилиш қобилияти бу бизнинг ахборотни ушлаб олишимиздаги воситамиздир: бизнинг қабул қилиш қобилиятимиз абстракт бўлиши мумкин (сабаб, эмоция, интуиция орқали) ёки конкрет бўлиши мумкин (ашиштиш, кўриш, ҳид, таъм, ушлаб кўриш каби ҳиссиётлар орқали).

Талаб қилиш қобилиятлари, ахборотни мослаш, тизимлаш ва таҳлил қилиш усуллари: талаб қилиш усулимиз турланган (ўлчанган, босқичма-босқич ва услубий) ёки режалаштирилмаган (ўлчанмаган, тўсатдан пайдо бўлган ахборотнинг кўп қиррали кўринишига эга бўлган) бўлиши мумкин.

ташкиллаштириш	таҳлил қилиш
(КТ)	(АТ)
(АР)	(КР)
сезиш / хис этиш	тажриба қилиш

Бу қийматларни шундай жуфтлаш натижасида, дейди Грэгорк, тўртта алоҳида ўрганиш усуллари келиб чиқади: **конкрет турланган (КТ)**, **абстракт турланган (АТ)**, **абстракт режалаштирилмаган (АР)** ва **конкрет режалаштирилмаган (КР)**. Бундай комбинацияларнинг ҳар бири ҳаётга нисбатан алоҳида сифатий мўлжални келтириб чиқаради. Ҳаммамиз ва ҳар биримиз буларнинг тўртталаси билан ҳам таъминланганлигимизга қарамай, кўпчилик индивидуаллар шу каналларнинг биттаси, иккитаси ва ҳатто учтасига нисбатан кўпроқ мослаштирилган бўлади. Жуда кам индивидуаллар барча тўртта каналда тенгдир. Инсон шахсиятига алоҳида тартибда қараганимизда, ҳеч ким аниқ биронта усул билан ишлашда (асл) турга кирмайди. Қисқа қилиб айтганда, Грэгорк аниқлаган ўша тўртта ўрганиш усуллари нималар?

Конкрет турланган (КТ) доминанти, Грэгоркнинг тушунтиришича, ахборотни бевосита ҳиссиётлар орқали етказиб беради. «Реал» дунё – бу ҳиссиётларнинг конкрет дунёсидир. Унинг ўйлаши услубий ва эркиндир – «фикрлар поезди». Яхши ривожланган ҳиссиётлар билан у конкрет дунёдаги предметларни жуда яхши аниқлайди. Худди шундай ташқи ориентация орқали у ўзининг муҳити ичидаги интуитив тажрибалар ва бирон нимага бўлган ҳисларнинг сабабини ажрата олиши мумкин. Вазифага йўналтирилган ва доим энг яхши натижага интилувчан ушбу доминант, конкрет турланган усул, деталлари билан, категорияларга ажратади, ташкиллаштиради, абстракт назарияларга нисбатан қизиқишини йўқотади ва ҳамма нарсани луғавий ифодага айлантиришга интилади. Конкрет турланган усулга лойиқ бўлиш учун ўрганиш фаолиятига тажрибалар ўтказиш, компьютер дастурларини ёзиш, феноменларни кузатиш ва турларга бўлиш, амалий ишларни бажариб, маълумотлар тайёрлаш киритилган бўлиши лозим.

Абстракт турланган (АТ) доминанти асосан абстракт, физикавий бўлмаган фикрлар дунёсида ва назариялар ҳамда фаразий қурилмаларда яшайди. Ҳақиқат сўзлари ва тушунчаларидан иборат бўлади. Масалан, адолат ва тинчлик ва аниқ мисоллар орқасида дунёқараш учун замин яратади. Унинг ўйлаши мантиқий, таҳлилий ва баҳолайдиган бўлади ва унинг қобилиятлари белгилаб олиш, ўзаро алоқадор бўлиш, қиёслаш ва категорияларга ажратишларни ўз ичига олади. У биринчи даражадаги ахборот ва фикрларни синтез қилувчидир. У яна жуда пухта коммуникатор ҳамдир. Абстракт турланган усулга лойиқ бўлиш учун



ташкиллаштириш (КТ)
сезиш / хис этиш (АР)



(АТ) таҳлилаш
(КР) тажриба қилиш



ўрганиш фаолиятига маърузаларни тинглаш, воқеаларнинг турли интерпретация ва кўринишларини қийёслаш ва фарқлаш, лойиҳа ишлари ва фикрларнинг лойиҳа кўринишида ёки иншо шаклида синтезланиши, кутубхонада ишлаш ва гуруҳ ёки пленар муҳокамалар киритилган бўлиши керак.

Абстракт режалаштирилмаган (АР) доминантнинг «реал» дунёси бу физикавий бўлмаган ҳиссиётлар ва тасаввурлар дунёсидир. Очиқ интуиция ва кайфият ҳамда муҳитдаги ўзгаришларни сезувчи антеннага эга бўлган унинг ўйлаш жараёнлари тажрибага асосланган ҳиссиётларга таянади. Грэгорк абстракт режалаштирилмаган доминантнинг ақлини, уз ичидан ва ёнидан оқиб келаётган ахборотни, фикрларни, вибрацияларни ҳамда таъсирларни сўриб олиши мумкин булган «психикавий губка» деб атайди. У бошқалар билан тез орада симпатия ёки эмпатияга асосланган мулоқот ўрнатади, ҳамда тажрибаларнинг кўпроқ сони эмас, балки сифати ёки таъсири ҳақида қайғуради. У шахсий тажрибалар, ҳикоя, метафора, рамз, шеърят ва мусиқа орқали бошқалар билан мулоқот қилишни мос кўради ва ҳар кунлик ҳаётга тегишли қийин вазифалар ёки қийин тузилган масалалар билан шуғулланмайди. Абстракт режалаштирилмаган доминантга мос бўлиш учун ўрганиш усулига гуруҳдаги муҳокама ишлари, кичик гуруҳларда шахслараро ишлар, роль уйнаш, йўналтирилган фараз ва фантазия, тасаввурий ёзма ишлар ва мульти-медиа презентацияларига тайёргарлик кўриш киритилган бўлиши лозим.

Конкрет режалаштирилмаган (КР) доминант учун бошланғич нуқта конкрет физикавий дунё ҳисобланади. Унинг инстинкт ва интуицияси, мавжуд бўлган барча нарсанинг маъносини англашдаги калитларидир. Унинг ўйлаш жараёнлари импульсивдир, ва бу орқали унда ўз тажрибасига кўшимча қилиб аниқлаш, таъкидлаш ва бирлаштириш принциплари томон ёндошиш бўлиши мумкин. Тенг равишда у фактдан назарияга ўтишда аниқ тушуниш билан шуғулланади. Тажриба ўтказувчиси таваккал қадам кўювчи ва турли йўналишларда ўйловчи ҳисобланиб, у одатий бўлмаган ва қутилмаган ечимларни ҳамда бир қатор қутилмаган ва одатий бўлмаган истиқболларни ва фикрларни

таклиф қилиши мумкин. У ташқи эга бўлмиш шахслардан бирон нарсани кам ҳолларда қабул қилади ҳамда кескин ва маън қилувчи ушбу эгалик шахсларини ёқтирмайди. Фикрларнинг ҳақиқийлиги, қилиб кўриш, амалий кўрсатиш ва шахсий исбот орқали тасдиқланади. Конкрет режалаштирилмаган доминантга лойиқ бўлиши учун ўрганиш фаолиятига тажрибавий бўлимлар, симуляцион ўйинлар, роль ўйнашлар, масала ечишга мўлжалланган машқлар, мустақил ўрганиш, амалий машқлар ва алоҳида мақсадга нисбатан альтернатив йўналишлар топишга ўқувчини чорлайдиган машқлар киритилган бўлиши лозим.

Грэгорк шуни кўрсатишга интиладики, ушбу усуллар ҳамма одамларга унинг ёши, ҳаётий шиори, жинсидан қатъий назар қўлланилади. У яна шунга урғу қиладики, тўғри ёки нотўғри усул деган тушунча мавжуд эмасдир, ҳамда усул ва ақл орасида ҳеч қандай алоқа йўқдир. Ҳатто биз бирон-бир усул доминанти бўлсак ҳам, ҳеч ким ўша йўналишда тўлиқ ишламайди. Баъзи одамлар ўзларининг ўрганиш усули тўрттала усулда ҳам тенг қўлайлик ва мустаҳкамликни кўрсатишига кўра «тўртбурчак» ҳисобланишади. Бошқалар эса, бошланғичда на кучли, на кучсиз деб сезилган усулларда ишлашга чорланишади.

АҚШлик бошқа бир тадқиқодчи Бернис Мак Карти ўзининг 4 МАТ тизимлари китобида ўрганиш усуллари тадқиқодлари устидан кенг муҳокама, аниқса Дэвид Колб ва давом этиб келаётган бирлашган-ақлий тадқиқот ҳақида кенг тушунтиришлар берган. Колб одамларнинг ахборотни қабул қилиши ва таҳлил қилишини кўрсатувчи тўрт қиррали моделни ўйлаб топган. Ҳиссиётларнинг ва ўйлашнинг икки ўлчамини моделнинг бир қўлига ва ҳаракатланиш билан кузатишнинг икки ўлчамини моделнинг иккинчи қўлига қўйган ҳолда Колб шундай қилиб одамларнинг яратилган тўртта йўналишдан бирига лойиқ бўлишини аниқлади.

Баъзилар ахборотга конкрет равишда киришадилар, уни акс эттирган равишда таҳлил қиладилар: бундай одамлар кўрган нарсасини умумлаштирган ҳолда бошлайдилар (юқори ўнг квадрант); бошқалар

2-РАСМ. КОЛБСНИНГ ТЎРТ КВАДРАНТ МОДЕЛИНИНГ ИФОДАСИ.
(Бернис Маккартидан олинган,
4МАТ ситстемаси, Exell inc, 1983.)



Конкрет тажриба (Хис этиш/Сезиш)

Конкрет қабул қиладиган ва фаол ўйлайдиган ўрганувчилар

Конкрет қабул қиладиган ва рефлексив ўйлайдиган ўрганувчилар

Абстракт равишда қабул қиладиган ва фаол ўйлайдиган ўрганувчилар

Абстракт равишда қабул қиладиган ва рефлексив ўйлайдиган ўрганувчилар

Рефлексив кузатиш (Кўриш)

Абстракт концептуализация (Ўйлаш)

Тўртинчи усул – «Динамик ўрганувчи»

- тажриба ва амалий тажрибаларни қўллайди
- яширин имкониятлар ва ҳиссиётларни қидиради
- нарсалар билан нима қилинишни билиши зарур
- хато ва уринишдан сақланишга ҳаракат қилади
- ахборотни конкрет равишда қабул қилади ва уни амалий равишда таҳлил қилади
- ўзгаришларга чидамли
- эгилувчанликни талаб этадиган вазиятларда аъло ҳаракат қилади
- таваккалга йўл қўйиши мумкин
- мантиққа эга бўлмаган вазиятларда доимо пухта хулосаларга эришади.
- тажрибани қилиш ва синаш орқали фаолият юритади
- Кучли томонлари: ҳаракат ва режаларни бажариш.
- Мақсадлари: нарсаларни амалга оширишини таъминлайди, ҳаракатларни тушунчагача олиб боради.
- Энг маъқул кўрган саволлари: Агар..? Бу нималарга айланиши мумкин?

Учинчи усул – «Умумий ўрганувчи»

- натижа, қўлланиш, қўшимча ёрдамлардан фойдаланишларни қидиради
- нарсалар қандай ишлашини билиши лозим
- натижаси бўлиши мумкин булган назарияларни синаб кўриш орқали ўрганади
- шахсий қобилиятларга таянади
- ахборотни абстракт равишда қабул қилади ва уни амалий равишда таҳлил қилади
- тақдим этиладиган тажрибаларни талаб қилади
- муаммо ечишни ёқтиради
- конкрет нарсаларга нисбатан қарор чиқаришни таъқиқлайди
- жавоб берувчи вазиятида бўлишни ёқтирмайди ва «ноаниқ» фикрларга нисбатан чекланган интилиш кўрсатади
- исталган нарсалар унга хаётида қандай ердам бериши мумкинлигини билиши зарур
- хиссий тажрибадан юзага келган хулосалар орқали фаолият кўрсатади.
- Кучли томонлари: фикрларнинг амалий қўлланниши.
- Мақсадлари: ҳозирни кўриш тушунчасини келажакдаги хавфсизлик билан параллел равишда олиб бориш.
- Энг маъқул кўрган савол тури: Қандай ишлайди? Қандай амалга оширилади?

Биринчи усул – «Яратувчан (ихтирочи) ўрганувчи»

- тажрибани «ўзи» билан қўллайди
- маъно, ойдинлик ва маънавият қирраларини қидиради
- шахсан жалб этилишни талаб қилади
- ҳақиқатни тортади
- ахборотни конкрет равишда қабул қилади ва уни акс эттирилган ҳолда таҳлил қилади
- одамлар ва маданиятга қизиқади
- ўзига ишонган ҳамда конкрет вазиятни турли истиқболлардан кўра олиш қобилиятига эга бўлган кенг кўламда ўйлайдиганлардир
- ўзлари ҳурмат қиладиганларга қараб, уларга ўхшашни истайдилар
- фикрларни эшитиш ва алмашиш орқали ўрганади
- ижтимоий ўзаро фаолият орқали иш юритадилар
- Кучли томонлари: тасаввур ва яратувчанлик (фикрлар, одамлар)
- Мақсадлари: муҳим мавзуларда ўзини жалб қилиш, бўлинганликка жипсликни келтириш.
- Энг маъқул кўрадиган саволи: Нима учун? Нима учун...эмас? Нега бўлмасин?

Иккинчи усул – «Таҳлилий ўрганувчи»

- фактларни қидиради
- экспертларнинг фикрини эшитиши керак
- фикрлар орқали ўйлаб ўрганади
- турланган ўйлаш усулини ёқтиради, деталларни талаб қилади
- ахборотни абстракт равишда қабул қилади ва уни акс эттирилган ҳолда таҳлилдан ўтказади
- фикрларга қараганда одамлар билан камроқ қизиқади
- ахборотни танқиддан ўтказади ва маълумотларни ййғади
- жуда пухта ва таҳлилчи, вазият талаб қилганида, фактларни қайта кўриб чиқади
- одатий синфларни маъқул кўришади
- нарсалар ҳақида чуқур ўйлаш ва уларни экспертларнинг фикрига мослаш орқали фаолият юритади
- Кучли томонлари: тушунча ва моделларни ярата олади.
- Мақсадлари: ўзининг талабларини қондириш, ақлий тан олиш.
- Маъқул кўрган савол тури: Нима?


ЎЙЛАШ

тажрибани абстракт ҳолда қабул қилиб, уни акс эттирилган ҳолда таҳлил қиладилар, улар фикр юритиш билан бошлайдилар ва сўнг ўша фикрни ўйнайдилар (пастки ўнг квадрант); яна бошқа одамлар тажрибани абстракт ҳолда олиб, уни амалий равишда таҳлил қиладилар, яъни улар бирон фикрдан бошлаб, сўнг унинг амалда ошишини синайдилар (пастки чап квадрант); яна бошқа турдагилар тажрибани конкрет равишда оладилар ва уни амалий равишда таҳлил қиладилар, яъни уларнинг бошланғич нуқтаси уларнинг нималарни сезганлигидир, ва сўнг бевосита ҳаракатга ўтади (юқори чап квадрант).

Колбнинг модели ва унинг турли хил ўрганувчиларнинг ажратилган таҳлилинини қўллаган ҳолда, шунингдек, бошқа тадқиқотчиларнинг аниқлаган натижаларига асосланган ҳолда, Мак Карти ўзининг 4 MAT Systems китобида акс эттирган тўртта ўрганиш усули йўналишини ривожлантирди: ўзининг моделига у бош миянинг чап ва ўнг ярим сфераларининг вазифалари

устидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланган хулосалардан маълумотларни киритган. Қўшма бош мия тадқиқоти (бунга 2-бўлимда яна қайтилади) шуни кўрсатдики, чап ярим сфера таҳлилнинг турланган/бўлинган, ўнг ярим сфера эса тамомий/синтезлайдиган шаклига эгадир. Чап томони доминант бўлмиш шахс, таҳлилчи ҳисобланади: у ҳамма нарсани аниқ тушунтиришни маъқул кўради, структура ва ҳамма нарсанинг турига қараб жойлашишини маъқул кўриб, муаммога ёндошишда уни алоҳида бўлимларга ажратиб, у билан мантиқий равишда ишлайди. Ўнг томони доминант бўлмиш шахслар интуитив ва синтезловчи бўлади: турли ёндошувларни, оқимликни ва тўсатдан келадиган ечимларни маъқул кўради, муаммога ёндошишда унга умумий қараш қилиб, ўзининг интуицияси, фаразлари ва ёндошувига асосланади. Ўрганиш тўртта йўналишларнинг ҳар бири дейди Мак Карти, чап ва ўнг томон таҳлилларининг техникаларини инобатга олган ҳолда ёндошувни талаб қилади (4-расм).

4-РАСМ. 4МАТ СИСТЕМАСИНING ТЎЛИҚ МОДЕЛИ.
 Бернис МакКарти. 4МАТ Системаси,
 Excel Inc., 1981



Грэгори билан Мак Карти бизнинг ўрганиш усуллари ҳақидаги тушунчаларимизни янада ривожлантириш учун яна кўп нарса қилиниши лозимлиги ҳақида таъкидлаганлар. Уларнинг ишлари барча деталларнинг биз томондан қабул қилинишини ҳамда синф учун барча аниқ кўрсатмаларни таъминлайди.

Аваллабор, таълим имконияти тенглиги ҳақидаги савол мавжуддир. Агар биз кенг изоҳланган ушбу тўртта ўрганиш усулларида бирини танлашимизни инobatга олсак ва уларнинг ҳар бири 30 кишидан иборат бўлган синфларда жуда яхши тақдим этилишини эсда тутсак, у ҳолда ўз-ўзимиздан ўқитувчи сифатида ҳар бир ўқувчи ўрганиш ва муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўлиши даражасида ҳар бир усул билан тенг равишда ўзимиз қондирилганлигимиз ҳақида савол бериб кўришимиз керак.

Грэгорнинг айтишича, «Болалар учун бўлган тенг таълим имконияти турли хил ўйлайдиган одамларнинг худди шу имкониятларга бўлган тенг эга бўлиши талаб этади.»

Мак Картининг таъкидлашича, мактаблар фронтал ўқитиш, фактлар ва таҳлилларга урғу бериб, кўпроқ

таҳлилий ўрганувчи иккинчи усул (Грэгорнинг абстракт турланган доминанти) мақбулдир. Ўзининг 17-18 ёшдаги болалар ўртасида Чикаго атрофидаги мактабларда ўтказган тадқиқоти шуни кўрсатдики, деярли тенг ярим фоиздаги эркак ва аёл жинсига мансуб ўрганувчилар тўртта ўқитиш усули квадрантининг ҳар бирига мос келади. Тадқиқотларда қатнашганларнинг 60 фоизи ҳалигача конкрет тажриба ўлчамини танлайдилар (мажбурий мактаблар тизимининг йўқ бўлиб кетганлигига қарамай, кўпчилик абстракт ўрганишда ўзини ноқулай ҳис қилгани маълум бўлган). Ўқувчиларнинг кўпчилиги, яъни 46%и ўнг мия доминантларини, 28 %и чап мия доминантларини ҳамда 25%и қўшма доминантларни ташкил этади. Фақат таҳлилий ўрганувчиларда чап мия доминанти бўлган ўқувчиларнинг сони юқорироқ бўлган. Ушбу натижалар, деб яқунлайди Мак Карти, ҳайратли равишда шундан далолат берадики, мактаблар бирламчи равишда «чап усулда ўқитиш учун тузилган» ва «таҳлилий ўрганувчилар» учун тузилган. Имкониятлар тенглигини инobatга олганда, ҳар бир ўқувчининг ўз ичида ижобий кўринишни ўрнатиш ҳолати шуни талаб қиладики, барча ўқувчилар бўш вақтининг 25%ини ўзлари танлаган квадрант чегарасида ўрганиш билан ўтказишлари керакдир.

Грегори ва Мак Картининг курс ва мавзуларни режалаштириш ва ўтказиш учун бўлган кўрсатмалари нималардан иборат? Иккаласи ҳам бир фикрни билдирадилар, ўқувчилар «усул эгилувчанлиги» ни ўрганишлари лозимдир, яъни улар ўзлари танлаган усулида ўтказадиган худди ўша вақт ичида ишлашларига имкониятлари бўлгани каби, бошқа усулларда ҳам худди уша мустақамлик ва қулайликни ҳис қилишлари керақдир. «Эгилувчанлик»ка эришишнинг омиллари, албатта, турлидир. Масалан алоҳида мавзу, қуръа шаклида бирон бир услубий ёндошишга берилиб, бошқа ўқувчиларнинг ўзлари танлаган усулда уни ўрганишларига рухсат берилади, бу орқали бошқа ўқувчиларнинг усулларини жалб қилишга интилади. Ушбу яқна усул ёндошувининг хавфи шундаки, у шижоатнинг йўқ бўлишига, ёндошувдаги хатоларга, муваффақиятсизлик ҳиссига, баъзи нарсаларга нисбатан стресс еки бегоналикни сезиш каби омилларга сабабчи бўлиши мумкин. Бошқача бир ёндошув алоҳида ўрганиш усулига мос бўлган бўлимларни таклиф қилади. Ўқитувчи ўқувчи билан унинг ўзининг усулида ёки бошқа усулга ўтиши ҳақида муҳокама қилади. Учинчи ёндошув кўп қиррали ёндошувдир – smorgasbordни таклиф қилиш учун бир мавзу тузишни назарда тутати, шунда барча усуллар айланма асосда қўлланилади.

Кўп қиррали ёндошув Мак Картининг 4МАТ Система китобининг асосидир. Агар доирани соат деб тасаввур қилсак, – дейди у, – ҳамда соат 12 дан бошлаб конкрет тажрибадан, сўнг доира бўйлаб соат миллари йўналишида юрадиган бўлсак, биз акс эттирилган кузатишлар тажрибасини ривожлантираимиз. Шу нуқтадан биз ўқувчини абстракт тушунчалар ва, ниҳоят, фаол тажриба ўтказишга олиб борамиз.

Сўнг цикл бошидан бошланади ва унда тажрибалар янада бойитилади. Мак Карти ва унинг ўқитувчи касбдошлари 4МАТнинг қандай турли мактаб фанларида ишлаши ҳақидаги бир неча мисолларни ривожлантирдилар ва синовдан ўтказдилар. Келинг, мисол қилиб Марлен Вичорек Бауэнснинг «Энергия» мавзусидаги ўрта мактаб фан бўлимини кўрайлик (5-расмга қаранг). Мавзу биринчи квадрантнинг ўнг қўлидан бошланади (яратувчи ўрганувчи учун бўлган энг қулай жой), ўқувчилардан уйда тайёрлаб келган энергияни англаш ва оилада энергиянинг ишлатилиши бўйича ахборотни қабул қилиш ва улар ҳушёрлигининг оширилиши учун берилган савол варақаси талаб қилинади.

Бу биринчи квадрантнинг чап қўлида, ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ишлаб, йиғилган маълумотлар

5-РАСМ. ЭНЕРГИЯ БЎЙИЧА ЎРТА МАКТАБНИНГ ИЛМИЙ БЎЛИМИ.
Бернис МакКарти. 4МАТ Системаси,
Excel Inc., 1981



ҳақидаги графикларни жойлаб, таҳлил қилишлари учун давом этади.

Иккинчи квадрантнинг ўнг қўлида (таҳлилий ўрганувчи) ўқувчилар ўзларининг энергиясиз дунёни тасаввур қилишларидан олдин, энергиянинг йўқолиши ҳақидаги мисолларни таҳлил қиладилар: чап қўлда ўқитувчи маъруза давомида жиҳозлардаги энергия, уйдаги энергия, энергетик ҳаёт тарзи ва энергия ишлатилишини ҳисоблаш каби мавзулардаги назария ва тушунчаларни ривожлантиради.

Тушунчалар иш варақалари ва машқ китоблари орқали учинчи квадрантнинг чап қўлида (умумий ҳиссиётлар ўрганувчиси) мустаҳкамланади. Ўнг қўлда (ўзидан қўшиш) ўқувчилар ўз уйларидаги энергиянинг таъсирини ошириш бўйича режаларини тузадилар – улар ота-оналари томонидан имзоланади ва тасдиқланади. Тўртинчи квадрантнинг чап қўлида (динамик ўрганувчи) ўқувчилар уйларидаги энергиянинг таъсирчанлигини ошириш борасида учраган қийинчиликлар бўйича аввал муҳожама қилиб, сўнг шу ҳақида иншо ёзадилар. Ўнг қўлда ўқувчилар режаларини ишлаб чиқишда давом этадилар ва кичик гуруҳларга қайтиб, муваффақият даражаси ҳақида баён қиладилар. Грэгорк ва Мак Картиларнинг иши ўқитувчилар ўзлари мос бўлган ўрганиш усулларини ишлатганларида ўзларини эркин, ўзига ишонган ва

яратувчан ҳис қиладилар. Баъзилари, маълум бўлишича, бошқа усулларни ишлатишга ҳам тайёрлар (Грэгорк буни «эгиловчанлик» дейди), баъзилар ишлатишда қийинчиликларга дуч келадилар, баъзилар ўз усулини бошқаларда мос эмаслигини кўриб, ишлатмайдилар.

Ойдин кўриниб турибдики, малака оширишда назорат варақаларининг доимий ишлатиши ва ҳар бир ўрганиш квадрантида ишлатилиши маъқул бўлган ҳаракатларни акс эттирган вазифалар биринчи иккита категорияга мансуб бўлган ўқитувчилар учун жуда фойдали ҳисобланади. Бошқа иккита категориядаги ўқитувчилар учун имкониятлар жамоада ўқитиш ҳамда курсларнинг мавжуд бўлишини талаб қилади.

Ўқувчиларни ўрганиш усули назарияси билан таништириш ёки уларни ўзларининг ўрганиш усулига мослиги ҳақида хабардор қилиш керакми? Жуда кўп сабаблар ижобий жавобни ва жуда кам сабаблар ўзларининг усули ҳақида очиқ муҳожамадан сақланиш кераклигини курсатади.

Ўқувчиларнинг ўз шахсий ўрганиш қобилиятларини ҳамда ўзини ноқулай ҳис қиладиган усулларни белгилаш ўрганиш жараёнида муҳим омилдир. Усул билан танишиш огоҳлик ва тайёргарликда муҳим аспект бўлиб, ўзининг тасаввурларини ривожлантириш

РАСМ: ТўРТТА КВАДРАНТДА АКС ЭТТИРИЛГАН АСОСИЙ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР
Бенни МакКарти, 4MAT Системаси,
Excel Inc, 95, 101, 110, 117 бетлар

Конкрет тажриба
(сезиш / ҳис қилиш)



Абстракт концептуализация
(ўйлаш / гушунчаларни ишлаб чиқиш)

ва олиб боришда катта роль ўйнайди. Ўқувчилар курснинг баъзи қисмлари нима учун уларга қийин ва номаъқул кўришини янада яхшироқ тушунишга кўпроқ қодир бўладилар. Бу уларга бошқаларнинг ҳам уларнинг ўрганиш усули туфайли қийинчиликларга дуч келишини англашда ва бундай қийинчиликлар шахсий қийматларни акс эттирмаслигини тушунишда ёрдам беради.

Ўқитувчи билан доимий маслаҳатлашиш орқали турли ўрганиш усулларини талаб этувчи ўрганиш имкониятларидан кўпроқ фойда олиш мумкин. Усулдан хабардор бўлиш танлашда янада диққатли қарор қилишнинг сабабчиси бўлиши мумкин (Мен географияни география сифатида танладимми ёки бунга мени ўрганиш усулларининг баланси мосладими? Ва бу баланс келаси йилда ўқитувчи билан тенг буладими?).

Ўрганиш усули назариясини тушуниш гуруҳ ичидаги ҳурматни шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин. Бизнинг маълум бир кучли томонларга эга бўлишимиз ва қандайдир маъқул кўрган йўналишларимиз борлигини билишимиз ҳамда ҳар биримиз ушбу кучли томонларга ва маъқул кўрган йўналишларимизга асосланишимиз, Мак Картининг

кўрсатишича, бошқаларнинг шахсиятига нисбатан соғлом ҳурматни ривожлантиришда ёрдам бериши мумкин.

Тенг имкониятлар, ўзаро алоқалар, жалб қилиниш, алоқадор бўлиш ва ҳурматга берилган урғуга эга бўлиш демократик/гуманитар синфда ўқувчилар ўрганиш усуллари ҳақида билишга ҳам эҳтиёжли, ҳам ҳуқуқлидирлар.

Ўқитувчи тенг ўқитиш ва биргалиқда ўрганиш имкониятларини яратиб бериши ва уларга рухсат бериши керак. Улардаги бир усулда доминант бўлмиш синф аъзолари ўша усулни бошқаларга намойиш этиб, уларни ўрганилаётган вазифага жалб этади. Усул ҳақида доимий ўзаро маслаҳатлашишга эҳтиёж бу вазиятда ҳам сезилади. Худди шу шаклда, ўқитувчи ва ўқувчилар биргалиқда ўзларининг турли усул танловларига мос келадиган машғулотлар ҳақида муҳокама қилиш йўналишида иш олиб боришлари керак. Ва ниҳоят, агар ўқитувчи доимий равишда ўқувчиларнинг ўрганиш усули талабларини қондира олмаса, улар учун қандайдир ўша талабларни қондирадиган хулосани қидиришларига имкон бўлиши даражасида шароитлар яратилган бўлиши керак.

КУРСЛАРНИНГ РИТМИ

Агар ўқитувчилар ўрганиш усули ҳақидаги саволларни мавзу шаклида йўналтирадиган бўлсалар, аввалам бор курснинг умумий муҳити ва ритми ҳақида ўйлаб кўришлари ҳам аҳамиятлидир.

Робин Ричардсон гуманитар, шахс-марказлашуви ва ҳуқуқлар инобатга олинadиган синфлар билан глобал мавзуларни ишлашга мос бўлган қуйидаги тўртталик оддий моделни олға сурган.

МУҲИТ → ТАЛАБ → ТАМОЙИЛ → ҲАРАКАТ

Бу бўлим, умуман, Ричардсоннинг модели бўйича олиб борилиб, уни қайта ишлайди, кенгайтиради ва уни қайта шакллантириб, керакли деб ҳисобланган деталларининг жойларини ўзгартиради.

Керакли муҳитни шакллантириш бўйича бирламчи ҳисобланган вазифа, Ричардсоннинг таъкидлашича, 8та кичикроқ вазифаларга ажратилиши мумкин. Биринчи тўрттаси, асосан, хавфсизликни шакллантириш билан боғлиқдир. Иккинчи тўрттаси ундаш/жалб этилиш тушунчаларини яратиш билан боғлиқ. Хавфсизлик қуйидагича шакллантирилиши мумкин:

1. Бир-бирини билиш ва бир-бирига ишонишни бошлаш, ҳамда бир-бирини потенциал захира сифатида ҳурмат қилиш. Жиддий қарорлар ва глобал мавзуларнинг ўрганилишига ўтишдан олдин - бу эса ўқувчиларнинг бир-бирларининг истиқбол ва қийматларини қаршилаштиришга жалб этади – ишонч ва хавфсизликнинг гуруҳ миқёсида шаклланиши ҳамда индивидуал жалб этилишининг ривожланиши муҳимдир. Ўқувчилар ўзлари ҳисса қўшган барча ҳаракатлари ижобий, салбий эмас, қабул қилинишини билишлари керак. Гуруҳнинг барча аъзолари гуруҳга ўзларининг тегишлилигини англашлари керак.

2. Ўқувчиларда бор бўлган билим ва фикрларни ўрнатиш ва билдириш.

Ўқувчилар курсга «тамоман бўш бўлган идиш»га ўхшаб келмайдилар. Уларда дунё ҳақидаги билимлар, фикрлар ва ҳаёлий образлар мавжуд бўлади. Улар синфга олиб келган билимлари алмашилиши, билдирилиши ва қабул қилиниши керак (улар кейинчалик албатта жалб қилинади ва муҳокама қилинади).

3. Оддий вазифаларни муваффақиятли бажариш орқали бошланғич даражада ўзига ишониш ҳиссига эга бўлиш.

Синфда таҳлил қилинадиган мавзулар мураккаб ва талабчан бўлади. Ўзига бўлган ишонч содда бажариладиган вазифалар орқали шаклланиши керак.

4. Бутунлик (умумийлик) ҳиссиётига эга бўлиш. Бу курс ёки курс бўлимини бошлашдан олдин унинг мақсадлари ва таркиби ҳақида умумий тушунча беришга ёрдам беради. Ўхшатишлар ва текширувдан ўтган машғулотлар, муҳокама ва умумийлаштириш билан бунга эришса бўлади, ҳамда гуруҳ муҳокама ишлари ва ўқитувчининг ҳиссаси билан бирлаштирилади.

Жалб қилиниш қуйидагилар орқали шаклланади:

5. Ўқувчиларни ўзларининг билимсизликлари, олдиндан қарор қилиш, қийматлари ва чекланган истиқболларига мурожаат қилишга ундаш. Шу маънода жуда муҳим бўлган вазифа бу ўқувчиларни ўзларининг ҳозирги билим даражалари ва истиқболларининг чекланишини тушуниш ҳақида хабардор бўлиш орқали янада кўпроқ билишга интилишларига шароит яратиб беришдир. Стереотиплар синдирилиб, горизонтларни кенгайтириш ҳамда янги фикрлар киритилиши

орқали осонлик ва қулайликни яратиш, яъни нуқтаи назар ва дунёқарашларни шакллантириш керак.

6. Предмет соҳаси кўп қиррали эканлигини англаш.

Ўқувчига глобал, миллий ва маҳаллий миқёсда чуқур норозиликлар мавжуд бўлган мавзуларга мурожаат қилиниши исталганини кўрсатиш орқали уларнинг қизиқишларини жалб қилиш мумкин.

Бу ерда мақсад, ушбу мавзунинг «қаерида турибман?» саволига талаб, ўқиш, акс эттириш ва ҳаракат орқали жавобни аниқлашдир.

7. Предмет соҳасига муаммоли ва ҳаракатга йуналтирилган ёндашувни мослаш.

Ҳозирги дунё ҳақидаги курсларнинг «зерикарли» ёки номаъқул равишда кечмаслиги ва шу сабабли умуман депрессияга чорлайдиган, кучсизлантирадиган равишда ўтилмаслиги муҳимдир. Ўртадаги мақсад, «бизда ечим, ечими кутилаётган ва бошқарилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд» шаклида бўлишдир. Бундай мақсад, муваффақиятли ташаббус бирлашган ҳолда жалб этиш характериға эга бўлиши мумкин.

8. Курснинг қолган қисмини тузиш ва бошқариш учун жавобгарликни олиш.

Курс ниҳоясининг кириш фазаларида ўқувчилар бир-бирлари ва ўқитувчи билан муҳокама қилишларига имконият бериш, шунингдек, тегишли фазаларнинг мақсадлари ва таркиби ҳақида эркин савол беришга имконият яратиш жуда муҳимдир. Курс муҳокамаси гуманитар синф учун лойиқдир: у яна қарор қилинган нарсалар ҳақида эгалик ва бажарувчанлик ҳиссини ташкил этади.

Ричардсоннинг кўрсатишича, юқоридаги босқичларнинг баъзилари синхрон равишда олиб борилиши мумкин. Шунингдек, эсда тутиш керакки, ишонч ва хавфсизлик керакли пайтда қайта мустаҳкамланмаса, курс давомида осонлик билан йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Талаб фазаси (2-фаза) иккита ташкилий қисмга эга, дейди Ричардсон. Булар бевосита тажриба ва ўрганишдир. Бевосита тажриба дала сайрлари, зиёратлар ва синфдан ташқаридаги дунё билан алоқа қилишдан орттирилиши мумкин, ҳамда ўхшатишлар, роль ўйнаш каби синф ичидаги машғулотларида қатнашиш орқали ҳам орттирилиши мумкин.

Ўрганиш, тушунчаларни, фикрларни, умумлаштиришни, истиқбол ва назарияларни китоб ёки бошқа босма шаклда ўрганиш, аудио-визуал шаклда ёки суҳбатлар ва маърузалар орқали (ўқитувчи ёки келган маърузачи томондан).

Ўрганиш индивидуал ишлашга қараганда ҳамкорликдаги гуруҳлар контекстида янада муваффақиятли бўлиши мумкин.

Шунингдек, биргаликдаги ишлаш ўқувчи тажрибадан ўтказган ва ўрганган нарсаларидан келиб чиқадиган

умумий принципларга (3-фаза) етиб боришга ҳаракат қилишларида жуда яхши восита бўлиши мумкин.

Кичик гуруҳларда ўқувчилар ўзларининг эришган консенсус даражасини ва қолган норозиликларни кўрсатувчи асосий нуқталарни кўрсатадиган ва ифодалайдиган жадвал ёки бошқа визуал диаграммаларни тайёрлашлари мумкин. Шунингдек, улар бирлашган позицияни билдирувчи хулосаларни қилишлари мумкин. «Далиллар келтириш, музокара ва акс эттирувчи муҳокамалар консенсусга эришиш учун мўлжалланган вазибалардан яратилган бўлиб, ҳақиқий ўрганишни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Кичик гуруҳларнинг синфга таништируви кейинчалик жалб этилган мавзулар атрофида пленар дебатларни ўтказиш учун замин яратади.

Ҳаракат фазаси кейинчалик нима қилиш кераклигини ва индивидуал ёки бирлашган ҳолда нима қилиш мумкинлиги ўрганганликларини қабул қилган ва ўз хулосаларини асосий принцип деб билган ўқувчиларда кузатилади. Синфдаги ҳаракат ҳақиқий бўлиши мумкин, масалан ўқувчилар ўзларининг қизиқишлари ёки маҳаллий ахборот воситалари ҳақида ёзадилар, ёки ўхшатишни амалга оширадилар. Шунингдек, ўқувчилар жамиятдаги баъзи бир мумкин бўлган ижтимоий лойиҳаларга ҳам жалб этилишлари мумкин. Исталган ҳаракат ва ўрганиш муҳит, талаб ва тамойил фазаларининг натижаларига олиб борилиши ва уларда акс этиши мумкин.

МУҲИТ → ТАЛАБ → ТАМОЙИЛ → ҲАРАКАТ

Бу бўлимда биз глобал синфни ташкил этишда биз танлаган йўналишлар билан курсларнинг шакли ва ритми ҳақидаги уч таълимшуноснинг фикрларини кўрсатиб ўтдик.

Тан олиш керакки, уларда бошланғич нуқтаси, урғу, модель ва деталларда катта фарқ бўлганлиги билан, битта нарса уларнинг таҳлил ва тавсияларида умумий ҳисобланади. Ҳар бири объектив ёки субъектив маънода чап мияли факт, абстракт ўрганиш, таҳлил ва эксперт фикрдан фарқли фикрга ҳамда фронтал ўқитиш усули ва вертикал синф алоқаларига урғу берилган синфларга нисбатан танқидга эгадир.

Ҳар бири бундай йўналишни имкониятлар тенглигини рад этувчи ҳамда бошқа ўрганиш усулига эга бўлган ўқувчилар тўрига йўналтирилганини айтишади. Шунингдек, уларнинг ҳар бири аминки, бундай йўналиш инсон потенциалини эффе́ктив ривожлантиришда натижа бермайди ва мактабларни биз таърифлаган «инсон потенциалининг ахлатхонаси» тушунчаси билан солиштиришда омил бўлиб хизмат қилади.

2-бўлим. Учласи ҳам ўрганиш ва ўқитишга кичик саёҳатни таклиф қилади. Бу қайси кўринишда бўлмасин, ўқитувчи омилини рад этиш эмас, балки шундай омилнинг синфда ўз позициясини мустаҳкамлаши ва курс ёки мавзунинг ритми ичида ҳозирги пайтда ишлатилиши маъқул бўлган ёндошишлар туридан бири бўлганидек ҳаракатланиши

лозимдир. 2-бўлим фаолиятларга мисол келтирадики, синфда фронтализм гегемониясига мурожаат қилиш ва ўқитувчиларга фарқлашда ёрдам бериши учун ишлатилади. Уларнинг ургули жойи ҳамкорлик, суҳбат, тажриба, ўзаро ҳаракат ва қатнашувдир.

Улар демократик ва гуманитар ҳаққонийликнинг, озодликнинг, интилувчанликнинг қийматлари ҳақиқат ва сабабларга нисбатан ҳурмат билан тўлдирди. Улар ҳар бир ўқувчи синфга олиб келадиган тажрибанинг ягоналиги ва бойлиги, қўлланилмаган потенциалнинг қабул қилиниши ва аниқ тан олинишига асосланади.

Олиб борувчилар ва йўналишни ўзгартирувчилар (2-бўлим, 6-боб) курс, мавзу ёки дарсни бошлаш учун ёки бошқа маъқул бўлган пайтда дарснинг кириш қисмини ўтказишга керак бўлган машғулотлар.

Кўпинча қисқа бўлиб, улар қуйидаги бир қатор муҳим мақсадлар учун хизмат қилади:

- Ўқитувчи билан ўқувчини тезда бир-бирини билиб олишда ёрдам беради
- Ёқимли, хавфсиз ва қўллайдиган синф муҳитини яратишда ёрдам беради ва унда тушунмовчиликлар ёки иккиланишлар йўқолиб кетади ҳамда ўқувчи эркинлик билан савол бериши, исталганича фикр билдириши мумкин, ўзини химоя қилишни тўхтатиб, ўзининг ва бир-бирининг ҳатти-ҳаракатларини, ҳиссиётларини, истиқболларини, тушунча ва қийматларини кашф этишда имкон беради
- Ишончни шакллантиради
- Алоқадор қилади ва ўзаро ҳаракат қилишни ривожлантиришда ёрдам беради.
- Улар синф жараёнининг кайфияти ёки йўналишини ўзгартиришга мўлжалланган этиб таништирилиши мумкин.

Улар кириш исм ўйинлари, бошқа ўйинлар, ишончни шакллантириш машғулотларини ва гуруҳ ҳамкорлик фаолиятларини ўз ичига олган. Шунингдек, баъзилари дарснинг мақсадини белгилашнинг жуда яхши эсда қоладиган усулини ҳам таъминлайди.

Ўзини ўзи жалб этиш учун бўлган машғулотлар (а-қисм) ўқувчиларнинг ўзини, ўзининг нуқтаи назарини ва тажрибасини баҳолашда ёрдам бериш учун тузилган. Шунингдек, улар ҳар бир ўқувчида ўзининг иқтидори ва кучли томонлари ҳақидаги хабардорликни ривожлантиради. Тенг маънода улар гуруҳ учун ҳар бир ўқувчининг кўп нарса бериши мумкинлигини тасдиқлайди ва ўқувчиларга бир-бирлари ҳақида ва бир-бирларига тегишли бўлган ижобий фикрларини баён қилиш учун имкониятлар яратади.

Гуруҳ муҳокама машғулотлари (а-қисм, 8-боб) жуда кенг мавзулар инobatга олинadиган ва кўпгина қобилиятлар амалда ишлатилиб ва мустаҳкамланадиган иш майдони билан таъминлайди. Кўпчилиги, лекин ҳаммаси эмас, ўқувчиларнинг

жуфтликларда ёки кичик гуруҳларда ишлаши билан бошланади. Кейинчалик каттарoқ гуруҳлар ва, ниҳоят, пленар муҳокамаларга ўтилади.

Ривожлантириладиган қобилиятлар қуйидагилардир:

- Сўзлашув ва сўзлашувсиз алоқа қилиш
- Ҳамкорлик ва биргалиқда ишлаш
- Яратувчанлик, ҳар томонли ва кўп қиррали ўйлаш
- Музокара қилиш, консенсусни қидириш ва қарор қабул қилиш
- Қийматларни аниқ англаш
- Баҳолаш ва акс эттириш
- Таништириш

Гуруҳ муҳокама машғулотлари (2-қисм, 9-боб) бир нечта босқичларга ажратилган талаб, изланиш ва ўрганиш вазифаларига эга бўлган бир нечта дарслар орасида бўлиб берилиши мумкин.

Тажрибавий машғулотлар сунъий шаклланган иш соҳасида гуруҳда шаклланган ва шунинг учун оригинал бўлган тажриба билан таъминлашга қаратилган. Улар одатда юқори даражали эмоционал жавобни жалб этади, ўрганиш биринчи таъсирли доменда бошланиб, сўнг англаш доменига тажрибадан кейинги муҳокама ва таҳлил орқали ўтади.

Машғулот таркиби симуляцион машғулотлардан фарқли ўларoқ, унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас (пастроқда қаранг), ammo муҳим тушунчалар машғулот ва тегишли умумийлаштириш натижаси сифатида таништирилиши ёки ривожлантирилиши мумкин. Симуляция каби умумийлаштириш қобилиятлари ҳақиқий ўрганишда катта аҳамиятга эга. Умумийлаштириш энг яхшиси машғулотдан кейин бирдан келиши керак, яъни тажриба ҳали соф бўлиб турганида, худди шу вақтнинг ўзида, ўқувчилар учун кўп ҳиссиётларга сабабчи бўлган тажрибадан чиқиб кетиш қийин бўлиши мумкин.

Бу бобда тасаввурий машғулотлар марказлашган машқлар қузатиладиган фантазия ва креатив визуализация каби машғулотлар киритилган.

Роль ўйнаш (қисм-а, 9-боб) қатнашчиларга ўйнаш учун тушунтирилган, лекин албатта белгиланмаган, кўпинча жуфтликда, баъзиларда каттарoқ гуруҳлардаги машғулотлардир.

Ҳар бир қатнашчи ролни қабул қилиш орқали белгиланган чегараларда турли қобилиятлар, алоқа, муҳокама, қарор қилиш, тасаввурий ва креатив қобилиятларни ривожлантириш контекстига эга. Улар ўқувчиларнинг муаммони турли перспективалардан кўриши учун яхши ёрдамчидир: ҳамда уни альтернатив стратегиялар ва ечимларни топишга ундайди.

Симуляция машғулотлари (2-қисм, 10-боб)
маҳаллийдан глобалгача кичик даражали тадбирларни акс эттиради ёки қайта шакллантиради ҳамда қатнашчиларни ичидан кузатишни таъминлайди. Одатда роль ўйнашни жалб қилади ва ниҳояси очиқ бўлади, яъни йўналиш ва финал натижа қатнашчининг ўз кўлида бўлади. Тажрибавий машғулотлардан фарқли ўлароқ, симуляциянинг таркиби марказлашган аҳамиятга эга, аммо у умумлаштириш босқичигача бормайди. Бу китобда тушунтирилган барча машғулотлар орасида симуляция энг диққатли режалаштиришни ва энг кўп синф вақтини талаб қилади.

Тўлдириш ва баҳолаш техникаси (2-қисм, 4-боб) олип берилаётган синф дастури ўқитувчига ўтиб кетиш имконини берадиган ўқувчиларнинг жавоб бериш йўллари тақлиф қилади ҳамда жавобнинг баҳоланишини англатади. Бундай очиқ алоқалар гуманитар, демократик синфларга лойикрокдир. Шахсий баҳолаш техникаси ҳам киритилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган турли ўрганиш жанрларини ўртасидан бўладиган аниқ ва ҳал қилувчи характерга эга бўлган чизиқ мавжуд эмасдир. Масалан, тажрибавий машғулотларда ҳар доим симуляция элементлари мавжуд бўлади: симуляция эса, албатта, ўзи шаклланган тажрибавий элементларга эга булади. Очиб берувчилар ва йўналишни ўзгартирувчилар

ўзини ундашга интиладилар, баъзи гуруҳ муҳокама машғулотларида роль ўйнаш элементлари бўлиши мумкин. Роль ўйнаш жуда кўп тажрибавий машғулотларда учрайди ва деярли ҳар доим симуляцияда мавжуд бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳаракат қобилиятларини ривожлантириш йўлларида бири симуляция машғулотларидир. Юқоридаги 7та категория жараён ўқитувчисига мос бўлган қатнашув машғулотларини ташкиллаштиришнинг мавжуд воситаларини тақлиф қилади.

Ресурс талаблари 30 кишидан иборат бўлган синфга мўлжалланади. Вақтни белгилаш аниқ бўлмайди ва жараёнларда тушунтирилгани каби фақатгина машғулотга боғлиқдир. Ўқитувчилар шуни эсда тутишлари керакки, муҳокама ва умумлаштириш ўрганиш жараёнининг муҳим аспектларидир ва уларнинг ўтказилиши учун керакли вақт ажратилиши шарт. У кўп ҳолларда машғулотлар учун белгиланади, лекин ўқитувчилар ўзлари ҳам ҳал қилишга ҳақли бўлишлари керак. Кўп ўқитувчилар белгиланган машғулотлардан ташқари баъзи ёш гуруҳлар учун машғулотлар белгиланганлар.

Қуйидаги жадвал ёзувчилар томонидан таъкидланган курс/курс бўлимнинг шакли ва ритми учун 4 фазали Ричардсоннинг моделига мосланган, бу китобда тушунтирилган турли хил қатнашув машғулотларини кўрсатади.

Курс фазалари		Мос бўлган машғулотлар
МУҲИТ (А) хавфсизликни ўрнатиш	1) Бир-бирига ишонишни бошлаш ва бир-бирини таниб олиш ҳамда потенциал захира сифатида ҳурмат қилиш	Очиб берувчилар ва йўналишни ўзгартирувчилар, Ўзини жалб этиш машқлари.
	2) Ўқувчиларда мавжуд бўлган билимларни ва фикрларни ўргатиш ва билдириш	Гуруҳ муҳокама машғулоти
	3) Оддий вазифаларни бажариш орқали бошланғич ўзига ишониш ҳиссига эга бўлиш.	Ўзини жалб этиш машғулоти, гуруҳ муҳокама машғулоти
	4) Умумийлик ҳиссига эга бўлиш	Ўзини жалб этиш машғулоти, гуруҳ муҳокама машғулоти
(В) Чорлашни ташкил қилиш	5) Ўқувчиларни ўзларининг билимсизликлари, олдиндан қарор қилиш хусусиятлари ва чекланган истиқболларига мурожаат қилишга стимуляция қилиш	Тажрибавий машғулотлар (истиқбол ва стереотиплар буйича), роль ўйнаш
	6) Иш майдони кўп қиррали эканлигини англаш	Гуруҳ муҳокама машғулоти (масалан, турли нуқтаи назарларни даражаларга ажратиш), роль ўйнаш, симуляциялар Гуруҳ муҳокама
	7) Предмет соҳасига муаммога марказлашган ва ҳаракатга йўналтирилган ёндошувни мослаш	машғулоти (муаммони ечиш, ҳикоялар бўйича вазиятни ўрганиш, аудио/визуал, ўқиш, ўқитувчининг киритмалари)
	8) Курснинг қолган қисмини ташкил қилиш ва бошқариш учун жавобгарликни олиш	Гуруҳ ва пленар муҳокамалар билан олиб бориладиган фикрлаш машғулоти: тескари алоқа техникаси
ТАЛАБ	1) Бевосита тажриба	Дала сайрлари, ташрифлар, мактаб ва жамиятда фаол изланишлар
	2) Урганиш	Ўқитувчи/ташриф буюрган маърузачи/аудио/визуал киритмалар, китобларни ўрганиш ва ҳ.к.
ТАМОЙИЛЛАР	Умумий тамойилларни ишлаб чиқиш	Гуруҳ муҳокама машғулоти: пленар муҳокамалар ва дебатлар
ҲАРАКАТ	1) Синфда	Роль ўйнаш, симуляциялар, фаол лойиҳалар (масалан, хат ёзиш.)
	2) Синфдан ташқарида	Мактаб/жамиятда фаол лойиҳалар

ГЛОБАЛ ҲУСУСИЯТЛАРИ

ҲУСУСИЯТЛАРИ

Лидерлар борки, улардан одамлар кўрқади,
Лидерлар борки, уларни одамлар ёмон кўради,
Лидерлар борки, уларни одамлар севади,
Лекин энг яхши лидерлар ўз ишларини яқунлаганларида
Одамлар “Буни биз ўзимиз уддалай олдик” дейишади.

Лао Цу
Хитойлик файласуф

Бу китобни варақлаган сари баъзи жойларда очиқчасига, баъзи жойларда яширинча глобал ўқитувчининг ўзига хос хусусиятларини учратамиз. Мактаблар ўқувчиларни тез ўзгараётган, ўзаро боғлиқ дунёда бунёдкор вазифалар учун тайёрлашини истасак, ўқитувчи қандай бўлиши кераклигини аниқлаш пайти келди. Глобал ўқитувчи – ким у?

• **Глобал ўқитувчи этник гуруҳ ёки миллат миқёсида эмас, балки жаҳон даражасида фикр юритади.** Бундай ўқитувчи содда, фойдасиз, икки тарафлама сабаб ва таъсир, маҳаллий ва глобал каби тушунчаларни ёйиш ўрнига замонавий дунё тизимлари ҳақидаги билимларни ишлатади. У ўқувчиларга ҳозирги кундаги жаҳондаги вазият, ривожланиш йўналишлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўргатишга аҳамият беради. У глобал масалалар бўйича муҳокама ва мунозарани тарғиб этади.

• **Глобал ўқитувчи маданият ва истиқбол билан қизиқади.** Ўқитувчи ўқувчиларда ўзлари яшаб турган жойда ва ундан ташқаридаги маданиятлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида тушунча ҳосил қилишга ҳаракат қилади. ғайриоддийлик ва холис бўлмаган тушунчалардан воз кечилади. Маданиятлар ягона ва ўзгарувчан сифатида тасвирланади. Шундай таълим олиш имкониятлари танланадики, улар тегишли маданият вакилларига ўз фикрини ифода этиш имкониятига шароит яратсин. Инсонлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар таъкидлаб ўтилади. Ўқувчилар ранг-

барангликни ҳурмат қилишлари ҳамда бошқа қараш ва фикрларни тўғри қабул қилишни ўзлаштиришлари учун маданиятларни чуқур ўрганиш энг муҳим йўл сифатида эътироф этилади. Синфда мавжуд камситиш ва холис бўлмаган фикрлаш синчиклаб ўрганилади.

• **Глобал ўқитувчи келажакка назар билан иш юритади.** Ҳозирги кун ривожланиш йўлларини тарихга назар орқали белгилаш муҳимлигини эътироф этган ҳолда, ўқитувчи эҳтимолий, шартли ва исталган келажакларни тасвирлаш имкониятини яратиши керак. Инсонлар биргаликда ва ҳар бири алоҳида келажакка таъсир эта олишларини ўқувчиларга тушунтириш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Демократия, ижтимоий ва сиёсий жараёнларда иштирок этиш, ижтимоий ўзгаришларни йўналтириш ва тезлаштириш учун керакли кўникмаларни ривожлантириш синфда марказий ғоялар бўлиб қолиши керак.

• **Глобал ўқитувчи ёрдамчи ҳисобланади.** Ўқитувчининг вазифаси нафақат билимларни етказиш (бу билимлар тез ўзгарувчи дунёда кўп ҳолларда ортиқча бўлиб қолади), балки ўқувчиларнинг таълим олиши ва таълим олишни ўрганишлари учун ёрдам беришлари керак. Самарали ўқитувчи ўзига етарлича ишонч, бошқалар қобилиятларига ишониш, эски нарсалардан воз кечишга тайёрлик, ҳимояланишнинг йўқлиги, хато қилишга ва хатоларидан зарур хулосалар чиқариш каби шахсий хусусиятларга эга бўлиши кераклигини тан олиши муҳимдир. Дўстона ва ижобий муҳитда муваффақиятли таълим олиш ўзига бўлган ишончни шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. У ўқувчилар билан самимий муносабатда бўлади; уларнинг ҳис-туйғулари ва фикрларига жиддий эътибор беради; мақтов билан муносабат билдиради; дунёга ҳар бир ўқувчининг назари билан қарайди.

Глобал ўқитувчи инсоннинг ички имкониятларига чуқур ишонч билдиради. Ўқитувчи ўқувчилар синфга бўм-бўш идиш каби билимсиз эмас, балки бошқалар билан шериклашиш учун, маълум даражада билим, тажриба, фикр ва қарашлар билан келишларини эътироф этади. Ўзлари ҳақиқий деб билган масалалар ва муаммолар билан муносабатда бўлишга шароит яратиб берилган ўқувчиларда янада иштиёқ билан ишлашга қаттиқ истак пайдо бўлади; улар қизиқувчан бўлиб, мамнуният билан ҳар қандай масалалар билан шуғулланадилар; муаммоларни ечишга, ўсишга, ўрганишга ва кашфиёт қилишга хоҳиш билан киришадилар; шахсий ва умумий интизом қоидаларига амал қилишни ўрганадилар. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчини алоҳида, ўзига хос ички имкониятларга эга шахс сифатида ҳурмат қилади.

Глобал ўқитувчи инсоннинг барча қирраларини ривожлантиришга содиқ. Ўқитувчи ўзининг дарс ва дарсдан ташқари иши давомида инсоннинг абстракт, аниқ, тажриба ва ақл-идроққа, фаҳмга асосланган, ҳиссий каби турли томонларини ривожлантиришни асосий шарт сифатида эътироф этади. Худди шундай, ўқитувчи таълимни ичкарига ва ташқарига йуналтирилган, бир-бирини тўлдириб турадиган икки турдаги сафар эканлигини тан олади. Бунга қарши ўларок, анъанавий таълим олиш услубларига ортиқча эътибор шахснинг тўла ривожланишида тўсиқ бўлиши мумкин.

Глобал ўқитувчи дарс жараёнида турли ўқув услубларидан фойдаланади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг турли таълим олиш услубларига мойил эканлигини ва миянинг чап қисми, ўнг қисми ёки бутун мия орқали фикр юритишини тан олади. У ҳар бир ўқувчига ҳақиқий имкониятлар тенглигини ва уларга ёққан услублардан фойдаланишда тенгликни таъминлаш, шунингдек, уларни бошқа услубларга ўргатиш кераклигига ишонади. Ўқувчиларга ўз-ўзига ишончни кучайтириш, гуруҳ муҳокамалари, тажриба қилиш, саҳна кўринишлари, ўхшатиш ўйинлари, жойида амалий тажриба орттириш, фаол тадқиқот, мустақил ишлаш ва ўқитувчининг ўз ҳиссасини кўшиш каби турли таълим услубларини таклиф этади.

Глобал ўқитувчи таълим олишга бутун умр давом этадиган жараён сифатида қарайди. Ўқитувчи таълим олишнинг охириги манзили йўқ эканлигини таъкидлайди; унинг илғор вазифаси - ўқувчиларни "тўғри" жавоб беришга эмас, балки яхши саволлар сўрашга ундаш. У биз берган саволлар, биз топган ечимлар, биз қабул қилган қарорлар ўз табиати билан қанчалик дсимий эмаслигини тушунади ва ўқувчиларнинг англашига ёрдам беради. Шунинг учун глобал ўқитувчи айна пайтда глобал ўқувчи ҳисобланади. Глобал ўқитувчи ўзи ўрганиш жараёнини яқунламаганлиги, кўпинча ўз ўқувчиларидан ва дарсдаги вазиятлардан анча нарса ўрганиши мумкинлигини эътироф қилади. Хуллас, у "ўқувчилар орасида ўрганишга кўмаклашувчи ўқувчи" ҳисобланади.¹

Глобал ўқитувчининг ўзи ўрнак бўла олиши керак. "Демократия учун таълим" ва "инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат" каби мақсадларни тарғиб қилаётган ўқитувчи ва таълим муассасалари мақсад ва амалиёт (муҳит, жараён ва муносабатларнинг сифати) номувофиқлиги, дарсда ва мактабда икки юзламачиликка йўл қўйилган тақдирда тезда ўзларига бўлган ишончни йўқотадилар. Бундан ташқари,

ўқитувчининг шахсий ва профессионал ҳаёти бир-бирига номувофиқ бўлмаслиги керак (масалан, глобал жамиятнинг барча поғоналарида иштирок этишнинг аҳамиятини тарғиб этиб, ўзи мактабдан ташқарида бефарқ бўлиши).

Глобал ўқитувчи ҳақ-ҳуқуқларни ҳурмат қилади ва асосий эътиборни ва қарор қабул қилиш ваколатини синфга ўтказишни илгари суради. У тенг ҳуқуқлилиқ тарафдоридир. Ўқувчилар ўзига ишонч, шахсий ва умумий интизомни эгаллагандан сўнг, ҳокимият ва назорат ваколатларини гуруҳга тақдим этади (бу гуруҳга ўқитувчининг ўзи ҳам ўрганишга кўмаклашувчи ўқувчи сифатида қиради). Унинг мақсади - шахснинг мустақиллигини ҳамда белгиланган, демократик ва иштирок этишни қўллаб-қувватлайдиган муҳитни таъминлаш. Бу мақсадга эришиш йулларидан бири ўқувчи фикрини билдириши учун ўқитувчи билан ўқувчи биргаликда дарсни баҳолаш имкониятини яратишдир. У "инсон ҳуқуқлари мактабига", ўқувчилар, ўқитувчилар ва бошқалар ҳуқуқ бузилишлари ҳақида шикоят қилишлари ва тузатишлар киритишлари мумкин бўлган, умуммактаб, демократик ва очиқ жараёнда ишонади.

Глобал ўқитувчи ўқув дастури бўйлаб "функционал ўзаро боғлиқлик"² тарафдоридир. Глобал мактаб ўқув дастурида, мақсадлар, таълим олиш/ўқитиш стратегияси ва баҳолаш усулларида бирлик аҳамияти ва "ҳеч қайси бир синф алоҳида турувчи орол эмас"³ лигини тушунади. Бундай бирликка эришишнинг бир шарты ўқитувчининг ўз фикрлари билан шериклашишга тайёрлиги, очиқ профессионал музокараларга киришишга мойиллик, кенг масалалар буйича яқдилликка ва "алоҳида ўқитувчиларнинг қўшадиган ҳиссаларини бирлаштиришга"⁴ эришиш истаги ҳисобланади. Бу эришилган бирлик горизонтал шаклда ҳар бир ёш гуруҳларига ва вертикал шаклда чақалоқлик, болалик ва ўсмирлик йилларида керак бўлади. Шунинг учун ўқитувчи асосий эътиборни мактаб ичидаги алоқага қаратади.

Глобал ўқитувчи жамоат ўқитувчиси ҳисобланади. Агар мактаб маҳалладан узоқлашса, бутун мияни ишлатиш орқали таълим олиш мумкин бўлмай қолишига ўқитувчи ишонади. У Мэрилин Фергюсоннинг "фақат маҳалла тўлиқ таълим беради ва тўлиқ инсонгина уни қабул қила олади"⁵ деган фикрини тан олади. Ҳеч қайси ўқитувчи ёки ўқитувчилар гуруҳи маҳаллада мавжуд бой ва ранг-баранг тажриба ва имкониятларни (кўплари глобал даражада) инкор эта олмайди. Шунинг учун ота-оналар ва маҳалла фаоллари таълим жараёнига биргаликда жавоб беришлари лозим. Ота-оналар ўқитувчилардан доимий равишда мактабдаги қонун-қоидалар ва амалиёт ҳақида суриштириш ҳуқуқига эгадирлар. Ва ниҳоят, таълим олиш ҳаёт бўйи давом этадиган жараён эканлигини ўқитириш, мажбурий таълим олиш ёшидан ўтган ёшларга ўқишни давом эттириш учун имкониятлар яратиб бериш жавобгарлиги мактабга юкланади.

Ўрганиш аллақачон биладиган нарсаларни аниқлаш ҳисобланади. Бажариш билишингизни кўрсатиш ҳисобланади. Ўргатиш бошқаларга улар ҳам сизчалик билишларини кўрсатишдир. Барчангиз ўрганувчи, бажарувчи ва ўқитувчисиз.

Ричард Бах, *Illusions*, Рап, 1978.

КИРИШ ВА СУРЪАТНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ ЎЙИНЛАР

Исмларни ёдлаб қолиш қийин, лекин муҳим ҳисобланади. Исм билан чақириш ижобий ҳисобланса, бирон кишининг исмини эсдан чиқариб қўйиш инсонни умидсизлантириши мумкин. Бу бўлимда иштирокчиларга бир-бирларининг исmlарини эслаб қолишга ёрдам берадиган қизиқарли, жипслик ҳиссини вужудга келтирадиган машғулотлар келтирилади. Улардан ҳеч бири бир неча дақиқадан ортмаслиги керак; агар иштирокчилар катта бир гуруҳда исmlарни эслаб қолишга қийналаётган бўлсалар, бир неча машғулотларни кетма-кет ўтказиш ёки машғулотни маълум вақт ораллиқларида такрорлаш тавсия этилади.

АСАЛ АНДЖЕЛА

Барча иштирокчиларни доира шаклида йиғиб, бошловчи ўзининг исми ва унга қўшимча сифатида тасдиқловчи ва ижобий сифатни қўшиш орқали таништиришдан бошлайди. Масалан, “Салом, мен супер Сюзан”. Худди шундай, доира бўйлаб иштирокчилар ўзларини таништирадilar. Сифат ва исмдаги биринчи ҳарфларнинг ўхшашлиги эсда қолишга ёрдам беради, шунинг учун бошловчи фақат тасдиқловчи ва ижобий сифатларнинг ишлатилишига эътибор бериши керак – “сассик Симон” тамғаси ҳаммага ҳам ёқмаслиги мумкин!

Яна бир кўриниш: Сифатлар ўрнига иштирокчилар ўз исmlаридаги бўғинлар сонига мос равишда бирон ҳаракат ёки товуш чиқариши мумкин. Масалан, “Салом, мен Бенжамин” деб, айна пайтда учта қадам босиш ёки қўллар билан учта ҳаракат қилиш орқали бажариш мумкин.

Ушлаб ол
Ушлаб ол

Иштирокчилар исmlарни эслаб қолишига ёрдам берадиган қизиқарли ўйин. Иштирокчилар катта доира шаклида туриб, бошловчи шундоққина бирон бир ёмшоқ буюмни (масалан, ўралган кийим) отишдан аввал иштирокчини исмини айтиб чақиради (Билл) ва унга уни отади. Бошловчи Биллга буюмни бошқа

бировга исмини айтиб отиши ва кимга отганлигини эслаб қолиши кераклигини тайинлайди. Бу машғулотнинг биринчи қисми барчанинг бир мартадан буюмни қабул қилиб олгунигача давом этади. Ўйиннинг иккинчи қисми худди шундай кетма-кетликда, лекин анча тезроқ давом этиши лозим. Учинчи қисмда бошловчи ораллиқларда яна бир неча буюмларни ўйинга қўшиб юбориши мумкин. Икки ёки учта нарса доира бўйлаб учиб юрган бир пайтда бошловчи яна бир буюмни тескари кетма-кетликда йўналтирилиши учун қўшиб юбориши ҳам мумкин.

Яна бир кўриниш: Буюм доира бўйлаб отилади, уни қабул қилиб олган иштирокчи ўз исмини айтади. Иккинчи қисмда қабул қилиб олувчи уни бошқасига отишдан аввал ўз исмини ва отган иштирокчининг исмини айтиши керак.

БУ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Исм ўйинларининг бошқаларини куйидаги манбалардан топишингиз мумкин: *Stephanie Judson (ed.), A Manual on Non-violence and Children; Priscilla Prutzman et al., The Friendly Classroom for a Small Planet; Donna Brandes and Howard Philips, Gamesters' Handbook; Malt Weinstein and Joel Goodman, Playfair.*

ТЕТИКЛАНТИРУВЧИ ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР

Қиска муддатли тетиклантирувчи машқлар шахсий ва гуруҳ машғулотларининг муҳим қисми ҳисобланиб, куч-қувватни ошириш, олдинда турган масалалар учун ҳавфсиз муҳит яратиш, шахсий кўрқув ва гуруҳ таранглигини ҳаракат ва кулги орқали юмшатишга ёрдам беради. Бу каби машқлар фақат дарснинг бошланишида ишлатилмай, кўпчилиги кайфиятни ёки суръатни ўзгартириш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Машқларнинг кўпчилиги иштирокчиларнинг бемалол ҳаракатланишлари учун катта, бўш жой мавжуд бўлишини талаб этади.

БЕЛГИЛАРНИ БОҒЛАШ

Маълум бир белги қаттиқ овоз билан айтилади, иштирокчилар эса тез ҳаракатланиб, худди шундай хусусиятга эга бўлган бошқа иштирокчиларга қўшилишга ҳаракат қиладилар. Масалан, агар бошловчи "туғилган ой" деса, иштирокчилар ўз туғилган ойларини қаттиқ овоз билан айтиб, худди шу ойда туғилган бошқа иштирокчилар билан гуруҳ тузишга ҳаракат қиладилар. Ҳамма гуруҳларга бўлингандан сўнг, ҳар бир гуруҳ ўз ойини бошқаларга айтиб ўтади. Янги бир хусусият айтилганда, эски гуруҳлар йўқ бўлиб, янги гуруҳлар ташкил топади. Туғилган жой, саёҳат қилган давлатлар ёки континентлар, яхши кўрган машғулоти, энг яхши кўрган спорт жамоаси, энг яхши кўрган қўшиқчи каби белгиларни ҳам ишлатиш мумкин.

Яна бир кўриниш: Бу машқ новербал ёки ҳеч бир тилни қўлланмасдан бажарилиши ҳам мумкин (масалан, ҳеч бир маълум тилни ишлатмасдан).

УМУМИЙЛИКЛАРНИ ТОПИШ

Иштирокчилар бир варақ олиб, унинг чап қисмига устун шаклида барча ўқувчилар исмини ёзадилар. Жуфтлашган ҳолда қизиқиш, қобилият, мақсад ёки кўрқув, ёқтирган ва ёқтирмайдиган нарсалар бўйича умумийликларни топишга ҳаракат қиладилар. Умумий бир белгини аниқлаганларидан сўнг, улар у ҳақида қисқача гапирадилар ва уни исмининг рўпарасига ёзиб қўядилар, сўнг улар кейинги иштирокчига ўтадилар ва жараёни ҳамма билан юзланмагунча такрорлайдилар.

ОВОЗЛАРНИ ЎХШАТИШ

Иштирокчилар доира шаклида турадилар. Бошловчи спорт автомобилининг товушини чиқариб, уни чап ёки ўнг томонда турган одамга ўтказди. Товуш доира бўйлаб тез иштирокчидан иштирокчига ўтказилади. Маълум нуқтада бошловчи иккинчи товуш, автомобилнинг тормози ва жойида туриб айланишини билдирадиган "Ииик" деган товушни доира бўйлаб тескари томонга ўтказди. Шундан кейин ҳар қайси иштирокчи тормозни босиб, автомобилни тескари томонга жўнатиб юбориши мумкин. Кейинчалик учинчи товуш "Ууууш", автомобилнинг дарёдан учиб ўтиб, доиранинг қарама-қарши томонида қўниши ва худди ўша йўналишда давом этишини билдирадиган товуш киритилиши мумкин.

Бу машқ жуда ҳам кўп қулги ва хурсандчиликка олиб келади. Бошловчи товушларни киритиб, улар нимани билдиришини тушунтиргандан сўнг машғулоти бутунлай иштирокчиларнинг қарорлари билан бошқарилади. Бу гуруҳ машғулоти барчанинг иштирок этиши орқали ўрганишни содда ва қизиқарли жараёнга айлантиради.

БУ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Шу турдаги машғулотларни қуйидаги манбалардан топишингиз мумкин: **Finding Things in Common:** Nancy Schniedewind and Ellen Davidson, *Open Minds to Equality*; **Attribute Linking/Height Line-up:** Centre for Global Education; others: Various.

ИШОНЧНИ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МАШҒУЛОТЛАР

Ҳамкорлик ва иштирок этишга асосланган таълим олишнинг муваффақияти иштирокчиларнинг, ўзаро, иштирокчилар ва бошловчи ўртасидаги юқори даражадаги ишончга боғлиқ. Кулланмамизда тасвирланган машғулотларнинг аксарияти иштирокчиларни жисмоний, ақлий ёки ҳиссий томондан таваққал қилишга мажбур этади. Шунингдек, улар бошловчининг мулоҳаза ва тўлаликка ишончини талаб қиладди, машғулоти биринчи қарашда қанчалик бемаъни ёки ўйлантирадиган кўринмасин, унинг маълум мақсади бор. Ишончни ҳосил қилиш жараёни босқичма-босқич ва давом этувчи жараён ҳисобланади. Қуйида ёрдам бериши мумкин бўлган баъзи жисмоний машқлар келтирилган.

ЎТИРГАН ҲОЛАТДАГИ ДОИРА

Иштирокчилар бир-бирларининг кетларидан турган ҳолда анча зич доира (ҳаммининг бир томон елкаси ичкари томонга қарайди) ҳосил қиладилар ва олдинда турган иштирокчининг белидан ушлаб турадилар. Бошловчи ишора бериши билан ҳамма тиззаларини орқада турган иштирокчининг қўйнига ўтиргунга қадар буклайди. Бунда доира ўзи шаклини ушлаб туриши керак. Агар биринчи мартаданок уйдалай олишмаса, бу тўғри доира ҳосил қилинмаганлиги ёки иштирокчилар бир-бирларидан анча узоқда турганлигини аниқлатади. Ўзини ушлаб турадиган доирага эришилгандан сўнг, иштирокчилар биргалиқда қўлларини кўтаришлари, ичкари томонга озгина суяниб, ташқари томондаги оёқларини кўтаришлари ёки (жудаям қийин) чап ва ўнг оёқлари билан қўшимча қадам қўйишга ҳаракат қилишлари мумкин. Баъзи иштирокчилар томонидан ишончсизлик билан қаралган ушбу машғулоти ажойиб гуруҳ бирдамлигини вужудга келтириши мумкин.

Яна бир кўриниш: Ўтирган ҳолатдаги доира мусиқали стуллар ўйинининг мусобақалашмайдиган бир тури сифатида қўлланиши ҳам мумкин. Мусиқа янграётган вақтда иштирокчилар бир-бирларининг белларидан ушлаб, айланиб юрадилар; мусиқа тўхтагач ўтириб олишлари лозим.

ИШОНЧЛИ ҚУЛАШ

Иштирокчилар олти-саккиз кишилик доираларни ҳосил қиладилар. Доиранинг марказида яна бир иштирокчи оёқлари бирга ва қўллари ёнида бўлган ҳолда туради ва ўзини орқа, олдин ва ён томонга қараб ташлайди. Қайси томонга йиқилишидан қатъий назар, энг яқин турган иштирокчилар эҳтиёткорлик билан уни тик ҳолатга келтириб, бошқа томонга қараб ўзини ташлашига имконият яратадилар. Доира марказида туришни хоҳлаган ҳар бир иштирокчига имконият берилиши керак; бу машқни қўзғатиш юмилган ҳолда бажариш уни ёқимли ва дам олдирувчи машққа айлантиради.

БУ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Ишончни ҳосил қилувчи бошқа машғулотларни қуйидаги манбалардан топишингиз мумкин: *Priscilla*

ШАХСНИ ИЗЛАШ.

Қуйидаги хусусиятларга эга кишиларни топинг:

1. Муסיқа асбобини чаладиган _____
2. Яқинда бирон нарса билан гурурланган (шериклашинг) _____
3. Яқинда қўрқинчли туш кўрган _____
4. Яқинда муҳим санани нишонлаган _____
5. У билан яқинда кутилмаган ҳодиса рўй берган _____
6. Яқинда махсус таом пиширган _____
7. Ҳуштак чалишни биладиган (ҳуштак чалиб беришини илтимос қилинг) _____
8. Яқинда ўзини умидсиз ҳис этган (нима рўй берганлигини сўранг) _____
9. Яқинда бировга ёрдам берган _____
10. Яқинда янги жойга саёҳат қилган _____
11. Бугун янги нарса ўрганган _____
12. Яқинда қаттик жаҳли чиққан _____
13. Бошқа чет мамлакатнинг бирон-бир ўйинни биладиган _____
14. Яқинда ҳақиқий муваффақиятга эришган _____
15. Яқинда бузилган бирон-бир нарсани тузатган _____
16. Доимий жисмоний машғулотлар қиладиган _____
17. Ҳорижий бир тилда бир гап айта оладиган (айтишни илтимос қилинг) _____
18. Яқинда ўзини жудаям бахтиёр ҳис этган (нима рўй берганлигини сўранг) _____
19. Камситилган бировнинг ёнини олган (нима рўй берганлигини сўранг) _____
20. Сунгги ой давомида янги кўникмага эга бўлган _____

Prutzman et al., The Friendly Classroom for a Small Planet; Jim Wingate, How to be a Peace-full Teacher; Larry Chase, The Other Side of the Report Card; Pax Christi, Winners All.

ГУРУҲ ҲАМКОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ МАШҒУЛОТЛАР

Ушбу қўлланманинг турли жойларида тасвирланган барча машғулотлар маълум даражада ҳамкорлик қилишни талаб этади. Бу қисмда ҳам кучли бирдамлик ва дўстлик хиссини туғдирувчи ҳамда дарсни жуда ҳам ижобий бир тусда яқунлаш учун қўлланилиши мумкин бўлган машғулотлар кўрсатилган.

ГУРУҲ МАШИНАЛАРИ

Иштирокчилар олти-саккиз кишилик гуруҳларда машқни бажарадилар. Ҳар бир гуруҳ алоҳида қисмлардан иборат машинани ишлаб чиқиши керак. Ягона ишлатилиши мумкин бўлган ашё иштирокчиларнинг ўз таналаридир. Иштирокчиларга ўйлаш ва машиналарини машқ қилиш учун саккиз-ўн дақиқа вақт берилади. Сўнг гуруҳлар бир жойда тўпланиб, уларнинг ҳар бири ўз машинасини намойиш этади. Қолган иштирокчилар унинг нима эканлигини топишга ҳаракат қиладилар.

Бу машқ юқори даражада ҳамкорлик ва жисмоний алоқани талаб этиб, кўп кулгига сабаб бўлади. Бу машғулоти жисмоний алоқадан ўзини тийиш муаммолари мавжуд иштирокчиларга ёрдам беради.

ЎЗИНИ ТАСВИРЛАШ

Ашёлар

Ҳар бир иштирокчи учун А4 варагининг ярми, рангли қалам ёки бўёқ ҳамда бўш хона керак бўлади.

Жараён

Ўқувчиларга ўзлари шахс сифатида қилишни яхши кўрган нарсаларни тасвирлашлари учун 5 дақиқа вақт берилади. Чизиб тасвирлаш қўллаб-қувватланади, лекин сўзларни ҳам ишлатса бўлади. Вақт тугагач, иштирокчилар ўз варақларини ўзларига қадаб қўйиб ёки қўллари билан тутиб, синфни айлана бошлайдилар ва бошқа иштирокчилар билан варақда тасвирланган нарсаларни муҳокама қиладилар. Ўқувчилар бир неча иштирокчилар билан учрашиб, ўз қизиқишлари билан шериклашишга даъват этиладилар.

Ички имкониятлар

Дўстона муносабатдаги ушбу кириш машғулоти хобби, дам олиш, қизиқишлар ҳақида маълумотларнинг ўртага чиқишига имконият яратади. Иштирокчиларга энг яхши кўрган машғулотларини барчанинг олдида тасвирлашлари ўрнига, бошқа иштирокчилар билан яккама-якка ҳолатда шериклари учун шароити туғилади ва бу орқали ҳавфсизлик таъминланади. Иштирокчилар қизиқишларда умумийликларни аниқлашлари, мумкин; кам учрайдиган қизиқишларга эга иштирокчилар уларни очиб, тасвирлаб беришлари мумкин. Ўзини тасвирлаш бир-бири билан танишиш

ёки бир-бири билан фақат иш жараёнида учрашган ўқувчилар гуруҳи учун самарали кириш ўйини сифатида қўлланилиши мумкин. Бошлангич/Ўрта ёш, 15 дақиқа.

Манба

Турли.

Шахсни излаш Ашёлар

Ҳар бир ўқувчи учун "Шахсни излаш" тарқатма материали; иштирокчилар қийинчиликсиз ҳаракатланишлари учун очиқ жой керак бўлади.

Жараён

Ўқувчилар синф бўйлаб тарқатма материалдаги саволларга тасдиқловчи жавоб бера оладиганларни қидириб юрадилар. Саволга тўғри келадиган иштирокчининг исми савол рўпарасига фақат бир маротаба ёзилади. Ҳис-туйғулар билан боғлиқ саволларда иштирокчилар кўпроқ вақт сарфлашга даъват этилади. Машғулоти барчанинг варақлари иложи борица тўлгунча ёки маълум бир вақтдан кейин тўхталиши мумкин.

Ички имкониятлар

Ушбу машғулоти ўқувчиларга бир-бирлари ҳақида кўпгина маълумотларни оз вақт ичида билиб олиш имкониятини беради. Бундан ташқари, бу машғулоти орқали ўқувчилар фақат уларга хос деб ўйлаган ҳис-туйғуларни кўпчилик ҳис этишини ҳам билиб олишлари мумкин. Муҳокамани юзага келтириш учун сўраш мумкин бўлган саволларга қуйидагилар киради: Бирор киши ҳақида сизларни ҳайрон қолдирадиган нимани билиб олдингиз? Олдин сиз синфдаги бошқа ўқувчилар билан шунчалик кўп ўхшаш томонларингиз борлигини билганмидингиз? Сизда бор қайси туйғуларни бошқалар ҳам ҳис этганини билиб олдингиз? Бундай туйғуларни келтириб чиқарган вазиятларда ўхшашлик борми? Нима учун туйғулар ҳақида гапириш қийин ёки осон? Сиз қандай ҳисоблайсиз?

Манба

Schniedewind, N., and Davidson, E., Open Minds to Equality, New Jersey, Prentice-Hall, 1983.

Глобинго!

Материаллар

Ҳар бир ўқувчи учун Глобинго тарқатма материали; иштирокчилар қийинчиликсиз ҳаракатланишлари учун очиқ жой керак бўлади.

Жараён

Ўқувчилар тарқатма материал нусхаларини олгач, тарқаладилар. Бу машғулотнинг асосий мақсади - ўқувчилар бошқа иштирокчилардан маълумот олиб, иложи борица кўпроқ катакларни тўлдиришлари лозим. Мамлакат ва ўқувчи исми тегишли катакларда ёзилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ҳар бир ўқувчининг исми варақда фақат бир маротаба

ёзилиши мумкин: шу орқали ўқувчилар орасидаги максимал даражада мулоқотга эришилади. Горизонтал, вертикал ёки диагонал бўйича тўрт катакдан иборат сатр тўлганда, иштирокчи қаттиқ овоз билан "Глобинго!" дейди. Ўқувчи кўпроқ сатрларни тўлдириш учун машғулоти давом эттиради (ўнта сатргача тўлдириш мумкин). Ўқувчилар варақларини алмаштириб олиш ўрнига бир-бирларидан фаол савол сўрашга даъват этиладилар.

Ички имкониятлар

Ушбу машғулоти ижобий натижа берувчи кириш машқи сифатида ўзаро боғлиқлик ҳақида бўладиган дарсдан аввал қўлланиши мумкин. Ўқувчиларнинг ўз синфдошлари ҳақида ҳам ажойиб кашфиётлар қилишлари аниқ! Ушбу машғулотида кейинги муҳокама қисмини ана шу кашфиётлар ҳақида сўраш билан бошлаш мумкин. Сўнг ўқувчилардан улар топган глобал алоқаларни алоҳида туркумларга (масалан савдо алоқалари, оммавий ахборот воситаларининг алоқалари, инсонларнинг ҳаракатланишидан вужудга келадиган алоқалар) бўлиш сўралади.

Кенгайтириш

Фойдали қўшимча машғулоти сифатида деворга жаҳон харитасини жойлаштириб, ўқувчиларга Глобинго

давомида аниқланган давлатларни топиш вазифаси топширилади. Ўқувчиларга берилган тарқатма материаллардаги катаклар кесиб олинади ва тегишли давлатга ёпиштирилади (такорланган катакларни олиб ташлаш мумкин). Сўнг мактабнинг жойлашувини аниқлаш учун рангли тугмачалар ип ёрдамида бирлаштирилади. Охирида "бизнинг синфимизда дунё" ҳосил бўлади. Муҳокама саволларига қуйидагиларни киритиш мумкин: Дунёнинг қайси нуқталари билан биз айниқса боғланганмиз? Нима учун? Агар бу мавжуд алоқалар йўқ бўлса, ҳаётимизга нима бўлади?

Машғулотидаги кўринишлари

9-15 ёш болалар таълимида фойдаланувчи Глобинго тарқатма материали маълум ёшдаги ўқувчилар ёки вазиятларга мос равишда ўзгартирилиши ҳам мумкин. Лекин машғулотида асосий мазмуни ўзгартирилмайди. Ўрта ёш/ўрта мактаб, 15-20 дақиқа.

Манба

Johnson, J. and Benegar, J., Global Issues in the Intermediate Classroom, Boulder, Colorado: Social Science Education Consortium, 1981.

ГЛОБИНГО

Қуйидаги белгиларга мос келадиган кишиларни топинг:


A	бирор чет мамлакатга сафар қилган	B	чет элда хат ёзишадиган дўсти бор	C	чет тилини ўрганаётган	D	чет элда қариндоши бор
E	чет эллик меҳмонга ёрдам берган	F	чет эллик мусиқа гуруҳини ёқтиради	G	чет элда ишлаб чиқилган кийим кийиб юради	H	бошқа мамлакатларнинг овқатини ёқтиради
I	чет эллик спорт юдюзини айта оладиган	J	чет элда ишлаб чиқарилган оилавий автомобили бор	K	бошқа мамлакатда яшаган бирортаси билан мулоқотлашувчи	L	биттадан кўп тилда сўзлаша оладиганлар билан бир уйда яшайди
M	яқинда газетада бошқа бирор мамлакат ҳақида мақола кўрди	N	яқинда телевизор орқали бошқа бирор мамлакат ҳақида бирон нарса ўрганди	O	бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган телевидио ёки бошқа асбоби бор	P	ота-онаси ёки қариндошлар бири бошқа мамлакатда туғилган

A	B	C	D
исм мамлакат	исм мамлакат	исм мамлакат	исм мамлакат
E	F	G	H
исм мамлакат	исм мамлакат	исм мамлакат	исм мамлакат
I	J	K	L
исм мамлакат	исм мамлакат	исм мамлакат	исм мамлакат
M	N	O	P
исм мамлакат	исм мамлакат	исм мамлакат	исм мамлакат

КУНГАБОҚАР

Ҳар бир ўқувчи қоғоздан кунгабоқар ясаydi, марказига доира жойлаштириб, унга барглари ёпиштиради ва узун таёқчага маҳкамлаб қўяди (намунага қаранг). Ўқувчининг исми баргга ёзилиб, барча гуллар деворга ёпиштирилади. Етарли миқдорда қоғоз барглари

синфда олдиндан тайёрлаб қўйилиши керак. Қачон ўқувчи бошқа ўқувчи ҳақида мактов билдиришни хоҳласа, у мактовни баргга ёзиб, уни ўша ўқувчининг гулига жойлаштириб қўяди. Шу орқали ҳар бир ўқувчининг гули вақт ўтиши билан ўсиб бораверади.



Ижобий доиралар

Давра атрофида ўтириб ўзлари ва бошқалар ҳақида ижобий ҳис-туйғулар билан шериклашиш синфда оддий ҳол бўлиб қолиши мумкин. Ўқувчилар давра атрофида ўтириб ёки туриб, истасалар бир-бирларининг қўлларини ушлаб, бирма-бир сўзлайдилар (ким хоҳласа ёки тартиб бўйича). Мавзулар турлича бўлиши мумкин, уларни ўқитувчи ёки ўқувчиларнинг ўзлари танлайдилар: бугун (кеча ҳафта охирида) мен билан бўлиб ўтган яхши ходиса; ҳозир мен ўзимни.....ҳис этмоқдаман; ёқадиган (ёқмайдиган) ва турли белгилар билан шериклашиш; мен жуда хурсанд бўламан (жаҳлим чиқади) қачонки,... в.ҳ. Иштирокчиларни муҳокама қилинмаган жойлар ҳақида қўшимча қилишга мажбурламаслик лозим бўлса-да, ижобий даъват этиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳ томонидан берилиши мумкин. Ўқувчилар бошқаларнинг фикрларини диққат билан тинглашлари учун мавзу танланганидан кейин ўқувчиларга бир неча дақиқа ўйлашга вақт берилиши фойдалидир.

Ижобий плакатлар

Ҳар бир иштирокчи катта қоғознинг тепа қисмига ўз исмини чиройли ва диққатни тортадиган қилиб ёзади. Кейин ўқувчилар хона бўйлаб айланиб юриб, бошқа иштирокчиларнинг қоғозларига ижобий мулоҳазаларни ёзиб қолдирадилар; ҳар бир ўқувчи барча қоғозларда ўз фикрларини билдиришлари учун етарли вақт берилиши керак. Сўнг ўқувчилар ўз қоғозларини топиб, унда ёзилган фикрларни қолган иштирокчиларга ўқиб берадилар. Маълум вақт ўтгандан кейин плакатларни кўргазма қилиш ва тўлдириш мумкин.

Яна бир кўриниш: Пайпоқни тўлдириш. Иштирокчилар ўз мулоҳазаларини кичик қоғозларга ёзиб, хона бўйлаб исмлар билан бирга осиб қўйилган пайпоқлар ичига ташлайдилар.

Гуруҳга таништирув

Ўқувчилар олти кишилик гуруҳларни ташкил этиб, сўнг жуфтликларга бўлинадилар. Ҳар бир иштирокчи 3 дақиқа ичида ўзини жуфтига таништириши лозим. У ўзининг ўтмиши, шахсий қизиқишлари ва машғулотлари, синфдошлари у ҳақда билиши керак деб билган нарсалари ҳақида гапириб бериши мумкин. Агар лозим деб топса, тингловчи саволлар сўраши мумкин. Олти кишилик гуруҳлар яна қайта тикланади. Жуфтлик аъзолари энг кўпи билан икки дақиқа ичида ўз жуфтини тавсифлаб бериши лозим (улар хатто биринчи шахс номидан ҳам сузлашлари мумкин).

Кучни ўққа тутиш

Ўқувчилар беш ёки олти кишилик гуруҳларга бўлинадилар. Гуруҳларнинг барча аъзолари бир одамда диққатни жамлаб, бир ўқувчини унда кўрган

кучли томонлари ва қобилиятлари билан ўққа тутадилар. Иштирокчилар буни бирма-бир амалга оширадилар; қолганлар айтилган нарсаларни ёзиб оладилар ва ўққа тутиш тугагандан сўнг рўйхатни ўша ўққа тутилган ўқувчига берадилар. Фақатгина ижобий томонлар ўққа тутилиб, ерга уришга йўл қўйилмайди. Ҳаммининг рўйхати ўн бешта белгидан кам ҳам, кўп ҳам бўлмаслиги лозим. Гуруҳдаги барчанинг кучли томонлари ўққа тутилгандан сўнг, иштирокчиларга машғулот давомида юзага келган турли кучли томонларни аниқлаш вазифаси топширилади. Гуруҳлар ўзлари аниқлаган томонлар юзаздан ҳисобот берадилар. Умумий муҳокама бошланади. Бу машғулотни кучайтириш учун ўқувчилар ўз ота-оналаридан уларда кўрган кучли томонларни худди шу йўсинда ўққа тутишни илтимос қиладилар.

Соялар

Ўқувчилар кичик гуруҳларда ишлаган ҳолда бир-бирларининг сояларини аниқлайдилар. Бу фаолият одамнинг катта қоғоз ёнида турганида, унинг атрофидан қалам ёрдамида чизиш, ёки прожекторнинг олдида турганида унинг соясини қоғозга тушириш орқали бажарилиши мумкин. Шундан сўнг турли рангдаги қоғозларга туширилган соялар қирқиб олинади ва уларга эгаларининг исмлари ёзиб қўйилади. Биринчи усул - ҳар бир ўқувчи деворларга осиб қўйилган соялар атрофида юриб, уларнинг ҳар бирига ижобий гап ёзади. Албатта, ўзининг сояси бундан мустасно. Бошқа усул - ҳар куни битта сояни осиб ва ўқувчиларнинг бу соя ҳақида ижобий фикрларни билдиришларидир. Соялар устига махсус соврин ва сертификатлар ёпиштириш мумкин. «Соялар» ўйинининг яна бир тури. «Менинг ақлимда» деб номланади. Ўқувчилар жуфт бўлган ҳолда бир-бирлари бошларининг расмини чизадилар. Бир-бирларининг фикрларини билдирадилар (қизиқишлари, умидлари, ишлаган жойлари) сўрагандан сўнг улар ҳар бир расм учун ўз фикрларини билдиради. Ҳар бир ўқувчи ҳақида атрофдигилар ўз фикрларини билдирганларидан сўнг, ҳамма расмлар йиғилади ва улар ҳақидаги фикрларнинг фарқи ва умумий томонлари муҳокама қилинади.

Айлана вақти

Давра атрофида йиғилиб суҳбатлашиш синф ишининг ижобий томони булиши мумкин. Жараён қуйидагича кечади: Ўқувчилар бир-бирлари кўра олиш имконини берувчи давра атрофида йиғиладилар. Ёрдамчи (ёки ўқувчи) айлананинг мавзусини тушунтиради. Шундан кейин навбатма-навбат ҳар бир ўқувчи ўзининг фикрларини билдиради. Синф айланадан яна бир бор ўтиб чиқишни қарор қилиши мумкин. Айлананинг вақти ҳар бир ўқувчи ёки гуруҳнинг қобилиятларини билдириш учун ишлатилиши мумкин:

- Мен ўзимдан хурсандман, чунки...
- Мен яқинда эришган омад...
- Мен фахрланаман, чунки...
- Мен бу гуруҳдалигимдан мағрурман, чунки...

- (Чап томондаги инсоннинг исми), сиз менга (хайвоннинг, гулнинг, дарахтнинг номи)ни эслатасиз, чунки...
- (Чап томондаги инсоннинг исми), мен сизни охирги вақтда жуда ҳурмат қила бошладим, чунки...
- (Чап томондаги инсоннинг исми), мен сизнинг (ижобий ҳислатнинг номи)га эга бўлишни истардим, чунки...

Бундай машғулотдан янгиликлар билан ўртоқлашиш, ҳисларни билдириш орқали ўзаро тушунишни шакллантириш ("Мен хафа бўламан, қачонки..."; "Мен одамлар бундай қилганда ўзимни жуда яхши ҳис қиламан..."), фикрларни билдириш, ўйинчоқларни ишлатган ҳолда ҳайвонларга ғамхўрлик кўрсатилиши кераклигини билдириш, муаммоларни ечиш учун фойдаланиш мумкин. Хафагарчилик (муаммоларни) хал қилиш усулида ўқувчиларга икки дақиқа ўзларининг шахсий фикрларини билдириш учун ва бир дақиқа баъзи нарсаларни ойдинлаштириш учун берилади. Ўқувчиларга уз фикрлари билан бўлишишлари учун икки дақиқа вақт берилганидан сўнг айланадаги ўқувчилар биринчи масала ҳақида ўзларининг фикрларини билдирадilar ва иккинчи масаланинг ечимини муҳокама қиладilar. Шу билан бир қаторда айлана вақти амалий машғулоти омадли чиққан ёки кучли машғулотдан сўнг ўқувчиларнинг ўрганилган нарсалари ҳақидаги тушунчаларини кўриш ва бошқаларнинг бу нарсага қўшган ҳиссаларини ўрганиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳар бир ҳолда иштирок этишдан бош тортиш ҳолати ёрдамчи томонидан олқишланиши зарур, шунга қарамай ҳисса қўшмаслик ҳақида гуруҳ билан муҳокама қилиш лозим.

ҲИСЛАР КАРТА ҲЙИНИ

Икки, уч ёки тўрт иштирокчидан ташкил топган гуруҳлардаги ўқувчилар конвертнинг ичидан ўнтадан йигирматагача *Ҳис қилиш карталарини* оладilar. Битта ҳиссиёт сўзи (масалан, жаҳлдор, ҳаяжонпанган, уятчан, хафа, ёлғиз, қўрққан) ёзилган карталар аралаштирилади ва стол устига тескари қўйилади. Ўқувчи бир картани танлайди, ва бу ҳисни бошдан кечирган вақти ҳақида сузлаб беради. Сунг гуруҳнинг бошқа аъзолари эса худди шундай ҳисни туйган вақтлари ҳақида гапирадilar. Ўқитувчи тўхтатишни буюрганга қадар ўқувчилар навбатма-навбат ўз фикрларини билдирадilar. Бу амалий машғулотнинг бошқа тури ҳар бир карта устига "Мен хафа бўлдим, чунки...", "Хато қилганимда мен...", "Агар бирорта ҳислатимни кўпроқ ривожлантира олганимда у ..." каби тугалланмаган гапларни ёзишдир.

ҲИКОЯ АЙТИШ ОРҚАЛИ РАҲМДИЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бошланғич / Ўрта учун мос келади

Зарурий вақт

Ҳар бир машғулот учун 20 дақиқа, аввал олдин эса рамаз яшаш ва ҳикоя тайёрлаш учун 60 дақиқа ажратилади.

Керакли ашёлар

Қоғоз, фломастер, қайчилар.

Жараён

Биринчи қисмда ўқувчилар ўзларининг тамғаларини ясайдилар. Катта шакл синфдаги деворларнинг бирига осилади ва бир қанча кичкина шакллар ҳам ясалади. Шу билан биргаликда ўқувчилар ўзларининг ҳаётларини ўзгартирган (таъсир қилган ёки ҳисларининг жунбушга келишига сабаб бўлган) воқеа ҳақида ҳикоя тайёрлайдилар. Ҳар бир дарсда ўқитувчи ва ўқувчилар навбатма-навбат ўз ҳикояларини айтиб берадилар (ўқитувчи ҳам ўз рамзи ва ҳикояси билан қатнашади.)

Ҳар бир дарсда ҳикоя қилиб берувчи ўқувчи одам ўз ҳикоясини айтишни бошлашдан аввал ўз тамғаларини айлана шаклида жойлаштиради. Агар ўқувчилар ҳикоянинг баъзи лавҳаларини аниқласалар, ҳикоя қилиб берувчи расмлардан бирини очади. Ҳикоя тамом бўлгандан сўнг бу расмлар айтилган нарсалар орасидаги боғлиқликни кўрсатади. Дарснинг охирида ўқувчилар расмларни ўзларининг девордаги катта расмларига ёпиштириб қўядилар.

Имконият

Бу машғулот қатнашувчилар орасида раҳмдилликни кучайтиради. Ўрганилган билимлар эса ҳаётдаги умумийликни тушуниш учун хизмат қилади. Ўқувчилар ўзларининг катта расмларига бошқаларнинг кичик расмларини ёпиштирар эканлар, бошқалар билан қанчалик ўхшаш эканликларини тушунадilar. Шундай қилиб, ҳикоя айтиш муносабат қурувчи, боғловчи ва кучайтирувчи жараёнга айланади.

Манба

Машғулот Онтариолик қуйидаги тўрт ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган: Вероника Черч, Мейпл Гров Скул, Ланарк; Луис Кублер, Моира Секондари Скул, Беллевиль; Жон Мартин, Петербург Викториа, Нортумберланд & Ньюкасл РССС Боард; Жим Рул, Лондон Скул Боард.

Аламашинувнинг натижаси ўлароқ, сўзни алмаштириш асосида индивидуал ёки гуруҳ аъзоларида ўзгариш содир бўлиши мумкин. Бу нарсани атрофи айланага олинган сўзни бошқа рангли маркер ёрдамида бўяб, янги танланган сўзга чизик орқали амалга ошириш мумкин..

Жараён, Б қисм

Шундан сўнг жуфтликлар ҳар бири олтиадан бўлган гуруҳларни ташкил қиладilar ва бўлишиш, тушунтириш, қайтариш ҳамда қарорларини билдириш жараёнини давом эттирадilar. Бунга қўшимча равишда ўқувчилар бошқалар томонидан исталган келажак сифатида маъқулланган сценарийни танлайдилар.

БАҲСЛАШУВ

Керакли воситалар

Доска ёки катта ўлчамли қоғоз

Жараён

Баҳслашув-фикрларни муҳокама қилмаган ҳолда рўйхатга олишдир. Унда синфга бир мавзу берилади ва ўқувчиларга шу мавзуга дарҳол жавоб бериш топширилади. Берилган жавоблар доскага ёки катта ўлчамли қоғозга ёзилади. Баҳслашув қоидалари куйидагича:

- барча фикрлар қабул қилинади, ҳамма нарса ёзиб кўйилади;
- бошқаларнинг фикрларига ҳеч ким кўшилиши ёки қарши бўлмаслиги керак;
- қатнашчилар ҳаттоки ўзлари амин бўлмаган ҳолларда ҳам бемалол ўз фикрларини баён этишлари зарур;
- “кўчириш”, м-н. , бошқа бир ўқувчининг фикрларини бироз ривожлантириб, ўзиники қилиб олиш таъқиқланади.

Фикрлар кетма-кетлиги яқун топганда баҳслашув ниҳоясига етади.

Имконият

Баҳслашув турли хил мақсадда ва айниқса дарс жараёнида кўп ҳолларда қўлланилиши мумкин (баъзи ўқитувчилар синфда доимий баҳслашув қоидаларини ташкил қилганлар). Баҳслашув ўқувчиларнинг ижодий ва маънавий фикрлашишига кўмак берувчи восита сифатида қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга баҳслашув орқали ўқувчилар маълум бир мавзу ёки муаммони ҳал этишда олдиндан сезиш (интуиция) ва ҳис-туйғу даражаси бўйича ёндашишни ўрганадилар.

Бошқа босқичда баҳслашув кириш машқлари сифатида қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари баҳслашув ўқувчиларнинг мавзу ҳақидаги тасаввурларини дарс (изланиш)дан олдин жамлаб олиш учун ҳам қўлланилади.

Баҳслашув усулининг фойдали томони жуда кўп бўлиб унинг қонун-қоидалари ҳаммани танқиддан ва кулгига қолишдан ҳимоялагани туфайли у барча ўқувчиларни қатнашишга чорлайди. Баҳслашув демократик тусда олиб борилади, чунки унда барчанинг сўзлаш ҳуқуқи бир хил ва ҳар ким суҳбатга ўзига яраша ҳисса қўшади. У орқали ўқувчининг ўзига бўлган ишончи ортади, очиқ кўнгилли бўлади ва тасаввур қилиш қобилияти ошади. Шунингдек, синфда жонланган, дўстона муҳит пайдо бўлади. Баҳслашув маълум бир муаммога жўшқин ва ижодий ечимлар топишда қулай. Ундан синф ёки маълум бир гуруҳ муҳокамасининг асоси сифатида ҳам фойдаланилади, баҳолашда ҳам бир асос бўлади ёки дарс мавзусини муҳокама қилишда қўлланилади. Агар музокаралар ватманга ёзилса, ўқувчилар шу ватманни уч қисмга ажратиб, ҳар бир қисмига бири-бирига зид далилларни ёзишлари мумкин. Натижада дарс давомида ёки кейинги дарсда ўтиладиган турли хил мавзулар тўплами келиб чиқиши мумкин.

Баҳслашув машқларига мисоллар

- Мактабингизга келишини ва сиз билан суҳбатлашишини хоҳлаган кишиларнинг исмларини ёзинг;
- Қоғоз қистиргичи билан қилинадиган ишлар рўйхатини тузинг;
- Биз бундан кейин Ҳиндистон мамлакати ҳақида ўрганамиз: шу билан боғлиқ хаёлингизга келган барча нарсаларни айтинг;
- Африкадаги очарчиликни енгиш йўлларига мисоллар келтиринг;
- Сизга адолатсизлик қилинган ҳодисани эсланг: ўшанда ўзингизни қандай ҳис қилганлигингизни бир неча сўз билан ифодалаб бering;
- “Иссиқ” сўзига назар ташлайлик: хаёлингизга келган нарсаларни сўзланг.

Бошқа ҳоллар

Баҳслашув кичик гуруҳ машқлари сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

Бошланғич / ўрта

Манба

Турли хил

ОЛМОС ЖОЙЛАШУВИ

Керакли воситалар

Ҳар бир ўқувчи жуфтликларидан биттадан, умумий ҳисобда тўққизта гап ёки бирор ҳикоя олинади. Жумлаларнинг ҳар бирини соддароқ қилиш учун бирор ном ёки рақам танланади. Ҳар бир жумла қирқиб, конвертга солинади.

Жараён

Ҳар бир жуфтликка ичида 9 та жумла (ҳикоя) бўлган конверт берилади уларни олмос шаклида жойлаштириш топширилади, масалан:

		1	
п			
	2		2
	4	4	4
	7		7
		9	

Адолатли баҳолашда ўқитувчи “муҳимлилик”, “маънолилик”, “қизиқарлилик”ларнинг мезонларига эътибор беради. Энг “муҳим”, “маъноли” ёки “қизиқарли” жумла олмоснинг учига жойлаштирилади.

Кейинги иккитаси бир хил иккинчи ўринга қўйилади. Ўртадаги учтаси тўртинчи даражада ҳисобланади. Кейинги учтаси еттинчи даража ҳисобланади. Олмоснинг пастига қўйилган жумла гуруҳ томонидан энг "муҳим", "маъноли" ёки "қизиқарли" бўлмаган жумла деб саналади. Жуфтликлар ўз машқларини тамомлаганларидан сўнг улар олтита бўлиб гуруҳга бўлинадилар. Гуруҳдаги ҳар бир жуфтлик нимага асосланиб танлов қилганлигини бошқа иккита гуруҳга тушунтириб беради. Шундан сўнг умумий олтита ўқувчи келишув асосида бир фикрга келишади. Ҳаммасини яна бошқа гуруҳга айтиб, шу тартибда суҳбат давом этаверади.


Имконият

Бу машқ орқали ўқувчилар оддий йўл билан бир мавзу борасида ўзларининг фикрларини ва туйғуларини аниқлайдилар. Шу билан бирга маълум бир мавзуга сид бошқа фикрлар билан ҳам танишадилар. Бунинг асосий устунлиги шундаки, суҳбатга ҳамма ўзига яраша муҳим ва дахлдор ахборот тақдим этади. Берилган ноаниқ мезон (критерий) ҳам суҳбатнинг бир қисми ҳисобланади. "Муҳим", "маъноли" ёки "қизиқарли" тушунчаси нимани билдиради? Аниқ нарсани топиш учун ҳаракат қилишимиз керакми? Бу машқда ишлатиладиган маҳоратга суҳбат қуриш, музокара қилиш, ҳамжиҳатлик, бир тўхтамага келиш ва бошқалар киради. Тўлиқ суҳбат давомида жойлашув кетма-кетлигига қўнган кучсиз гуруҳ ҳам, ўзаро бир тўхтамага келган гуруҳ ҳам суҳбатнинг асосини ташкил этади.

Бошқа ҳоллар

Жумлалар ўрнига тўққизта турли хилдаги расмлар ишлатилиши мумкин, унда мезонлар ҳам «ўзига хос», «чиройли», «кулгили», «ажойиблиги», ёки «ўзгача» лиги билан баҳоланади. Бошқа жойлаштириш шакллари қуйидагича ҳам бўлиши мумкин:

* * * * *
* * * * *
(олтита жумла, расм ва ҳ. к.)



Зинама-зина

Нарвон

баҳолаш

(ўқувчилар жумлаларни ёки расмларни катта ўлчамли қоғозда чизилган зина ёки нарвон шаклидаги чизмаларга жойлаштирадилар)

Бошланғич/Ўрта, жуфтликда 15 дақиқа, олтиталикда 15 дақиқа.

Манба

Ричардсон Р., Флуд М. ва С. Фишерларнинг "Муҳокама ва қарор" китобидан олинган, Дунё ўрганишлари лойиҳаси, 1980 й.

ЧИЗМАЛАР

Керакли воситалар

Алоҳида қоғозда ёзма жумлалар; тўртта бўш қоғоз; рангли қоғоз; елим; фломастер.

Жараён

Ўқувчилар ҳар бирида уч кишидан бўлган тўртта гуруҳда ишлашади. Ҳар бир гуруҳда кичик қоғозча бўлақларига ёзилган бир неча жумлалар бўлади (тахминан 20та, ёшроқ ўқувчилар билан ишлашда сал камроқ) ва шу қоғозчадаги жумлалар тузилиши, кўриниши, тартибига асосланиб тахланади. Чизиқлар, хошиялар, расмлар ва мулоҳазалар керакли жойга қўшиб қўйилиши мумкин. Қатнашчилар ўзларига ёқмаган исталган қоғозчани рад қилишлари ва ўзлари ҳам бир нечасини ёзишлари мумкин. Жумлаларнинг узунлиги ва қийинлик даражасига кўра бу босқичда гуруҳларга 30 дақиқагача вақт кетиши мумкин. Ишни тамомлаганларидан сўнг гуруҳлар ўзларининг чизмаларини тушунтирадилар ва суҳбатнинг асосий қисмига ўтилади.

Имконият

Бу машқ бирор нарсага турли хил фикр билдириш қобилиятини ошириб, бошқа ҳолатларда айтилмайдиган фикрларни муҳокама қилишга сабаб бўлади ва бирор кишининг фикрини ва муносабатини аниқлашда қўл келади. Бу чизма устида ишлашда бошқа чизиққа нисбатан фикрларнинг ўртасидаги муносабатни аниқлашда кўпроқ тасаввурни ривожлантиришга эътибор берилади. Чизманинг шаклини белгилашда бирор тўхтамага келиш учун, шубҳасиз, ўқувчиларга ҳамжиҳатлик билан ишлашга ёки фикрларнинг фарқини топиш пайтида озгина бўлса ҳам сабр қилишга тўғри келади. Шунга қарамай, гуруҳнинг умумий бир тўхтама билан бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда шу нуқта чизмада акс эттирилиши ва синфда муҳокама қилиниши лозим.

Қўшимча: цирк

Гуруҳлар синф сифатида бирга бўлиш ўрнига «Цирк» ўйин машғулотини қўллашлари мумкин: ҳар бир гуруҳ ўз чизмасини деворга осиб ва гуруҳнинг бир аъзоси "гид" сифатида шу чизманинг олдида қолиши керак. Гуруҳнинг бошқа аъзолари бошқа гуруҳнинг чизмасига қараб "гид"дан керакли нарсаларни сўраб олишлари мумкин. Гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига навбатма-навбат "гид" вазифасини ўташга имконият берилиши керак.

Бошқа ҳоллар

Оз вақт ичида қисқа бўлса-да йигирмата жумлани ўрганиш қийин кечади. Бунинг ўрнига расмлардан фойдаланиш мумкин. Баҳснинг мақсадини шу расмни бошқа расмларга муносабати эмас, балки уни изоҳлаш ташкил этади..

Ўрта, 45 дақиқа.

Манба

Ричардсон Р., Флуд М. ва С. Фишерларнинг “Муҳокама ва қарор” китобидан олинган, Дунё ўрганишлари лойиҳаси, 1980 й.

САВОЛГА ЁНДАШИШ

Керакли воситалар

Ҳар бир ўқувчига олтитадан катталиги тахминан 12см – 8см бўлган оқ варақ бўлаги (карточка); 5-6 нафар аъзодан иборат ҳар бир гуруҳга 4 та оддий коғозни бир-бирига ёпиштирилишидан ҳосил бўлган катта чизма қоғози; фломастер; ҳар бир гуруҳга биттадан елим; 30 дона бир хил рангли қоғоз (6 см-8см); 30 дона ўлчами аввалгидай, аммо ранги бошқача қоғоз; кичкина ёпишқоқ белгилагичлар (одатда ҳар бир ўқувчига купиди олтитадан); ҳар бир гуруҳга кичик майдонча ёки катта парта.

Процедура

1-босқич: Карточкаларга ёзиш

Ўқувчилар 5-6 тадан бўлиб ажралиб, гуруҳ тузишади. Доскага савол ёки тамомланмаган жумла ёзилади. Албатта, танланадиган мавзулар рўйхати жуда катта. Бунга мисол қуйидагича бўлиши мумкин: “Нима учун қора танлиларга мўлжалланган мактаб битирувчиларига иш топиш оқ танлиларга мўлжалланган мактаб битирувчиларига нисбатан 4 баравар қийин бўлади, ваҳоланки, ҳар иккисининг билим даражаси бир хил” ва “Ривожланаётган мамлакатларда камбағалчилик келиб чиқишининг сабаблари”. Ҳар бир гуруҳ аъзоси тамомланмаган гапга ёки саволга жавобни чизманинг чап қисмининг юқорисига ёзади. Шундан сунг ҳар бир гуруҳ аъзоси савол ёки тамомланмаган жумлага турли жавобларни алоҳида карточкаларнинг ҳар бирига биттадан ёзишади. Жавоблар ёки тамомланмаган жумлалар қисқа ва аниқ ёзилган бўлиши керак. Бу босқичда ўзаро муҳокама қилинмайди.

10 дақиқа.

2-босқич: Карточкаларни бирлаштириш

Карточкалар бир жойга тўпланади ва бир хил тушунтиришга ёки таърифга эга бўлган карточкаларни аниқлаш учун улар гуруҳ томонидан ўқиб чиқилиб, муҳокама қилинади. Гуруҳда битта карточка бўлиши ҳам мумкин. Агар бирор карточкани қайси гуруҳга тегишлилигини аниқлашда келишмовчилик туғилса, шу карточкани иккита гуруҳга берилиши мумкин. Бу босқич

давомида муҳокама ҳар бир карточкада ёзилган сўзлар ҳақида эмас, балки қайси карточкани қаерга жойлаштириш тўғрисида беради.

Сўнгра бирлаштирилган карточкалар орасида маълум бир масофа қолдирилиб, чизмага жойлаштирилади ва ҳар бир бирикмага айлана чизилади. Сўнгра ҳар бир бирлашмага мавзу танланиб, устига ёзиб қўйилади. Карточкалар ёпиштирилиб қўйилади. Кейинчалик бошқа маълумот кўшиш учун ўқувчиларга ҳар бир айлана орасидаги масофани каттароқ қилишга маслаҳат берилади.

15 дақиқа.

3-босқич: Изоҳ бериш

Энди навбат гуруҳлар берган жавоб ва тамомланмаган жумлаларни муҳокама қилишга келади. Агар карточка ноаниқ ёки тушуниш қийин бўлиб туюлса, ўқувчилар изоҳ беришни сўрашлари мумкин. Шуниси муҳимки, карточкани тушунтиришда шу карточкани ёзган ўқувчининг бир ўзи эмас, балки бутун гуруҳ биргалашиб жавобни таъминлаши керак. Барча берилган изоҳ рангли қоғоз бўлагига ёзилиши (ҳамма изоҳга бир хил ранг) ва оқ карточканинг бир бурчагига қадалиши керак.

10-15 дақиқа.

4-босқич: Эътирозлар

Бу босқичда ҳар бир ўқувчи карточкаларда берилган изоҳларга ўз эътирозларини билдиради. Ҳар бир ҳолда эътироз гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилади. Гуруҳнинг бошқа аъзоси истагига биноан шу эътироз ёзиб олинади ва карточканинг бир бурчагига қадаб қўйилади.

10-15 дақиқа.

5-босқич: Карточкаларни баҳолаш

Бу босқичда ўқувчилар берилган изоҳ ёки сабабларни аҳамиятини борица ўрганиб баҳолайди. Ҳар бир қатнашчига бирлашмалар сонидан икки баравар кам оқ ёпишқоқ белгилагич берилади (агар бирлашмалар сони тоқ булса, ўртадан кўпроғини берилади, масалан, 9 та бирлашмага 5 белгилагич). Берилган изоҳ ва унинг сабабининг муҳимлигига асосланиб, ўқувчилар белгилагичларини бирлашмаларга ёпиштирадilar.

5 дақиқа.

6-босқич: Бирлашмаларнинг ўзаро муносабати

Энди барчанинг эътибори бирлашмаларнинг ўзаро муносабатини аниқлаётган гуруҳ суҳбатига қаратилади. Ўзаро муносабат ижобий ёки салбийлиги иккита бирлашма ўртасида аниқланади ва икки томонлама йўналиш чизиғи чизилади ҳамда шу чизиққа қисқа тушунтириш ёзилади.

10 дақиқа.

Юқоридаги босқичлар тўлиқ муҳокамага бағишланган дарсларда олиб борилиши мумкин, ёки бундан ҳам қизиқ бўлиши учун ҳар бир гуруҳнинг ишини Цирк имтиҳони буйича ўтказиш вақтида олиб бориш мумкин.

Имконият

Юқоридаги машқларнинг фойдали тарафи шундаки, музокарали мавзу устида ишлаш ўқувчилардан аналитик ўрта мактабларда ишлашда жуда катта фойдадир ҳамжиҳатлили ва музокара қилиш қобилиятларини талаб қилади. Бу эса олтита босқичнинг ҳаммасини кетма-кет бир вақтда ёки маълум бир вақт оралиғида ўтиш мумкин.

Кетма-кет бир вақтда ўтилмаган ҳолларда ўқиш ва изланиш оралиқларида ўтказиш мумкин. Масалан, гуруҳларининг карточка тўплами билан таниш бўлган ўқувчилари "Эътирозлар" ёки "Бирлашмалар" босқичига саволлар тайёрлашлари мумкин.

Бошқа ҳоллар

Гуруҳлар юқоридаги процедурани иккита қарама-қарши гуруҳларга бўлиниб, битта нарсани навбат билан музокара қилишлари мумкин. Масалан, "Энергия манбаи сифатида ядро энергиясини ривожлантиришнинг фойдали томонлари нимада?" ва "Зарарли томонларичи?"

Кейинги усул ижтимоий, иқтисодий ва/ёки сиёсий муаммоларни мавзу сифатида ташкил этади. Масалан, нацизм ёки ҳаво ифлосланиши мавзусидаги гуруҳ муҳокамасини 3 босқичда олиб бориш мумкин.

Биринчи босқичда мавзунини **таърифлаш**; иккинчи босқичда муаммони ҳал этиш учун **фикрларни** ёритиш ва учинчи босқичда, шу фикрларни қўллашда вужудга келадиган **тўсиқларни** қайд этиш. Ҳар бир босқичда саволга тўла ёки қисман ёндашилади.

Бу жараён орқали ўқувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва хоҳишлари таҳлил қилинади. Ундаги савол қуйидагича бўлиши мумкин: "Бу дарсни тамомлаганимдан сўнг мен нимага зоришмоқчиман?"

Ўрта, 70 дақиқа.

Манба

Глобал таълим маркази, К. Пурвиснинг "Ўқитувчи мувофиқлаштирувчи сифатида: ўзаро ўрганиш техникаси"даги фикрдан сўнг, Инглиз тилини ўқитиш журнали, нашр 37, №3, 1983.

ЖУМЛАГА ЁНДАШИШ

Керакли воситалар

Бешта

-

-

-

++ = мутлоқо қўшиламан

+ = қўшиламан

? = билмайман ёки бир тўхтамага келиш қийин

- = қўшилмайман

-- = мутлақо қўшилмайман

Процедура

Доскага бирор мунозарали жумла ёзилади, масалан, ҳақ-ҳуқуқ тўғрисида. Жумла музокарали бўлиши учун эҳтиёткорлик билан танланиши керак, масалан: "Қиз болаларни футбол ўйнашга ҳаққи бор", ёки "Ҳамманинг хусусий медицина ёрдамига ёки шифохонада даволанишга ҳаққи бор", ёки "Керакли ҳуқуқий маъмуриятга бўйсунмаслик ҳар кимнинг ҳуқуқидир". Ўқувчилардан 2 дақиқа ичида гапларни ўрганиб ўз муносабатларини энг тўғрилигини кўрсатадиган белги (значок) ни танлаб белгилаш сўралади. Улар кейин бошқа шу хилдаги белгини танлаган ўқувчилар билан бирга гапни мунозара қиладилар (3 дақиқа). Ўқувчилар кейинги белгили одам билан баҳсни давом эттирадилар (3 дақиқа). Сўнг улар 2-3 ўриндаги белгини танлаганлар билан баҳсга киришадилар (3 дақиқа). Ниҳоят, ўқувчилар ўзларининг улоқот қилишлари керак бўлган аввалги ўқувчига қайтишлари сўралади. Ўқувчиларни баҳсдан кўра ижобий, фойдали муҳокама ва эшитиш билан машғул бўлишларини қўллаб-қувватлаш муҳим. Босқичлар орасида ўқувчилар ўз хоҳишларига кўра белгиларини алмаштириш таклиф этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. СМ = "статик" музокарачи (қуйига қаранг)

Имконият

Бу ўқув машғулоти кенг миқёсдаги баҳсли мунозарали вазиятларни содир этилиши ва турли ёшдаги ўқувчилар билан ишлатилишига мулжалланган.

Буни маълум бир мавзудаги машғулоти давомидида қўллаб босқичларда ишлатиш мумкин. Мисол учун:

- ўқувчилар ўзларининг келажакларидан ташқари мавзунинг кейинги ривожини борлигини нуктаи назардан фикр юритганда зийрак ўқувчилар учун дастлабки машқ сифатида ишлатилиши мумкин.
- Бу яна ўқувчиларнинг бошқалар билан ўзларининг янгича фикрлашлари, нималар ўрганганликларини ўртоқлашишларига имкон берувчи машғулоти даврида ёки охиридаги "изланиш ҳолати" машқи сифатида қўлланиши мумкин.

Бошланғичдан юқорироқ /Ўрта, 20 дақиқа

Манба


Глобал таълим маркази

ИЧКИ АЙЛАНЛАР

Ресурслар: Стуллардан иборат иккита айлана; бирида стуллар ташқарига, иккинчисида ичкарига қаратилган (расмга қаранг)

Тартиби

Синф тенг икки гуруҳга бўлинади; бири ички стуллар айланасига бошқаси эса ташқи стуллар айланасига ўтирадилар. Бунда ҳар ким ўз шеригига қараб ўтиради. Ўқувчиларга муҳокама қилиш учун савол берилади.



Яхшилаб ўйлаб олганларидан сўнг ўқувчиларга шериклари билан саволни муҳокама қилиш учун бир ёки икки дақиқа вақт берилади.

Маълум сигналдан сўнг ташқи айланадагилар бир ўрин чапга сурилишади ва айна саволни янги шериклари билан муҳокама қилишади. Ташқи айланадаги ўқувчилар ўзларининг энг биринчи шериклари сурилиб келгунга қадар ёки етарлича янги шериклари бўлгунларича давом эттирилади.

Потенциал

Бу машқнинг фойдали жиҳатлари кўп. Бу машқ мустақил иш ёки лойиҳа ишига ўхшаб маълум мавзуда ўқув машқи сифатида ишлатилса бўладики, ўқувчилар ўрганган нарсаларини бир-бирлари билан ўртоқлашсин. Бу машқ ўқувчиларни турли хил муносабат ва қарашлар билан юзма-юз келтириши мумкин бўлган вазиятни таклиф этади. Бу машғулот, масалан, иккинчиланадагиларни ўзларига адолатсизлик билан муносабатда бўлинган вақтлардаги хотираларини ўртоқлашишга таклиф қилиш орқали ирқчиликка ва жинсларни камситишга қарши дастурлар сифатида ишлатилиши мумкин бўлган бошланғич машғулот сифатида қўлланиши мумкин.

Хотиралар айтилиб, ноҳақ муносабатлардан ҳиссиётлар уйғонгач, янада теранроқ ва оммавийроқ ноҳақлик турларининг келиб чиқилишига муҳит яратилиши мумкин.

Бундан ташқари ўқувчиларга уларнинг ташвишлари, умидалари пучга чиққанлигини ва имкониятлари ҳақида кўпроқ шароит яратиш мақсадида фойдаланиш мумкин. «Сизни ўзингизни яхши ҳис қилишга ундайдиган нарса нима?» ёки «Келажақда сизни нима энг кўп ташвишга солади?» ёки «Қачон охири марта сизни ёшингиз ёки жинсингиз сабабли бирор иш қилишга йўл қўйишмаган?» каби муҳокамали саволлар юзма-юз ўқишни турли даражада бошлаб юборади.

Хилма-хиллик

Баъзи вазиятларда ўқувчилар айланиб силжиганлари сари мавзуга ўзгартириш киритиш ёки уни тўлиқ ўзгартириш тавсия этилади. Ички айланалар ўқувчиларнинг баҳсли мавзуларга бўлган муносабатларини маълум қилишларига ёрдам бериш мақсадида ҳам ишлатилади. Масалан, изланишни давом эттириб, ўқувчилардан «Учинчи сайёра»да миллатлараро компаниялар фаолиятига қарши ва уни қўллайдиган томонларни муҳокама қилишларини сўрш мумкин. Ташқи айланадан компанияларга нисбатан танқидий ёндашув сўралса, ички айланага ҳимояланиш таклиф этилади. Маълум вақтдан кейин икки айланадиги ўқувчилар ўрин алмашадилар.

Манба: Шнейдвинд, Н. ва Дейвидсон, И, Тенгликка очик ақллар, Нью Жерси, Прентис Холл, 1983 дан олинган

Таъсирланишлар:

Ресурслар: ҳар бир ўқувчига А4 қоғози, бошқа турли қоғозлар берилади

Тартиби

Ўқувчилар фильм кўришади, радио дастури ёки аудио тасма, ёки ўқитувчи, меҳмон нотик, ёки бошқа ўқувчиларнинг нутқини тингланади. Улар кейин 5 ёки 6 кишилиқ гуруҳлар ташкил қилишади. Гуруҳ аъзолари дастлаб алоҳида ишлаб, 4 турли кечинмаларини (бир варақча биттадан) ёзадилар. Кечинмалар қисқа параграф, гап ёки бир сўзда ифодаланиши мумкин. Улар бирор гуруҳ томонидан йиғиб олинади, карта ўйинига ўхшаб чийланиб яна тарқатилади. Ҳамма ўзи ёзган кечинмалари доираси марказидан чиқиб аниқлашга тайёр бўлмаган ҳолда «қўл»ларига қарайдилар. Улар бунни қониқиш ҳосил қилгунларига қадар давом эттирадилар. Мақсад охирида ҳар бир гуруҳ аъзосининг қўлида 3 тагача бўлган таъсирланишлар бўлиши керакки, қайтариш учун:

- ўзлари ёзмаган
- қўшилишга тайёр бўлган гаплари бўлиши шарт.

Кейин ўқувчилар 2 та ёки 6 тадан бўлинишади. Улар охириги қўлларини бир-бирларига нега айнан ўша кечинмаларни танлаганликларини тушунтириб ўқиб беришади. Кейин улар келишилган ёки рад қилишга келишув бўлиши мумкин бўлган рағбатга мураккаб кечинма ҳозирлайдилар. Бутун бешталиқ ёки олтиталиқ гуруҳ ўзи бирлашиб, якуний гуруҳ кечинмасини ёзишдан аввал кичик гуруҳлар ўзларининг мураккаб кечинмаларини тушунтириб, уни ўртоқлашадилар.

Ахборотлар тингланиб, барча аъзолар иштирокида муҳокама қилинади.

Потенциал

Бу машқ ихтиёрий рағбат ашёси таклиф қилинганига таъсирланишларнинг пухта ўзаро алмашинувига эришиш учун жуда афзалдир. Қатнашувчилардан умумий маъқул муносабатни музокара олиб бориш ва, агар бу мумкин эмаслиги ўз исботини топса, камида

туғиладиган келишмовчиликлар табиатини ва ўзларининг муносабат/баҳоларини аниқлаш учун бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларига танқидий ёндашиш ва рози бўлиш ёки рад этиш талаб этилади.

Хилма-хиллик

Юқоридаги тартиб маълум мавзулар, масалан: ёрдам дастурларининг фойдалилигига, қандай қилиб жамиятдаги ирқчиликни таг-томири билан йўқ қилиш, қандай қилиб ҳавонинг ифлосланишини тўхтатиш кабиларга бўлган фикрлар алмашинуви учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Бирор шахснинг нуқтаи назари бошқа гуруҳлар томонидан тўлалигича рад қилинишининг олдини олиш учун ҳар бир қатнашчининг якуний, камида 2та бошқалар томонидан ёзилган қўлли бўлишлари учун қоидаларга тузатишлар киритиш мумкин.

Ипсимон фикрлаш

Керакли ашёлар: 30 ўқувчига 10 ёпишадиган қоғоз, 10 белгилар тўплами (тўпламлар 3 тадан ва ҳар бири турли ранг), 30та игна, ёпишадиган қоғоз ва белгиларга мос келувчи рангли 10 дона калава ип.

Синфда қуйидагича жойлашув мумкин бўладиган катта жой ажратилиши лозим:

Ҳар бир ёпишадиган қоғоз бошига танланган 10 та мавзулар биттадан ёзилиши керак. Мавзулар қуйидагича бўлиши лозим: Қурол-яроғ пойгаси, Атроф-муҳит ифлосланиши, Ишсизлик, "Учинчи сайёра" қашшоқлашуви, Терроризм, Озодлик учун кураш,


Инсон ҳуқуқларининг поймол қилиниши, Миллатчилик, Табиий ресурсларнинг йўқолиши, Очарчилик, Урбанизация. Мавзулар яна белгилар тўпламига ёзилиши керак.

Тартиби

Ўқувчилар маълум ёпишадиган қоғозлар ёнида туриб 10та мавзудан бирини танлашади. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан кўп ўқувчи бўлмаслиги керак. Гуруҳлар аввал мавзу атрофида фикр алмашиб, уларни қоғозга туширадилар (8 дақиқа). Кейин улар "статик" ва 2 "ҳаракатланувчи" музокарачиларлар тайинлашади. "Статик" музокарачиларлар калавалар учларини уларнинг белларига бойлаб, айлана шаклида жойлаштиришлари лозим. Уларнинг вазифаси бир жойда туришгина бўлиб қолмай, ихтиёрий 9 та бошқа гуруҳларнинг "ҳаракатланувчи" музокарачиларлари билан музокарага киришишдир.

"Ҳаракатланувчи" музокарачиларларнинг вазифаси: бориб мавзулар орасидаги алоқа, боғлиқлик ёки муносабатларини музокара қилади. Ҳар бир мавзу орасидан алоқа мунозара қилиб келишиб бўлингач, икки ип калаваси икки гуруҳ "статик" музокарачиларларидан айлана бўйлаб белларидан ўтказилади. Ипнинг таранг тутиб турилиши ва калаванинг ҳар гал қайси "статик" музокарачиларлардан бошланган бўлса, унга қайтиб келиши муҳим.

Ҳар икки гуруҳнинг ўз ёпишадиган қоғозларига "ҳаракатланувчи" музокарачиларларнинг ҳар бири келишув орқасида фикрларни ёзиб олиш ҳам жуда муҳим.



Машгулот давом этаркан, ўргимчак тўри каби 10 та масала орасидаги боғлиқлик ҳосил бўлади; тўр эҳтимол жуда яқин ўрилган бўлиб, “ҳаракатланувчи” музокарачилар ишлари таъқиб остида судралиб юришларига тўғри келади.

Потенциал

Турли ранглардаги ипли тўрлар жорий глобал масалаларнинг бир-бирига боғлиқ табиий тасвири белгиларини таклиф этади. Мунозара давомида тўрнинг бузилмай сақланиши мусуҳимдир. Буни “статик” музокарачилардан аввалги турган жойларига ўтиришларини сўраб қилиш мумкин. Гуруҳ аъзоларини машқ давомида пайдо бўлган ўзаро боғлиқликлар ҳақида муносабат билдиришга ва ўзлари иштирок этган музокараларни тасвирлашга ундаш мумкин. Алоқалар йўқлигини таҳлил қилиш ҳам жуда фойдали. Ипсимон фикрлаш ўқувчиларнинг бошланғич ишлари бўлган мавзулар орасидаги алоқаларни текшириш учун идеал бирликдир.

Хилма-хиллик

Қўлланилган мавзулар, албатта, катта хилма-хилликка эга. Юқори оддий ва куйи иккинчи даражали ўқитувчилар ипсимон фикрлашни егулик тўри ва бошқа хил экологик ўзаро боғлиқликни (Тобелик тўрига қаранг, 86) ни ёки ҳикоя ёки романлардаги характерлар орасидаги боғлиқликни тасвирлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин

Бошланғич/Ўрта, 25 дақиқа

Манба (Глобал таълим маркази)

Ҳуқуқ шарлари ўйинлари

Ишлатиладиганлар: Ҳар бир ўқувчига 1-расмга ўхшаш шар ўйинининг шакл нусхаси керак бўлади; агар гуруҳ ишига ўхшаб ёндашилса, қўшимча нусхалар керак бўлади (қуйида 2 га қаранг); синф чизмаси (2 ёки 3 расм)

Тартиби

Ўқучилар ўзларини ҳаво шарларида оҳиста учиб юргандек тасаввур этишлари сўралади. Жадвалда 10 та ҳуқуқ кўрсатилган. Ҳар бири шартли равишда 2 килограммли деб белгиланган. Бирдан шар баландликни йўқота бошлайди. Пасайишнинг олдини олиш учун улар ҳаво шарларидан бирор ҳуқуқни ташлашлари керак. Шунда шар бир оз мувозанат сақлаб туради, лекин яна баландликни йўқота бошлайди. Шунда яна бошқа бир ҳуқуқни ташлаб юбориш шарт. Бу жараён токи уларда 1та ҳуқуқ қолгунга қадар давом эттирилади. Ўқувчиларга рўйхатни эътибор билан ўқиб, қайси ҳуқуқлардан воз кечишга тайёрланишларини ва қайсиларини иложи борича узоқроқ сақлаб туришни ишталарини ўйлаб олиш таклиф қилинади. Кейин улар қарор қилишади – мунозарасиз – биринчи улоқтириладиган ҳуқуқлари олдига 1, иккинчи улоқтириладиган ҳуқуқлари олдига 2 ва ҳ.к. ёзиб қўйишади. Охирида қолувчи ҳуқуқнинг рақами 10 бўлади. Кейин ўқитувчи (2-расм) чизмани чизади. Бутун синф томонидан ҳар бир ҳуқуққа берилган устунликни кўриб туради. Мунозара давом этади.

1– расм

Шахсий ётоқхонага эга булиш ҳуқуқи

Тоза ҳаводан нафас олиш ҳуқуқи

Чўнтак пули ҳуқуқи

Севги ва муҳаббат ҳуқуқи

Тобе бўлмаслик ҳуқуқи

Ўзгача бўлиш ҳуқуқи

Ҳар йилги дам олиш ҳуқуқи

Егулик ва сувга ҳуқуқ

Ўйнаш учун вақтга ҳуқуқ

Бошқалар томонидан тингланиш ҳуқуқи

2 – расм

Ётоқхона

Тоза ҳаво

Чўнтак пули

Севги/муҳаббат

Буюрилмаслик

Ўзгача булиш

Байрамлар

Егулик/сув

Ўйнашга вақт

Тингланиш

	Ётоқхона	Тоза ҳаво	Чўнтак пули	Севги/боғлиқлик	Бошқарилмаган	Ўзгача бўлиш	Байрамлар	Овқат/сув	Ўйин учун вақт	Эшитиш
Гуруҳ 1										
Гуруҳ 2										
Гуруҳ 3										
Гуруҳ 4										
Гуруҳ 5										

Талабалар якка тартибда ва муҳокамасиз шар ўйинининг маълумотномасини тўлдиргач, уч ёки тўрт кишилик гуруҳ ҳосил қилиб, бир-бирларининг фикрларини муҳокама қиладилар. Муҳокамадан сўнг ҳар бир гуруҳ маълумотноманинг қўшимча нусхасидан фойдаланган ҳолда янги шартнома қаторини тузишга ҳаракат қилади. Шундан кейин гуруҳлар иккинчи гуруҳ билан қўшиладилар ва янги катта гуруҳнинг аъзолари кейинги келишув шартномасини танлашдан олдин ўзларининг фикрларини муҳокама этишда давом этадилар. Синф умумий интилишга олиб боради. Ҳар бир катта гуруҳ (6-8 киши) ўз ҳуқуқларнинг жойлаштирувини таништиради. Ўқитувчи эса муҳокама бошланишидан олдин синфнинг жадвалини (Илова 3) ёзиб олади.

❖ Потенциал

Бу машғулот биз талаб қиладиган турли ҳуқуқлар ва бошланғич ҳуқуқларнинг муҳимлиги доирасидаги айрим саволларни ўртага ташлайди. Қайси ҳуқуқларни биз бошқаларига қараганда муҳимроқ деб ҳисоблаймиз? Нима учун? Айрим ҳуқуқлар бизнинг борлигимиз ва инсонийлигимиз учун шунчалик муҳимлигидан биз улардан воз кечолмаймизми?

Қайсиларидан айрим вақтларда биз воз кечамиз ва воз кечишимиз мумкин? Қандай шароитларда бу содир бўлади? Ўқувчилар қоғозда берилгандан ҳам муҳимроқ бошқа ҳуқуқларни таклиф қила оладиларми, айниқса охириги дамгача сақланадиганларини?

❖ Ўзгариш

Ўқувчилар ўзларининг фикрларини билдиргач (2-иловадаги жадвалидаги биринчи қаторни тўлдиргач), улар хонада бемалол айланган ҳолда қолган 9 кишини сўроқ қилиб, уларнинг тўплаган балларини қолган қаторларга жойлаштирадилар. Бу усул ўзаро кенг мулоқотни қўллаб-қувватлайди ва бутун синфнинг позициясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишдан кўра камроқ вақт талаб қилади ҳамда кам такрорланади. Ўқувчилар умумий йиғилишда тўплаган маълумотларни анализ қилиши ва фикр юритиши сўралиши мумкин.

Юқори бошланғич/Ўрта, (1) 20 дақиқа; (2) 45 дақиқа

❖ Манба

Глобал таълимот маркази

Адолатсизликни Йўқотиш

❖ Процедура

Ўқувчилар олти кишидан иборат гуруҳлар ташкил қиладилар ва кейин жуфтликларга бўлинадилар. Биринчи одам „А“, иккинчиси „Б“ номи билан тайинланади. Машғулот бир неча дақиқалик жимжитликдан сўнг бошланади, бунда ҳар бир кишидан ўзига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлинган воқеани гапириб бериш сўралади. „А“ ўқувчилар кейинчалик ўзларининг шерикларидан улар дуч келган нохуш воқеаларни гапириб беришни сўрайдилар. „Б“ талаба, агар зарур бўлса, қўллаб-қувватловчи сўзлар ва ёрдамчи саволлар билан ўз ҳиссасини қўшган ҳолда иккинчи талабани фаол тинглайди. Беш дақиқадан сўнг „Б“ талаба ўзининг воқеаларини гапириб беради, „А“ талаба эса тинглайди. Олти кишилик гуруҳ кейин қайта тузиб чиқилади.

МАҲОРАТЛАР МУНДАРИЖАСИ

Ушбу бобдаги машғулотлар кўз олдига келтириш, тасаввур этиш ва башорат қилиш маҳоратлари, шунингдек кадр-қийматни англаш жараён кабиларни машқ ва тажриба қилиш имкониятларини таклиф этади.

Яратувчанлик, ҳар тарафлама ва ўзгача ўйлаш маҳоратлари айниқса **Келажак вақт чизмалари, Келажакка яқинлашиш, Аббревиатура, Келажакдаги қолоқликни тадқиқ қилиш, Келажак сумкаси, Келажак ғилдираги ва Янги йилдаги ўз-ўзига берилган ваъдалар** эътибор марказида бўлади.

Ижодий ёзиш маҳоратлари **Келажак (дан Ортга қайтишлар)ни тадқиқ қилиш ва Менинг олашим, Менинг келажгим** орқали ривожлантирилиши мумкин.

Тадқиқот олиб бориш ва маълумотларни ажратиб олиш маҳоратларини кашф этиш **Келажак ҳақидаги саволлар ва Келажакдан ортга қайтишни кашф қилиш** орқали таклиф этилган.


Келажак (дан Ортга қайтишлар)ни кашф этиш ва Келажак ғилдирагини режалаштириш маҳоратларини ишлатишни машқ қилишни таъминлайди.

Мулоқот маҳоратлари **Вақт ўриндигининг** асосидир.

Шартнома-тузиш ва шартлашиш маҳоратлари
Аббревиатура орқали машқ қилиниши мумкин.

Келажакдаги замон билан ҳамнафаслик

2- илова



Тах – тахминий келажак
Тан – танланган келажак
Х – ҳозир
Т – туғилиш

Мақсад: Тахминий танлаб олинган келажак, дастлаб алоҳида ва кейинчалик кўпроқ жониворларнинг инсонларга ўзини яқин тутишини ҳисобга олган ҳолат. Танлаб олинган келажак сари ҳаракатланиш йўллари ҳисобга олиш

Баҳолаш даражаси: 3-12

Керакли вақт: 30 дақиқа

Манбалар: Ҳар бир машғулот учун: катта диаграмма қоғози ва ҳар бир жуфт ўқувчи учун турли рангдаги 4 дона маркер зарур.

Жараён, Бўлим А

Ўқувчилар жуфтлалашган ҳолда вақт чизмаларини тайёрлайдилар (*2-иловага қаранг*). Т (туғилиш) ва Х (ҳозир) нуқталари орасини улар ўзларининг ҳаётлари давомида шу давргача содир бўлган ва уларнинг келажакларига таъсир қилиши мумкин деб ўйлаган асосий воқеалар билан тўлдирадидилар. Шахсий, маҳаллий, миллий ёки глобал воқеаларни асос деб олиш-олмаслик ёки улар бирдан ортиқ даражага тегишли бўлиш-бўлмаслиги бу жуфтликнинг хоҳишидир.

Х дан Тах (Тахминий келажак)гача бўлган ораликни улар ҳаётлари давомида содир бўлиши мумкин бўлган деб ҳисоблайдиган воқеалар билан тўлдирадидилар.

Х дан Тан(Танланган келажаклар)гача бўлган ораликни улар ҳаётлари давомида содир бўлишини хоҳлаган воқеалар билан тўлдирадидилар.

Тах ва Тан асослари бир-бирдан қанча узоқликда бўлишини жуфтликлар ҳал қилади. Агар улар тахмин қилганлари танлаганлари билан мос келса, демак икки асос бир чизиқда туташishi мумкин. Агар уларнинг тахминлари билан танлаганларидаги нуқтаи назарлари бир-бирдан фарқ қилса, демак улар бир-бирдан ўта ажралган чизиқлар билан намойиш этилиши мумкин. Турли хил рангдаги маркерлар шахсга тааллуқли воқеаларни ва/ёки тахминий ҳамда танланган келажаклар борасида келишувга эришишдаги муваффақиятсизлигини кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин.

Жуфтликлар қўшилиб, умумий якундан олдин ўз ишлари тўғрисида фикр алмашадилар.

Жараён, Бўлим Б

Ўқувчилар жуфтликларда ишлаб, инсонларнинг ҳайвонларга муносабатларининг хусусиятларига боғлиқ вақт чизмасини тайёрлайдилар. Т ва Х лар оралигида инсонларнинг ҳайвонларга муносабатларини озми, кўпми, баҳолайдиган, ҳаётлари давомидаги воқеалар, ўзгаришлар ва ривожланишларни киритадилар.

Х дан Тах гача улар келажакда содир бўлиши мумкин бўлган ривожланиш ва ўзгаришларни ёзадилар.

Х дан Тан гача оралигини улар кўришни хоҳлаган воқеалар билан тўлдирадидилар.

Жуфтликлар йиғиладилар, ўзларининг танлаган ва тахминий келажак сценарийларини ўзаро бўлишадилар ва муҳокама қиладилар.

Устунлик

Ушбу машғулот ўқувчилардан кейинчалик лойиҳа устида ишлаш сўралишидан олдин уларнинг ҳаётлари давомидаги муҳим воқеалар, ривожланишлар ва ўзгаришларни қайта кўздан кечириш учун ўзига хос тайёргарликни таъминлайди. Танланган келажакларга фикрни жамлаш кадр-қийматларини ёритиш учун эркинлик берилади, шу билан бирга танланган ва тахминий келажаклар ўртасидаги бўшлиқ талабаларнинг танлаган нуқтаи назарларига етиш учун талаб қилинадиган кучнинг табиати ва миқёсини акс эттиради.

Қўшимча

Машғулот якунида ўқувчилардан танланган келажакларнинг кўпчилик томонидан танланган айрим элементларини амалга оширишга ёрдам бериш учун нималар қилиш мумкинлиги тўғрисида фикр юритиш сўралади.

Устунлик

Келажак ғилдираклари чизиқли моделини таклиф этади. Бир-бири билан ғилдирак орқали тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган предметлар орасидаги алоқани ҳисобга олиш ҳам муҳим ҳисобланади. Талабаларга шундай предметлар ўртасидаги боғлиқликни муҳокама қилиш ва тасвирлаш қўшимча машқ бўлиши мумкин. Улар диққатни ташқи-ҳаракатланувчи сабабли

алоқалар ўзгартирилиши ёки ортга қайтарилиши мумкинми, йўқми ва қандайлигига қаратишлари мумкин.

Ўзгариш

Ҳозирги давр воқеасини ҳақидаги, фикрини ёки ўзгаришларни тасвирловчи газета мақоласидан филдиракнинг маркази сифатида фойдаланилиш мумкин. Ўқувчилар юқоридаги каби натижаларни текширишда давом этишлари мумкин.

Эслатма: Фикр филдираги, 146-бет, Келажаклар филдирагига ўзгаришлар киритади.

Манба

Ҳ. М. Фитч ва С. М. Свенгалис "Чекланмаган келажаклар"; Вашингтон К.О.; ижтимоий фанлар бўйича миллий кенгаш, 1979 даги фикрдан олинган.

Келажак интиқоси

Мақсад: Глобал натижалар борасидаги ютуқлар ва қиймат позицияларининг қаторини бир-бирига қарши қўйиш

Баҳолаш даражаси: 8-12

Керакли вақт: 50 дақиқа

Манба: Келажак интиқоси диаграммаси (Нухса қоғози 3) ва ҳар бир ўқувчига турли рангдаги 2 дона ручка. Бир дона чизма қоғози ва 6 кишилик ҳар бир гуруҳ учун маркер.

Процедура, Бўлим А

Ўқувчилар якка тартибда ишлаган ҳолда тасвирланган сценарийларнинг ҳар бирини уларнинг назарида **бўлишини** (бўлиши мумкин), **ЭХТимолини** (бўлиш ЭХТимоли бор), **бўлмаслиги мумкинлигини** (бўлмаслик ЭХТимоли бор), **умуман бўлмаслигини** (ҳеч қачон бўлмайди) кўрсатадилар. Жавобларини кўрсатиш учун улар мос сўзларни ҳар бир сценарийдан кейинги халқага оладилар.

Шу билан бирга улар ҳар бир сценарий хоҳланган ёки хоҳланмаганлигини ҳам ҳал қиладилар (улар бўлишини хоҳлаган ёки хоҳламаган келажаклар). Бундан ташқари улар ўз жавобларини ҳар бир сценарийдан кейинги мос сўзни халқага олган ҳолда кўрсатадилар.

Шундан сўнг ўқувчилар ўзларининг шахсий дунёкарашларини фикрлашиш, тушунтириш ва муҳокама қилиш учун жуфтликлар ташкил қиладилар.

Ўзаро алмашинув натижасида сўзни айланага олиш борасида жуфтлик ёки шахсининг миясида қисман ўзгариш содир бўлиши мумкин. Бу ўзгариш бошқа рангдаги маркер билан айланага олинган сўзни ўчирган ҳолда ва энди танланган сўзни янгитдан халқага олиб, уни стрелка билан кўрсатилиши КЕРАК.

Жараён, Бўлим Б

Жуфтликлар кейинчалик олти кишилик гуруҳларни ташкил этадилар ва ўз фикрларини бўлишиш, тушунтириш, қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш

жараёнларини такрорлайдилар. Бунга қўшимча сифатида ҳамма гуруҳ аъзолари ўзлари танлаган 1 дона келажак сценарийсини танлаб оладилар. Берилган диаграмма қоғозидан фойдаланган ҳолда улар шу келажакни амалга ошириш учун якка ёки жамоавий таркибда қандай қилиб ёрдамлашишлари мумкинлиги ҳақида бош қотирадилар. Агар умумий хоҳланган сценарий бўлмаса, гуруҳ иккига бўлиниб, икки турли сценарий устида бош қотириши мумкин.

Шундан сўнг умумий муҳокама бўлади.

Устунлик

Бу машқ талабалардан маҳаллий ва глобал тармоқлардаги ўсиш ва қиймат позицияларини бир-бирига қарама-қарши қўйишни ҳамда шу билан бирга турли келажак сценарийларини ижтимоий, иқтисодий ва этика нуқтаи назаридан жалб қилинишини тадқиқ қилишни талаб этади. Охириги бош қотириш бўлими эса талабаларни ўзгариш стратегияларини ҳисобга олиш ва баҳолаш имконияти билан таъминлайди.

Қўшимча

Йиғилиш бир гуруҳдан мунозара ва норозилик тугдирган сценарий борасидаги уларнинг фикрларини сўрашдан бошланиши мумкин. Баъзи вақтларда гуруҳлардан синфнинг кейинги муҳокамасига сабаб бўлувчи бошқа сценарийларга жавобларини бўлишиш сўралиши мумкин.

Фаолият режаси балки барча сценарийларга жавоблар кўриб чиқилганга қадар қолгани мақбулдир.

Қўшимча

Бу машғулот бир вақтнинг ўзида бир неча мактабларда амалга оширилади (яхшиси турли ҳудудларда-шаҳарда ва қишлоқда ёки турли давлатларда). Натижалар (ва умумий йиғилишнинг баёноти) оддий почта ёки электрон почта орқали тарқатилади. Тегишли натижаларга шарҳлар ва баёнотлар кейинчалик ўзаро алмашинади ва мулоқот курс тугагунга қадар давом эттирилади.

Ўзгаришлар

Ўқувчиларга бўш жадваллар берилади ва жуфтликлар ҳосил қилишдан аввал улардан ҳар бири бир дона сценарий ёзишлари сўралади. Ҳар бир ўқувчи ўз шеригининг сценарийсини ёзади, ўзининг сценарийсига бўлган реакцияларини ёрқин акслантирувчи сўзларни белгилайди.

Кейин жуфтлик муҳокамаси бўлади. Шундан сўнг 6 ёки 8 кишилик гуруҳлар ташкил этилади. Сценарийлар ёзилади ва муҳокамадан олдин сўзлар халқага олинади.

Ўқитувчи айрим ёки барча сценарийларнинг ўрнини алмаштириши ҳам мумкин. Мослаштириш осонлаштириш йўли билан **Келажак интиқоларини** ёшроқ талабалар билан ўтказишга ҳаракат қилиш мумкин. Масалан, мактабда, жамиятда ёки ўқувчиларнинг шахсий ҳаётларида кейинги бир неча ҳафталар ёки ойлар давомида ўрин олиши мумкин бўлган ўзгаришларни тасвирлаш мумкин.

КЕЛАЖАК ИНТИҚОЛАРИ

1. Дунё энергиясининг ярми шамол ва сув қуввати орқали яратилади. Қирғоқларда улкан электр станциялари барло этилади, кўпчилик одамлар ўзларининг ҳовлиларида шамол тегиримонларига эга бўладилар.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: ЭҲТИМОЛ БЎЛМАСА КЕРАК ҲЕЧ ҚАЧОН ХОҲЛАРДИМ ХОҲЛАМАСДИМ

2. Генетика инженерлигида катта ўзгаришлар бўлади, бунда биз билгандан ўта фарқ қиладиган ферма ҳайвонларига эга бўламиз, улар камроқ овқат ва вақт оралиғида кўпроқ миқдорда гўшт беради.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ, ЭҲТИМОЛ БЎЛМАСА КЕРАК, ҲЕЧ ҚАЧОН ХОҲЛАРДИМ ХОҲЛАМАСДИМ

3. Амазонка ўрмонларининг камёб ва ҳавф остидаги ўсимлиги раkning турли хилларидан даволовчи кимёвий бирикмага эга эканлиги топилади.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ, ЭҲТИМОЛ, БЎЛМАСА КЕРАК ҲЕЧ ҚАЧОН ХОҲЛАРДИМ ХОҲЛАМАСДИМ

4. Яқин Шарқда тинчликка эришиш учун араб ва яҳудий раҳбарлар ўзларининг мурасасиз ҳудудларини ўзларининг одамлари яшаши мумкин бўлган ва бошқалар учун кириш тақиқланган ҳудудларга бўлишга аҳд қиладилар.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ, ЭҲТИМОЛ, БЎЛМАСА КЕРАК ҲЕЧ ҚАЧОН ХОҲЛАРДИМ ХОҲЛАМАСДИМ

5. Дунё Ҳамжамиятининг кўмагида Африкадаги очарчиликка чек қўйиш учун бошқа давлатларда етиштирилган ортиқча озиқ-овқат Африканинг турли портларига етказилади ва шундан кейин овқат зарур бўлган шаҳар ҳамда қишлоқларга БМТнинг юк машиналарида олиб борилади.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ, ЭҲТИМОЛ БЎЛМАСА КЕРАК ҲЕЧ ҚАЧОН, ХОҲЛАРДИМ ХОҲЛАМАСДИМ

6. Ривожланаётган дунёдаги ўз болаларига ғамхўрлик қила олмаётган ота-оналар болаларининг сонининг ўсишини тўхтатиш масаласини ҳал қилиш учун Канада каби давлатлардаги оилалар шу болаларни ўзларига олишлари ва ўз болаларидек муносабатда бўлишлари қўллаб-қувватланади.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ, ЭҲТИМОЛ, БЎЛМАСА КЕРАК, ҲЕЧ ҚАЧОН ХОҲЛАРДИМ, ХОҲЛАМАСДИМ.

7. Қолган ёввойи ҳудудларни инсон томонидан эксплуатация қилинишидан асраш йўлида мажбурий халқаро келишувга эришилади. Бу жойлар қолган ўрмонлар, Антарктика ва Канада шимолини ўз ичига олади.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ ЭҲТИМОЛ, БЎЛМАСА КЕРАК ҲЕЧ ҚАЧОН ХОҲЛАРДИМ, ХОҲЛАМАСДИМ

8. Соғлиқ борасидаги сабаблар туфайли ва ҳайвонларга нисбатан шафқатсизликдан қочиш учун вегетерианлик (гўшт истеъмол қилмаслик) ва веганизм (гўшт ёки ҳайвон маҳсулотларини емаслик) шунчалик кенг тарқалидики, натижада гўшт истеъмолчилари камчиликни ташкил этади.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ, ЭҲТИМОЛ БЎЛМАСА КЕРАК ҲЕЧ ҚАЧОН ХОҲЛАРДИМ ХОҲЛАМАСДИМ

9. БМТ колонизацион гуруҳлар томонидан ерлари тортиб олинган барча абориген ва туб аҳоли кишиларига миллиардлаб доллар компенсация тўлашга ҳукуматларни ундовчи резолюция қабул қилади.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ ЭҲТИМОЛ БЎЛМАСА КЕРАК ҲЕЧ ҚАЧОН, ХОҲЛАРДИМ, ХОҲЛАМАСДИМ,

10. Янги машинанинг нархи ҳозиргига нисбатан 4 барабар қиммат туради, чунки қонунлар ишлаб чиқарувчилардан машинани ясашда вужудга келган атроф-муҳит ифлосланишига пул тўлашни талаб қиладилар.

ҲАЁТИМ ДАВОМИДА: БАЛКИ ЭҲТИМОЛ БЎЛМАСА КЕРАК ҲЕЧ ҚАЧОН ХОҲЛАРДИМ ХОҲЛАМАСДИМ

ТАЖРИБАГА АСОСЛАНГАН МАШҒУЛОТЛАР ВА РОЛЛИ ҲИЙИНЛАР

ТУГМАЧАЛАР ҲИЙИНИ

Мақсад: Гуруҳ вазифасини бажариш учун ҳамкорлик заруриятини вужудга келтириш; новербал мулоқот аҳамиятини ошириш

Синф даражаси: 3-12

Зарур вақт: 20 дақиқа

Материаллар: Ҳар бир иштирокчи учун камида тўрт рангдаги кичкина, ўзи ёпишадиган рангли тугмачалар. Ҳуқувчилар бемалол ҳаракатланиши учун катта синф.

Тартиб

Ҳуқувчилар кўзлари юмилган ва тинчлик сақлаган ҳолда доира ҳосил қиладилар.

Ҳар бир иштирокчининг пешонасига кичкина рангли тугмачалар ёпиштирилади. Турли ранглар синф бўйлаб шундай қилиб тақсимланиши керакки, ёнма-ён турган ҳуқувчилар бир хил рангга эга бўлмаслиги ва ҳар бир рангнинг миқдори нисбатан тенг бўлиши керак.

Сўнг ҳуқувчилар кўзларини очиб, гаплашмасдан рангларни кўрсатиш, аксини кўриш ёки тугмачани ажратиб олиш орқали бир хил рангга эга бўлган ҳуқувчилар билан гуруҳ тузишга ҳаракат қилишлари керак.

Ички имкониятлари

Турли мақсадлар учун ишлатиш мумкин бўлган содда ҲИЙИНИ. У ҳуқувчилар орасида тезда гуруҳ вазифасини бажариш учун ҳамкорлик қилиш заруриятини вужудга келтиради. Ҳуқувчиларни қисқа ва қизиқарли муаммони ечишга қаратилган машғулот орқали бирлаштириш учун жалб қилиш зарур; ушбу машғулот новербал мулоқот аҳамиятини оширади ва ишонч билан боғлиқ муносабатларни юзага келтиради.

Назарий даражада ушбу машғулот ўзаро боғлиқлик ва шахс тушунчаларини яққол намоён этади. Ҳеч ким ўзаро боғлиқлик ва ишончсизлик вазифасини бажара олмайди. Ҳаммининг ўзлигини тушуниши (ўз тугмачасининг рангини англаб етиш) қолган иштирокчиларга боғлиқ. Шунинг учун ушбу машғулот ўзаро алоқадорлик ва фуқаролик бўйича иш учун самарали бошланғич нуқта ҳисобланади. Амалий даражада ушбу ёқимли машғулот ҳуқувчиларни кейинги иш учун гуруҳларга бўлиш учун ишлатилиши мумкин.

Бошқа кўринишлар

Бу машғулот дарс жараёнида бир неча йўллар билан ишлатилиши мумкин:

1. Табиий фанлар дарсларида ҳуқувчиларнинг инсон танаси қисмлари ҳақида тушунча ҳосил қилиши учун қўлланилади. Инсон танаси бўр билан ерга чизилади. Кўзлари юмилган ҳуқувчилар орқасига, устига тана қисми ёзилган ёпишқоқ ёрлиқ жойлаштирилади. Ҳуқувчилар гаплашмасдан бир-бирларига тана қисмлари асосида тегишли ўринларга жойлашишга ёрдам берадилар. Сўнг ҳуқувчилар улар қайси тана қисмини ифода этишини топишлари керак.
2. География дарсида ушбу машғулот ўхшаш усул, яъни бўр билан ерга харита чизиш орқали шаҳарлар, дарёлар, тоғлар ва мамлакатнинг бошқа ўзига хос белгилари ҳақида билимларни ривожлантириш учун ишлатилади.

Ҳуқувчилар юқоридаги икки мисолда ҳам ўз таналарини ишлатишга даъват этилади (масалан, ичак ёки дарёнинг ўзанини ифодалаш учун ўз баданини турли кўринишларда кўрсатиш мумкин).

3. Математика дарсида бу машғулот ҳуқувчилар каср ёки ўнли касрларни машқ қилишлари учун қўлланиши мумкин. Масалан, ҳуқувчилар орқасига ўнли каср сон

ёпиштирилади ва улар гаплашмасдан маълум бир сонни (масалан, 2.5ни) ҳосил қилиш учун бирлашадилар.

4. Тил дарсларида ўқувчилар орқасига сўзлар ёки тиниш белгилари ёпиштирилган ҳолда грамматик жиҳатдан тўғри гаплар тузишлари керак бўлади.

Ушбу машғулотнинг барча кўринишларида ҳам вазифа ҳамма ўқувчилар ўз жойларига жойлашмагунча бажарилмаган ҳисобланади. Билим олиш ёки уни мустаҳкамлаш новербал ва ҳамкорлик кўникмаларини машқ қилиш билан ёнма-ён олиб борилади.

Вақт стуллари

Мақсад: Ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак ўртасидаги алоқани таъкидлаш

Синф даражаси: 6-12

Зарур вақт: 50 дақиқа

Материаллар: Очиқ жой. Ҳар бир иштирок этувчи жуфтлик учун 3та стул. Кассетали ёки компакт дискли магнитофон ва электрон ёки замонавий мусиқали аудиотасма. Плакат ёки проектор орқали саволлар тўпламини намойиш этиш (мисолларни кўринг, кўпайтириладиган тарқатма материал 9-1).

Тартиб, А қисми

Синф жуфтликларга бўлинади. Ҳар бир жуфтлик бир томонга қаратилган учтадан стулни қўяди.

Бир ўқувчи марказий стулга ўтиради.

Иккинчи ўқувчига у интервью олувчи вазифасини бажариши кераклиги айтилади.

Ўтирган ўқувчи унга қайси саволлар тўплами орқали интервью қилиш мумкинлигини белгилаб беради ва суҳбат бошланади (аниқлик киритувчи саволлар бериш мумкин). Ушбу машғулотни бажариш учун интервью олувчиларга беш дақиқа берилади.

Мусиқа бошланганда ўқувчилар марказий стулдан (ҳозирги кундан) ўн йил илгарига, орқадаги стулга (ўтмишга) ўтадилар. Орқага ўтиш вақтида улар ўн йил олдин қандай кўринишга эга бўлганликлари, қандай ҳаракатланганликларини жисмоний ҳаракатлар орқали кўрсатишга ҳаракат қилишлари керак.

Эслатма: албатта, ёш иштирокчилар учун ўтмиш ва келажакка ўтиш йиллари қисқартирилади. Ушбу машғулотда йиллар ўрнига бир неча ойдан фойдаланиш мумкин.

Мусиқа тўхтаганда интервью олувчи бир хил саволлар тўпламидан фойдаланиб, суҳбатни давом эттиради. Сўроқ қилинаётган ўқувчи эса худди ўтмишдагидек саволларга жавоб беради.

Беш дақиқадан кейин мусиқа яна бир бор ўқувчини келажакка (энг биринчи турган стулга) чорлайди. Ўқувчи бу сафар ҳам у ўн йилдан сўнг қандай кўринишга эга бўлишини, ҳаракатланишини кўрсатиб бериши керак.

Интервью такорланади.

Қисқа муҳокама учун вақт берилади (олинган таассуротлар умумий хотирада сақланиши учун).

Тартиб, В қисми

Интервью олувчи ва жавоб берувчи ўрин алмашади ва бутун жараён такорланади. Саволларга жавоб берувчи ўқувчи хоҳишига кўра саволлар тўпламини ўзгартириши мумкин.

Иккинчи маротаба интервьюлар яқунлангандан кейин ҳар томонлама муҳокама бўлиб ўтади.

Кўпайтириладиган тарқатма материал 9-1

Ички имкониятлар

Ўқувчилар ушбу машғулотни бажариш давомида яқин ўтмиш хотиралари ва келажак тасаввурларига шу даражада шўнғиб кетадиларки, интервьюларни беш дақиқага чегаралаш қийин бўлиши мумкин. Бу машқ ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтиришга ёрдам беради.

Муҳокама

Муҳокамани юзага келган ҳис-туйғулар билан ўртоқлашишдан бошлаш мумкин. Бу ўз навбатида бир неча қизиқарли масалалар муҳокамасига олиб келади, масалан:

- Қайси бир даврга оид (ўтмиш, ҳозирги кун ёки келажак) саволларга жавоб бериш энг қийин бўлди? Нима учун?
- Ўтмиш ва келажак интервьюлари давомида қайси саволлар тўплами энг қийин бўлди? Нима учун?
- Саволларга жавоб бериш жараёнида ўтмишдаги қарашлар ва орзуларни эслаш қийин бўлдими?
- Ўқувчилар ўн (ёки неча йил танланган бўлса) йил олдин бир хил масалалар ҳақида ўйлаган эканми?
- Ўқувчиларнинг келажакка нисбатан фикрлари қандай эди: оптимистик ёки пессимистик?
- Ўқувчилар келажакни шакллантира олишларига ишонадиларми?
- Интервью жараёнида шахсий ва глобал даражадаги ўзгаришлар тезлиги ва таъсири ҳақида қандай фикрлар пайдо бўлди?
- Ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакнинг ўзаро боғлиқлиги қайси йўллар билан намойиш этилди?

Фикрлашга чорловчи яна бир машғулот, бу иштирокчиларни бошқа ўқувчиларга саволлар тўпламларини тузиш вазифасини беришдир.

Яна бир кўриниш

Учта стул олдинга қаратилган ҳолда учбурчак шаклида қўйилади. Орқадаги стул ҳозирги кунни ифода этади. Олдинги стуллар тахмин этиладиган ва исталган келажакни билдиради. Ўтирган ўқувчилар ўзлари танлаган саволлар тўплами бўйича сўроқ қилинади. Ўқувчилар ҳозирги кун нуқтасидан тахмин этиладиган ва исталган келажак нуқтаи назаридан жавоб берадилар.

ШАХСИЙ

1. Ёшинг нечада?
2. Сенинг уйинг қанақа?
3. Ҳаётингдаги оддий 1 кун ҳақида гапириб бер.
4. Охирги ўн йил давомида ўрганган энг муҳим нарсанг нима?
5. Энг эзгу орзуинг нима?

ГЛОБАЛ

1. Ёшинг нечада?
2. Планетамиздаги сенга ёқадиган уч нарса нима?
3. Планетамиздаги сенга ёқмайдиган уч нарса нима?
4. Охирги ўн йил давомида жаҳонда юз берган энг даҳшатли фожеа нима?
5. Охирги ўн йил давомида жаҳондаги одамлар ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар юз берди?

Манба

Майкл Пастернак, Халқаро мактаб, Женева

ТЎҚҚИЗ НУҚТАЛИ МАСАЛА


Материаллар

Ҳар бир жуфтлик учун тўққизта нуқта чизилган бир варақ қоғоз (қуйидаги расмни кўринг).


Тартиб

Ҳар бир жуфтлик қандай қилиб тўққизта нуқтани қаламни қоғоздан узмасдан тўрт тўғри чизиқ билан бирлаштириш мумкинлигини аниқлаши керак. Бир неча дақиқадан сўнг масалани ечган жуфтлик аъзоси масала ечимини синф доскасида кўрсатиб беради.

Масала кўриниши:



Ечим:



Ички имкониятлар

Чегараланган фикрлаш, маълум чегаралар доирасида дунёни тушуниш ва дуч келган муаммоларга ечим қидириш каби масалаларга доир саволлар уйғотадиган машғулот. Нима учун масалани ечиш учун кўпчилигимиз нуқталар тўртбурчагидан ташқарига чиқишни ҳаёлимизга ҳам келтирмадик? Кенг дунёқараш, бошқа турли маданият вакилларини тинглаш ва улардан ўрганиш орқали жаҳон муаммоларининг янги ечимларини топишимиз мумкинми?

Ўрта, 10 дақиқа

Манба

Турли.

ҲАМКОРЛИК ТЎРТБУРЧАКЛАРИ

Материаллар

Ҳар бир беш кишилик гуруҳ учун диаграмма асосида кесилган беш картон ёки қоғоз тўртбурчаклар. (ўлчовлар аниқ бўлиши керак; барча чизиқлар бурчакка, марказга ёки ён чизиқнинг ўртасига узилади.)

Парчалар устидаги ҳарф асосида А-Е гача белгиланган бешта конвертнинг биттасига жойлаштирилади.

Беш кишилик ҳар бир гуруҳ стол атрофида иложи борича қулай ўтириши керак.

Тартиб

Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси конверт олади. Машқнинг мақсади, гуруҳ бир хил катталиқдаги бешта тўртбурчак ясаши керак. Барча иштирокчилар икки қоидага амал қилишлари керак:






Машғулот давомида иштирокчилар ўртасида ҳеч қандай мулоқот (вербал ёки новербал) бўлмаслиги керак (масалан бош ёки кўзларни қимирлатиш, стол тагида оёқ билан тепиш, бошқа имо-ишора қилиш).

- Иштирокчилар тўғридан-тўғри бир бирларига шаклларни беришлари ёки олишлари мумкин эмас; лекин улар шаклларни стол ўртасига қўйиш ва ўшардан олишлари мумкин.

Иштирокчи хоҳлаган пайтда ўйинни давом эттиришдан бош тортиши мумкин.

Ички имкониятлар

Гуруҳ ҳамкорлигига асосланган ва турли даражада изоҳлаш мумкин бўлган классик машғулот ҳисобланади. Бошланишда баъзи ўқувчилар тўғри катталиқдаги тўртбурчаклар ясайдилар, лекин бошқа иштирокчиларга позим бўлган шаклларни ишлатадилар. Тўртбурчакни ясай олмаган ўқувчиларда умидсизлик, заифлик, номуносиблик ҳислари кузатилса, тўртбурчакни ясаб бўлган бошқа гуруҳ иштирокчилари эса ғурур, қониқиш ва мамнуният билан бемалол ўтирган бўлади. Масала ечимини



шахслар ўртасидаги рақобат орқали эмас, балки фақат гуруҳ ҳамкорлиги орқали топиш мумкин. Ушбу машғулот ҳамкорлик ва рақобат масалалари юзасидан муҳокамани бошлашга ёрдам беради: тўртбурчакни тез ясаб битирган ва улгурмаган иштирокчилар қандай ҳис-туйғуларга эга бўладилар? Машқ давомида у ҳақида иштирокчиларнинг фикрлари ўзгардимми? Гуруҳ аъзолари ўртасида ҳамкорлик қандай амалга оширилди? Иштирокчиларнинг қайсилари бошқарувчи ва қайсилари бўйсунувчи ролларини бажардилар? Нима учун?

Машқ шунингдек қоидалар ҳақида суҳбатлашиш имкониятини беради: қоидалар ҳеч бузилдимми ва нима мақсад билан? Қоидалар етарли даражада асосга эгамми? Агар вербал мулоқот ёки иштирокчилар хоҳлаган пайтда бир-бирларининг шакллари олишлари мумкин бўлганда, натижа нима бўлар эди?

Бошқа даражада ушбу машқ ўзаро боғлиқлик ва ёрдам тушунчалари ҳақида фикрлашга чорлаши мумкин: ўзаро боғлиқ жаҳон тизимида умумий масала бўйича турли қараш ва ёндашувларнинг оқибати нимадан иборат? Бундай фарқларни енгил мумкинми? Ёрдамнинг натижа бериши учун фақатгина ортиқча маҳсулотларни бериш кифоя қиладими ёки ёрдамга муҳтож бўлганларнинг шароитини тушуниш керакми? Ёрдамнинг ўзигагина дунё муаммоларини ечишга етарли ҳисобланадими?

Бошланғич/ўрта, 20 дақиқа.

Яна бир кўриниш

Керакли бўлмаган шаклларни стол ўртасига қўйиш ўрнига, иштирокчилар уларни тўғридан-тўғри гуруҳнинг бошқа аъзоларига узатишлари мумкин. Бундан асосий мақсад иштирокчилар машқ ҳамкорликка асосланганлигини тезроқ англашлари учун эътиборларини эртароқ бир-бирларининг тўртбурчакларига қаратишдир.

Манба

Илк бор NEA журналида чоп этилган, АҚШ, 1989 йил октябрь.

ҲАМКОРЛИК ТЎРТБУРЧАКЛАРИНИНГ ЁШРОҚ БОЛАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН КЎРИНИШИ

Сюзан Фаунтэйн (Susan Fountain), Женева Халқаро мактаби ўқитувчиси

Қуйида ҳамкорлик тўртбурчаклари машғулотининг бир неча бошқа кўринишлари келтирилган.

Манба

Coover, V. et al., Resource Manual for a Living Revolution, Philadelphia, New Society Publishers, 1981.

Тинчлик музокаралари (Ҳамкорлик йўллари)


Материаллар

Тўғри бурчак ҳосил қилиш учун бирлаштирилган тўртта рангли қоғоз. Қоғозларнинг рангига тўғри келадиган тўртта фломастер.

Тартиб

Ўқувчилар тахминан бир хил катталиқда бўлган гуруҳлар тузиб, маълум бир вақт ўз Ташқи ишлар вазири ва Йўл қурувчисини танлаш билан овора бўладилар (унга фломастер берилади). Машғулотнинг мақсади ва қоидалари тушунтирилади. Ҳар бир гуруҳ бир мамлакатни ифода этиб, ўз тўртбурчагига эга. Ҳар бир мамлакатнинг мақсади ҳар бир мамлакат бошқа мамлакатлар ҳудудига элтувчи иложи борида кўпроқ йўлларни кўриш. Ҳар бир йўлни кўриш учун икки шарт мавжуд: 1 – қурилиш бошладан аввал йўл борадиган мамлакатдан рухсат олиниши керак; 2 – агар қурилиш давомида бошқа мамлакат йўлини кесиб ўтиш лозим бўлса, ҳар бир алоҳида ҳолатда рухсат олиниши керак.

Барча рухсат олиш учун олиб бориладиган музокаралар Ташқи ишлар вазири томонидан олиб борилади. Икки нарсага рухсат берилмайди: а) тўртта мамлакат умумий чегарага эга марказий қисмда йўл қуриш ва б) йўлларни бўлиб, икки йўл ҳосил қилишга имконият яратиш (1- ва 2- расмларни кўринг). Йўллар Йўл қурувчи томонидан фломастер билан бунёд этилади. Гуруҳнинг бошқа аъзоларининг вазифалари ҳақида ҳеч нарса айтилмаганлиги учун улар мамлакат фуқароси тўғри деб билган ҳаракатларни қиладилар. Мақсад ва қоидаларни икки мартаба такрорлаб, бошловчи саволларга жавоб беришдан бош тортади ва ундан кейин бўладиган воқеаларга аралашмайди.



Ички имкониятлар

Машғулот одатда жадал фаолиятни вужудга келтириб, ҳиссиётга берилиш кузатилади. Умумий муҳокамадан аввал кичик гуруҳларда муҳокама қилиш учун вақт бериш фойдали бўлиши мумкин. Бошловчи умумий кенгашни маълум бир гуруҳга бўлиб ўтган воқеаларга ўз шарҳларини беришни таклиф қилиш билан бошлаши мумкин. Қолган гуруҳлар ўз навбатида бўлиб ўтган воқеалар юзасидан қўшимча қилишлари мумкин. Фикрлар турлича бўлиши мумкин, бу эса тарихий воқеаларнинг қанчалик аниқлик билан қайд этилганлиги ҳақида муҳокамани бошлашга ёрдам беради. Агар кичкинагина гуруҳ иштирок этган бир воқеада бу қадар баҳс ҳосил бўлган бўлса, тарихий китобларда тасвирланган воқеаларнинг аниқлик эҳтимоли қандай? Аниқ деганда нима тушунилади? Муҳокама учун бошқа мавзулар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- **Рақобат, можаро ва ҳамкорлик.** Иштирокчилар нима учун бу каби машғулотда жуда фаол иштирок этганликлари ва нима учун улар ушбу машғулотга рақобат руҳида ёндашганликлари (одатда юз беради) ҳақида ўз фикрларини билдириш сўралади. Ҳамкорлик асосида давом эттириш йўллари бор эдими? Ҳис-туйғуга тўла рақобат маъносидаги жавоблар бўлиши ҳам мумкин. Қандай ҳаракатлар ишончсизлик ва можарога олиб келди? Ишонч йўқолганда уни тиклаш ва можароли вазият юзага келганда уни юмшатиш қанчалик қийин бўлди?
- **Вазифа ва муносабатлар.** Тўрт Ташқи ишлар вазирлари ва Йўл қурувчилари ўз вазифаси ва упар вакиллик қилган одамлар (яъни гуруҳнинг қолган қисми) билан бўлган муносабатлар ҳақида қандай тушунчага эга эдилар? Иштирокчилар ўз Ташқи ишлар вазирлари ва Йўл қурувчилари билан бўлган муносабатларга қандай қарадилар? Ташқи ишлар вазири ва Йўл қурувчи ўртасида келишмовчилик бўлди? Ўғил бола ва қиз болалар ушбу машғулот давомида ўзларини турлича тутдими? Қай

даражада вазифалар, муносабатлар ва зиддиятлар ҳозирги сиёсий дунёни ифода этади?

Демократия ва халқаро можаро. Ташқи ишлар вазирлари машғулот ва қарор қабул қилиш зарурияти ўртасида қолиб кетадилар. Улар бошқа Ташқи ишлар вазирлари билан музокара олиб боришлари уларнинг фуқаролари билан мулоқотга кириб, ўз фуқаролари ва Йўл қурувчининг фаолиятини кузатиши ва маслаҳат бериши керак. Бу барча вазифаларни самарали бажариш мумкинми? Қайси вазифани ҳар бир Ташқи ишлар вазири унутиб қўйди? Ташқи ишлар вазири бошқа вазирлар билан самарали музокара олиб бориб, уларнинг зўрлашига рози бўладиган бўлса, ўз фуқароларининг манфаатларини ифода этмайди, ўз фуқароларининг фикр ва қарашларини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, уларни инobatга оладиган Ташқи ишлар вазири бошқа вазирларнинг жаҳлини чиқаради деб умумлаштириш қанчалик тўғри ҳисобланади? Ташқи ишларни амалга оширадиган шахслардан ўз фуқароларининг хоҳишларини, айниқса можароли вазиятда, инobatга олишларини кутиш мумкинми? Давлатни турли томонлардан зўрлаш шароитида қанчалик унинг ҳаракатлари эҳтиёткорлик билан амалга оширилган режалаштириш оқибати сифатида кўрсатилмасин, реакцион бўлиши мумкинми?

Ўрта, 25 дақиқа.

Бошқа кўринишлар

Ёши каттароқ ўқувчиларга мамлакатларнинг стратегик сиёсати ва тамойиллари, миллий ғоя, иқтисод ва саноат тузилиши қисқача таърифини бериш турли қизиқарли натижалар бериши мумкин. Қоғозлар (мисолларни кўринг) Ташқи ишлар вазирларига ўз гуруҳларига кўрсатиш учун берилди ва бошқа гуруҳ аъзоларига кўрсатилмайди. Машғулотни бошлашдан аввал гуруҳларга қоғозлардаги маълумотларни муҳокама қилиш учун вақт берилди.

Мисол № 1	Мисол № 2
1. Сиз катта кучли мамлакатни намоян этиб, сизнингча “куч сиёсати” шароитида ўз кучингизни бошқа мамлакатларга доимий равишда кўрсатиб туриш керак.	2. Сизнинг мамлакатингиз халқаро ҳамкорлик даражалари оширилиши кераклигига ишонади, фуқароларингиз иштирок этишга асосланган демократия ва атроф-муҳитга нисбатан дўстона сиёсат тарафдоридир.
2. Сизнинг мамлакатингиз ўз кучини сизга иттифоқдош сифатида керак бўлган кичик мамлакатларни ҳимоя қилиш учун ишлатишни яхши кўради.	2. Сизнинг мамлакатингиз бозор иқтисодиёти ва доимий мулкий ва иқтисодий ўсишга ишонади. Сизда вакиллик демократия ҳукм суради (ҳар беш йилда сайловлар бўлиб ўтади). Иқтисодиётдаги муваффақиятсизликлар туфайли сизнинг мамлакатингизнинг ижтимоий фикр сўровномалардаги натижалари яхши эмас.
3. Сизнинг мамлакатингиз мустақил бўлишни хоҳлайди, лекин турли блоклар ўртасида бўлиб олинган дунёда буни амалга ошира олмаслигини тушунади. Сиз у ёки бу блокка аъзо бўлишингиз керак.	3. Сизнинг мамлакатингиз бир партиёга асосланган социалистик давлат бўлиб, узок сақланадиган тинчликка фақат социализмнинг халқаро даражадаги галабаси ва уйда умумийлик руҳини тарбиялаш орқали эришиш мумкин.
4. Сиз кичкина мамлакатсиз. Сиз учун маълум даражада мустақилликни сақлаб туришнинг энг яхши йўли кучли мамлакатларни сизнинг дўстлигингиз учун бир-бирлари билан рақобат қилдиришдир.	4. Сиз ҳали ишлатилмаган фойдали қазилмалар заҳираларига эга ривожланаётган мамлакат бўлиб, сиёсий ва иқтисодий ҳаётингиздаги хорижий аралашувдан хавотирдасиз.

Манба

Wolsk, D., An Experience-centered Curriculum, ЮНЕСКО Educational Studies and Documents, No. 17, 1975.
Вольскнинг (Wolsk) бу иши Lineham, T.E. and Ellis Long, B., The Road Game, Herder & Herder, 1970, асосида тайёрланган.

ТҮРТ ҚҮЛ ЛОЙДА

Материаллар

Ҳар икки иштирокчи учун 20 x 20 x 20 см ўлчовида пой тўлдирилган тўртбурчак қутилар. Лой шакллар ясаш учун етарли даражада юмшоқ бўлиши, ўта ҳўл бўлмаслиги керак. Ҳар жуфтлик учун стол ва стуллар ўқувчилар бир-бирларига қараб ўтиришлари учун мослаб қўйилади; стол ва стуллар шундай қўйиладики, улар орасида кўзлари юмилган ҳолатда ўқувчилар ҳаракатлана олсин. Кўзларни бойлаш учун материал (шарт эмас). Енгил дам олдирадиган мусиқа (шарт эмас).

Тартиб

Ўқувчилар синф деворлари буйлаб тик турадилар. Машғулот давомида ўқувчилар жуфтликларда ишлаб, лойдан бирор нарса ясашлари кераклиги тушунтирилади; шунингдек икки асосий қоидага амал қилганлар учун эса қоладиган тажриба бўлиши таъкидлаб ўтилади. Булар: машғулот кўзлар юмилган ҳолда бажарилади ва иштирокчилар ўзлари ким эканликларини кулиш ёки гаплашиш орқали билдириб қўймасликлари керак.

Ўқувчиларга бу машғулотда иштирок этиш мажбурий эмаслигини эслатиб ўтиш айтишга муҳим; лойдан турли шакллар ясашни истамаган ўқувчилар қузатувчи ва ахборот берувчи сифатида иштирок этишлари мумкин. Иштирок этишни истаганларга эса соат ва бошқа тақинчоқларни ечиб қўйиш ва енгини шимариб олиш маслаҳат берилади.

Кўзлари юмилган ҳолда, мулоқот ва кулгисиз ўқувчилар эҳтиёткорлик билан ўз стулларига олиб борилади. Ўтиргач, улар қўлларини бир жойга қўйиб, барча ўтиргунча тинчлик сақлаб ўтирадилар. Бу пайтда ва машғулот давомида енгил мусиқа қўйилиши мумкин. Бошловчи жуфтликлар яратиш давомида турли омилларни ёдда тутиши керак. Иштирокчилар тоқ бўлиб қолиши муаммосини уч кишилиқ гуруҳлар ташкил этиш орқали ечиш мумкин.

Барча иштирокчилар ўз жойига ўтириб бўлгач, бошловчи бирма-бир ҳар бир жуфтликка бориб, лойда уларнинг қўлларини бирлаштиради ва қуйидаги иборани айтади: “Лойда тўртта қўл билан биргаликда ишлаб, битта шакл ясанг”. Жуфтликлар одатда 15-20 дақиқа ичида ишларини битирадилар ва улар кўзларини очишлари мумкин. Ўқувчилар дарров қувонч билан ўз ҳиссиётларини шериклашишга киришиб кетадилар. Умумий муҳокамани бошлашдан аввал бу жараёнга 5 дақиқа вақт беринг.

Ички имкониятлар

Ўқувчилар одатда ўз ҳиссиётларини қолган иштирокчилар билан катта хоҳиш билан шериклашадилар. Улар ушбу машғулотни кўзлари юмилган ҳолда бажаришга қандай қарадилар? Улар бошловчига ишонч билдирдиларми? Ўқувчилар қандай шакл ясаш ҳақида қарор қабул қилишда, ясаш ва натижалар яхши ёки ёмон бўлганда қандай ҳиссиётларни бошларидан кечирдилар? Улар нотаниш шерикка, шеригини кўрмаслик ва эшитмасликка ва мусиқага нисбатан қандай ҳурсандчилик ва умидсизлик билдирдилар?

Ўз фикрлари ва қарашларини шериклашиш жараёнида, қуйидаги мавзулар келиб чиқиши мумкин:

• **Новербал мулоқот** – қандай шаклни ясаш ҳақида қарор қабул қилиш пайтида жуфтликлар мулоқот қилишдими? Қилишган бўлса, кейинчалик улар нима ҳақида мулоқот қилганликлари тўғрисида қандай фикр билдирдилар? Жуфтликлар ўз мулоқотларини аниқ тушундиларми?

• **Қарор қабул қилиш** – нима ясаш ҳақида қарор қандай қабул қилинди: у умумий қарор эдимиз; бирор иштирокчи ташаббускорлик қилдими; ташаббус кўрсатишнинг қайси кўринишлари ижобий қабул қилинди, қайсилари қабул қилинмади; иштирокчилар устунлик қилишга ҳаракат қилган ўқувчиларга нисбатан қандай муносабат билдирдилар?

• **Гендер масалалари** – кўпчилик уларнинг шериги ким эканлигини топишга ҳаракат қилдими; нима учун; шерик қиз бола ёки ўғил бола эканлиги муҳим эдимиз; иштирокчилар ўғил бола ёки қиз бола билан ишлаётганликларини аниқлашдими; улар қайси далиллар асосида ушбу қарорга келишди; далиллар мантиққа тўғри келадими?

• **Қўлларнинг-бир бирига тегиши** – иштирокчилар бир-бирларининг қўлларини ушлашда ўзларини қулай ҳис этдиларми; иштирокчилар ўз шериклари қиз бола ёки ўғил бола эканлигини ҳаёлларида аниқлагандан кейин, ўзларини ноқулай ҳис эта бошладиларми? (Бу қисм бир-бири билан кўп жисмоний алоқада бўладиган ва бўлмайдиган маданиятлар ҳақида муҳоама бошлаш учун қулай ҳисобланади.)

Агар иштирокчилар рози бўлса, ушбу машғулотни видеога тушуриш жуда фойдали бўлиши мумкин. Уни кейинчалик иштирокчиларга қисм-қисм қилиб кўрсатиш кучли ҳиссиётларни туғдириб, юқорида ўртага қўйилган масалаларни чуқурроқ кўриб чиқишга ёрдам беради.

Бошланғич/ўрта, 30 дақиқа

РОЛЛИ ҲЙИНЛАР УСУЛЛАРИ

Турли кўникмаларни ривожлантириш ва таъкидлаш учун ролли Ҳйинлар жараёнига бир қанча усулларни тадбиқ этиш мумкин. Бу нарса бошловчидан ролли Ҳйинларни бошқариш давомида эпчилликни, ўқувчилар эҳтиёжлари ва қийинчиликларига тез жавоб қайтаришни талаб этади. Қуйида баъзи мисоллар келтирилган:

Ролларни алмашиш

Ўқувчилар жуфтликлар ёки кичкина гуруҳларда ишлаб, турли белгиланган (кўп ҳолларда бир-бирига ўта қарама-қарши) ролларни маълум вақт давомида бажарадилар. Вақт тугагач, иштирокчилар муҳокамасиз ролларни алмашиб, қарама-қарши фикрни ифода этишлари керак. Сўнг муҳокама жараёнида ўқувчилардан икки роль ҳақида қандай фикрда эканликларини, қандай альтернатив ечимлар ёки янги қарашлар топилганини, қайси ролларда ва нима учун ўзларини қулайроқ ҳис этганликларини аниқлаш мумкин. Ушбу машғулот муаммоли ёки можароли масалаларни кўриб чиқиш учун айниқса фойдали усул ҳисобланади.

Музла

Ролли ўйин давомида бошловчи иштирокчиларга "музла" деб кўрсатма беради. Ўқувчилар ҳаракатланишни тўхтатадилар, лекин ўз ролларида қоладилар. Бу пайтда ўқитувчи интервью олувчи сифатида саволлар сўраши мумкин. Сиз ҳозир қандай ҳис-туйғуларни бошингиздан кечирмоқдасиз? Шеригингизнинг ҳис-туйғулари қандай деб ўйлайсиз? Сиз ўз шеригингиз гапларини эшитиб тушундингизми? Саволларни ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ёки гуруҳларда муҳокама қилиш мумкин. Ўқувчилар озгина вақт давомида машғулотни бажаргандан сўнг улар яна "музлайдилар" ва кўпроқ саволлар берилади. Машғулотни тўхтатиш ва ўз фикрини билдириш бажарилаётган машғулотнинг келишувга ва ечимга олиб борадиган ноаниқ, яширинча ҳаракатларни кўрсатишга ёрдам беради.

Иккинчи мен

Ушбу ролли ўйинда ҳар бир иштирокчи "иккинчи мен"га эга бўлади. "Иккинчи мен"нинг асосий вазифаси иштирокчи ифода этмаётган, лекин ҳақиқатдан ҳам бошидан кечираётган фикрни айтиш. Масалан:

A Кеча бўлиб ўтган теледастур ҳақида фикрини қандай?

(A {иккинчи мен}: менимча у жуда ёмон бўлди.)

B Ох, менимча у ёмон эмас эди.

(B {иккинчи мен}: У теледастур ҳақида яхши фикрдами, ёмон фикрдами?)

A Менимча телудастур озгина бемаъни эди.

(A У теледастурни ҳақиқатдан ҳам ёқтирдими ёки ёқтирдими?)

B Ха, лекин менимча баъзи роллар яхши ўйнаб берилди.

(B Тўғриси айтсам, менга ҳикоя бутунлай ёқди.)

Ролли ўйиндан кейин иштирокчилар "иккинчи мен" берган жавобларнинг аниқлиги ва инсонлар ўртасидаги ҳар кунги мулоқот давомида бундай сирли фикрлар ўрнини муҳокама этадилар.

Яна бир кўриниш

Ҳар бир иштирокчи бир-бирига қарама-қарши фикрларга эга "иккинчи мен" га эга бўлиши мумкин.

Тез қарор қабул қилиш

Жуфтликлар ёки кичкина гуруҳларда ишлаётган ўқувчиларга роллар ёки вазиятнинг қисқача таърифи берилади. Ўз ролларида уларга муаммо ёки можаронинг ечимини топиш учун қисқа муддат берилади (бир ёки икки дақиқа). Вақт тугагач, ечимлар бутун гуруҳга эшиттирилади; сўнг иштирокчилар чегараланган вақт давомида ўзларини қандай ҳис этганликлари ва қарорга келиш учун қандай усуллардан фойдаланганликлари муҳокама этилади.

ШАХСЛАР АЛМАШИНУВИ

Ушбу машғулотда ўқувчи ўзига яхши таниш бўлган инсоннинг ролини бажаради. Жуфтликларда ишлаб, иштирокчилар бир-бирларининг ҳаракатлари, гапириш, ёзиш ва юриш одатларини ўрганадилар. Кейин иштирокчилар келишилган муддат давомида ролларни алмашиб, машғулотни давом эттирадилар. Жисмоний ҳусусиятларни ўхшатиш билан бирга иштирокчилар бир-бирларининг қадриятлари, қарашлари ва орзу-умидларига мос келадиган йўсинда ўзларини тутишлари керак. Ролли ўйиндан кейин иштирокчилар ўз шериклари ёки ўзлари ҳақида нималарни ўрганганликларини муҳокама қиладилар. Бу машғулот муваффақиятли бўлиши учун гуруҳ бир-бири билан жуда яхши таниш бўлиши керак; иштирокчилар ўз шерикларини калака қилишдан ўзларини тийишса, бир-бирларига нисбатан юқори даражадаги ғамхўрликни юзага келтиришлари мумкин.

Ролдан чиқиш усуллари

Ролли ўйин тугагач, айниқса узоқ давом этувчи ўйинлар, муҳокама ва фикр алмашиш қисмини бошлаш учун ўқувчилар жисмоний ва руҳий жиҳатдан олган ролларидан холис бўлишни хоҳлашлари мумкин. Қуйида келтирилган содда усуллар ишлатилиши мумкин:

- оғзаки холис бўлиш – ушлаб турган ички ҳиссиётларни қаттиқ бақариб ифода этиш;
- жисмоний холис бўлиш – сакраш, югуриш, рақсга тушиш;
- ҳиссий холис бўлиш – бошқа иштирокчиларни нисбатан қучоқлаш ёки бошқа жисмоний ҳаракатлар билан яқинлашиш;
- манзарани ўзгартириш – ташқарига ёки бошқа хонага ўтиш.

Қўшимча сифатида 5-қисмда кўрсатилган суръатни ўзгартирувчи машғулотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Манбалар

Шахслар алмашинуви ўйини қуйидаги манбадан олинган: Donna Brandes and Paul Ginnis, A Guide to Student-centered Learning; қолганлари турли манбалардан олинган.

РОЛЛИ ҲИЙН ВАЗИЯТЛАРИ

“Ролли Ҳийнларга юзаки муаммоларни ечишга қаратилган таълим (интервью усуллари, кўникмаларни ривожлантириш, ижтимоий кўникмалар, иш ва бошқалар) сифатида қаралса ҳам, мен улар туғри йуналтирилса, анча чуқур ҳисобланган таълим вазиятларини яратишига ишонаман. Ролни ижро этиш (бошқа бировдек ўзини тутиш) ва ўша ролга ўта кириб кетиб, иштирокчини ҳақиқий жавобларни беришга ундаш ўртасидаги чегара жуда ҳам кичкина...” (John Carey, “Peace education through drama – a personal approach”, World Studies Journal, Vol. 3, No. 3, Spring, 1982, p. 21. дан олинган). Қарор қабул қилиш ва муаммоларни ечиш кўникмаларини ривожлантиришда самарали восита бўлиш билан бирга ролли Ҳийнлар ўқувчиларга ўзларини яхшироқ тушунишга, можаро, ҳуқуқпарнинг поймол этилиши, камситиш ва олдиндан салбий фикрга эга бўлиш каби глобал масалаларни муҳокама қилишга имконият яратади. Глобал ўқув дастурига мос келадиган гуруҳ ёки жуфтликлар бўлиб ижро этиш мумкин бўлган ролли Ҳийнлар кўлами жуда ҳам кенг. Қуйида бир неча маслаҳатлар келтирилган:

1. Ўқувчи - Ўқувчи

Безори. Коридорда бир ўқувчи бошқа ўқувчининг кўлидан китобларни уриб туширади. Кейин безори китобларни оёқлари билан босиб, кулади.

Ҳақорат. Бир ўқувчи мактабга эски кийимда келади. Бошқа бир ўқувчи уни доимий равишда унинг кийими юзасидан ҳақорат қилади.

Ирқий камситиш. Уч ўқувчи бир Ҳийинни Ҳйнашмоқда. Бошқа бир қора танли ўқувчи ҳам улар билан Ҳйнаш истагини билдиради. Уч ўқувчидан бири қуйидагича жавоб беради: “Йўқ, биз қора танлилар билан Ҳйнашни хоҳламаймиз”. Сиз ушбу жавобга қаршилиқ билдирасиз.

Кўшмаслик. Икки ўқувчи Ҳийин Ҳйнамоқда. Учунчи ўқувчи қўшилишни сўрайди; биринчи ўқувчи уни ёмон кўради, шунинг учун йўқ дейди. Иккинчи ўқувчи иккиланиб туради.

Алдаш. Танаффус пайтида икки ўқувчи шахмат Ҳйнамоқда. Биринчи ўқувчи шеригини алдаганликда айблаб, Ҳийинни давом эттиришдан бош тортмоқда.

Ватанига қайтариш. Коридорда синфингиздаги бир ўқувчи сизга Миллий Фронт варақаларини узатиб, “қора танлиларни ватанига қайтариш тўғрисида илтимоснома” га қўл қўйишингизни сўрайди. Сиз ўзингизни ҳақоратланган ҳисоблайсиз.

2. Ўқувчи - Ўқитувчи

Ҳерилик. Ўқитувчининг сумкасидан пул ўғирланган бўлади. Бир ўқувчидан гумон бор, лекин ҳақиқий далиллар йўқ.

Бўйсунмаслик. Ўқитувчи бир ўқувчига кетишдан олдин ўз жойини тозалаб кетишни тайинлайди. У бош тартади. Яна бир бор айтилганда, у ўқитувчини ҳақорат қилади.

Камситиш. Қиз бола ўқувчи футбол бўйича машқларга қўшилиш истагини билдиради. Жисмоний тарбия ўқитувчиси “футбол фақат ўғил болалар учун” деган фикр асосида унга рад жавобини беради.

Кеч қолиш. Ҳафта давомида уч кундан бери ўқувчи синфга ўн дақиқа кеч кириб келади. Ўқитувчи эндигина қолган ўқувчиларга кўрсатмалар беришни яқунлади.

Кўрқитиш. Аёл ўқитувчи 15 ёшли ўқувчи болага унинг доимий равишда қулоқ солмаганлиги учун директорга билдиришнома беришини айтади. Ўқувчи ўқитувчисини дарсдан кейин ёмонлик қилиш билан кўрқитади.

Ҳуқуқлар. Ўқитувчи ўқувчига синфда қўполлик қилгани учун 100 қатор ёзишни топширади. Ўқувчи ушбу жазо БМТ нинг Инсон ҳуқуқлари декларациясининг 5-моддаси, яъни инсонни камситувчи жазодан озодлик моддасига зидлигини асос қилиб, буйсунишни истамайди.

3. Катталар можароси

Шовқин. Икки коллеж ўқувчиси битта хонада туришади. Биттаси янги рок кассетасини эшитмоқчи, иккинчиси имтиҳонларга тайёрланмоқчи.

Кўчада безорилик қилиш. Сиз уйга қайтаётган ёш қиз. Акангизнинг сизга ёқмайдиган ўртоғи сизга қўшилади; сиз кўчанинг нариги томонида ўтасиз; у ҳам худди шундай қилади.

Театр. Сиз дўстингиз билан соат 8:00 да бошланадиган томошага бориш учун 7:45 учрашишга келишиб оласиз; билетлар дўстингизда. Дўстингиз соат 8:10 да келади, шунинг учун иккинчи акт бошланмагунча ичкарига кира олмайсиз.

Метро. Сиз метрода тўртта йигитнинг битта катта ёшли одамни безовта қилаётганини кўрасиз. Улар қарияни калака қиладилар, жигига тегиб, уни қаттиқ турта бошлайдилар.

4 Ота-она - Бола

Ёлғизлик истаги. Она кир ювиш пайтида боланинг чўнтагидан сигарета топиб олади. Она боласининг чекишини маъқулламайди. Бола ҳозиргина уйга келди.

Оила учрашуви. Оила уйдаги ишларни бўлиб олишга ҳаракат қилмоқда. Одатда уй ишларини онанинг ўзи қилади, ҳеч ким унга ёрдам бермаганлиги учун жаҳли чиқади. У оила аъзоларига ёрдам ҳақида доимо таъкидлашни ёмон кўради.

Масъулият. 13 ёшли қиз озгина ишлаш мақсадида ҳафтанинг икки оқшоми давомида кичкина болага қараш ишини қилмоқчи бўлади. Унинг ота-онаси қиз бу каби ишни қилиш учун ёш эканлигини таъкидлайди.

Мустақиллик. 15 ёшли қиз ўз йигити билан тоққа сайр қилгани чиқмоқчи. Қизнинг ота-онаси йигитни яхши танимайди. Ота-она хавотирда эканлигини билдиради; қиз рухсат билан ёки рухсатсиз барибир боришини айтади.

ҲУҚУҚ БУЙИЧА РОЛЛИ ҲИЙИНЛАР

Материаллар

Синфдаги столлар жуфтликлар бўлиб ишлайдиган ўқувчилар бир-бирларига қараб ўтиришлари учун қуйилади.

Тартиб

Жуфтликлардаги ҳар бир ўқувчи А ёки Б бўлишни танлайди. Уларнинг ҳар бирига ҳуқуқлар бўйича ролли варақлар берилади (мисолларни кўринг). Шундан кейин улар варақда кўрсатилган масала атрофидаги ҳуқуқлар келишмовчилигини муҳокама қилишлари керак. Вақти-вақти билан ўқитувчи ўқувчиларга жой ва ролларни алмашиб, шериги тўхтаган жойдан давом эттиришни сўраши мумкин. Ўқитувчи шунингдек ўқувчиларни "музлатиб" қўйиши мумкин. Баъзи ўқувчиларни елкасига тегиш орқали уни ҳаётга қайтариши ва муҳокама қилинаётган масала юзасидан саволлар бериши мумкин. Шерик ҳам ўз навбатида "ҳаётга қайтарилиб", интервью қилиниши мумкин. Бир ўйин давомида ўқувчилар камида икки сценарийда иштирок этиши учун бир пайтнинг ўзида икки тўплам варақларни ишлатиш тавсия этилади.

А Тушлик танаффуси давомида сиз синфга қайтиб, эрталаб бошлаган дастурни битириб қўйишга қарор қиласиз. Дўстингиз келиб, мактаб жамоасининг (сиз жамоа аъзосисиз) яқин орада бошланадиган футбол машғулоти ҳақида эслатади.

Б Сиз мактаб футбол жамоасининг аъзосисиз. Тушлик танаффуси давомида машғулотингиз бошланиши керак. Сиз дўстингиз йўқлигини сезасиз; синфга қайтганда сиз уни бир дастур устида иш жараёнида учратасиз.

А. Сиз опангиз (синглингиз)/акангиз (укангиз) билан бир ётоқхонада турасиз. Бир кеча сиз шу хонада уй вазифангизни тугатишга уринаётган пайтда опангиз (синглингиз)/акангиз (укангиз) кириб келади; у мусиқа эшитгиси келади.

Б. Сиз опангиз (синглингиз)/акангиз (укангиз) билан бир ётоқхонада турасиз. Бир кеча сиз эндигина сотиб олганингиз ва жуда ҳам эшитганингиз келаётган тасма билан уйга қайтасиз. Хонангизга тўғри кирасиз ва опангиз (синглингиз)/акангиз (укангиз)ни дарс қилаётган пайтда учратасиз.

Имконият

Бу талаб қилинган ҳуқуқлар тўғри келмай қолган пайтдаги қийинчиликлар маълум қилинишининг завқли бир йўлидир. Бу яна ўқувчиларга пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқлараро можароларни ҳал қилишда амалиёт сифатида берилиши мумкин. Турли ва ҳар томонлама фикрлаш қобилияти бу хил машқларда жуда фойдали! "Ўзаро ҳуқуқларингиздаги келишмовчиликлар табиати қандай эди?", "Қайси талаб қилинган ҳуқуқлар, сизнинг назарингизда, муҳимроқ эди ва нима учун?", "Келишмовчиликларингиздан қутулишнинг бирор йўлини топдингизми?" каби саволлар баҳсларга фойдали туртки бўлиши мумкин.

Оддий/Ўрта, 30 дақиқа.

Манба

Глобал таълим маркази

ТРОПИК ЎРМОН ФАНТАЗИЯСИ

Лойиқ: Юқори оддий/ ўрта

Вақт: 40 дақиқа

Жиҳозлар: Синфда очик, иложи борича гиламли жой; бўёқлар, мўйқаламлар, сув ва ҳар бир ўқувчига биттадан қоғоз.

Тартиби

Ўқувчилардан ўтириб ёки гиламда ётиб ўзларини бўш қўйишлари ва кўзларини юмишлари сўралади. Ёрдамчи шунда қуйидаги матнни маълум оралиқларда тўхтаб, секин овозда ўқиб, ўқувчилар ўзларини бўш тутишларига кўмаклашади:

Ўзингизни иложи борича қулай ва бўш тутинг...Бир лаҳза ташқаридан...ичкарида эшитилаётган товушларга қулоқ тутинг...Қандай ўтирганингиз ёки ётганингизга эътибор беринг...Шунчаки ўзингизни бўш қўйинг...токи бу ҳиссиёт бутун танангиз бўйлаб ёйилсин... Оёқ панжаларингизни ҳис этинг... Уларни уқаланг...бўш қўйинг... уқаланг... бўш қўйинг. Бўшашиш товонларингиз, орқа қисмини, тиззаларингиз, сонингизга ёйилсин... Қорнингиз, кўкрагингиз, бўйнингиз, томоанингиз ва қўлларингизга ёйилсин... Қўлларингизни яхшилаб сиқинг... улар ҳам бўшашиш... уларни уқаланг...токи бўшашиш...Юз мускулларингиз бўшашишига йўл қўйинг.

ТРОПИК ЎРМОНДА

Сиз ўзингизни ўрмон ўртасида топасиз. ғира-ширада эҳтиёткорлик билан атрофга боқасиз. Кўзларингиз дарахтнинг хилча танасидан юқорига ингичка ёруғлик нурлари кўринадиган зич яшил ишкомга тушади. Дарахтни худди бўғиб олгандек, пастидан тепасигача пўстлогига арқонсифат шох-шаббалар ўрмалашиб кетган. Шох-шаббалар бўйлаб ер томон кетаркансиз, ўрмон сарҳадининг қутилмаган даражада сийрак эканлигини кўрасиз. Оз сонли ўсимлик ёки гуллар оёқларингиз остидан қалин бўлиб ўсиб чиққан бўлса-да, кўп дарахтларнинг пўкаксимон илдизлари ердан улкан ёғоч илон сингари қаққайиб туради. Баъзи дарахтлар, худди қулаб тушиш ҳавфи бор жуда эски биноларга ўхшаб, таналаридан ўсиб чиққан йўғон тиргакларга суюниб тургандек туюлади. Яшил сув ўтлари юмалоқ танали ва қалин, мум баргли ғаройиб ўсимликлар чиқадиган юмшоқ яшил бахмал ёпинчигедаги барча нарсани ўраб олган. Оёқларингиз атрофида эса ғаройиб кўзиқоринга ўхшаш замбуруғлар турли шакл ва рангларда ўсиб чиққан.

У ерда ўзингизни баҳайбат дарахтлар остида жуда кичик ҳис қилиб турар экансиз, ўрмон сокин эканлигидан воқиф бўласиз. Бу худди кимсасиз жойдаги каби бир оз ғалати ва кўрқинчли. Кейин аста-секин баъзи товушлар: яқин атрофдаги дарахтлар илдизларини титкилаб юрган ёввойи чўчка хуриллаши; устингиздан учиб ўтаётган бир жуфт кўк ва сариқ тўтиқушларнинг чийиллаши; анжир дарахти шохларининг юқорисидаги маймун галасининг қий-чув ўйнашлари; ва узоқдан қулаб ўрмон саҳнига қулаб тушган улкан дарахт товушини эшитасиз.


Сиз яна авваллари ҳеч ҳам кўрмаган ҳашаротларнинг тўхтовсиз фаолиятини ҳам билиб оласиз. Баъзилари – капалаклар, кўнғизлар, чумолилар – сизга таниш, лекин уларнинг катталиклари ҳайратанарли. Сиз худди *Алиса ғаройиботлар ўлкасида* қуён инига тушиб кетганига ўхшаб, бир оз ўзингизни кичрайиб қолгандек ҳис қиласиз. Яқиндаги гулда турган мовий рангли капалак ҳар бир кафтингиздек келадиغان қанотларини очади. Бурама шохлардан ўрмалаётган мингоёқнинг катталиги оёғингиздек бўлса керак; бошингиз юқорисидаги дарахт пўстлогига ёлишиб олган улкан шиллиқ курт эса ўзининг ҳайбатли чиғаноғи оғирлиги остида сиқилиб қолиш ҳавфи остида тургандек туюлади. Ҳар бири ўзининг тана ўлчамидан бир неча бор каттароқ йирик барг ёки поя парчасини ташиб кетаётган баргхўр чумолиларнинг чексиз ингичка қатори сизнинг эътиборингизни тартади.

Ўзингизни жасурроқ ҳис этиб, узун шохлар остидан эмаклаб ва оёқни қайилтирувчи илдизларни босиб олиб, олдинга эҳтиёткорлик билан ҳаракатланасиз. Юрар экансиз, кўйпагингиз танангизга ёпишиб, бошингиз иссиқ, нам ҳаводан оғрий бошлайди. Гоҳ-гоҳида

номаълум ўсимлик тароватини сочаётган бўлса-да, ҳамма еқда зах ва ер ҳиди. Бирдан йирик томчилар бошингизга тушади. Юқорига қараб, тропик ўрмон бўрони остида қолиб кетганлигингизни англайсиз, лекин бир-икки тешигигина бор юқорингиздаги дарахт шохларидан ҳосил бўлган яшил ишком гўё улкан соябондек. Дарахт пўстлогига урилаётган томчилар сизишини кузатар экансиз, бутун ўрмонда ҳаёт қайнаётгандек туюлади. Авваллари ҳеч кўрмаган ҳашаротларингиз дарахтдаги уйларидан ғимирлаб чиқадилар, чумолихўрлар эса ўзларининг узун ёпишқоқ тиллари билан егулик излаб, бир-бирлари билан ёқалашиб санғийдилар. Парвона, капалак ва қушларнинг ажойиб тўплами бошингиз узра ранг-тароватларини намойиш этадилар. Юқорида эса ваҳимачи маймунлар ҳиринглаб, майналар сайрайди.

Кейин ғаройиб нарса бўлади. Сиз ўзингизни ердан узилгандек ҳис етасиз. Сиз юқорига, яшил ишком томон сузиб борасиз. Чигаллашиб кетган шохлар тугуни оралаб чакқонлик билан ўтасиз, пастга қараб буталар оралаб писиб келаётган қоплоннинг шарпасига кўзингиз тушади. Ўнг тарафингиздан пастда кичик майсазорда ола кийик болаларини тўйдиряпти. Сиз оҳиста юқорилар экансиз, тобора кўпроқ ёруғлик тушади ва ўзингизни дарахтнинг қуйи шохлари орасида топасиз. Бу жой ердан анча баландлиги сабабли бутунлай ўзгача дунё. Сиз олмахон, сичқонларнинг ғаройиб акробатик ҳаракатларини ва маймунларнинг дарахтдан дарахтга сакраб учишларини кузатасиз; илон, қалтакесак ва қурбақалар; яшил сув ўтлари юнгида ўсиб ётганидан сезилмайдиган ғалати уч панжали кўршапалаклар жимгина пастга осилиб ётган пайтда шохлар бўйлаб билинтирмай ўрмалаб юргандек туюлади.

Ҳозир шу қалин яшил ишкомнинг ичидасиз. Катта ёйилган шохлар пушти ва сиёҳранг гуллар куртаги билан тугайди; шунда ҳам дарахтга чирмашар экан, энг узун шохлар катта пуфакгуллар ва оч сариқ гулсафсарлар билан бўш жой ва қуёш нури учун курашадилар. Рангларнинг гавҳар товланмасини жаннат қушлари ва узунтумшукнинг катта олов ранг тумшуғи таъминлайди. Маймунлар қий-чув қилар эканлар, ишком узра парвоз қилаётган маймунхўр бургутни ҳар доимгидан ҳам эътиборли кўзларидан қочирмайдилар. Ёмғирли булутлар тарқаб кетгач, бошингизда қуёш илиғлигини ҳис етасиз ва қуюқ кўк осмонга кириб қоласиз. Юқорида кўтарилар экансиз, ўрмоннинг буюк уммони остингизда тўшалиб ётади. Сиз дарахтлар орасидан ярқираб кўринадиган дарё чизиқларини пайқайсиз; бу ердан кўринадиган очиқликдаги тутун сизга кўчманчи одамлар қаерда яшаб, деҳқончилик қилаётганини кўрсатади. Узоқ уфқдаги қуюқ тутуннинг кўрқинчли булутлари тропик ўрмон ҳикоясининг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилади.



10.1-расм
Шакллар ва қийматлар чизмаси

Ўзингизни сиз яхши биладиган бирор ерда тасаввур қилинг, шунчаки бундан хабардор бўлинг, эътибор қилинг, унинг сизга ёқадиган ва ёқмайдиган жиҳатларига эътибор беринг. Бошқа бир ўзингиз жуда бўлишни хоҳлайдиган жойни ўйланг. Уй ёки мактаб, илиқ пляж, тоғ чўққиси, қаер бўлса ҳам сиз ёқтирадиган жойни, ўзингиз биладиган бирор қишлоқ ёки шаҳарни, жамоат транспорти, бинолар, дўконлар, завод мўриларини бир ёки икки дақиқа эсланг ва ҳаёлингизда мамлақатимизнинг ва дунёнинг турли жойларини кезиб чиқинг...

Энди ўзингизни ер юзидан кўтарилаётгандек тасаввур қилинг. Ер юзидан самолётда ёки бошқа бирон йўл билан учиб кетиш, ундаги кўп нарсаларни кўриш, йўллар, автомобиллар, шаҳарлар, қишлоқлар ва далаларнинг борган сари кичраётганини кўриб, тасаввурингизда то ҳеч нимани фарқламагунча, ердан узоклашишда давом этасиз. Сиз денгизни, булутларни, ерни, ер рангларини кўра оласиз ва тасаввурингизда токи бутун нигоҳингизни қитъа ва океанлар эгалловчи катта шар каби кўрингунича давом эттирасиз. Яна дундан узоклашишда давом этаркансиз, дунё, шар кичрайиб боради ва сизга сайёрамиз бизга таниш бўлган, фазогирлар жуда кўп кўрган, фазодан кузатганимиз туфайли жуда чиройли кўк ва яшил, жигар ранг ва оқ глобус каби кўрина бошлайди. Шунчаки ана шу кўк, яшил, жигар ранг, оқ сайёра...ўз уйимизни кўриб завқланинг.

Энди тасаввурингизда секин-аста сайёрамизга қайтишни бошланг...у катталашади...сиз яна унинг фақат умумий чизиқларини эмас, балки қитъалар ва оролларни кўра бошлайсиз, янада яқинроқ келсангиз, у қандайдир ўзгариб қолганини пайқай бошлайсиз...у ўзгарган...худди аввалгидек эмас...у айни бир хил кўринади...лекин ундай эмаслигини ҳис этасиз. Яқинроқ келар экансиз, кўпроқ нарсаларни - тоғлар, тепаликлар, чўллар, қишлоқлар, шаҳарларни кўра бошлайсиз...улар қандай ўзгарганини сезасиз, бу қандайдир истагингиздан, тасаввурингиздан сиз ўзингизга яшашни доим орзу қиладиган сайёра ва дунёдан бошқа ер бўлиб қолган. Сиз доим болаларингиз, невараларингиз яшашга муяссар бўлсин деб умид қиладиган ер ва дунё. Орзу-умидларингиз дунёси...

Шундай қилиб, бир таниш, айни пайтда бошқача жойга, ер юзига қайтасиз. Унинг қандай ўзгарганига, фарқли жойларига, ўхшаш ва таниш нарсаларга эътибор беринг ва ер сайёрасини текшира бошланг. Кетишингиздан аввал ҳаёлан борган жойларингизга қайтинг. Уларни қандай фарқ қилиши, қандай ўзгарганлигига эътибор беринг.

Ва мен сиздан қоғоз олиб, рангли қалам билан, санъат асари даражасида бўлмаса ҳам, умид ва орзуларингиз заминини тасвирлаб беришингизни илтимос қиламан. Чизиш ёки бирор мавҳум тасвир билан биз яшашни умид қиладиган бу дунёнинг бирор нарсасини тасвирлашга ҳаракат қилинг. Илтимос, буни гаплашмай бажаришга ҳаракат қилинг...

10-15 дақиқа вақт чизишга берилади. Баъзи сокин мусиқалардан, масалан Жан Мишел Жарренинг *Оксюжен*, Клиффорд Вайтнинг *Эсенши*дан фойдаланиш фойдали бўлиши мумкин.

Агар дарс шу пайтда тугаши керак бўлса, расмларга исмлар ёзиб, йиғиштириб олинади.

САВДО ҲИСОБИ

Мақсад: Керакли ресурсларнинг нотенг тақсимотининг савдо имкониятларига таъсири ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Баҳо категорияси: 7-12

Вақт: 60 дақиқа.

Жиҳозлар: Шакллар ва қийматларни кўрсатувчи чизмалар (10.1-расм), ресурс нархларини кўрсатувчи чизма (10.2-расм), тоза қоғоз, қалам, қайчи, чизғич, компас, қоғоз майдаларидан рақамлаб 5 талик ва 10 талик қилиб ясалган "валюта"лар.

Қоғоз, бир варақдан	5
Қайчи, биттадан	15
Чизғичлар, ҳар бирига	25
Компаслар, ҳар бирига	50

10.2-расм
Ресурс нархлари жадвали

Тартиби.

Ўқувчилар киришидан аввал синф куйидагича жиҳозланган. Ҳар тўрт ўқувчига биттадан тарта синфнинг ўртасига жойлаштирилган, унга ўқитувчи "ҳом ашё"ларни турли миқдорда қўйиб чиқади. Масалан, 1-тартада икки варақ қоғоз ва бешта валюта бирлиги; 2-тартада тўрт варақ қоғоз, қайчи ва ўнта валюта бирлиги; 3-тартада икки варақ қоғоз, қайчи, чизғич ва йигирмата валюта бирлиги; 4-тартада бир варақ қоғоз, иккита қайчи, иккита компас ва элликта валюта бирлиги; 5-тартада олти варақ қоғоз, иккита қайчи, иккита компас, чизғич, ва саксонта валюта бирлиги; ва 6-тартада олти варақ қоғоз, иккита қайчи, учта чизғич ва юзта валюта бирлиги бўлиши мумкин. Миқдорлар ресурслар борлигига кўра ўзгариши мумкин. Парталаро нотенг тақсимот муҳимдир. Қўшимча ресурсларнинг чекланган таълимоти (ўқитувчи бошқарадиган) "банк"да ўзгармас нарҳдаги харидларга сақланиши лозим (10.2-расмга қаранг). Ҳар икки чизма (10.1 ва 10.2 расмлар) ҳар бир тартадан кўринадиган қилиб, синф олдида кўрсатилади.

Ўқувчилар синфга кирганларида тўрттадан гуруҳларга бўлинишлари сўралади ва улар парталарга жойлаштирилади. Ўқитувчи кейин уларга вазифалари 10.1-расмдаги ихтиёрий шаклни ясаш ва шу шакл валюта қийматига кўра банк билан айирбошлаш эканлигини айтади. Шакллар ўлчамлари худди расмда кўрсатилгандагидек қилиб ясаши керак ва банкир (яъни ўқитувчи)нинг ноаниқ ўлчамли ихтиёрий шаклни сотиб олишдан бош тортишга ҳаққи бор. Қўшимча ресурслар банкдан 10.2-расмда кўрсатилган миқдорга сотиб олиниши мумкин; қатнашаётган гуруҳлар гомонидан белгиланган шартлар асосида гуруҳларо ресурслар савдо-сотиғи ҳам йўлга қўйилиши мумкин. Ўқитувчи то маълум вақтгача ёки бор ресурслар ишлатиб бўлингунга қадар ўйиннинг ҳалақитсиз давом эттирилишига руҳсат бериши лозим. Охирида гуруҳлар валюталарни қисоблайдилар ва ғолиблар эълон қилинади. Баҳс давом эттирилади.

Имконият.

Бу машғулот энг кам ресурсли гуруҳлар орасидаги кучли адолатсизлик ҳиссини уйғотиши тайин, чунки нотенг тақсимотнинг ошиб борувчи таъсири равшан бўлиб қолади. Бу ҳиссий энергия ўқувчилар ҳиссиётларига кўпроқ эътибор бериб, маълумот олиш бошида босилиши мумкин. ғолиблар ва мағлублар ишлатган сўзлар доскага ёзиб қўйилиши мумкин.

Ҳиссиётлар текшириб бўлинганидан кейин ўқувчилардан бу машғулот ўзлари биладиган бирор вазиятнинг ҳаётий кўриниши эканлиги ёки эмаслиги устида тўхталишлари сўралади. Уларнинг ўз жамиятларидан мисоллар келтиришлари тайин;



РАСМ: САВДО ҲИСОБИ

бойликнинг глобал тақсимотида доир статистик маълумот ва кўп миллатли корпорациялар қилаётган ишлари шу босқичда айтиб ўтилиши мумкин. Ўқувчилардан қандай қилиб бу машғулотдаги савдо тизими адолатлироқ қилиниши мумкинлиги ва дунёда қандай ўхшашликлар бўлиши мумкинлиги ҳақида бош қотиришлари сўралади. "Очиқ савдо" битимининг Шимолий Америка халқлари ёки Европадаги ҳар икки кучли ва унча кучли бўлмаган аъзо давлатлар учун яхши ва ёмон томонлари нимада? Тўғри ва адолатли савдо тизимини яратишда харидор шахслар қандай роль ўйнаши мумкин?

Манба

Крисчн Эйд, "Савдо ўйини", Лондон: Муаллиф, 1980 га асосланган.

МУЛОҲАЗАЛАР ВА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Глобал шифохонада очиқ мулоқот, ҳамкорлик, музокара ва кундаланг (вертикалга қарши) муносабатларга урғу берилган ҳолда, ўқувчилар фан ҳақидаги ҳиссиётлари, ниятлари ва нима қутаётганлари ҳақида ўқитувчиларга маълумот бера

олишлари учун усулларнинг амалдалиги ва тузилмаси муҳимдир. Яна фан ҳақидаги мулоҳазаларнинг давомий ва ҳамкорликда (ўқитувчи ва ўқувчи ҳулқи таҳлили билан бирга)лиги ҳам аътиборлидир. Ундан ташқари, ўқувчиларнинг даврий баҳоланишини қўллаб-қувватлайдиган усуллар ишлатилиши лозим. Қуйида синфда муваффақиятли ишлатилган бир қатор мулоҳаза ва баҳолаш усуллари баён этилган.

ТЕЛЕГРАММА

Мен ҳис қилишимча, бу дарс жуда қизиқарли ўтди. Бу мени "Нега ҳамма дарслар шундай бўлмайди?" деб ўйлашга ундади.

Мен бошиданок ўзимни ишонган ҳис қилдим ва ҳамма болалар ва қизлар келиб, бир халқа бўлиб ўтириб хайтимиз ҳақида гаплашганимиз менга ёқди.

Ишонманки, дўстларим ўз оилаларида отарича гаплашмайдилар ва, ўйлашимча, улар ҳам худди мендек завқ олишиди.

Сана: 23 июль 1987йил

Имзо: Зоэ Довкс

Маълум оралиқларда, ўқувчилар фан ҳақидаги ҳислари ва/ёки ўтилаётган мавзу юзасидан фикрларини таъкидлаб телеграмма ёзишга руҳлантирилишлари мумкин. Телеграммаларга сана қўйилиши керак, лекин имзо қўйиш ўзларига ҳавола. Телеграммалар синфдаги кутига ташланиши мумкин. Ўқитувчи хатни ҳақиқатан олиши ва уни жиддий қабул қилиши керак.

Телеграммага жавобларда қуйидагилар бўлиши мумкин:

- ўқитувчи синфга фандаги баҳолаш пайтига рағбат сифатида ёзилган ҳисоботни бериши;
- текширилиши керак бўлган мавзуларга бўлган муносабатни кўрсатувчи телеграммалар сабабли ёки таклифлар натижасида режалаштирилган машғулотнинг ўзгариши (ўқитувчи дарс жадвалидаги ўзгариш мулоҳазалар туфайлигини тушунтириши керак);
- синфга телеграммада изоҳланган эҳтиёжлар кейинроқ қондирилиши айтилсин

(ўқитувчи иложи борича аниқроқ бўлиши керак – "Умид қиламанки, шу мавзу бўйича ярим семестрдан кейинги ҳафтада бир машғулот ўтказамиз");

- телеграммаларига имзо чекканларга ёзма ёки оғзаки мулоҳаза билдириб, баъзан жавоб ёзиш;
- гуруҳлар таҳлилидан олдин олинадиган мулоҳазалардаги асосий мавзуларни қамраб олувчи телеграммаларнинг эълонлар тахтасига қадалиши (имзоланган телеграммалар муаллифнинг рухсатисиз эълон қилинмаслиги керак).

Телеграммалар ёндашувдаги хилма-хиллик одатда кўп ўрганилган, дарс ёки фан қисмига чуқур жавоб ва ўзлари ҳақида ва ўзларини баҳолашга кўпроқ рухсат бериш учун А4 қоғозининг ярми ажратилган таъсирланишлар ва мулоҳазалар варағидир.

КАЙФИЯТ ХАБАРЛАРИ

Синф бир айлана бўлиб туради ёки ўтиради ва ўқувчилар мавзуга, масалан об-ҳаво, ҳайвонлар, қушлар ёки ўсимликлар доир ҳиссиётларини маълум қиладилар. Мисол учун:

• Ўтган бир ёки икки кун ичида атрофда жуда кўп қора булутлар бўлди, аммо қуёш ўз нурларини соча бошлаяпти


• Мен ўзимни худди типратикан каби секин ва сертикан ҳис этаяпман

• Синфга келганимда мен читтак эдим, кичкина ва сезилмас, ҳозир эса ўзимни чифалайдек ҳис қиляпман

Ўқитувчи қатнашиши жоиз бўлган бу машғулот дарс бошланишида, маълум машқ тугатилганида ёки шунчаки синф тарқалишидан аввал бажарилиши мумкин. Бу ҳаммага ўз кайфиятини ифодалаш учун имконият беради ҳамда ўқитувчининг ва синфдаги қолганларнинг дарс бошланганида бошқалар қандай ҳис қилаётганликларини ва ҳиссий ҳулқ-атворга дарснинг фойдасига таъсирланувчанлигини уйғотади.

БОШ БАРМОҚ ТЕПАГА/ПАСТГА АЙЛАНАСИ

Дарс охирида синф халқа ҳосил қилади. Ўқитувчи синфга дарснинг биринчи қисмини эслатади. Агар у ёққан бўлса, ўқувчилар бош бармоқларини юқорига кўтаришади ва аксинча, ёқмаган бўлса, пастга туширишади, чидаса бўладиган деб ҳисоблашса бош бармоқларини шунчаки қимирлатиб қўйишади. Дарснинг иккинчи қисмида ва ҳ.к. бу машқ давом эттирилади. Синф умуман гапиришни истамаган пайтда фойдали бўлган бу усул яна ўқувчилар дарсдан нима ўрганганликлари устида тўхталишларига руҳлантириш учун ҳам тадбиқ қилиниши мумкин. Масалан, "Ким эшитиш қобилиятини оширди?" ёки "Ким энди ўзаро боғлиқликни яхшироқ тушунди?" каби. Маълум



Душ туш-дан Душ туш-дан Пай туш-дан Пай туш-дан Жум туш-дан Жум туш-дан
кейин кейин кейин кейин кейин кейин кейин кейин

машгулотни барча рад этса ёки барча ҳеч нарса ўрганмаганлигини билдирса, ўқитувчи кичик гуруҳларга ёки бирма-бир тушунтириши лозим.

БИР СЎЗЛИ АЙЛАНА

Бирор машгулот сўнгида галма-гал айланадаги ўқувчи машгулот ҳақидаги ҳиссиётларини бир сўздаги хулосасида билдиради.

Ҳиссиётлар графиги

Ҳар бир вертикал қисми курс бирлашмасида бир дона сессияни ифода қилувчи график (расмга қаранг) синф хонасининг деворига ёпиштиралади. Биринчи сессия сўнгида ҳар бир ўқувчи ўзининг рақамини танлайди ва

биринчи вертикал қисмининг бир томонидан иккинчи томонига тўғри чизиқ чизади (рақам чизиқ бўйлаб ёзилади). Тўғри чизиқ -10 (жуда салбий)дан +10(жуда ижобий)гача бўлган шкаладан фойдаланган ҳолда ўқувчи ўзини дарс бошида, дарс давомида ва дарс охирида қандай ҳис қилганини ифода этиши керак. Расмдан кўриниб турибдики, 8-одам сессияни сезиларли даражада ёмон кайфиятда бошлаган ва жуда ижобий томонга ўзгарган, шу билан бир пайтда 2-одам сессияни ижобий бошлаб, шу кайфиятни охиригача сақлаб қолган. Ҳар бир сессия тугагач, кейинги қатор тўлдирилади, ўқувчи олдинги сессия тугаган жойдан бошлаб ўзининг чизмасини давом эттиради. Шахсий чизмалар турли мазмундаги тушунчаларга очиқ, лекин чизманинг ёйилмаси ва гуруҳланиши тушунтирувчига бутун курс қандай

Исми _____

Гуруҳи _____

Машгулот _____

Сана _____

1. Сиз яхши ишладингизми?



Ҳа



Йўқ




Озгина


2. Сиз гуруҳдаги бошқа одамга ёрдам бердингизми?



Ҳа



Йўқ




Озгина

3. Сиз гуруҳга ёрдам бердингизми?



Ҳа



Йўқ



Озгина

4. Сиз бошқаларни тингладингизми?



Ҳа



Йўқ



Озгина

5. Сизга машгулот ёқдими?



Ҳа



Йўқ




Озгина

6. Сизда етарли вақт бўлдими?



Ҳа



Йўқ

Манба: М. Ва С. Борба; Ўз-ўзини завқлантириш: Синф иши; 2-том; Минниаполис; Винтон нашриёти; 1982 йил; 122-123 бетлар.

бораётгани хақида озгина фикр беради. График курс баҳолаш сессияларида бошланғич манба сифатида ишлатилиши мумкин.

(Манба: В.Кувер; "Яшаш инқилоби учун қўлланма ресурс"; Филадельфия; Янги жамият нашри; 1981 йил; 296-бет)

Кичик гуруҳ баҳолашлари

Ўқувчилар тўртдан олти кишигача бўлган гуруҳлар ташкил қиладилар. Улардан котиб танлашлари сўралади. Ўқувчилардан ўзларини қуйидагилардан бирига ўхшаган вазифаларни баҳолашга йўналтиришлари сўралади:

- Ҳамма ўзи учун муҳим ёки қизиқарли бўлган курс бирлашмасининг ўзига хос икки ёки уч хусусиятларини танлайди; шунга ўхшаш муҳим бўлмаган ёки қизиқарсиз бўлган томонларини танлайдилар
- Ҳамма курс бирлашмасининг энг баланд ва энг паст нуқталарини топади
- Гуруҳ курс бошида уларнинг бу курсдан нималар кутганини текширади ва шулар кутганлари қай даражада уларни қондиргани ёки ўзгаргани муҳокама қилинади
- Гуруҳ қуйидаги саволга жавоб беради: "Курс бирлашмаси такрорландими, нималар ўзгартирилиши ва яхшиланиши мумкин, қай тарзда?"
- Гуруҳ ўз-ўзидан ушбу саволни сўрайди: "Бу курс бирлашмасидан биз нималар ўргандик?"
- Гуруҳ ўзининг курс бирлашмаси мазминини хақидаги ва тушунтирувчи томонидан қўлланган курсни бошқариш услуби хақидаги саволларини тўплайди.

Сезивчи букилувчан ручкани ва шакар қоғозни ишлатган ҳолда гуруҳ томонидан тайёрланган хусусиятлар/саволлар/жавобларни котиб ёзиб олади.

(Манба: В.Кувер; "Яшаш инқилоби учун қўлланма ресурс"; Филадельфия; Янги Жамият Нашри; 1981 йил; 295-296-бетлардан олинган)

Ўз-ўзини баҳолаш

Ўқувчиларга ҳар бир гуруҳ машғулотида кейин ўз-ўзини баҳолаш варағи берилади. Варақ аввало ижтимоий ҳарактер билан боғлиқ болади, аммо унда маҳоратларнинг ривожланиши ва машғулотларга муносабатлари хақидаги саволлар сўралиши мумкин. Улар буни бошқа ўз-ўзини баҳолаш варақлари билан бирлаштирадидилар, бунинг натижасида ўқувчи ўзгаришларни кўриш учун ўзининг барча варақларини солиштиришга қизиқтирилади, кейинчалик, агар у хоҳласа, у ўқитувчи билан шахсан сўхбат қуриши мумкин. Бошланғич қўлланма сифатида қуйида берилган Ўз-ўзини баҳолаш варағининг нусхаси берилган.

ҚўЛЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҚОПЛАМАСИ

Қўлларнинг шахсий қопламаси (мисолга қаранг) синф хонасига осиб қўйилади. Ўқувчилар ўзларининг қўл қопламаларини чизадилар. Улар ўзларининг ҳафталик, чорак ёки йиллик ишлари устида озгина ўйлаганларидан кейин секцияларни тўлдирадидилар.

Шундан сўнг ўқувчилар бирга қўшилиб, синф учун улкан қўл қопламасини тайёрлайдилар.

(Манба: Д.Брандес ва Ҳ.Филипс; "Ўйинчилар" Ўқув қўлланмаси; Ҳатчинсон; 1979 йил; шахсий ривожланиш машғулоти; 36-сон).



ДЕВИД СЕЛБИ

Глобал таълим алмашувчи таълим сифатида



Глобал таълимнинг хилма-хиллиги ЮНИСЕФ Яқин Шарқ ва Шимолий Америка томонидан ташкил этилган ва Брумана, Ливанда 1995 йилнинг июлида ўтказилган регионал конференциянинг ёпилиш маросимида мендан, конференция маслаҳатчиси сифатида, глобал таълимнинг асосини ёрқин ёритувчи қисқа нутқ тайёрлаш сўралди. Яхшими, ёмонми, мен делегатларга қуйидагиларни баён қилдим:

Глобал таълим жамиятларнинг, ҳудудларнинг ва одамларнинг ўзаро боғлиқлиги; ижтимоий, маданий ва табиий мавжудотларнинг ўзаро алоқадорлиги; ўтмиш, бугун ва келажакнинг ўзаро сингувчи табиати ҳамда инсониятнинг бошланғич, таъсири, жисмоний ва руҳий ўлчамларига йўналтирилган таълимнинг чуқур парадигмасидир. У ривожланиш, адолат, тинчлик, ижтимоий ва табиий ҳаққонийлик ва чидамлилика қаратилган. Унинг доираси ўз ичига шахсий, маҳаллий, миллий ва бутун планетавий ҳудудни олади. Ўзининг қонун ва принципларига мувофиқ унинг педагогикаси тажрибавий, ҳаракатчан, болалар учун мўлжалланган, демократик, қувноқ, актив ва ўзгаришларга монанд.

Дастлаб глобал таълимнинг кўплаб тушунчалари ва турлари мавжудлиги; "муқим ривожланиш" ва "чидам" (Сауве 1993) каби терминларни вужудга келтирган "семантик инфляция"га ўхшаш яратганлиги ойдинлаштирилиши керак. Айримлар учун глобал таълим ўқувчиларга глобал муаммолар ва халқаро муносабатларни тизимли йўл билан ҳисобга олишда камёб вақт жадвалини тақлиф этувчи, олий ўқув курсидаги жаҳон ишлари курсига яқин саналади (Хитер, 1980). Бошқалар учун у асосан ижтимоий фанлар ўқув курсини сигдиришдир, лекин "глобал мақсад" билан ўрта ва юқори босқичларда умуман бундай эмас (Петрай 1992;Вернер/Кейс 1997). Эътиборлиси шундаки, АҚШда глобал таълимни

тарқатиш учун миллий восита Ижтимоий фанлар миллий кенгашидир. Қолганлар учун эса глобал таълим глобал муаммолар ва мавзуларни ўрганишни қандай тарқатиш йўлини излайди; чидамли келажаклар, ҳаёт даражаси, зиддият ва хавфсизлик ҳамда ижтимоий адолат; буларнинг ҳаммаси ҳаққоний, интизомий ва трансинтизомий жадвал асосида амалга оширилади (Лион 1992). Шубҳасиз, доимо ёки айрим вақтларда аниқ ҳолатларда, "маблаг" ўқув курсида тўхтайти (ва унга боғлиқ ўқиш ҳамда ўқитиш услублари), мен ўзим мансуб бўлган, кейинги фикрлаш мактаби умумжаҳон таълимоти экологик, чуқур ёки тизимли парадигманинг тарбиявий изҳоридан кам ҳеч нарса эмас деб ўйлайди (Капра 1996; Капра/Стеинди-Ракт 1992) ва шунга ўхшаш мактаб ёки бошқа ўқув масканининг функционаллашувининг ҳамма аспекти ва ўқишнинг табиати, мақсади ва жараёнига жалб қилади (Селбай 1999,2000; Пайк/Селбай).

Агар глобал таълим дебатининг тузилиши доирага тегишли хилма-хилликлар аргументнинг бузилишини таъминласа, унинг ташқи томони идеология, мақсадлар ва ниятлар билан боғлиқ. Орамизда мақсадни жаҳон бозорида ўсиб бораётган мусобақалашув, кучайиб бораётган бошқарувчилик ва ушланиб қолинаётган пасайиш каби тушунчалар билан кўрадиганлар ҳам бор. Масалан, Иллиноус Давлат таълим бошқармасининг ҳужжати ҳисобланмиш: Ижтимоий фанлар орқали халқаро ва маданиятлараро мусобақани ўстириш, чет эл инвесторлари ва маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун бозорларга интилиш учун зарур бўлган жаҳонда ўқувчиларнинг актив иштирокини таъминлаш эҳтиёжи ҳақида сўз юритади ва То Сви-Ҳин(1993) ўзининг Канададаги глобал таълими миссияси нутқларида шунга ўхшаш тижорат-стратегия аргументларни таъкидлаб ўтган. Шу тариқа умумжаҳон таълимотини, айрим глобал муаммолар ва бошқа маданиятларни билиш "глобал мусобақа"ни ўстиради. Ушбу позиция балки ўз ичида глобал ўзаро боғлиқлик оғир аҳволда кўринмаган (яни симметрик) маданиятга чуқур ва парадигматик бўлиш ўрнига бўлакча ва юзаки муносабатда бўлинган ва "глобал қишлоқ"нинг бошқарув тушунтирилиши, экспертларга таянган ҳолда очик ёки ёпиқ ушлаб олинган умумжаҳон таълимотининг "либерал-техник" парадигмасининг очик-ойдин манифестациясидир(То 1993). Бунга қарши кўйилган "очик этик" умумжаҳон таълимотининг "алмашувчи парадигмаси" оғир аҳволдаги глобал тарбиялашни қўллаб-қувватлайди, "сингиб боровчи тузилмани зўравонлик"ни ёритади; радикал педагогика ушлаб туради ва у озод қилувчи, куч-қудрат берувчи ва экологик саналади(То 1993, 11-14 бет). Бошқа муҳимликнинг бўлиниши яқинда иши тонда ва фикрда инсоний бўлган ва инсон проекти марказлаштирилган умумжаҳон таълимотининг биомарказлашган ифодаларга чақирувчилар орасидаги жабҳада очилди

(Пайк 1996/Селбай 1995). Мен бу ерда муҳокама қилмоқчи бўлган глобал таълим бу биоцентрик, чуқур ва алмашинувчи жанр.

A. Глобал таълимнинг тўрт ўлчамли модели

B.

Мен глобал таълимга тўрт ўлчамли модель таклиф қилмоқчиман. Модель ўз ичига учта ташқи ва битта ички ўлчамни олади, глобал тарбиячининг эгизагини акслантирган ҳолда ва ёрдам берувчи ўқувчиларнинг қўшимча мақсадлари ўзлари яшайдиган дунёнинг ("глобал қишлоқ") динамика, шароит ва келажагини тадқиқ қилиш; шу тадқиқот асосида инсон ("глобал шахс") сифатидаги ўзининг потенциалларини яхшироқ тушуниб олиш, кўриш ва ишлатишда ёрдам беради. Ҳамма тўрт ўлчамлар бир-бирига узвий боғланган тарзда кўрилиши керак.

Модель тарбиявий фикрлаш ва ўтган аср давомида мактаб ва бошқа ўқув масканларига четдан таъсир кўрсатган амалиётни вужудга келтиради ва уларни бирлаштиради. Улардан биринчиси жаҳон-фикрлаш (Ричардсон, 1985) деб аталган; бу алоҳида жамоат ва миллатларнинг манфаатлари планетанинг умумий заруриятлари сифатида қараладиган "бир дунё" принципини амалга ошириш демакдир. Шундай фикр мавжудки, таълимнинг турли маданиятлар, динлар, дунёқарашларга тегишли одамлар учун ҳурмат кўрсатувчи; глобал муаммолар ва ўзгаришлар ҳақидаги тушунчаларга эга бўлган; глобал тинчлик ва адолатни ўрнатувчи ёш фуқароларнинг ривожланишдаги роли бекиёсдир. Шундай ўйлаш Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушларининг уйғонишига жуда катта туртки бўлди. 1945 йилда ЮНЕСКОнинг ташкил этилишига таъсир кўрсатди (Хитер, 1984) ва ўша пайдан бошлаб, олға бораётган академик ва профессионал қўллаб-қувватлашдан янада кенроқ таълимий дебатга қайта юзланди. Иккинчиси эса, бола марказлашувчи юқоридагиданда узунроқ қаторга эга кўп давлатларда тараққий этган тарбиячиларнинг бир қисмининг илҳомини келтирди; бу ўз ичига: Жон Девей, Фридрих Фройбел, Мария Мантессари, А.С. Неил ва Лев Толстой (Павсон/Силвер 1973, 353-356, 397-401 бетлар; Миллер 1988, 64-67 бетлар). Бу тушунчанинг марказий фикри шундан иборатки, бола улардан ўзлари учун тадқиқотлар олиб боришга қўллаб-қувватланганда ва уларга ягона ишончлар, тажрибалар ва маҳоратлар қобилига эга шахс сифатида мурожаат этилганда энг зўр ўқийди. Алмашинувчилар чуқур глобал тарбиячиларнинг таъкидлашича, бугуннинг мустақил дунёсида, бу икки тушунча жуда муҳим, улар ўзаро боғланган элементлар бўлиб, таълимнинг асоси ҳисобланади. "Жаҳон фикрлаш" бундан буён камёб эмас, балки янги асрда яшаб қолиш учун зарурият; у турли-туман дунёқарашлар ва мақсадлар; бойроқ тарзда шахсни тушунишни қўллаб-қувватлайди; шахсий тадқиқот ўз-ўзини бойитиш учун ва глобал миқёсда яратувчан ўзгариш ҳосил қилиш ўта муҳим. Модел алоқа ҳамма нарса деб ҳисоблайдиган етакчи физиклар, файласуфлар, руҳий раҳбарлардан олинган (Селбай, 1999).

АДАШТИРУВЧИ ЎЛЧАМ

Адаштирувчи ўлчам ўз ичига шахслараро, шахс ичидаги, маҳаллий, биорегионал, миллий, халқаро ва

глобал даражаларни олувчи қўллаб-қувватловчи босқичлардаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорлик тушунчаларига мурожаат қилади. Босқичлар механик равишда, айтишлик, қаторнинг якунига қарши маҳаллий ва глобал концентрик айланага ўхшаш тассавур қилинмайди, балки "бўлинмас яхлитлик" (Болим 1983), яхлит ўралган ва динамик алоқа сифатида кўз олдида келтирилади. Ер юзасини ўраган ҳолда, тушунтирилиши бўйича глобал маҳаллий ичидаги манифест бўлиб; маҳаллий глобал ичига қуйилади. Ихтиёрий босқичдаги воқеа қайта товушланади ва бошқа барча босқичларга яхлитликка келаси босқичдаги айланиш ва келиб чиқиш нуқтасидан жавоб қайтариб, жуда кучли таъсир ўтказади. Ўлчам булардан ташқари инсон жамияти ва табиий атроф-муҳит орасидаги табиат ва алоқадорликнинг айланмаси ва тизими билан ҳам боғлиқ, унинг кучайтирувчи фалсафаси маҳаллий/глобал; инсоний/ҳайвоний; инсон/атроф-муҳит; табиат/маданият; эркак/аёл; ақл/тана; мазмун/жараён кабиларни ўйлайдиган механистик/камайирувчи томонидан яратилган ёлгон таъсирсиз қилиб қўйилган. Бу ерда акс этган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тушунчаларда барча инсониятни боғлаб турувчи маҳсулотлар, одамлар ва ахборотнинг ҳаракати томонидан глобал алоқалар мажбурланган, шунга қарамай тез ва тўхтайдиган алоқалар орасида унчалик кўп учрамайди. Шахсий даражада бу ўлчам шахснинг ақлий, маънавий, жисмоний ва руҳий ўзгаришининг ўзаро боғланганлигига эътиборни қаратади. Шундай фикр борки, унга кўра ўрганувчилар ўзаро боғлиқликлар тушунчасини ривожлантиришлари керак, бу турли шаклларда ва турли даражаларда глобалга яқин бўлиб, уларнинг бугунги ва келгуси ҳаётларида таъсир кўрсатади. Улар бундан ташқари инсон ва бошқа ҳаёт формалари ўртасида фарқни тушунишни ўрганишлари керак. Айланма тушунчаларда ушбу ўлчам интизомийга қараганда кўпроқ ўзаро интизом, интеграциянинг формаларига мурожаат қилади. Олдиндан билиш (интуиция) мисол учун тезда ажратиш олиш ва яхлитликка (Капра/Стеиндл-Раст 1992, 76-бет) сезувчи бўлиш маҳорати бўлиб, ўқиш давомида орттириладиган сифат ҳисобланади.

Адаштирувчи ўлчамнинг айланиши ва, умуман, бутун модел таълимда механистик ўйлашимга етишишга чақиради, бу белги билан "биллиард тоши" дан "ўргимчак тўри" моделидан бири сифатида ифода этилиши мумкин. Яшил қопламли столдаги биллиард тошларини кўз олдингизга келтиринг. Тошлар бир-бирига узвий боғланган. Улар бир-бирини итариб юборади; улар бир-бирининг позициясини ва вақтини алмаштиради; улар бир-бирини бир хил жойда, бир хил вақтда эгаллаб тўхтадилар; улар орасида гравитацион тортилиш мавжуд. Шунга қарамай бу барча алоқалар ташқидир; чунки улар тошларнинг ички сифатларига, тузилишига, динамикасига ва ҳар бир тошнинг алоқадорлигига таъсир ўтказмайди. Улар орасида бўлаётган кучланишларга қарамай, улар сакровчи ва етарли даражада бир-биридан алоҳида биллиард тоши бўлиб қолади; ҳар бири ўзининг ҳажми, позиция ва моментига эга қолади (Зохар, 1990, 81). Биллиард тоши модели алоҳида фанларга кучли урғу бериш, баҳолашни сақлаб туриш, натижавий ва аналитик фикрлаш маҳоратлари, тўғри жавобни қидириш, объективликни (амалга ошмайдиган) молиялаш, "ўқитувчи" ва "ўрганувчи" орасидаги қаттиққўл ажратиш (биринчиси ҳеч нарса ўрганмаса, иккинчиси ҳеч нарса

ўргатмаса ҳам) билан кўп ўқув амалиётида ўз аксини топади.

Энди ичида электронлар ўзларини бир вақтнинг ўзида ҳам қисмчалар, ҳам тўлқинлар сифатида кўрсатган атом идишни кўз олдингизга келтиринг. Уларнинг тўлқин аспектилари бир-бирига қиришади, улар айланади ва бир-бирига қўшилади, ҳақиқий ички сифатлар- уларнинг ҳажми, заряди ва яхлитнинг қисмига айланади (Зохар, 1990, 81-бет). Ҳеч нарса белгисига ёки маъносига эга бўлмаган бу боғлиқ чуқурлик қолган барча нарсага алоқадорликни сақлаб қолади ва бизга "ўргимчак тўри" модели тушунчасини олиб келади.

Атом физиги Дэвид Бохм 2 даражанинг ҳақиқат ҳақида фикр юритган: аниқ ва тахминий. Аниқ даражада биз объектларни алоҳида деб ҳисоблаймиз ва уларга амалий муносабатда бўламиз; тахминий даражада яхлитликни ҳар бир қисмига "ёпишган" тарзда кўришимиз зарур.

Унинг фикрича, инсон зоти юқоридагиларнинг иккинчисига ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар ҳамда атроф-муҳитга боғлиқликда жонлироқ ва ҳозиржавоб бўлиши керак. Масалан, ўзини дунёнинг қолган қисмидан алоҳида деб ҳисоблайдиган гуруҳлар охир оқибат бўлиниб кетади, чунки унинг аъзолари ҳақиқатда яхлитликка узвий боғланган. "ҳар бир аъзо ҳақиқатда ўзгача алоқадорликка эга бўлиб, эртаки-кечми бу ўзини у ва гуруҳнинг бошқа аъзолари ўртасидаги фарқ сифатида кўрсатади. Қачонки одамлар ўзларини яхлит жамиятдан ажратганларида ва гуруҳ ичида аниқлаштириш орқали бирлашишга ҳаракат қилганида, гуруҳ охири ички курашни ривожлантириши очиқ-ойдиндир, бу эса бирлашманинг бўлиниб кетишига сабаб бўлади. Инсон ва табиат, шунингдек, инсон ва инсон ўртасидаги ҳақиқий иттифоқ фақатгина яхлит ҳақиқатни бўлишга уринмайдиган ҳаракат шаклида амалга оширилиши мумкин" (Бохм, 1983).

Масалан, тропик ёмғирли ўрмонларнинг бузилиши узоқ вақт мобайнида атроф- муҳит масалаларининг ажралмас бўлаги сифатида қараб келинган бўлиб, у кам ривожланиш масаласидир. Асосан ғарбий регионларда жойлашган бундай ўрмонларнинг макони бўлган мамлакатлар ҳукумати уларни иқтисодий ўсишни ошириш манбаси сифатида қарадилар. Фақатгина ўтган бир неча йил мобайнида атроф-муҳитни ўрганувчилар билан Жанубнинг иқтисодий ривожланиши тарафдорлари ўртасида мунозаралар бўлиб ўтди, Рио де Жанейрода 1992 йили бўлиб ўтган Дунё Саммитида бу мунозара ахборот тизимлари ақамиятини янада оширди. Бу мунозарадан ҳаётга лаёқатли ўсиш ва ривожланиш тизимлари масалалари ўсиб чиқди; бу тизимлар масалалари ҳозирда ҳаётий лаёқат учун таълим ва таълим учун керакли ҳаётий лаёқат масалалари ортидан таълимий ақамият касб этмоқда. Лекин ёмғирли ўрмонларнинг бузилиб кетиши масаласи бу маънолар ортидаги масалалар билан шуғулланмайдиган одамларнинг ҳам ақамиятига лойиқдир. Инсон ҳақлари масалаларини ўргатувчи одам ҳам бу масала ҳақида керакли фикр билдириши мумкин, нафақат бу ерларда яшовчи маҳаллий аҳоли ва эндигина кўчиб келганлар бошига тушадиган хавф-хатар, балки бу ўрмонларнинг бузилиши туфайли келиб чиқадиган умумжаҳон муаммоларнинг глобал тус олиши, ва бунинг орқасидан бутун жаҳон аҳолисининг

бошига оғир кунлар келиши ҳақида гапириш мумкин. Тинчлик ҳақида таълим берадиган инсон эса, ўз ўрнида, ўрмонларнинг бузилиши туфайли келиб чиқадиган тинчлик/муаммо масалалари ҳақида фикр билдириши мумкин, бу орқали ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида келиб чиқадиган низолар, ҳамда бу ўрмонлар туфайли келиб чиқадиган умуммиллий низолар ҳақида гапириш мумкин (ҳозирда, лекин албатта вақтинча, фақатгина Шимолда ўрмонларнинг бузилиши масалалари бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.) Шу билан биргаликда у шуни ҳам таъкидлаб ўтардики, тинчлик масалалари ҳақида билим берадиган одамлар кўп йиллар мобайнида атроф-муҳит бузилиши масаласини тинчлик ўрнатиш таълим тизими ёндашадиган масала сифатида кўришларини ва шу билан биргаликда экологик баланс ҳар қандай тинчлик тарафдорлари томонидан қўллаб-қувватланиши керак масала сифатида кўрилиши кераклигини айтиб ўтар эди. (Смит/Карсон, 1998). Бундан келиб чиққан равишда шуни айтиш мумкинки, атроф-муҳит масалалари ривожланиш масалалари, ҳақ-ҳуқуқ масалалари ва шу билан биргаликда тинчлик масалалари ҳамдир.

Ҳозирда биз шуни янада очикроқ тушуниб етмоқдамизки, атроф-муҳит масалалари, қандайдир маънода жинс масалалари ҳамдир. Экофеминист ёзувчилар (Гаард 1993) патриархат жамиятда эркак устига қўйилган жаҳлдорлик, текшириш, бошқариш ва эксплуатация қилиш характеристикаларига баҳо берган ҳолда албатта атроф-муҳит бўлашига олиб келадиган йўналиш сифатида кўрадилар. Аёлларни зино қилиш ва ёввойиликнинг зино қилиниши, баъзиларнинг фикрига кўра айнан бир хил дунёқараш ва психологик ақамиятга эга масалалар. "Патриархияда", деб ёзади Андре Коллард (1988, 1 бет), "табиат, ҳайвонлар ва аёллар бир мақсадга айлантирилади ва овланади, босиб олинади, колонияларга айлантирилади, эгалланади, истеъмол қилинади ва бирор нарсани ишлаб чиқариш ва вужудга келтириш (ёки тескариси) учун ишлатилади. Бу ёввойилик бутунлигининг бузилиши зино ҳисобланади. Бу нарса кўрқув сабабли ва ҳаётдан воз кечиш орқали ривожланади ва босқинчининг юрагида бошқарув, куч, ёки тирик бўлиш хислатларини уйғотади." "Аёлларнинг озодлигини улар ажралган ҳолда бўлишида кўришнинг ўрнига", деб ёзади Леони Калдекотт ва Стефани Леланд (1983, 7 бет), "биз ўзимизнинг курашимизни каттароқ кўринишдаги инсон озодлигига қаратамиз ва шу билан биргаликда бутун оламни патриархиянинг бузғунчи ва қийновчи ўқўлларидан озод қилишга қаратамиз." Қизиқ қв муҳим жойи шундаки, охириги вақтда биз атроф-муҳит ва антимиллат таълими ўртасидаги қизиқиш барқарорлигини тушунишга эришдик, бу нарса эса атроф-муҳит ҳақидаги ғарбий бўлмаган нуқтаи-назардан ҳам йироқ ривожланган (Браянт, 1995; Воррен, 1996). "Атроф-муҳит миллатчилиги" ҳақидаги янги қизиқишлар бизни, масалан, нима учун жуда паст баландликдаги ҳарбий учишлар Канаданинг Инуит ерлари устидан бу қадар кўп ташкил қилиниши, нима учун атроф-муҳит учун зарарли бўлган ва ман этилган моддаларнинг бой "Шимол" давлатларидан ривожланаётган ва иқтисодий жиҳатдан камбағал бўлган "Жануб" давлатларига ҳали ҳам экспорт қилиниши каби саволлар сўрашни тақозо этади. "Атроф-муҳит муаммолари",- деб ёзади Шерил Льюслей (1998, 27 бет), "ижтимоий қонунийлик масалалари сифатида кўрилиши мумкин, қаерда синф,

СОҲАЛАР	ЙУНАЛИШЛАР
Ривожланиш Таълими	Учинчи дунё (географик маънода) Шимол-Жануб ўзаро боғлиқлиги ва фарқлари Учинчи дунё (гуруҳ одамларининг кучсизлиги, камчиликлари маъносида)
Атроф-муҳит таълими	Локал экология Ер фазовий кемаси Бошқариш
Инсон ҳуқуқлари таълими	Морал ва қонуний ҳуқуқлар Тинчликка қаратилган инсон ҳуқуқлари (шахсий ҳуқуқлар) Хавфсизликка қаратилган инсон ҳуқуқлари (жисмоний/психологик яхши яшаш сари қаратилган ҳуқуқлар) Вазифалар/Жавобгарлик
Тинчлик таълими	Инсонлараро/жамиятлараро/умуммиллий тинчлик Манфий тинчлик (шахсий зўравонлик ва урушнинг бўлмаслиги) Мусбат тинчлик (жамиятлар ўртасида тенгликнинг мавжудлиги)
Соғлиқ Таълими	Тозалик Алоҳида ташкилий ишлар (чекиш, гиёҳвандлик, ОИТСга қарши) Бутун соғлиқ
Жинслар тенглиги таълими	Тенг имкониятлар Муносабатлардаги сексизмга мурожаат Шаклий (систематик) сексизмга мурожаат
Кўп миллатли жамият таълими	Маданий хилма-хиллик Муносабатлардаги рацизмга мурожаат Шаклий (систематик сексизмга мурожаат)
Инсонийлик таълими	ҳайвонлар қизиқишлари ҳайвонлар ҳуқуқлари
Фуқаролик таълими	Сиёсий институтлар/сиёсат Ўзлик Кўплик/параллел фуқаролик
Ахборот воситалари таълими	Ахборот воситалари хабарларини ва расмларини деконструкция қилиш Ахборот воситаларининг ижтимоий/сиёсий таъсири

миллат/этник келиб чиқиш, ва жинс ким атроф-муҳит бузилишининг сабаби бўлиши ва ким бунинг оқибатларидан зарар кўришини аниқлайдиган муҳим факторлардир.”

1-жадвалда келтирилган бошқа масалалар айниқса уларнинг яқиндаги ва умумий маъноларида катта аҳамият касб этади. Мисол учун, *соалиқ ҳақида таълим* қисмига разм ташланг. Илгари бу маънони тозалик, тана ҳаракати ва носоғлом ҳатти-ҳаракатлар билан чеклаган соғлиқ таълими тарафдорлари ҳозирда соғлиқ ҳақида бутун маънони англаб етмоқдалар ва ўз ўқувчиларидан қуйидаги каби саволлар ҳақида бош қотиришни сўрамоқдалар:

- агар менинг ҳатти-ҳаракатларим ва ҳаёт тарзим ижтимоий ва табиий атроф-муҳит, бошқа инсонлар ва ҳаёт шакллари раҳна солса, мен ўзимни соғлом инсон деб ҳисоблай оламанми?

- агар мен босқинчи инсоний муносабат аъзоларидан бири, ёки босқинчи, ёки тазйик остидаги одам бўлсам, мен ўзимни соғлом инсон деб ҳисоблай оламанми?

- агар мен хурофотга сабаб бўлсам ҳамда/ёхуд бевосита ёки билвосита равишда бошқа маданият ва этник гуруҳ вакиллари, миллатлар, жинсий қизиқиш ёки турли жинслар вакиллари қарши дискриминация қилсам, мен ўзимни соғлом инсон деб ҳисоблай оламанми?

- агар мен кўпчилик инсонларнинг, ҳайвонлар ва бошқа ҳаёт шакллари қизиқишларига қарши бўлган иқтисодий тизим билан маҳфий равишда боғланган бўлсам, мен ўзимни соғлом инсон деб ҳисоблай оламанми?

Шундай қилиб, тўлиқ соғлиқ таълими жинслар ҳақидаги таълим ҳамда миллатлар тенглиги, инсоний таълим, фуқаролик таълими ва ахборот воситалари таълими билан узвий боғлиқдир, шу билан бирга ривожланиш, атроф-муҳит, инсон ҳуқуқлари ва тинчлик ҳамда ижтимоий барқарорлик таълими билан ҳам алоқадордир.

Вақтинча шакл

Вақтинча шакл вақтнинг одатда аниқ шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик билан қизиқади. Ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак динамик боғлиқлик вакиллари сифатида кўрилади. Ўтмишни тушуниш бизнинг ҳозирги замондаги қизиқишларимиз ва манфаатларимиз ҳамда бизнинг (фикрий ҳамда фикрий бўлмаган) келажакни тушунишимиздан келиб чиқади. Худди шунингдек, бизнинг келажак ҳақидаги тасаввурларимиз ва келажакнинг ўзи бизнинг ҳозирги ишларимиз ва тушунчаларимиз (шунинг билан бирга ўтмиш ҳақидаги тушунчаларимиз)дан ва бизнинг ҳозирдаги қарор қабул қилиш ва иш олиб бориш йўлларимиздан келиб чиқади. Бу шаклга кўра, глобал

таълим тизими ҳозирда амалга оширмаётган таълим тизимида келажакка марказий ўрин бериш ишини олиб бериши керак. Келажак авлодни тарбиялаш ва таълим бериш вазифаси юкланган мактаблар ўқувчиларнинг ўз келажаклари ҳақида ўйлаш ва бу нарсани тушунишлари учун одатда ҳеч қандай ёки жуда кичик маблағлар ажратадилар. Уларни катта йўл орқали катта тезликда машинани ҳайдаб келаятиб, йўлга назар ташлаш ўрнига орқани кўриш ойнаси орқали орқадан келаятган полиция машинаси сиренаси нурларини кузатаётган хайдовчига қиёслаш мумкин. Улар келажакка фақатгина ўтмишдан қолган нарсалар ёрдамида кетиб бормоқдалар. Қисқа қилиб айтганда, мактаблар келажакни тескари қайтармоқдалар. Энг яхши кўринишида, мактаб жадвали ўтмиш ва келажак ўртасидаги боғлиқлик инъикосидир.

Альтернатив келажаклар термини биз учун ҳар доим очиқ бўлган турли даражадаги, шахсийдан глобалгача бўлган келажак шакллари тасвирлаш учун ишлатилади. Альтернатив келажаклар одатда *мумкин бўлган, эҳтимолга яқин ва афзал кўрилган* келажакларга бўлинади. *Мумкин бўлган келажаклар* эҳтимол келиши мумкин бўлган ҳамма келажак сценарийларини ўз ичига олади. Ҳаммасининг энг кенг туркуми, улар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли келажакларни, кўп марталик, турли-туман ва маданиятга қарши келажаклардан келиб чиқувчи сценарийларни ва доминант парадигмалардан ҳамда афтидан шафқатсиз замонавий йўналишлардан чекланмайдиган сценарийларни ўз ичига олади. Таълимий атамаларда, мумкин бўлган келажаклар туркуми ўқувчиларга радикал турли манзараларга қарши туришга шароит яратиш учун ва ён ҳамда ажралаётган мамлакаларни ва тасаввурнинг ижодкорлик билан ишлатилишини ривожлантириш ва чархлаш учун улкан имконият таклиф этади. *Эҳтимолга яқин келажаклар келиши мумкин бўлган* барча келажак сценарийларини кўриб чиқади. Улар катта қисм ўлароқ яқин давр мобайнида юзага келадиган ҳолатлар, ҳозирги маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатларни кўргани учун энг мустаҳкам категория ҳисобланади. *Афзал кўрилган келажаклар* биз ўзимизнинг қадр-қимматимиз ва муҳим ҳисоблаган нарсаларимизни ҳисобга олган ҳолда *вужудга келишини афзал кўрганимиз келажаклар* ҳисобланади. Афзал кўрилган келажакларни ўрганиш синф хонасида олиб борилаётган ишларнинг моҳиятини янада чуқур ўрганишнинг имкониятини яратади. Бу турли уч тоифанинг таълим тизимида ишлатилиши жуда муҳимдир. Агар керакли билимларга эга бўлмасак, бизнинг керакли келажак ҳақидаги фикримиз жуда тор маънода бўлади. Охириги сўз ўрнида шуни айтиш мумкинки, "агар ҳар ким мавжуд барча ҳолатлар ва уларнинг оқибатларини тушунмаса" (Кауфман, 1976, 11- бет) биз танлаш ҳуқуқига эга бўлмаймиз. Худди шунингдек, мумкин бўлган келажаклар ҳақидаги фикримиз агар мумкин бўлган ва афзал кўрилганни қандай қилиб эҳтимолга яқинга айлантириш йўлини билмасак, жуда оддий бўлиб қолади.

Мумкин бўлган ва эҳтимолга яқин келажак сценарийлари ҳам *оптимистик*, ҳам *пессимистик* қарашларни қоплайди. Афзал кўрилган келажаклар кўпинча оптимистик руҳда бўлади, лекин улар "икки ёмондан яхшироғи" қабилидаги қарорлардан ташкил топиши мумкин, агар табиий пессимистик руҳдаги

қарашлар ичидан танланса. Турли келажак кўринишлари ичидан танлашнинг бошқа йўлларида бири уларни *хоҳиш ва ҳақиқатга яқинлик* нуқтаи назаридан текширишдир.

Келажак ҳақида таълим нима содир бўлиши ҳақида *башорат* қилиш нуқтаи назаридан жуда камёб йўналишлар ичида ягонадир. У келажак ҳақида "имконият даражаси майдони" каби тасаввурга эгадир, мавжуд билимлардан кўра содир бўлиши мумкин бўлган нарсаларга кўпроқ аҳамият қаратади. Шу билан бирга ўқувчиларга инсонларнинг қарорлари ва олиб борадиган ишлари (ўзларининг қарорлари ва олиб борадиган ишлари билан биргалликда) ҳақида кўпроқ билимга эга бўлиш учун ёрдам беришга қаратилган. Келинг, мактаблар ҳақида аниқроқ муаммоли саволлар сўрайлик. Ҳозирги кун ўқувчилар қай даражада керакли қуролларга эга. Алвин Тоффлерга мурожаат қилсак, ҳозирги тезликда ўсиб бораётган ижтимоий дунёда улар шокнинг олдини олиш қобилиятига эга бўлиб, ҳам керакли жавоб қайтариш, ҳам керакли ишларни олиб бориш имкониятларига эга бўлишлари лозим. Улар турли хилдаги мумкин бўлган, эҳтимолга яқин, ҳақиқатга яқин ва афзал кўрилган келажак ҳақида ўқиш, фикр билдириш ва тасаввурга эга бўлиш учун етарли имкониятга эгами? Бизнес корпорациялари, ҳукумат ва ахборот воситалари томонидан борган сари кўпроқ берилаётган "техник тўғирлаш", "космик кемалар ва юлдузлардаги жанглар" қарашларига рақобатда тенг келиш учун келажак ҳақидаги бошқача фикрлар берилмоқдами? Мактаблар керакли билим беришдан қочиб, "оддий" қарашларни бермоқдами? Жадвалларда тарихдан сабоқлар олиб олдинга қараш йўллари қўлланмоқдами? Агар жавоб йўқ бўлса, у ҳолда нима учун турли маданиятлардаги зиёлилар, шоирлар ва файласуфлар биз ўтмиш ҳозирги кун ва келажакни фақатгина уларнинг орасидаги боғлиқликини тушунган ҳолда тўлиқ англаб етишимиз мумкин деган фикрни билдиришган? Мактабларда қобилиятларни ривожлантириш (мантқиқий фикрлаш, турли масалаларни ечиш, олдиндан айтиш, тасаввур қилиш) учун ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакни ўзаро боғлаш учун керакли имкониятлар яратилмоқдами? Бундай имкониятлар Роджер вон Охнинг проза шаклидаги шеърида жуда яхши келтирилган (Янг, 1986):

"Ҳаёт жуда қийин. У сенинг барча вақтинги, ҳамма дам олиш кунларингни қамраб олади ва охирида сен нимага эга бўласан?... Улим, жуда катта соврин.

Менинг ўйлашимча, ҳаёт цикли тескари оқади. Сиз биринчи вафот этишингиз керак, бу ҳодисани олиб ташлаш учун, кейин эса йигирма йил мобайнида эски уйда яшашингиз керак. Жуда навқирон вақтингизда сизни йўлдан олиб ташлашади. Сиз тилла соатга эга бўласиз, ишга борасиз. Қирқ йил ишлаб, нафақага чиқиш учун ёш бўлган вақтингизда ишингизни тўхтатасиз. Олий ўқув юртига борасиз, гилёҳванд моддалар қабул қилиласиз, спиртли ичимликлар ичасиз, машат қилласиз, мактабда ўқишга ёшингиз етгунча қадар. Олдин олий мактабга борасиз, бошланғич мактабга борасиз, кичкина бола бўлгунингизга қадар. Кичкина бола бўласиз, охириги тўққиз ой умрингизни яшаш учун онангизнинг вужудига қайтасиз, ва бир одамнинг кўзидаги ёш билан умрингиз ҳам ўз ниҳоясига етади."

Бу тескари тарих тизими амалда қўлланиб, ундан *Тескари келажакни ихтиро қилиш* тизими ишлаб чиқилган, унда ўқувчилар ўрта (2020-2070) ва узоқ (2070 ва ундан узоқ) келажакдаги катта ўзгаришни ўз тасаввурларида кўриш учун қўлланади. Бундан сўнг улар ойнома учун бош сарлавҳа тайёрлайдилар, бу катта ўзгаришдан кейинги кун учун. Бу нарсани битиргандан сўнг улар келажакда бир оз орқага қайтиб, бу катта ўзгаришга сабаб бўлган бешта катта воқеани қоплаб сарлавҳалар тайёрлайдилар, уларда шу воқеаларга сабаб бўлган инсонлар ва ҳодисаларнинг тавсилотларини келтирадидилар. Шундан сўнг гуруҳлар ўзларининг ишларини бир-бирларига кўрсатадилар. Бу альтернатив ва афзал кўрилган келажакларни тушуниш учун кучли қурол бўлиб, ўқувчиларнинг ўйлаш, ўзаро қабул қилиш, тасаввур қобилиятларини ривожлантириш учун яхши имконият яратади (Пайк/Селби, 1999, 233ф-бет). Ўқувчилар ўз келажакларини бошқаришлари, келажакда тўғри қарорлар қабул қилишлари имкониятини яратишлари учун мактаб жадвалига киритилиши керак бўлган келажак ҳақидаги жуда керакли фандир. Келажак билан боғлиқ таълим ўқувчилар "амалда тасаввурга эга" бўлишлари учун имконият яратади. Ўзларининг келажакдаги мақсадлари, йўналишлари ва имкониятларини англаб етган ўқувчилар мактабдаги ижтимоий, сиёсий ва атроф-муҳит амалиётлари билан шуғулланиш орқали ўзларига йўл яратадилар. *Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги декларация (1948), Аёлларга нисбатан дискриминацияни йўқотишга қаратилган конвенция (1979), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989)* ва бошқа халқаро шартномаларда келтирилганидек, жамият учун муҳим бўлган масалаларда ўқувчиларга керакли таълим бериш ҳар бир фуқаро учун керакли жавоб қайтара олиш, ҳаётларини бошқариш учун жуда яхши пойдевор яратади. Алвин Тоффлер келажак ҳақида ўйлаб қарор қабул қилишни "қарор қабул қилиш демократияси" деб айтган.

Ички шакл

Тўрт шаклли моделнинг қисмлари ёзувчи Пенелопе Ливели "ҳамма ер, вақтдаги фазовий хаос" деб атаган нарсанинг маъносини кўрсатади. Унда ҳамма "жойлар", "ҳодисалар" ва "онлар" бир-бирининг ҳар бир нуқасига тегиб туради. Квант дунёси.

Ҳа, дарҳақиқат, квант физикасига биз ўн еттинчи ва ўн саккизинчи асрнинг бошларидан бери механистик дунёқарашга энг катта таъсир ўтказган, ғарбий фикр юритишни унинг барча жабҳаларида қамраб олган ва ғарбий гегемонлик ҳисобидан бутун ер шарини ўраб олган фан сифатида қараймиз. Механистик – ёки редуccionист – дунёқарашга кўра, олам соатга ўхшайди ва уни тушуниш учун турли хил кичкинароқ бўлакчаларига ажратиш лозим. Механистик парадигма танқидчиларининг фикрига кўра, оламни бу шаклда кўриш бизнинг тафаккуримизни шу даражада чегаралаб қўйдик, бизнинг ҳақиқатни тушунишимиз уни бир бўлак сифатида эмас, балки шу бўлакнинг кичик қисмларинигина кўра олиш кўринишида амалга ошади. Келинг, биринчи галда ўзимизга назар ташлайлик. Биз тана билан онгни, фикр юритиш ва ҳиссиётни, интуиция ва сабаб беришни, руҳ ва моддий нарсаларни бир-бирдан ажратиб, уларни тескари тушунчаларга айланттирдик; биз эркакларга лойиқ "қаттиқ" ҳисобланган сабаб, мусобақа, жаҳл ва босиб олиш тушунчаларини ривожлантирдик ва аёлларга ҳос

"юмшоқ" ҳисобланган интуиция, ҳамжиҳатликда иш юритиш, озиқланиш ва қабул қилиш каби тушунчаларни эса муҳимлик даражасини пасайтирдик. Энди эса, келинг, биз қандай қилиб оламни тасаввур қилишимиз ва ўзимизни тутишимиз ҳақида фикр юритайлик. Биринчи галда, биз юқорида фикр юритганимиздек, биз уни машина сифатида кўрамиз (ҳаттоки кўплаб атроф-муҳит таълимоти олимлари ҳам унга "Ер фазовий кемаси" сифатида баҳо берадилар). Иккинчи ўринда биз уни тугамас бойликлар манбаи сифатида тасаввур қиламиз, ўйлаймизки, ундан нима олсак, олган нарсамизнинг ўрни албатта тўлади – биз ҳали ҳам унинг чегарага эга нозик табиат сифатида тушунишимиз лозим (Эдгар Марин: "Одамзот Қуёш системасидаги Чингизхон каби яшашни бас қилиши лозим"). Учинчи ўринда, биз уни баҳайбат ахлат уюми сифатида кўрамиз (Декартга тақдир қиладиган бўлсак, "Мен кераксиз нарсалардан ўзимни бўшатаман, шунинг учун тирикман"). Тўртинчи галда, ва илгари келтирилган барча ҳолларни ҳисобга олган ҳолда, биз табиатни ўзимиздан бўлак нарса сифатида кўрамиз. Эътиборга лойиқ кўплаб атроф-муҳит таълимоти олимлари табиатда инсонни унинг табиий тизими бўлаги сифатида кўриш ўрнига уни "бошқариш" ва унга "хизмат кўрсатиш"га чақирадилар. Худди шунингдек, биз "инсонлар ва ҳайвонлар" ҳақида биз уларнинг ичида кейингиси бўлмаганимиздек гапирамиз.

Квант физикаси каби жойлардан чиқадиган бутунлик парадигмаси сайёра ва инсоннинг яхши яшаши ва ривожланишини динамик синтез сифатида кўради; агар биз ўйимиздаги турли ажралган қисмларни бирлаштирсак, биз сайёрамиз манфаати учун хизмат қиламиз. Худди шунингдек, агар биз яхшироқ дунёга томон ҳаракат қилсак, ўзимизнинг шахсиятимиз учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. *Нисбий бутунлик*. Шунинг учун бизнинг ички дунёимиз ҳам худди ташқи дунёимиз каби глобал таълимнинг назаридадир. Бизнинг олиб бораётган ишларимиз "глобал ўзлик"ка худди "глобал қишлоқ"ка қарагандек муомала қилиши керак.

Дунё ҳақидаги билимлар шахсий тушунча ортиши билан биргаликда ривожланади. Турли хил саёҳатларга чиққан одамлар шуни тушуниб етадиларки, улар янги ерлар ҳақида билимга эга бўлаётган бир вақтларида ўзлари ҳақида ҳам катта тушунчаларга эга бўладилар. *Ташқи саёҳат ички саёҳат ҳамдир. Бу икки саёҳат бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини кўрсатиб туради.* Янги нуқтаи-назарлар, турли маданиятлар, дунёни кўришнинг янги йўллари, келажак ҳақидаги альтернатив тасаввурларга дуч келган ўқувчи, ўзининг минглаб миллар узоқликдаги одамлар ва атроф-муҳитлар билан чамбарчас боғлиқлигини тушуниб етгач, ўзининг қарашлари, фикрлари, кадр-қиммат ва хулқ-атворини муҳокама қилишни бошлайди. Худди шунга ўхшаб, эҳтиёткорлик билан кўриб чиқиладиган бўлса, унинг ўзлиги ичига саёҳати кенгроқ ташқари дунёга ҳам саёҳат бўлиб чиқади. "Менинг қаршилим шундаки," - деб ёзади Теодор Розсак *Инсон/Дунёда (1978)*, - "инсоннинг эҳтиёжлари сайёранинг эҳтиёжлари ҳамдир. Шунинг учун, инсон ҳуқуқлари сайёра ҳуқуқлари ҳамдир. [...] Ўзликни англаш саёҳати биз учун энг керакли қониқиш сифатида туради". "Бирдан", - деб ёзади у илгарироқ ёзган иши, *Тугалланмаган ҳайвон (1976, 4-бет)*, - "биз шахсиятимиз ички дунёси ҳақида чуқурроқ ўрганар эканмиз, бизнинг

қизиқишларимиз илгаридан анча универсаллашади; у барча жонзотлар ва ғўзалликларни тўлалигича ўрганиш томон ортиб боради. Шахсий анализ ва универсаллик; марказ ва айлана узунлиги. Шахсий билим чуқурроқ ривожланиб боради, бизнинг тегишлилик ҳиссимиз янада ортади. Бу нарсаларнинг ҳаммаси бир вақтда содир бўлади, оннинг концентрацияси, садоқатнинг ортиши." Розсакнинг *Тугалланмаган ҳайвон* асари глобал таълимнинг ички қисмларини тўлалигича қамраб олади: ҳар бир ўқувчи фойдали глобал фуқароларга айланиши учун уларнинг *тўлиқ потенциал*ни ривожлантиради. Мактаб йиллари давомида кўплаб имкониятлар бу потенциалнинг ривожланишига туртки бўлади, лекин мактаблар одатда бу потенциалнинг барқ уриб ривожланишига тўлиқ шароит яратиб бера олмайди. Менинг ҳамкасбим Грахам Пайк ва мен мактабларни "инсон потенциаллари ахлат қутиси" сифатида тасвирлаймиз, чунки улар инсоннинг турли тарафларини ривожлантириш учун камлик қилади (Пайк/Селби, 1988, 38ф-бет). Баъзи истиснолардан ташқари, бизда куйидаги мактаблар мавжуд:

- ҳақиқатни тоза, шахсий ва ташқарига мўлжалланган таълим программаларига киритишда давом этади;
- чизиқли, аналитик ва редуccionист (чап мия) таълим олиш жараёнларини кўллаб-қувватлайди ва синтез, ҳиссий ҳамда интуиция (ўнг мия) таълим олиш жараёнларини камситади;
- таълим олишни чегаралайди ва шахсий қарашлар ҳамда кадр-қиммат, муносабат қуриш, бошқаларга нисбатан ижобий ҳисларни ривожлантириш каби ҳатти-ҳаракат ва қобилиятлар учун жуда кичик имкониятлар яратади;
- таълим тизимларининг ҳар бир ўқувчи, ҳар бир синф хонаси учун мос бўлган турли йўналишларини ўрганиш учун керакли имкониятлар яратишда камчиликларга дуч келади;
- инсон хусусиятлари иерархияси (сабаб ҳисдан, мантиқ интуициядан, анализ синтездан юқорида туради) ва турли одамлар билан осонгина муомала қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, глобал таълимнинг ички шакли ҳам ўз навбатида бирлаштирилган тўрт шаклдан таркиб топган. Таълим олиш экологиясининг кераклилиги учун йўналишлар:

- озиқлантириш интуицияси, ҳиссиёт, тасаввур, ҳислар ҳақидаги тушунча, таълим олиш, синтез қилиш қобилиятларини аналитик ва рационал дунёнинг тенг ва бир-бирини тўлдирувчи аъзолари сифатида кўриш;
- текширишлар томонидан маъқулланган (Селби, 1995, 36ф-бет) шахсий кучайиш ва альтруистик қарашларга сабаб бўладиган ўзаро муносабат қуриш
- ўқувчиларга ижобий синф хонаси шароитини яратиб, уларнинг кадр-қимматлари, нуқтаи-назарлари ва фикрлашларини аниқлаш учун ёрдам бериш;
- ўзаро муносабат, қатнашиш ва синф хонаси демократиясини кучайтириш;
- ҳамжихатлик ва ўзаро ҳурмат ҳисларини ривожлантирган ҳолда ўзаро боғлиқлик

тушунчасининг маъносини ўқувчилар ўртасида кучайтириш.

Амалда, бу нарса ривожланиш ва яхшиланиш маъносида ўз ичига глобал таълим олимларини қамраб олади:

- мулоқот, музокара олиб бориш, келишув қидириш, нуқтаи-назарларни бўлишиш ва қарор қабул қилиш учун турли хил гуруҳлар ўртасидаги мунозараларни қамраб олади;
- яхши муносабатлар ўрнатиш ва ёшларга таълим бериш программалари;
- турли хил сиймоларга кириш, ўрганиш машғулоти ва бундан ташқари, ҳурматни ривожлантириш учун фантазия ва тасаввур қобилиятларини кучайтириш ҳамда *inter alia*, ҳиссиётлар, кадр-қимматнинг аниқланиши, фикр юритиш ва муаммоларни ечиш қобилиятларини ривожлантириш.

Ўқитувчилар учун глобал таълим тизими машғулотларини ўргатувчи кўплаб дарсликлар мавжуд (мисол учун, Пайк/Селби, 1988, 1995, 1999, 2000; Селби 1995 ларни кўриб чиқинг). Немис тилида ҳам глобал таълим тизими машғулоти ҳақида дарслик тайёрланмоқда (Разенов/Селби таҳрири остида). 2-жадвал глобал таълим бўлаклари бўлган билим, қобилиятлар ва хулқдан келиб чиққан тўрт турли шаклни тасвирлайди. Жадваллар чарчатадиган эмас. Устунлар ўртасида ва улар ичида катта масофалар мавжуд, шу билан бирга кўплаб қисмлар бир неча жойларда ишлатилиши мумкин. Умид қиламизки, бу жадвал ўзгарувчан глобал таълим тизимининг керакли жиҳатлари ҳақида тушуниш ва келажакда қўллаш осон бўлган билим беради.

ГЛОБАЛ МАКТАБ САРИ

Менинг сўнги маслаҳатим шуки, глобал таълим, худди шу иш бошида айтилганидек, нафақат синф хонаси, балки мактаблардаги бошқарув, иш олиб бориш тизими, муносабатлар, қарор қабул қилиш жараёнлари ва жамият ўртасидаги муносабатларга ҳам катта таъсир қилади. Глобал таълимнинг жиҳатлари ва унинг қарашларини ҳар бир мактабнинг иш жараёнида индивидуал ва гуруҳлараро муносабатларда ишлатиш фойдадан ҳоли эмасдир. Биз глобал мактабнинг қай ҳолда бўлишини ўзимиздан сўрашимиз лозим. Онтарио Грин Скул олиб борган изланишлар (1993-1996) бу ерда келтирилган моделни ўзларининг мактабларини ўзгартириш ишларида қўлладилар. Онтариодаги етти турли мактаб орасида бу лойиҳани олиб боровчилар ва ўқитувчилар, ўқитмайдиган мактаб ишчилари, ўқувчилар, ота-оналар ва жамият вакилларининг уч йил олиб борган ишларига кўра, бу нарса мактабларда саккизта аҳамиятга лойиқ жиҳатни юзага келтирди (Селби, 2000; Пайк/Селби таҳрири остида):

- Мактаб тенглик, тинчлик ва ижтимоий ҳамда атроф-муҳит тенглиги сари ўқитиш ишларини олиб боради;
- Мактаб қатнашиш демократияси принципларига риоя қилади;
- Мактаб бутун юракдан атроф-муҳит жавобгарлигини ўз бўйнига олади;

	АСОСИЙ ФИКРЛАР	БИЛИМ	ҚОБИЛИЯТ	МУНОСАБАТЛАР
Фазовий шакл	Ўзаро боғлиқлик Ўзаро қарамлик Маҳаллий <-> глобал системалар	Маҳаллий/глобал апокалар ва боғлиқликларнинг Глобал системасининг Система табиийлиги ва функциясининг Билим соҳалари ўртасидаги боғланишларнинг Инсониятнинг ва бошқа жонзодларнинг умумий эҳтиёжларининг Комил инсон бўлиб етишишнинг	Боғлиқликка асосланиб фикр критиш (боғланишларни ва намуналарни кўра олиш) Систематик фикрлаш (система ўзгаришининг таъсирларини тушуниш) Бир-бирига бўлган муносабатлар Ҳамкорлик қилиш	Ўзгарувчанликка мослашув Ўрганишга ва бошқаларни ўргатишга бўлган хоҳиш Жамоа аъзоси сифатида ишлашга ўрганиш Умумий яхшилиқни тушуниш Бошқалар ва уларнинг муаммоларига ҳамдардлик
Масала шакли	Инсоний/маҳаллий/глобал масалалар Масалалар орасидаги ўзаро муносабатлар Масалалар истиқболлари Умумий маънавий кадр – қийматлар	Танқидий масалалар, шахслар орасидагидан тортиб глобал даражагача Масалаларнинг, ҳодисаларнинг ва бошқа боғланишлар орасидаги муносабатларнинг Масалалар истиқболларнинг Истиқболлар шаклларининг	Изланиш ва талаб қилиш Информацияни баҳолаш, жамлаш ва тақдим этиш Боғланишларни анализ қилиш Мустақил қарор қабул қилиш	Масалаларга, ўзгаришга ва глобал шароитга бўлган синчковлик Бошқа истиқболлар ва фикрларни қабул ва имтиҳон қилиш Бошқа одмаларга ва урф- одатларга бўлган муносабат ва хурмат Кенг қабул қилинган инсон кадр-қийматларини аниқлаш (инсон ҳуқуқлари)
Вақт шакли	Интерактив вақт фазалари Келажак альтернативаси Актив фуқаролик Ўзгариш	Ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасидаги муносабатларнинг Турли келажакларнинг, яъни рўйбга чиқадиган, чиқиши мумкин бўлган ва танланган Мустақкам ривожланишнинг Ҳаракатга бўлган мойилликнинг, шахслар орасидагидан тортиб глобал даражагача	Ўзгариш ва аминсизликни уддалаш Экстраполяция ва тахмин қилишни ўрганиш Ижодий фикрлаш Муаммоларни ҳал этиш Мустақил қарор қабул қилиш	Тушунмовчилик ва аминсизликка бўлган сабр Узоқни кўра олишга тайёргарлик Интуиция ва тасаввур эта олиш Шахсий ҳатти-ҳаракатларига жавобгарлик (зўрликсиз)
Ички шакл	Ўрганишга ички сەҳнат Ўзлик тушунчаси Инсоний имкониятлар Шахсий ўсиш	Ўзлик - заифлиги, кучлипи ва потенциалларининг Ўзликнинг истиқболлари, кадр- қийматимиз ва дунё қарашимиз Ҳатти-ҳаракатларнинг ва ёрқин эътиқодларнинг бир- бирига номутаносиблиги	Шахсий тасвир ва анализ Шахсий ўсиш, яъни, жисмоний, руҳий, ҳиссий ва ақлий Ўрганишга мослашув (турли хил йўлларбилан ва турли хил контекстда ўрганиш)	Шахсий имконият ва қобилиятга бўлган ишонч Ўрганишни бутун умр бўладиган жараён деб билиш Баркамоллик – ҳақиқий инсон бўлиб етишиш Ўрганишга бўлган таваккални олиш Ишонч

- Мактаб бир хилликка ҳаракат қилган ҳолда фарқлиқликни хурмат қилади;
- Мактаб тез ўзгарувчан дунё билан ҳамқадам бўлиш учун ўқитиш ишларини олиб боради;
- Мактаб ҳар бир шахс кадр-қиммати, ижобий муносабатлар ва хавфсиз мактаб ҳолати сари иш олиб боради;
- Мактаб соғлом ҳаёт шакли ва муносабатларини ривожлантиради;
- Мактаб принциплар ва уларнинг амалда қўлланиши ўртасидаги муносабатни кадрлайди.

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ ВА МИЛЛИЙ ҲАЗЛИК: МАЪНОНИ ҚИДИРИШ ЙЎЛИДА

Глобал таълим тизимини қиёсий даражада ўрганувчи ҳар бир фан учун энг катта қийинчилик – шу билан бирга глобал диалог учун тўсиқ ҳам – бу атаманинг ўзида ётади. Биринчи ўринда, *глобал таълим* универсал эмасдир; Шимолий Америкада жуда кенг қўлланишига қарамай, дунёда бошқа шунга ўхшаш таълим тизимларига ҳам худди шундай маънода қаралади, уларга ривожланиш таълим тизими, ривожланиш учун таълим, таълимдаги глобал нуқтаи-назарлар, маданиятлараро таълим ва дунё таълими (Пайк, 1997; К. А. Тай, 1999).

Иккинчи ўринда, бу ўхшаш тушунчаларнинг маънолари бир хил белгиланган бўлса ҳам, катта фарқларга эга. Баъзилари учун глобал таълим ўқувчилар глобал бозор мусобақасида яхшироқ қатнашишлари учун уларга кенгроқ географик нуқтаи-назарлар бериш эквивалентидир. Бошқалар учун эса у берилган маълумот, тузилиш ва ўқитиш мақсадларини ва шу билан бирга сайёравий кўринишда таълимнинг ўзгарувчан назарини қайта баҳолашнинг фундаментал бирлигидир. (Е. О'Салливан, 1996). Бу бир-биридан узоқ тушунчалар орасида ҳам жуда кўп қарашлар мавжуд. Глобал таълим тизимининг бу кўп шакли, кўп мақсадли потенциали ўз номенклатурасида идеологик жиҳатдан қарши бўлган ислохотларга эга бўлиб, энг катта қараш қийинчилиги юрагида жойлашгандир, у ҳам бўлса маъно масаласи.

Фаллан (1991) Шимолий Америкадаги таълимий реформаларнинг инкирозга учраши ҳақида гапирар экан, янгиликнинг маъноси катта аҳамиятга эга, чунки одамлар катта аҳамиятга эга ва унинг муваффақиятга эришиши ёки инкирозга учраши одамларнинг унга қай ҳолда – индивидуал ёки гуруҳлар – жавоб беришларига боғлиқ. (46-бет). Маънони қидириш ҳозирги глобал таълим тадқиқотларида бош ўринда турган масаладир. Баъзи тарафдорлар (Кейс, 1991; Дагган ва Торп, 1986; Хитер, 1980) фикрига кўра, глобал таълим тизимини янада чуқурроқ англаб етиш уни ишлатиш ва ривожлантириш учун йўл очиб беради. Бошқалар (Меррифилд, 1993; Тай ва Тай, 1992) тўлиқ қаршилиққа эга бўлмай, глобал таълим тизимини керакли даражада тушуниш уни ишлатиш ҳамда “систематик ва бўлишилган қарашлар”дан (Меррифилд, 1993, 28-бет) келиб чиқади деб фикр билдиришган.

Бошқача қилиб айтганда, глобал таълим тизими маъноси фақатгина назарий тушунчаларнинг ўзидан эмас, балки қисман уни амалда қўллашдан келиб чиқади. Бу фикр Такер (1990)нинг “китоблар эмас, балки ўқитувчилар глобал таълим тизими маданиятини тарқатувчилар ҳисобланади” (114-бет) деган фикри билан бир қаторда туради. Шунга қарамай, жуда кўп ўқитувчилар учун глобал таълим тизимини тушунтириш ёки унинг нима учун кераклигини билдириш катта муаммони юзага келтиради (Пайк, 1997).

Шундай экан, глобал таълим тизимини амалда қўллаш иккита катта муаммога дуч келади: (а) маъновий мураккаблик – ва ойдинлик камлиги – назарий жиҳатдан ва (б) қатнашувчиларнинг маънони қидириш йўлидаги янгиликлар билан боғлиқ қийинчиликлар. Бу икки муаммо шу жиҳатдан муҳимдирки, ўқитувчиларнинг фикр юритиши ҳақида олиб борилган изланишлар кўрсатганидек (Калдерхед, 1987; Кларк ва Йингер, 1987; Олсон, 1988) маъно амалда қўллашни шакллантиради. Ўқитувчилар тушунчасининг қай даражада чуқурлиги уларнинг қай тарзда ўқитишини белгилайди.

Ўтган бир неча йиллар мобайнида мен текширишлар ўтказиб ҳамда Канада, АҚШ ва Буюк Британиялик глобал таълим тизими борасида иш олиб бораётган энг машҳур 120та одамлар билан суҳбатлашиб, маъно масаласида ойдинлик киритишга ҳаракат қилдим. (Пайк, 1997). Бу мақолада мен шу текширишлар ва суҳбатлардан келиб чиққан равишда миллий маданият қай даражада глобал таълим тизими маъноси масаласига ойдинлик киритиши мумкинлиги ҳақида фикр юритаман.

УМУМИЙ ҲОЯЛАР

Маънонинг қай шаклда ривожланишини келтиришдан аввал глобал таълим тизимига қайси ҳоаялар боғланганини кўриш лозим. Уч мамлакат синф хоналарида тажриба орттирган одам нуқтаи-назаридан, глобал таълим тизими характеристикалари бир нечта кенг тушунчаларни қамраб олади. Уларнинг асосийси глобал системадаги барча инсонларнинг ўзаро боалиқлигидир. Бу нарса, одатда, бир мамлакатдаги ўқувчилар ва дунёнинг бошқа чеккаларидаги инсонлар

ҳамда атроф-муҳит ўртасидаги боғлиқлик шаклида тушунилади. *Боалиқлик*, кенгроқ маънода, бошқа бир асосий тушунчадир. Баъзан инсониятнинг универсал қобилиятларини бўлишилганлиги, баъзан эса билим, жадвалда турган фанлар, мактабда ўқишнинг аҳамияти ҳамда одамлар ва уларнинг табиати жиҳатидан ишлаб чиқилади.

Нуктаи назар ҳам икки жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. *Глобал* нуктаи-назарга бўлган талаб уч давлатнинг барчасида марказий аҳамият касб этади. У одатда ички қарашлар, фикрлар ҳамда ўқувчиларга ўзларининг маҳаллий ҳамда миллий фикрлаш қобилиятларидан четга чиқишга ёрдам бериш учун ишлатиладиган тушунча сифатида тушунилади. Унга яқин тушунча *кўп* қарашлар тушунчасидир: қарор қабул қилишдан аввал турли тушунча ва қарашларни кўриб чиқиш қобилиятининг таълимий аҳамияти. Умумий тушунчаларнинг мавжудлиги, албатта, улар барча шу соҳа инсонлари томонидан ишлатилади деган маънони билдирмайди. Дунёқараш, фикрлаш ва аҳамиятдаги фарқлар маънодаги кичик, лекин аҳамиятга лойиқ фарқларга олиб келади.

Худди шунга ўхшаб, *кўп*лаб шу соҳа инсонлари глобал таълим тизимининг дунё ҳақидаги билимлардан четга чиқиб, қобилиятлар ва ривожланиш ҳақида маълумот бериш мақсадига эга деб тушунадилар. Шунга қарамай, бу давлатлар орасида глобал таълим тизимида билим, қобилиятлар ва қарашлар фарқланади.

МИЛЛИЙ АЖРАЛИБ ТУРИШ

Бу уч давлатларда тажриба олиб борувчилар орасидаги умумий ғоялар умумий маънода олинган. Глобал таълим тизимининг “катта ғоялари” ва унинг таълимий ислохот сифатидаги бош мақсади улардан келиб чиқади. Лекин, шунга қарамай, ҳар бир давлат ҳақида ўтказилган таҳлил, назарий ва амалий жиҳатдан уларнинг бир-бирларидан миллий ажралиб туриш жиҳатидан фарқланишини кўрсатади. Бу нарса, айниқса, Америкалик олимлар тушунчасининг Британия ва Канада олимлари тушунчаларидан (улар бир-бирига нисбатан яқинроқ) фарқланишини кўрсатади.

Албатта, ҳар бир таълимий жараёни миллий характеристика жиҳатидан фарқлаш *кўп*лаб муаммоларга эгадир. Шу билан бирга бу давлатларда мен суҳбатлашган ўқитувчиларнинг фикрлаш ва иш олиб боришлари ягона глобал таълим тизими моделини яратиб бера олмайди. Аммо, шунга қарамай, глобал таълим адабиёти ва синф хоналаридаги амалиётдан керакли келишув юзага келади ва у шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат ичида фарқли жиҳатлар бўлишига қарамай, умумий жиҳатлар йиғилиб, миллий ажралиб туришнинг жиҳатларини юзага келтиради.

Мамлакатлар ва умумий қизиқишлар

Бундай ажралиб туриш ҳар бир давлатга глобал таълим йўналишлари ихтисослиги берилиши орқали тасдиқланиши мумкин. Британия ва канадалик тажриба олиб борувчилар инсонлар ва глобал системалар ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапиришни маъқул кўришса, америкалик ўқитувчилар глобал таълим тизимини аниқ

мамлакатлар ва маданиятлар бирлашувини ўрганиш сифатида тушунадилар. Америка Қўшма Штатларида глобал таълим тизими ҳақидаги тушунчалар ёш америкаликларнинг бошқалардан ажралиб қолганликлари ва бошқа мамлакатлар ҳақида жуда кам билимга эга бўлганликлари туфайли камчиликларга сабаб бўлади. Америка маданияти одатда ўзининг ичидаги мураккабликларни ҳисобга олмаган ҳолда бошқа маданиятларнинг ўхшашликлари ва фарқлари кўриб чиқиладиган нарса сифатида тушунилади. АҚШнинг глобал системадаги иқтисодий ва сиёсий аҳамияти глобал таълимда қатнашиш учун умумий мотивацияни юзага келтиради.

Канадалик ва британиялик тажриба олиб борган инсонлар ўзларининг миллатлари ҳақида жуда кам тўхталиб ўтадилар. Глобал таълим уларнинг назарларида сайёрадаги барча одамларнинг қизиқишлари сифатида кўрилади. Миллий ривожланишдан кўра шахсий ўсишга кўпроқ аҳамият берилади, шу билан бирга шахсий ва дунёвий соғлиқ ўртасидаги динамик ўзаро боғлиқликка ҳам керакли аҳамият ажратилади. Тажриба олиб борувчилар бойроқ миллатда яшовчиларнинг оғир шароитларда яшаётган инсонларга нисбатан ахлоқий жавобгарлиги борлигини кўрсатиб ўтадилар. Ўз навбатида бу фарқлар АҚШда мамлакатлар ва маданиятларни ва маданий фарқ ҳамда ўхшашликларни ўрганиш сифатида бўлса, Канада ва Буюк Британияда глобал масалалар ва мавзуларга асосий эътибор қаратилганлиги сабабли яққол кўринади. Бу кейинги икки давлатда маданий таққослашларга жуда кам эътибор берилади.

Тушуниш ва иш олиб бориш

Шу билан биргаликда бу фарқлар бу давлатлардан келиб чиққан адабиётларда ҳам кўринади. Ламининг (1990) фикрига қараганда, *кўп*лаб америкалик ўқитувчилар, унинг “жамоавий” глобал таълими категориясига тушар экан. Бу тажриба олиб борувчи инсонларнинг интернационал қарашлари ва реформист, аммо радикал бўлмаган мақсадлари, уларнинг турли маданиятлар ва миллатлар ўртасидаги тушуниш ва ҳамжиҳатликни глобал таълим орқали ошириш ҳамда америкалик ўқувчиларнинг қарашларини кенгайтиришга қаратилган (Авери ва Гамрадт, 1991). *Кўп*лаб тажриба олиб борувчилар содиқ бўлган мафкура, Ламининг фикрига қараганда, Ганвининг (1976) жуда катта таъсирига олиб борилиши мумкин (Меррифилд, 1992), унинг глобал таълимининг беш шакли “дунёнинг шаклини ўзгартиришга чақирмайди” (Лами, 1990, 53 бет). Ганви қарор қабул қилиш ёки иш олиб боришдан кўра тушунишни кўпайтиришга кўпроқ аҳамият беради. У глобал боғлиқликлар ва ҳолатлар ҳақидаги ахлоқий ва этик қарорлар қабул қилишдан қочади.

*Кўп*лаб америкалик тажриба олиб борувчилар назарида дунё ва ундаги инсонлар ҳақидаги билим ўқувчилар учун энг асосий мақсаддир. Синф хоналарида зиддиятли масалаларни муҳокама қилишдан қочилади; ва у ерда кадр-қиммат, этика ёки ахлоқ масалалари ҳақида саволлар кўтарилиб чиқилади, ўқитувчи учун Шукар (1993)нинг “баланс” ўрнига яқин бўлган жой маслаҳат берилади.

Британиялик ва канадалик тажриба олиб борувчи одамлар ўртасида глобал таълим интегратив кўринишда тушунилади; ҳозиргача мактабларда боғлиқ бўлмаган масалаларни синтез қилиш қуроли сифатида. Шундай қилиб, ўқитувчи томонидан атроф-муҳит программалари, муаммоларни ечиш ва ўзликни тушунишга қаратилган амалий ишлар, жинс ва миллат тенгсизликлари ҳақидаги масалалар, ҳамда ривожланаётган дунёдаги камбағаллик, очарчилик ва соғлиқ каби масалалар ҳақида тушунчани кенгайтиришга қаратилган ишлар олиб борилади. Адабиётлар ҳам глобал таълимни интеграциялашувчи куч сифатида кўради (Грейг, Пайк ва Селби, 1987; Лёнс, 1992; Стейнер, 1996), бу икки давлатда чиқарилган ўқитувчиларнинг дарсликлари ҳам ўз вақтида кенг маънога эга ижтимоий ва глобал масалалар, уларнинг ўқувчиларнинг қатнашиши ва иш олиб боришига аҳамият билдириши ҳамда шу билан биргаликда тушунчани кенгайтиришга қаратилган ишлар ҳақида маълумотларга эга (Фишер ва Хикс, 1985; МакДениел ва Петри; Пайк ва Селби 1988, 1999).

Британия ва Канада адабиётларидаги янада кўпроқ радикал иш олиб боришга қаратилган мақсадлар (Хед, 1994; Хакл, 1996; Тох, 1993) Лами томонидан қайси “утопиялик” қолганига қараб синфлаштирилган, бу нарса эса, унинг фикрига қараганда, Америка мактабларида муҳим аҳамият касб этмайди. Америкалик тажриба олиб борувчилар томонидан глобал таълим тизимига режага асосланган (асосан ижтимоий таълим майдонидан) фан сифатида қаралади ва ўзаро боғлиқлик, маданий қарашлар ҳамда глобал системалар каби асосий масалаларга аҳамият берилади ҳамда, асосан, дунё мамлакатлари ва жойлари ҳақида ўрганишга эътибор қаратилади. Глобал масалалар кўпинча маълум бир мамлакат ёки регион нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади.

Гоявий фарқлар

Табиат ва глобал таълим тизими ҳақидаги бу фарқли қарашларнинг тагида катта гоявий хилма-хиллик ётгандай кўринади. Жавоб фарқланиш тушунчасига қайси нуқтаи назардан қараш орқали топилади. Америкалик тажриба олиб борувчи инсонлар учун маданий фарқлар ва ўхшашликларни ўрганиш кун тартибидаги бош масаладир, шунинг учун улар синф хонасида уйғунлик ва ўхшашликка катта эътибор берадилар: “Биз фарқлидан кўра кўпроқ ўхшашмиз”. Уларнинг бош йўналишлари умумий инсоний эҳтиёжлар ва интилишлар ҳамда санъат, таомлар, мода, адабиёт ва диннинг маданий институтларига қаратилган. Британиялик ва канадалик тажриба олиб борувчилар эса инсонлар ўртасидаги фарқларни бойлик ва камбағаллик, куч ва босқинчилик, тинчлик ва муаммолар, инсон ҳуқуқлари, ҳақсизлик ҳамда тенгсизлик каби ижтимоий ва сиёсий масалалар жиҳатидан кўрсатадилар.

Шундай қилиб, учала давлатдаги тажриба олиб борувчи инсонлар “одамлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақида” ўхшаш қарашлар билдиришларига қарамай, уларнинг турли қараш ва аҳамият берувчи жойлари турли ички тушунчалар ва кадр-қимматлар ҳақида дарак беради. Универсаллик ва ўхшашликка эътибор бериш орқали америкалик

тажриба олиб борувчилар глобал тенгсизликлар ҳақида танқидий анализга аҳамият беришлари лозим эмас ва бу орқали Жонсон (1993) “тарихий либерализм”га қиёслаган гарбий фикрлаш келиб чиқади. Ижтимоий-сиёсий фарқланишга аҳамият бериш учун британиялик ва канадалик тажриба олиб борувчилар камроқ аҳамиятга эга бўлган маданий ва ижтимоий муносабатлар ва шахсий ҳамда сиёсий ўзгаришларга қақирувчи муаммоларга тўла дунё ҳақидаги масалаларга аҳамият берадилар.

Канада-Британия ўртасидаги тафовутлар

Канада ва Британия йўналишлари кўп жиҳатдан ўхшаш бўлишига қарамай (Канада глобал таълим тизими бошланғич даврида Америка ва Британия тизимларидан ўсиб чиққанлигига қарамай) баъзи миллий ажралиб туриш хусусиятлари аниқланиши мумкин. Буюк Британиядаги глобал таълим тизими олимлар томонидан ўқитиш ва ўрганишга режада катта эътибор бериб қаралади деб тушунилади (Валлиами, 1992; Валлиами ва Вебб, 1993). Худди шундай қарашлар “бой жараён ва камбағал маъно”га эга бўлган адабиётлар ҳақида ҳам юритилади (Листер, 1987, 59 бет). Шу билан бирга глобал таълим тизимининг у билан боғлиқ бўлган “таълимлар”, айниқса ривожланиш, атроф-муҳит, инсон ҳуқуқлари, кўп маданиятли ҳамда тинчлик таълимлари ҳақида ҳам кўп фикр юритилади (Грейг, Пайк ва Селби, 1987; Хикс, 1981; Стейнер, 1996).

Канадалик тажриба олиб борувчилар ўртасидаги глобал таълим тизими ҳақидаги қарашларнинг хилма-хиллиги (Пайк, 1996) ҳамда бу борадаги танқидий мунозараларнинг камлигининг (Б. Ў. Салливан, 1995) ўзи ҳам алоҳида ажралиб турадиган жиҳатдир. Шунга қарамай глобал таълим тизимининг “ахлоқий жараён” сифатида тушунилиши умумий жиҳатдир (Дарлинг, 2 бет). Бу нарса кўпгина тажриба олиб борувчи инсонларнинг ишларида яққол кўринади ва ҳамма инсонларга нисбатан мулоимлик ва эътибордан бошлаб таълим орқали ижтимоий ва глобал ўзгаришларга бўлган содиқлик юзасидан кўзга ташланади. Бу нарса Закарианинг (1989, 1993) инсонларнинг тарих ва урф-одатларга бўлган ҳурмати Канадани кўп миллатли жамият қилади деган фикрларидан Тохнинг (1993, 12 бет) янада радикал бўлган “глобал саводхонликнинг ўзгарувчан парадигмаси” ҳақидаги фикрларигача ўз ўрнини топган.

МАЪНОНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Ҳар бир давлатдаги глобал таълим тизими ҳақидаги характеристикалардан бошлаб ҳар бир синф хонасида тажриба олиб бораётган инсонларнинг қарашларигача бўлган кучли боғлиқликдан келиб чиққан равишда шуни айтиш лозимки, бу нарсаларнинг кейингиси илгаригисидан таъсир кўради. Лекин менинг олиб борган изланишларим бу нарсанинг жуда кам учрашини кўрсатади, шунга қарамай қандайдир даражада таъсир борлиги кўзга ташланади (Пайк, 1997). Бу тушунча ўқитувчиларнинг қай тарзда фикрлаши ҳақида олиб борилган ишларда ҳам исботланмаган. Бу нарса шуни кўрсатадики, ҳар қандай янгилик узоқ изланишлар ва текширишлардан

ҳамда ўқитувчиларнинг билимлари ва олиб борган ишлари билан солиштирилгандан сўнггина аҳамият касб эта олиш имкониятига эга бўлади (Калдерхед, 1987; Олсон ва Итон, 1987; Шон, 1987).

Аслини олганда, тажриба олиб борувчи инсонлар томонидан маънонинг келиб чиқишини аниқлаш жуда кўп омиллар билан боғланади ва уларнинг марказида икки маданият ўртасидаги динамик боғлиқлик ётади: у ҳам бўлса ўқитувчи ва мактаб орасидаги муносабатдир. Ҳар бир маданиятнинг ўзи ҳам жуда кўп омиллардан таъсир кўради, уларга шахсий тушунчалар ва мавжуд таассуротлар, маҳаллий билим ва ресурсларнинг мавжудлиги, маънога эга бўлган профессионал тараққиёт, бошқарув тармоқларининг ёрдами ҳамда жамоанинг қатнашиши каби омиллар киради (Пайк, 1997).

Мактаб ва ўқитувчи маданиятининг ўқитувчиларнинг глобал таълим маданиятини тушунишларига таъсири кўп жиҳатдан бошқа таълимий янгилликлар ва ўқитувчиларнинг тушунчаларига боғлиқ. Шунга қарамай бу изланиш ишларининг ҳеч бири бу уч давлатда тажриба олиб борувчи инсонларнинг йўналишлари ва тушунчаларига тўлиқ тушунтириш бера олмайди. Шу билан бирга у қандай қилиб бу икки йўналиш ўртасида бу даражада яқин параллелликнинг мавжуд бўлишини тушунтириб бера олмайди. Менинг фикрим шуки, бу муаммо жавобининг катта қисми йўқдир, у ҳам бўлса миллий маданиятнинг таъсири бўлиб, у ҳам тажриба олиб борувчи инсонларга, ҳам бу фикрни ёқлайдиган инсонларга жамиятнинг макро кўринишида маданиятни йўналтирувчи кучдир.

Бу каби тушунча Алгернинг (1986) глобал таълим ҳақида "таълим учун йўл тўсаятган миллий чегаранинг олиб ташланиши керак" деган фикрига қаршиликни вужудга келтиради. (257-бет). Албатта, ҳар ерда мавжуд бўлган ўзаро боғлиқликка бўлган аҳамият, бошқа маданиятлар қарашларини ҳисобга олиш, универсал глобал муаммоларни мунозара қилиш глобал таълим тизими ўрганувчиларига уларнинг миллий чегараларидан узоқда бўлган тушунчаларга нуқтаи-назарларини қаратишга имконият яратади. Худди шунга ўхшаб глобализациянинг назарий ва амалий кўринишларининг уч давлат ичида ўсиши кузатилмоқда (К. А. Тай, 1999).

Шунга қарамай, йўналишлардаги катта фарқлар ҳали ҳам мавжуд. Умумий мақсадлар ва риторик тушунчаларнинг ўхшашлигига қарамай, глобал таълимнинг *асл кўриниши* – адабиётлардаги қараш ва тушунчалар, синф хоналарда аҳамият бериладиган нарсалар, мафкура ва кадр-қиммат тизимлари – фарқли бўлиб сақланади. Менинг фикримча, бундай фарқлар глобал таълим тизими миллий маданиятининг мураккаб масалаларга бўлган таъсирига боғлиқдир ва бу йўналишлар орқали глобал таълим тизими олимлари ўз муаммоларига ечим топиш йўлини қидирадилар.

ТАЪСИР ШАКЛИ

Глобализациянинг ўсиш даврида миллий маданият тушунчаси баъзи муаммолар туғдиради. Андерсоннинг (1990, 21 бет) иқтисодий, сиёсий ва маданий маънолардаги "Америка жамиятининг глобализацияси"

ҳар қандай миллат маданиятининг бир жинсли кўринишининг камайиб, шу вақтнинг ўзида бошқа маданиятлар билан умумийлигининг ортининг аксидир. Шунга қарамай, ўсиб бораётган "глобал маданият" тушунчаси – индивидуал маданиятларнинг барибир вақти келиб ўз ажралиб туриш хусусиятларини йўқотиши – Жонсон (1993) айтиб ўтгандай, бу боғланишнинг фақатгина бир тушунчасидир.

Гиртз (1973) каби маданий муфассаллик қарашини қабул қиладиган инсонлар фикрига кўра, инсонлар "туғалланмаган ҳайвонлар" бўлиб, улар ўзларини маданий жиҳатдан иш олиб бориш орқали тўлдирдилар. Маданият ҳақидаги бундай қараш глобализациянинг жамиятларга нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бўлган таъсири рад этмайди. Аслини олганда, у шахсий ўзлик даражасида баъзи маданий жабҳалар тус олади деган ҳақиқатни тан олади. Бу тушунчага кўра, миллий маданият глобал ҳаёт ичига аралашиб кетмайди, чунки маданият бу бирор инсоннинг тегишлилиги ҳақидаги тушунчадир: "одамларнинг сиз нима дейишингиз ҳақида эмас, балки сиз нима ўйлашингиз ҳақидаги илиқ тушунчалари" (Игнатъевф, 1993, 7-бет). Миллий маданиятлар худди кўп маданиятли жамиятлардагидек қўшилиши мумкин ва бу жараён тушунчалар ва амалий ишларнинг қандайдир маънода умумийлашишига олиб келади, лекин ҳар бир маданиятнинг баъзи фундаментал тушунчалари сақланиб қолади.

Маданият ҳақидаги бу тушунча орқали миллатчиликнинг қандай қилиб маданий идеал бўлишини тушуниш мумкин – "эркаклар ва аёллар ўртасида кўп ўхшашликлар бўлгани билан миллат уларни тегишлиликнинг асосий кўриниши билан таъминлайди" (Игнатъевф, 1993, 3-бет) – бу нарса глобализациянинг динамик кучлари орасида гуллаб-яшнайдир. Бундан сўнг Канада, Буюк Британия ва АҚШ каби давлатларда ўз бошланиш ўрнини топган жамиятлардаги "миллий маданият ҳақида гапирсак, бу тушунча маданий парадокс шаклини олади. Бу нарса олдиндан ўз ўрнига эга бўлган ёки катта оқимга эга маданият – "ахлоқни бошқариш имкониятини яратадиган тасвирий шакллардан ташкил топган тушунча" (Гиртз, 1973, 52-бет) – бу нарса эса инсонларнинг асосий тегишлилик тушунчасидан ташкил топган ва ҳали ҳам ривожланиб боради.

Шу билан бирга кичик аҳамиятга эга бўлган маданиятлар ҳам мавжуд (улар одатда регионал ёки этник жиҳатдан ташкил топади, масалан Квебек ёки баъзи иммигрантлар гуруҳларига ўхшаб). Уларнинг ҳар бири алоҳида, лекин катта оқимга эга маданият билан алоқада ва уларнинг ҳар бири инсонларнинг тегишлилик ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш учун хизмат қилади. Вақт ўтиши билан, албатта, шахсларнинг тегишлилик ҳисси кичик аҳамиятга эга бўлган маданиятдан катта оқим маданияти томон сурилиши мумкин ва бу нарса кўпинча шахснинг кейинги маданият фарқларини қабул қилиши орқали кечади. Бу йўллар орқали маданиятлар ўсади ва ўзгаради. Бу тушунчага кўра, миллий маданият ҳар вақт жамиятдаги катта оқим маданияти тушунчасини ривожлантирадиган кучдир. У қандайдир маънода кичик аҳамиятга эга бўлган маданиятларни ҳисобга олмайди, уларни ўзгаришларга сабаб бўладиган доимий куч сифатида тушунишига қарамайди.

Менинг гипотезем шуки, миллий маданият тажриба олиб борувчи инсонлар учун глобал таълим тизими маъносини аниқлашга умумий имконият яратиб беради. Албатта, миллий маданият изоляция кўринишида ўз таъсирини бермайди; у ўқитувчи ва ўқувчилар маданиятлари билан биргаликда иш олиб боради. Ўқитувчиларнинг тушунчаси ҳақида олиб борилган изланиш ишлари тушунишнинг катта аҳамиятга эга эканлигини исботлади. Олсоннинг (1980) фикрига кўра, "маънонинг маданиятга боғлиқлиги" (4-бет) ўқитувчининг иш олиб бориш жараёнидаги шахсий фикрлари уларнинг ўзлари тегишли бўлган маданият ҳақидаги тушунчаларининг акс-садосидир (Олсон, 1988).

Фулланнинг (1993) фикрига кўра, мактаб маданияти ўқитувчиларнинг ҳар бир янгилик ҳақида қай тарзда тушунча беришларига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бошқаларнинг таъкидлашларича (Гампльтон 1993; Зекнер, Табакник ва Денсмор, 1987), мактаб маданияти ўз ҳолича ташкил топмайди, балки ўзи ҳам кенгроқ жамият катта- маданияти ичида бўлади.


Ўзларининг "экологик заковат" тушунчаларида Йингер ва Хендрикс-Ли (1993, 102- бет), ўқитувчиларнинг қай ҳолда фикр қилиши ва иш олиб боришини турли нуқтаи-назарлардан кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг фикрича, билим фақатгина инсоннинг шахсий билимлари эмас, балки шахс муомалага киришадиган маданий, жисмоний, ижтимоий, тарихий ва шахсий тизимлардан катта таъсир олади. Бу тушунчага кўра, ўқитувчиларнинг ишлаш билимлари вақт орқали "интерактив суҳбатлар" (112-бет) устига қурилгандир, бу нарса эса кўп тизимларни янги маънолар, муносабатлар ва қарорлар шаклланишига олиб келадиган диалектик жараёндир.

Кун давомида ишлаш жараёнини ташкил қилиш учун (1993) мен глобал таълим тизимида тажриба олиб борувчи инсонларнинг ривожланишига сабаб бўладиган кўп таъсирларни модель кўринишида тасвирлайман (1-шакл). Бу моделда глобализация кучлари маданиятнинг ҳар бир кўринишида ўз таъсирларини қолдиради. Бу гипотеза глобал таълим тизими бутун моделлари ҳақида маълумот берадиган тизим ёрдамида тузилган (Грейг, Пайк ва Селби, 1989; Кнейп ва Мартин-Кнейп, 1995). Унга кўра замонавий дунёда икки йўналишли чизиқлар нафақат давлатлар ва глобал системалар орасида, балки тўғридан-тўғри инсонлар, ижтимоий ташкилотлар ва глобал тизимлар ўртасида иш олиб боради. Худди шу маънода глобал таълим тизими мавжудлиги бу тушунчанинг исботидир.

Глобал система жараёнлари туфайли келиб чиқадиган глобализациянинг таъсири ҳақидаги олимларнинг тушунчалари ўқитувчи ва мактаб устига қурилган йўналишларнинг ўқувчиларнинг бу тизимларни тушунишлари ва унда қатнашишларининг ўсишига олиб келди. Бу йўл орқали индивидлар ва ташкилотлар глобализациянинг ўзига янада катта ҳисса қўшмоқдалар (кўп маданиятли ва умуммиллий боғлиқликлар орқали ҳамда билим ва фикрлар алмашинувининг ўсиши орқали). Глобал таълим тизими глобал ўзгаришга нисбатан ҳам жавоб, ҳам олдини оладиган тушунчадир.

Худди шунингдек, миллий маданият ҳам институционал ҳамда индивидуал маданиятларга ўзаро ўзгарувчан боғлиқликлар орқали таъсир кўрсатади, ҳам улар орқали шаклланади. Миллий маданият ичида шаклланган кадр-қимматлар шакли ва

1-ШАКЛ. ТАЖРИБА ОЛИБ БОРАДИГАН ИНСОНЛАРНИНГ МАЪНОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА КЎРАДИГАН ТАЪСИРЛАРИ ШАКЛИ



бошқариш механизмлари таълимнинг асосий мақсадлари ва амалиётларини ва шу билан бирга ўқитувчилар ва мактаблар функцияларини белгилайдиган қуролдир. Бу нарсага Б. Б. Тай (1990) "мактабнинг чуқур тузилиши" сифатида қарайди (36-бет). Шу билан бирга индивидуал ўқитувчилар ва мактаблар миллий маданиятга таъсир кўрсатадиган ишларни олиб бормоқдалар.

Шундай қилиб, ҳар бир давлатда олимлар томонидан глобал таълим тизими тушунчаси қандайдир маънода маданий шаклни тушуниш орқали амалга ошади ва шу билан биргаликда мактабларда глобал таълимнинг ишлатилиши шу шаклга ўз таъсирини кўрсатади. Маданиятнинг ҳар бир даражаси, албатта, худди моделда кўрсатилгандек, кўплаб асосий омиллардан тузилган.

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ОЛДИДАГИ МУАММОЛАР

Бу шакл глобал таълим тизими маъносига бироз ёруғлик киритади. Шу билан бирга тизим тушунчаси шуни кўрсатадики, ҳар қандай йўналишдаги ўқитувчининг фикрлаши доимо ҳар уч даражадаги маданий таъсирлардан ҳамда глобализация таъсиридан ахборот топади, бир неча бошқа таълимий янгиликлар тажриба олиб борувчи инсонлардан ўзларининг ҳаётларига нисбатан бўлган бу таъсирларни *онгли тушунишларини* талаб қилади. Бошқа сўз билан айтганда, янгиликларга жавоб бериш учун ўқитувчилар одатда шахсий ва мактабга боғлиқ бўлган факторларни ўлчайдилар (Дойл ва Пондер, 1977-78); жуда кам ҳоллардагина улар миллий ва глобал кучлар билан ҳисоблашадилар. Шунинг учун мен шуни таъкид қиламанки, глобал таълим тизими маъносини топиш қийинчиликлари қисман ўқитувчилар иш олиб бориладиган маданий йўналишлар орқали аниқлаш имконияти бўлмаган таълимий янгиликларни тушунмаслик орқали келиб чиқади.

Глобал таълим тизимини, айниқса янада бутунроқ моделларни тушуниш "миллий чегаранинг олиб ташланишидан" (Алгер, 1986) кўпроқ нарсани талаб қилади; у "йўналишлар остонаси"ни (Ҳ. Брукс, 1987, Бекер, 1990 да келтирилган) нафақат ўқувчилар, ўқитувчилар ва мактаблар эҳтиёжларини, балки одамларнинг мамлакатлари, бошқа одамлар ва мавжудотлар ҳамда сайёрада истиқомат қиладиган барча мавжудотларнинг эҳтиёжларини бош ўринга қўядиган майдонни кесиб ўтишни талаб қилади. Бу нарса, албатта, нафақат таълим, балки миллий ва глобал фуқаролик масалаларини тегишли кенроқ муаммолар ҳақидаги шахсий муносабат ва тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бу нарса "ахлоқий энтерпрайз шаклидаги глобал таълим" (Дарлинг, 2-бет) бўлиб, унда ўқитувчиларнинг ўзларининг амалиётлари ҳақидаги тушунчалари глобал этика ва таълимнинг ахлоқий маъноси ҳақидаги тушунчаларнинг ривожланишига олиб келади. Бу йўл орқали тажриба ўтказувчи Зекнер ва Листон (1987) аксадонинг уч даражаси ичида энг юқори даражада иш олиб бордилар ва унда уларнинг маънавий ва ахлоқий тушунчалари амалиёт ҳақидаги

тушунчаларига сабаб бўлади. Г. Хандал (1990, Дэй, 1993 да келтирилган) Норвегияда топганидек ва Дэй (1993) исботлаганидек, Англияда бу даражада ўзлари олиб борган ишлари ҳақида гапиришга ўрганишмаган. Жуда кўп вақтлари энг паст даражада иш олиб бориш билан ўтади, бу нарса эса белгиланган яқунга эришиш учун энг лойиқ йўналишларни қидиришдир.

Шундай экан, глобал таълим тизими ўқитувчиларнинг ўзлари учун жуда мураккаб бўлган даражаларда иш олиб боришларини талаб қилади. Тажриба олиб борувчи инсонлар олдида турган энг катта масалалардан бири глобал таълим тизими томонидан мактабларга миллий ўзликни шакллантириш вазифаси қўйилганлигидан келиб чиқади. Кўп олимларнинг ёзишича (Гудсон, 1990; Хитер, 1980; К. А. Тай, 1999), мактаб жадвали кўп вақт мобайнида миллий кадр-қимматларни юксалтириш йўлида ишлатилган. Ўзининг глобал тизимлар ва глобализациянинг таъсири ҳақидаги таҳлили орқали, глобал таълим тизими ошувчи ўзаро боғлиқлик ва миллатларнинг камаювчи кучи билан белгиланган дунёда бу муаммога дуч келади. Кўпинча шу нарса ҳақида мунозаралар борадики, бирор мамлакатни тўлиқ тушуниш учун шу мамлакатнинг глобал тизимдаги ўрни ва бошқа жойларда қилинган қарорларнинг унга бўлган таъсири ҳақида маълумотга эга бўлиш талаб қилинади. Инсоннинг ўзлиги ва фуқаролиги бундан сўнг фақатгина битта миллат чегаралари билангина эмас, балки глобал тизимнинг турли чеккаларидан келадиган таъсирлар орқали шаклланади (Селби, 1994).

Шунга қарамай, менинг олиб борган изланишларим шуни кўрсатадики, глобал таълим тизимининг ўзи ҳам аниқ миллий характеристикалардан таъсир олади. Бошқа сўз билан айтганда, тажриба олиб борувчи инсонларнинг глобализация кучлари ҳақидаги тушунчалари ва уларга нисбатан жавоблари маълум маданий тушунчалар ва дунёқарашларнинг оқибатидир. Шу маънода глобал таълим тизими ҳаракати таълим глобализацияси ҳақида маълумот бермайди; у янада кўпроқ глобал марказлаштирилган миллий таълим моделлари ривожини кўрсатади.

Балки шу ерда тажриба олиб борувчи инсонларнинг глобал таълим тизими маъносини қидиришларига жавоб бордир. Бир тарафдан, улар синф хоналарида ўргатадиган асосий тушунчалар дунёни бошқа-бошқа миллатлар шаклида кўришни қай даражада муҳимлигини савол остига олади. Бошқа тарафдан эса, улар ўзларининг "интеракцион суҳбатлар"ини оладиган маданий тизимлар миллатлар ва инсонлар ажралиб турадиган нарсалар сифатида кўриладиган тушунчаларга олиб келади. Игнатъевфга кўра (Аблей, 1994 да келтирилган), бу парадокс глобал таълим тизимини ўргатувчи одамларгагина чегараланмаган: Глобал қишлоқ ҳақидаги бу ҳамма сафсата гаплар осонгина қилиб тушунтириладиган бўлса, инсонлар глобал қишлоқларда яшамаганлиги сабабли сохтадир: улар ўз тилларида ва ўз маданиятларида яшайдилар. (7-бет)

Глобал тизимнинг сиёсий ва иқтисодий ҳолатидан қатъий назар, миллатлар ва маданиятлар одамларни уларнинг асосий тегишлилик ҳисси билан таъминлайди, кенгайиш орқали таълим тизимларига катта куч билан таъсир этишда давом этади. Агар

чуқур маънода глобал таълим тизимининг маъноси топиладиган бўлса, навбатда турган масалалар тажриба олиб борувчи инсонларнинг нафақат жадваллари, балки тушунчаларидан ҳам "миллий чегараларни олиб ташлаш"нинг ижодкор йўлларини топишдан ибратдир.

УМУМИЙЛИК БЕЛГИСИ. РАДИКАЛ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ВА УНИНГ ГЛОБАЛ ВА МУҲИТ ТАЪЛИМИДА ИШЛАТИЛИШИ. ДЭВИД СЭЛБИ.

Муҳит ва глобал таълим ҳамма нарса ҳамма нарсага боғлиқ ва янада чуқурроқ даражада, ҳамма нарса, ҳамма нарсаларнинг ичига киритилганини билдирадиган радикал ўзаро боғлиқликни қамраб олмагунимизча, жиддий равишда таъсир қилмайди.

Мен беш ва ўн ешлар орасида, 1950-ларда, мен Нортхайкхем қишлоғида яшар эдим, у Линкольн шаҳридан бир неча миля нари эди, Линкольншайр водийсида, Англия. Ботқоққа етиб боришимиз учун биз Гринлэйн деб номланувчи йўлдан тушиб боришимиз керак эди. Гринлэйндан тушиб бориш, табиатга қизиқадиган ҳар бир бола учун ажойиботлар дунёсига кириш билан тенг бўлар эди. Қиш пайтлари, ботқоқ музлар эди, ва унинг устидан милялаб тойиб юриш, хайвонларнинг изларини кузатиш, бир қулоқ билан эса музининг қисирлашини эшитиб, музининг нозик жойига келиб қолганлигимизни ва орқага қайтиш керак эканлигини аниқлаш мумкин эди. Муз устидан юриш ҳаётга хавфли эди деб бўлмайди – фақат ботқоқ ва каналларда сув милядан миляга футгача чуқурлашиб борар эди. Муз остига тушиб кетиш жуда совуқ ва нохуш бўлар эди, лекин анчагина қизиқарли ҳам эди. Баҳор ва ёзда ботқоқ катта еввойи боғга айланар эди, унда ажойиб номли гуллар бўлар эди.

Мен кун ортидан кун, бахтли кунларимни гулларни қидириш ва ҳар йиллик гербарийни гулнинг биринчи очилган кунидан белгилаб олиб бориш билан кечираар эдим. Ҳар йили биз қушларнинг баҳорда келиши ва кузда учиб кетишини кузатар эдик. Биз юмронқозоқларнинг инларини, тулкининг уясини, ва бошқа хайвонларнинг уяларини билар эдик.

1980-ларнинг бошларида мен болаларнинг ушбу ажойиботлар масканини, болалигимнинг энг бахтли вақтларини кечирган жойни кўришлари учун олиб бордим. Гринлэйн асосий йўлга айланган эди.

Картезиан ўйлаш тарзидан келиб чиқадиган дуализм (масалан: инсон-хайвон, ақл-бадан, эркак-аёл, биз-улар, ички-ташқи, субъект-объект, сабаб-эмоция, рух-материя, маданият-табиат, ўқитувчи-ўрганувчи) ҳамда гигимоник ўйлаш ғарб онгида чуқур ўрнашган ғарб маданиятининг асосий оқимида бўлган ва мавжуд бир ёки иккита дуализмларга қарши либерал ва трансформатив таълимчилар курашишига чорлайдиган гигимоник ахлоқ ва тузилмаларни ташкил этамиз.

Эркак-аёл, ақл-бадан, сабаб-эмоция, субъект-объект кабилар масалан патриархиянинг устун ҳисобланади (Пламвуд, 1993, 43).

Механик онга жавоб сифатида глобал ва муҳит таълими.

Ўзининг энг трансформатив ифодаларида, глобал ва муҳит таълими механизм ва редукционизмга нисбатан бир-бирини инobatга олувчи таълимий маданиятлар сифатида кўрилиши мумкин, чунки улар таълимларни мустамлака қилиб олганлар, ва ягона парадигманинг таълимий ифодалари сифатида ҳам кўрилиши мумкин (Сэлби, 1999, 2000 а). Бу кўлинча рамзий маънода биллиард шарлари ва ВЭБ моделлари мисолида кўрсатилади. Биллиард шарлари модели – биллиард столида жойлашган бир йиғим шарлар мисолида – айрилганлик, ножипслик ва нарсаларнинг ички тузилма ва динамикасига таъсир қилмайдиган нарсалараро ташқи алоқа шаклларини кўрсатиш учун ишлатилади (Зохар, 1990, 81). Таълимда бу модел ўз ифодасини санъат ва фанлар, алоҳида предметлар, баҳолаш тизими, индивидуаллашган ўрганиш, ким ўқитувчи ва ким ўқувчи эканлигининг қатъий айрилишини ва мактаб билан жамият ўртасидаги фарқларда топади (Грэйг, Пайк ва Сэлби, 1989, 18-24).

Трансформатив глобал ва муҳит таълимчилари биллиард шарлари модели метафораси билан ВЭБ модели метафорасини солиштирдилар. Сўнгиси, экологик ва квантум (субатомик)фанлардан қуйидагиларни қамраб оладиган кўринади:

- Ҳамма нарса динамик равишда ҳамма нарсага боғланган ва алоқадордир.
- Ҳеч нарса тўлиқ равишда бошқа нарсадан алоҳида ҳолатда тушунилмайди
- Аниқланиш кўп қиррали тушунча бўлиб, у жуда муҳим узоқ-яқин контекстуал элементга згадир.
- Бир жойда рўй берган нарса оз ёки кўп равишда бошқа жойга таъсир қилади
- Маҳаллий миқёсда содир бўладиган нарсалар глобал феномен ҳисобланади ва глобал ҳодисанинг белгиси маҳаллий миқёсда маълум бўлади.


Турли глобал мавзулар – муҳит, ривожланиш, соғлиқ, тинчлик, ҳуқуқлар – ўзаро боғлангандир

Мровицнинг (1972, 156) кўрсатишича:

Замонавий экология нуқтаи назаридан олиб қаралганида...индивидуалларнинг реалистлиги проблематикдир, чунки улар шахсан мавжуд эмасдир, улар фақат сайёравий энергия оқимида маҳаллий мавжудотлар сифатида мавжуддир...Масалан сув оқимидаги сув айланмасини тасаввур қилинг. Сув айланмаси, доимо алмашадиган сув молекулаларидан ташкил топган структурадир. У классик ғарб тасаввурларида бир мавжудот сифатида мавжуд эмасдир: у фақат сув оқими борлиги учун мавжуддир. Агар оқим тўхтаса, сув айланмаси тугайди. Худди шундай қилиб, борлиқларнинг биологик структураларидан ташқаридаги бирликлар, доимий эмас, ва доимо алмашиниб турадиган ва шакл билан тизимини белгилаш учун доимий энергия оқимига муҳтождир.

Муҳит файласуфи Холмс Ролстоннинг қуйидаги ифодалари (1975, 122) қояли тоғларнинг ёввойи кўли бўйида туриб айтилган:

Менин терим ушбу кўлнинг юзасига ўхшамайдими? Кўл ҳам, у ҳам мустақил мавжуд эмасдирлар. Инлет дарёси сувлари ушбу юзага қуйилиб, ҳозирда менинг ичимдадир...Шимолий Инлет дарёси сувлари, менин




қон айланиш системам, адабийроқ қилиб айтганда буни қанчалик яқин тушунсак, бу ҳақиқатни қабул қиламиз. Ушбу кўлдан ўтадиган қуёш энергияларни мен тартиб оламан. Ҳеч ким озод яшамайди...

Борлиқлар – биз билан бирга – янги физика ва янги экологияга асосан энергиянинг моментал конфигурацияларидир. Биз маълумликка айланамиз, фақатгина борлиқнинг мукамалроқ тартибига ўтиш учун (биз уни маълум бир даражада тарк этмаймиз). Биз ҳамма нарса келиб чиқадиган ва ҳамма нарса қайтадиган мевали йўқлиқнинг эфемерал ифодасимиз (Циммерман 1988, 22). Дэвид Бом реаллиқнинг бу концепциясини ақл билан материя ўртасидаги ёпилаётган Картезиан кўприк шаклида кўради.

Шундай қилиб, борлиқнинг чуқурроқ бўлган учинчи даражасида, ВЭБ метафорасининг қониқмаган жойида, биз нарсаларни динамик пайдо бўлишнинг ифодаси сифатида, умумийлиқнинг борлиқ ва айланиши сифатида тасаввур қилишимиз керак. Биз бирликларни – ўзимизни, ҳайвонларни, қояларни, миллат ва давлатларни, сиёсий гуруҳларни – бирламчи равишда предмет сифатида эмас, балки аввалам бор рақс жараёнлари сифатида тасаввур қилишимиз керак. Бу даражадаги феномен, бу ички ва ташқи алоқаларнинг кўп даражали ва кўп кенгайишли рақсининг ўзаро инobatга олдирувчи маълумлигидир. Глобал ва муҳит таълимчилари рақс метафорасини қамраб олишлари керақдир.

Индивидуализм, Ўзлик, Альтруизм, Нарциссизм ҳақида.

Бундай радикал ўзаро боғлиқлик тушунчаси, бизга шуни кўришга ёрдам берадики, индивидуал сўзи ҳозирги замонда бир оз умумийлашиб, алоҳида эркак ёки аёлни билдиради. Аслида унинг маъноси «Умумийликдан ажралмаган одам», бойлик ва ягоналик чуқур боғлиқликдан келиб чиқишини тушунишдан келиб чиқадиган маъно бўлган, биз ер билан қанчалик аниқ боғлиқ бўлсак, шунчалик парадоксал равишда биз апоҳида ва ажралган бўламиз.



Дэвид Стейндл Ратнинг айтишича, (Капра ва Стейндл Раст 1992, 102) «Дўстингни қанчалик кўп билсанг, шунчалик ўша дўстни билинмайдиган деб биласан». Боғлиқлик қанча кўп бўлса, сирлик шунча кўп бўлади.

Борлиқнинг учинчи даражасини ва унинг рақс метафорасини қамраб олсак, биз ўзликнинг кескин равишда ўзгача тушунчасига борамиз. Рақснинг маъноси шундаки, дунё бизнинг ичимиздадир, ва қандайдир ажойиб тарада биз дунёнинг ичидамиз. Бунга Австралиялик муҳитшунос Пол Сид «биз рақсга тушаётган қоялармиз» деганида қисман назарда тутган, ҳамда ўрмоннинг кесилиши, бармоғининг йўқотилиши билан қиёслаган.

Детерминистик (аниқланишли) дунёда табиатни олдиндан айтиш мумкин, у бизнинг иродамиздан таъсирланган ички предметдир. Агар табиатда муқаррарсизлик асосий элемент сифатида мавжуд бўлса, биз буни ҳурмат қилишимиз керак, чунки биз нима бўлишини олдиндан айтаолмаймиз. (397 бет.)

Ғарб тасаввури табиатни аниқланишли деб кўриб келади. Лекин келинг табиатни ноаниқланишли ва номуқаррар деб олиб қарайлик. Биринчиси, биз инсон ақлининг ички дунёси билан табиатнинг ташқи дунёсини бирга олиб келамиз. Биз Декартнинг ақл – табиат ажратишини тўнтарамиз.

Иккинчиси, олдиндан айта олиш ёки назорат қилиш қобилиятимизнинг пастлигини тан олганимизда, биз табиатга нисбатан кўпроқ ҳурмат, иззат, ва муносабат кўрсатишимизга имкон бўлади. Номуқаррарлиқни қамраб олиш ва қайғуриш ҳиссини ишлаб чиқариш орасида яқин боғлиқлик мавжуддир. «Назорат эмас, ҳурмат» деб чорлаганида, Пригогин (1989, 399) қуйидагиларни ёзади:

Биз хабардор бўлишимиз керакки, бизнинг билимимиз сайёранинг чекланган панжарачасидир, муқаррарсизлик туфайли, биз сайёрани тўлиқ билиш истагидан воз кечишимиз керак.

Муқаррарсизлик ва радикал ўзаро боғлиқлик ҳам ўзаро доимий рақсдадирлар. Қачонки табиат, дунё, аниқ бир муҳитий ёки ижтимоий вазият дисэквилибриум томон

яқинлашса, эквилибриумнинг янги даражасига олиб чиқиш учун керакли бўлган кучларнинг турлиги шунча кенгайди (Капра 1996, 181). Қачонки вазият статик ва сувлашиб бораётган ҳолга келса, ВЭБ ва рақс динамизмни янгилаш учун тайёрдирлар. Биз агар ҳамма нарса доимий балансда бўлганида биз анча камроқ боғланган дунёга эга бўлишимиз мумкинлиги ҳақида муҳокама қилишимиз мумкин.

Буларнинг ҳаммаси, менимча, “баланс” атрофида айланиб юрувчи глобал ва муҳит таълимчилари ҳақида хавотирланишга сабаб бўлиши мумкин. Улар тартибда бўлмаган бу дунёда, умуман тенг бўлмаган кучлар орасида қандай балансни назарда тутмоқдалар? Агар умумий мақсад трансформация бўлса, баланс тўғри объективлик ҳисобланармикин?

Радикал Ўзаро боғлиқликнинг Таълимий Қўлланилиши.

Шундай қилиб, радикал ўзаро боғлиқлик ёки рақс, глобал ва муҳит таълимчиларига нимани билдириши керак?

Радикал ўзаро боғлиқлик бизнинг муҳит таълими маҳаллий миқёсда фокуслашганлигини олға сурувчилар ва глобал фокусга чорлаётганлар орасидаги дебатга нисбатан “ҳамда/ва” ёндошувини “ёки/ёки” ёндошувига нисбатан олишимизни назарда тутди.

Дэвид Орт, мадху Пракаш ва бошқалар жойга-асосланган муҳит таълимига чорлайдилар ва муҳит таълимини тажрибамиздан ташқарида ва билимимизнинг ортида эканлигини билдирадидлар. Пракаш (1994, 51) музокара қилишча, биз дунёни статистика даражасига тушурмагунимизча биласолмаймиз, чунки у жуда катта. Орт (1992, 131) музокара қилишча, биз фақат ҳақиқатдан ҳам яқин бўлган нарсанинг қадрига борамиз, лекин у жой-марказлашув таълимини «кенгайтирувчи» бўла олишини тан олади.

Тэодор Росакнинг айтишича (1992, 45,63) планетар ва ижтимоий соғлиққа қайтиш, табиий индустриализм ва 17-аср механистик фани ҳамда психика орасидаги дихотомияни ажратаолмагунимизча қийин бўлади. У айтади:

Бизнинг тезлашаётган саноат цивилизациямиз қилиши керак бўладиган ўзгаришлар, агар биз сайёрани соғлом қилиб сақлаш истагида бўлсак, сабаб ёки фактнинг таъсири сифатида келмайди. Аксинча, улар психологик трансформация йўли орқали келади. Факт ва шакллар, сабаб ва мантиқ бизнинг ҳозирги йўлимиздаги хатоларимизни кўрсатади: улар биз йўл қўяётган рискларни ҳам ажрата олиши мумкин. Аммо улар мотивация қилиш қобилиятига эга эмаслар. Улар яшашнинг яхшироқ йўлини кўрсата олмайди.

Ўзлик табиати ҳақида сўнги сўз сифатида, мен шуни айтар эдимки, биз ҳаётга ўлимни олиб келамиз. Ўлимни рад этиш, балким бизнинг планетар кризисимиздаги энг асосий аспектлардан биридир. Биз ўлимсизликнинг кўринишини ташкил этиш учун сотиб оламиз, итсеъмол қиламиз, қаерларгадир шошиламиз.

Агар биз мактаб ёшидаги ёки катта ёшдаги ўрганувчининг ўзларини энергия оқими билан бир даражада кўришларини истасак, қўлланилиш тартиби ҳақида тўхталиб ўтишимиз тўғри ҳисобланар эди. Ўлим ва туғилиш цикллари экологик перспективаларга жуда яқин бўлган тушунчадир.

Радикал ўзаро-боғлиқлик билишнинг кўп-кенгайишли йўлларида чорлайди.

Трансформатив глобал, муҳитий ва ягона таълимчилар сабаб, фикрлаш, таҳлил ва объективлик устидан бўлган маълумотлардан ўрганишда олдинга чиқиб олган эдилар (Рассэл ва Бэлл 1996, Сэлби 1996). ВЭБ метафорасидан илҳомланиб, улар интуиция, синтез, субъективликни бўлиб бериш, ҳамда билишнинг тенг йўллари сифатида қабул қилиниш ҳақида бўлган алоқадор ҳис томон чорландилар. Лекин балким, устун бўлмиш маданият туфайли, биз бу ғояларни қилишимиз мумкин бўлган ишонч билан олға сурмадик. Рақс метафораси эмоцияларнинг диққатли қайта кўрилиши, субъективлик, физикавий ҳис, интуиция, эмпатия, қайғуриш ва қиёслаш, севги ҳамда билишнинг омили сифатида алоқавий ва руҳий ҳисга чорлайди (Рассэл ва Бэлл 1996, Миллер 1993, 2000, Сэлби 1996).

Билишнинг кўп-кенгайишли йўллари қидирганда, келинг мен компьютерлар ҳақида бир нарсани айтмай. Биз кўпинча, Компьютерлар бизни дунё билан боғлайди деймиз. Бир адвокатнинг айтишича, (Максвелл 1999) :“Келинг компьютерларни ҳамма уйларга ва ҳамма синфхоналарига ўрнатайлик...ҳамда барча ёшдаги, жинсдаги ва ирқдаги канадаликларни бошқа дунё билан боғлайлик.”. Шунини тан олиш муҳимки, компьютерлар бизга боғланишнинг ғойибона шакллари тақриф этишади ва у физикавий алоқани рад этади, эмоцияларни тор призмагача торайтиради ва бизни бошқалар билан ва ташқари билан алоқа қилишимизни чеклайди, ҳамда руҳиятни инobatга олмайди (Максвелл1999). Радикал ўзаро боғлиқлик КОМ-ўрганиш жамиятига қарши чиқишига тўғри келмоқда. Компьютерларнинг ўз фойдаси борлигидан ташқари билишимиз керакки, улар бизни табиатдан ажратишда энг сўнги техника кашфиётларидир. Биз уларни қандай бўлсалар, шундай кўришимиз керак: ўз фойдаси бор машиналар. Улар одам билан табиатни боғлайдиган тирик алоқаларнинг ўрнини боса олмайди.

- Радикал тан олмаслик – ўзлари билан “бошқалар” ўртасида мустаҳкам чегаралар ва максимум фарқларни ўрнатиш.
- Хомогенез ёки стереотип – “бошқалар” орасидаги характеристика, мотивация, тенденция, ўзгариш, ва перспективалар орасидаги фарқни тан олмаслик ёки инobatга олмаслик.
- Муҳим қилмаслик – “бошқаларга” боғлиқликни рад этиш.
- Инкорпоратив муносабат – фақат ўзларига нисбатан аниқланиш. “бошқалар” нинг қийматининг яратилиши, мотивациясини тан олмаслик.
- Инструментлаш – “бошқалар” да фойдали бўлганлардан ташқари барча қийматларни тан олмаслик.

Радикал ўзаро боғлиқлик бизнинг қандай қилиб таълимий ўзгаришларни киритишимиз ҳақида қайта ўйлаб чиқишимизни назарда тутди.

Бизнинг ўзгаришларга ёндошувимиз, механизм даражасига келган. Биз ҳатто мумкин бўлмаган ўзгариш фокусларига ҳам ўтдик. Ўзгариш қисқа қилиб айтганда, эффеktiv бўлиш учун ягона бўлиши керак. Биз учратган ундовлар, глобал ва муҳит таълими чегарасида бўлиб, асосий деб билинган ягона ва кўп-қиррали ўзгариш инициативаларни ўрнатишнинг йўлидир, агар биз ҳали ҳам таълимий институтларга урғу берсак ва экологик принцип ва ўзгариш жараёнларига содиқ қолсак.

СЎНГИ СЎЗ

Радикал дегани, нарсаларнинг ўзагига боради. Биз ўзимиздан ислохот ёки трансформация атрофида юрганлигимиз ҳақида савол беришимиз керак. Биз аниқлашимиз керак, бизнинг мақсадимиз давом этишми, ёки атрофида юришми. Ганс Кристиан Андерсоннинг «Кийимсиз Қирол» эртагининг тўлдирилган шаклида, Дуглас Адамс *Hitchhiker's Guide to the Galaxy* (1979, 119) китобида ёзади:

Нарсаларнинг ҳар доим нима бўлиб кўринса ўша нарса бўлмаслиги мумкинлиги жуда муҳим машхур фактдир. Масалан, одам ҳар доим ўзини дельфинлардан ақллироқ бўлганини айтиб келган, чунки у шунча кўп нарсаларга эришган – гилдирак, Нью Йорк, уруш ва ҳоказо – дельфинлар эса доим сувда ўйнаб вақтларини яхши ўтказиш билан овора эдилар. Лекин аксинча, дельфинлар ҳам ўзларини одамдан ақллироқ деб билар эдилар – айнан худди шундай сабабдан.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБЛАРИДА
ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ ДАРСЛАРИ**











МУНДАРИЖА

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ:

XXI АСР УЧУН МУНОСИБ ТАЪЛИМ

Таълим олишнинг ижтимоий муносиблиги ва болага нисбатан дўстоналикни ошириш	3
Таълим эҳтиёжлари, таълим олиш ҳуқуқи	6
Глобал таълим: XXI аср учун муносиб таълим	7
Глобал таълимни интеграция орқали тадбиқ этиш	13

МАРКАЗИДА ИНСОН ТУРГАН САЙЁРА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАРГА

ЭГА БЎЛГАН ҲАҚИДА ТИЗИМИ

Глобал ўрганиш	15
Тўлиқ куч	16
Ўз фикрларини билдира олиш имконияти энг муҳим йўналишдир	18
Мақсад ҳақида ўрганиш, мақсад учун ўрганиш ва мақсад орқали ўрганиш	18
Глобал тушунчани ўрганиш	19
Дунёни тушуниш учун ўрганиш	20
Менинг ўғлим, менинг ўғлим	20
Хафа қилинган бўри.	21
Фарқлилиқни баҳолаш, тенгликни ривожлантириш	22
Тасаввурий ва амалий мақсадларни англаш.	23
Тез суръатда ўзгараётган дунёда ўрганиш.	24
Мактаб учун	26
Умумий ўрганиш: мақсад ва вазифалари.	26

ЙИГИРМА БИРИНЧИ АСР УЧУН ТАЪЛИМ ОЛИШ

Глобал таълим мақсадлари	28
Билим мақсадлари	28
Шахсий	28
Тизимлар	29
Тараққиёт	29
Атроф-муҳит	29
Тинчлик ва низолар	29
Ҳуқуқ ва мажбуриятлар	30
Альтернатив қарашлар	30
Қобилиятлар мўлжалли	30
Ахборотни бошқариш	30
Шахсий ўсиш	31
Инсонлараро	31
Тўғри қарор қабул қилиш	31
Тасвирлай олиш	31
Муносабатлар мақсади	32
Ижобий шахсият	32
Бошқаларни қадрлаш	32
Одиллик ва ҳуқуқларга ҳурмат	32
Ноаниқликка бардош	32

Ижодкорлик учун имконият	32
Жаҳон ҳақида ўйлаш	32
Расмларни боғлаш	35
Баҳолаш	36
Мақсад ва йўналишлар	37
Глобал таълим: Мақсадлар ва йўналишлар матрицаси	38
Глобал синф курсларнинг йўналиши ва ритми ўрганиш усуллари.	41

КУРСЛАРНИНГ РИТМИ

49

ГЛОБАЛ ҲАҚИДА ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

54

КИРИШ ВА СУРЪАТНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ ҲАҚИДА ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

56

Асал Анджела	56
Бу машғулотларнинг манбалари	56
Тетиклантирувчи жисмоний машқлар	56
Белгиларни боғлаш	57
Умумийликларни топиш	57
Овозларни ўхшатиш	57
Бу машғулотларнинг манбалари	57
Ишончли ҳосил қилувчи машғулотлар	57
Ўтирган ҳолатдаги доира	57
Ишончли қулаш	57
Бу машғулотларнинг манбалари	57
Шахсни излаш.	58
Гуруҳ ҳамкорлигини оширувчи машғулотлар	59
Гуруҳ машиналари	59
Ўзини тасвирлаш	59
Қунгабоқар	61
ҲИСЛАР КАРТА ҲАҚИДА ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	63
РИВОЖЛАНТИРИШ	63
Баҳслашув	64
Олмос жойлашуви	64
Чизмалар	65
Саволга ёндашиш	66
Жумлага ёндашиш	67
Ички айланалар	67
МАҲОРАТЛАР МУНДАРИЖАСИ	71

ТАЖРИБАГА АСОСЛАНГАН

МАШҒУЛОТЛАР ВА РОЛЛИ ҲАҚИДА ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тугмачалар ўйини	75
	75

Тўққиз нуқтали масала	78	ДЕВИД СЕЛБИ	91
Ҳамкорлик тўртбурчаклари	78	Адаштирувчи ўлчам	92
Ҳамкорлик тўртбурчакларининг		Глобал мактаб сари	97
ёшроқ болалар учун мўлжалланган кўриниши	79	ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК:	
Тўрт қўл Лойида	81	МАЪНОНИ ҚИДИРИШ ЙЎЛИДА	99
Ролли ўйинлар усуллари	81	Умумий гоаялар	99
Шахслар алмашинуви	82	Миллий ажралиб туриш	100
Ролли ўйин вазиятлари	83	Маънонинг келиб чиқиши	101
Ҳуқуқ буйича ролли ўйинлар	84	Таъсир шакли	102
Тропик ўрмон фантазияси	84	Глобал таълим тизими олдидаги муаммолар	104
Тропик ўрмонда	85	Умумийлик Белгиси.	
Савдо ўйини	87	Радикал ўзаро боғлиқлик ва унинг глобал	
Мулоҳазалар ва баҳолаш усуллари	87	ва муҳит таълимида ишлатилиши.	
Кайфият хабарлари	88	Дэвид Сэлби.	105
Бош бармоқ тепага/пастга айланаси	88	СЎНГИ СЎЗ	106
Бир сўзли айлана	89	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	
Қўлларнинг шахсий қопламаси	90	МАКТАБЛАРИДА ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ	
		ДАРСЛАРИ	109

Босишга рухсат этилди 13.12.04. Бичими 60x84 1/8 . Офсет босма усулида босилди. Босма т. 7,25.
Жами 1000 нусха. Буюртма 56.

«Янгийўл Полиграф Сервис» ОАЖ. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44 уй.